

УСМОНХОН АЛИМОВ

# ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ БАРАКОТИ

Имом ал- Бухорий ҳаёти ва ижоди,  
буюк муҳаддис ёдгорлик мажмуи қурилиши  
тарихи ҳамда Ўзбекистонда исломий  
қадриятларнинг тикланиши ҳақида



«Мовароуннаҳр» нашриёти  
«Ўзбекистон милллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти  
Тошкент – 2007 йил

86.38

A50

Алимов, Усмонхон.

Имом ал-Бухорий баракоти: Имом ал-Бухорий ҳаёти ва ижоди, буюк муҳаддис ёдгорлик мажмуи қурилиши тарихи ҳамда Ўзбекистонда испломий қадриятларнинг тикланиши ҳақида/Усмонхон Алимов. – Т.: «Мовароуннахр» нашриёти, 2007 й., «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007 й. – 200 бет.

ББК 86.38 63.3(5У)

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг 2007 йил 20 апрелдаги 419 рақамли тавсияси билан чоп этилди.

Ушбу китобда миллатимиз фахри ва ифтихори бўлган Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди, буюк муҳаддис ёдгорлик мажмуи қурилиши тарихи ҳамда Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Ватанимизда испломий қадриятларнинг тикланиши ҳақида ҳикоя қилинган.

33159  
10 393

20.07

Alisher Navely  
nomidagi

A4428

Alisher Navely

20.07

ISBN 978-9943-07-031-8

© «Мовароуннахр» нашриёти, 2007 й.  
© «Ўзбекистон миллый энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти, 2007 й.

## **ТАРИХНИНГ ОЛТИН ЗАРВАРАФИ**

**БУЮК АЛЛОМАГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ**

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИМОМ  
АЛ-БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИННИНГ ОЧИЛИШИГА  
БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ**

Бисмиллаҳир роҳмонир роҳим.

Ассалому алайкум, азиз ватандошларим!

Муҳтарам мәҳмонлар!

Бугун юртимиз ва ҳалқимиз тарихида ўчмас из қолдира-  
диган муборак ва мунаввар кундир.

Бугун улуғ аждодимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг  
руҳини шод этиш, бобокалонимиз таваллуд топган муқад-  
дас заминда ул зоти шарифнинг хотирасини ёд этиш кунидир.

Ўйлайманки, бу ерда йиғилган жамоат, ал-Бухорийнинг  
мўътабар хокини зиёрат қилиш шарафига мусассар бўлган  
мўмин-мусулмонлар, том маънода баҳтиёрдирлар.

Азиз дўстлар!

Бу каби тантаналарни ўтказишдан кўзланган ният ва  
мақсадларимиз ҳақида, муқаддас қадамжоларни обод қили-  
шимиз сабаблари тўғрисида икки оғиз сўз айтишга ижозат  
бергайсизлар.

Энг аввало, бу ишларни амалга ошириш замирида са-  
воб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб - улуғ инсоний  
фазилат, юксак испломий қадриятлардан биридир. Менинг  
комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак,  
savob ишни ҳар кун қилиш керак.

Савобли амаллар қилиш эса, ҳалқимизга хос азалий  
хислатдир.

Савобли ишларни қилган одамга, унинг элу юртига, ал-  
батта, Аллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас Қуръоний

оятда таъкидланганидек, "Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилиқдир". Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждодларимизнинг иззат-икромини жойига қўйсак, уларнинг табарруқ номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганимизнинг ўзи бизни бало-қазолардан асрайди, бизга куч-кудрат ато этади, йўлимизни очиб беради.

Азиз юртдошларим!

Бир муҳим саволга жавоб излаб кўрайлик: Аллоҳ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради?

Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида саноқли. Биз чексиз шукроналик билан айтамизки, она Ватанимиз Аллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрdir.

Юртнинг муқаддаслиги нима билан белгиланади?

Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасdir. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади.

Қадрли дўстлар!

Нима учун биз келажагимизнинг ёруғ ва фаровон бўлишига қатъий ишонамиз?

Ҳалқимизни, айниқса, ўсиб келаётган навқирон авлодимизни нега айнан шу эътиқод асосида тарбия этмоқдамиз?

Бу мураккаб ва қалтис замонда йўлимизда оғир синов ва тўсиқлар дуч келганда, улар қаршисида чорасиз қолганда, мислсиз машаққатлар ҳолдан тойдирганда ҳам биз куч-қудратни қаердан оламиз?

Энг аввало, Аллоҳ таолонинг бизга кўрсатаётган марҳаматидан оламиз.

Мана шундай вазиятларда бизга метин ирова, сабр-матонат баҳш этадиган буюк ва чексиз яна бир манба бор.

Бу манба – улуғ аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шижоатидир.

Бу манба – ал-Бухорийдек мумтоз боболаримиз даҳосининг ҳаётбаҳш қудратидир.

Бу манба – уларнинг бизга ҳамиша мададкор бўладиган ўлмас руҳи покларидир.

Ана шу ҳақиқат, ана шу эътиқод ватандошларимиз, азиз фарзандларимиз юрагига, онгу шуурига, тафаккурига тобора теран сингиб бормоқда.

Биз комил ишонч билан, Ўзбекистоннинг истиқполи боқий, истиқболи буюк, дер эканмиз, мана шундай мустаҳкам асосларга таянамиз.

Муҳтарам жамоат!

Қадрли меҳмонлар!

Биз мусулмон дунёсининг узвий қисмимиз. Тарихимизнинг энг фожиали, энг оғир даврларида ҳам, мустабид тузум чангалида бўлган пайтимида ҳам, бизни динимиздан айиришга ва унга хиёнат этишга мажбур қилганларида ҳам халқимиз ҳеч қачон ўз исломий эътиқодидан қайтмаган. Болшига қилич келганида ҳам ота-боболарининг муқаддас дини бўлмиш мусулмончиликка ҳамиша содик қолган.

Биз, шиори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори динимизни доимо пок ва соф сақлашга интилиб келганимиз. Ва бу йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил ғаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қиладиган, хайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас-туганмас куч-қудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман.

Азиз биродарларим!

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-иiftixorидир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас иродада, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: "Эй, устозларнинг устози, муҳаддисларнинг сultonи, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!", дея қилган хитоби аҳли исломнинг улуғ бобомизга ҳурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади.

Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи - энг ишончли

ҳадислар тўплами - "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" ислом динида Қуръони каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир.

Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунааввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

Яратганимизга шукурлар бўлсинки, озодлигимиз шарофати билан ал-Бухорийдек улуғ аждодларимиз эл-юрти бағрига қайтмоқда. Алломанинг ўлмас мероси ҳар бир юртдoshimiz хонадонига кириб, онгу тафаккуrimizни равшан этмоқда. Қалбларимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғула-ри билан мусаффо этмоқда.

Муҳтарам биродарларим!

Биз эски тузум, эски мафкура зуғумидан ҳалос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуғ инсонларнинг авлоди эканимизни, қандай бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширидик.

Шулар қаторида озодлигимизнинг дастлабки йиллари даноқ биз И мом ал-Бухорий мақбарасини ул зотнинг шаъншавкатига муносиб, ён-атрофи мунааввар гўшага, зиёратга келган мўмин-мусулмонларга руҳий-маънавий куч ато эта-диган қадамжога айлантиришни ният қилган эдик.

Аллоҳнинг инояти билан эзгу ниятимиз ижобат бўлган шу күтлугу кунда мен бу муассзам ёдгорлик мажмуининг шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки гўзал Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодимизни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолишига ишонаман.

Кейинги йилларда юртимизда қад ростлаётган муҳташам иморат ва иншоатларни бунёд қилишда миллий анъаналаримизга, меъморчилик санъатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос услугуб ва нақшу зийнатларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз кўркига кўрк қўшадиган бундай бетакрор ва кўркам бинолар ҳар бир юртдошимизни мамнун этиши, юрагида ғурур уйғотиши табиийдир.

Истиқлол даврида мана шундай лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда бош бўлиб турганимдан, шу олижаноб ишларга ҳисса қўшиш насиб этганидан кўпчилик қатори мен ҳам бениҳоя мамнунман. Айниқса, ал-Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори бўлганимдан, унинг шу шаклда, шу мазмунда барпо этилишида ҳиссам борлигидан умрим борича фахрланиб юраман.

Бу Аллоҳ таоло олдида, аждодлар руҳи олдида, ҳалқим олдида менинг инсоний бурчим эди.

Бу қутлуғ масканни бунёд этган усталаримизнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга арзиди. Бу улуғвор мажмуя Самарқанду Бухоро, Хиваю Тошкент, Андижону Наманган, Шаҳрисабзу Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган фидойи инсонлар меҳнатининг самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, унинг бунёдкори бутун Ўзбекистондир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу зиёратгоҳни обод қилишда жонбозлик кўрсатган қурувчиларга, қўли гул усталаримизга, моҳир меъморларимизга, шу улуғ обидага ғишт қўйган, нақшу жило билан унга сайқал берган ҳар бир ватандошимизга, улуғ бобомизга эҳтиром билдириб, узоқ-яқиндан юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларга ҳалқим номидан чексиз миннатдорлик изҳор этаман.

**Мұхтарам жамоат!**

Маълумки, Ислом динининг бош ғояси - бу "Лаилаҳа иллаллоҳу Мұхаммадун расулуллоҳ" калимасидир. Мана шу иймон калимасини рўйи заминдаги ҳар бир мусулмон қалбига сингдиришда ал-Бухорий бекиёс жасорат кўрсатди. Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасидан ўчмагай, иншоаллоҳ. Ушбу саодатли дамларда Имом ал-Бухорий бобомизнинг руҳи поклари шод бўлиб, қабрлари нури илоҳийга тўлган бўлсин!

Ул муборак зотнинг пойида дуогўй бўлиб тургандарнинг, бутун ҳалқимизнинг, жамики аҳли исломнинг хайрли ва савобли ишларida Раббимизнинг ўзи мададкор бўлсин<sup>1</sup>!

1998 йил, 23 октябрь

<sup>1</sup> Каримов И. «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз», 7 жилд, 183-бет.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

1997 йил, 29 апрель, N 217

Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий  
тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Ҳадис илмининг равнақига улкан ҳисса қўшган йирик ал-  
лома, буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий илмий-диний  
меросини халқимиз маънавий-руҳий ҳётидаги бекиёс ўрни-  
ни ва мамлакат кенг жамоатчилигининг таклифларини ҳисоб-  
га олиб ҳамда ушбу меросни авайлаш, қадрлаш ва жамият-  
нинг баркамол кишиларини тарбиялашда ундан оқилона  
фойдаланишга шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар  
Маҳкамаси қарор қиласди:

1. 1998 йилда Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-  
қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги мамлакатимизда кенг  
нишонлансан.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича  
республика ташкилий қўмитаси 1-иловага мувофиқ таркиб-  
да тузилсин.

Ташкилий қўмита ўн беш кун муддатда тегишли вазир-  
ликлар ва идоралар, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари  
ҳокимликларининг таклифлари асосида ўз тадбирларини  
ишлаб чиқсин ва уларни бажаришга киришсан.

2. Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий мақбараси  
ва масжидини таъмирлаш ҳамда бу ерда қадимий миллий  
меъморчилик анъаналари билан уйғунлашган замонавий  
иншоотлардан иборат бетакрор муҳташам ёдгорлик мажмуи-  
ни барпо этиш учун лойиҳавий таклифларни тайёрловчи  
комиссия 2-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Комиссия икки ой муддат ичida ЮНЕСКО эксперtlари-  
ни ва халқаро ташкилотларнинг, жумладан, шаҳзода Чарльз

Уэльскийнинг Меъморлик институти ва Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази (Буюк Британия) мутахассисларини жалб қилган ҳолда тегишли таклифларни тайёрласин ва тасдиқлашга киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан биргалиқда мамлакат ҳудудидаги Имом ал-Бухорий номи ва даври билан боғлиқ қадамжолар, обидалар рўйхатини аниқласин ва уларни таъмирлаш-консервациялаш бўйича белгиланган тартибда таклиф тайёрласин.

4. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Имом ал-Бухорий мақбараси мажмуидаги таъмирлаш-қурилиш ишларини 1998 йилнинг август ойигача тугаллашни таъминласин.

«Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси Имом ал-Бухорий мақбараси мажмуидаги янги иншоотлар қурилишини 1998 йилги инвестиция дастурида белгиланган тартибда инобатга олсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ва ЮНЕСКОнинг халқаро тадбирлари доирасида 1998 йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида "Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 1997-1998 йилларда Имом ал-Бухорий асарлари ҳамда унинг ҳаёти ва ижодига оид нашрларни ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларida чоп этишни нашриётларнинг режасига киритсин.

7. "Ўзбеккино" давлат акционерлик компанияси 1998 йилда Имом ал-Бухорий меросининг моҳиятини ва бугунги кундаги аҳамиятини очиб берувчи 2 қисмли ҳужжатли илмий-оммабоп фильм яратсин ва унинг хорижий тилларга дубляж қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган почта маркалари, открыткалар, хатжилдлар чиқарсин.

9. Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари Имом ал-Бухорий ҳаёти ва илмий фалиятини, юбилейга тайёргарликнинг боришини кенг ёритсинлар.

10. Ушбу қарорда кўрсатилган тадбирларни ва ташкилий қўмита тасдиқлайдиган ишларни амалга ошириш харажатлари тенг улушларда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

Бу ишга Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, ҳомийлар, шу жумладан, хорижий ҳомийларнинг ўз улушларини қўшиш ҳақидаги таклиф-истаклари қўллаб-қувватлансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси

И.Каримов.

## **ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ МАЬНАВИЙ ХАЗИНАСИ**

### **ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ЯШАГАН ДАВР**

Бисмиллахир роҳмонир роҳим.

И мом ал-Бухорий, ул кишини Аллоҳ таоло ғарийқи раҳмат, шойистаи жаннат айласин, умрларининг асосий қисми ни ҳижрий III асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтказдилар. Ул зоти шариф ҳижратнинг 194-йили (милодий 810) дунёга келиб, 256-йили (милодий 870) вафот этдилар. Бу даврда Ислом олами Бағдодни ўз салтанатлари учун пойтахт қилиб олган аббосийлар сулоласи ҳукмидаги эди.

И мом ал-Бухорий таваллуд топган вақтларида аббосийлар давлати ўз равнақининг чўққисига чиққан бўлиб, халифа Ҳорун ар-Рашид уни айни шу пайтида тарк этган (яъни, ҳижрий 193-йили оламдан кўз юмган) эди. Мазкур давлат Ҳорун ар-Рашид авлодлари – Ал-Амин (?–813), Ал-Маъмун (786–833), Ал-Мұytасим (795–842) ва Ал-Восиқ (842–846) халифалик қилган даврларда ҳам, aka-ука Ал-Амин ва Ал-Маъмун ўртасида тахт учун бўлиб ўтган урушларга ҳамда давлатда содир бўлган исёнларга қарамай, ўз құдратини йўқотмади.

Халифа Ал-Восиқнинг вафоти (842) дан кейин аббосийлар давлати аста-секин таназзулга учрай бошлайди ва тобора заифлашиб бориб, илгариги шон-шуҳратию, құдратини йўқотади, халифалар ҳокимияти сусайиб, унинг ҳудудида мустақил давлатлар ташкил топади. И мом ал-Бухорий ана шу воқеалар жараёнида қуйидаги халифалар билан бир асрда яшадилар: Ал-Мутаваккил (842–847), Ал-Мунтасир (847–861), Ал-Мустаъийн (861–862), Ал-Мұytazz (862–866), Ал-Мұхтадий (866–869), Ал-Мұтамид (869–870). Юқорида

зикр қилингган халифалардан сўнгиси ҳукмронлик қилган даврда Имом ал-Бухорий оламдан ўтиб, мусулмонлар ўзларининг узоқ муддатли тарихлари давомида етишиб чиқкан уламоларининг энг буюгидан ажраб қолдилар.

Имом ал-Бухорий, аввал куч-қудратга тўлиб, сўнг таназ-зулга юз тутган бир сиёсий даврни бошдан кечирган бўлсалар-да, лекин ислом илмлари ғоятда ривожланиб, бутун ислом оламида, хусусан, Бағдодда кўплаб илмий марказлар вужудга келган бир ажойиб асрда яшаб ўтдилар.

Бу даврда ислом оламида тўрт фиқҳий мазҳаб юзага келиб, қарор топди. Кўпчилик мусулмонлар уларга эргашдилар, Қуръон илмлари, айниқса, тафсир илми тараққий этди. Пайғамбаримиз саллалпоҳу алайҳи ва салламнинг сийратлари, саҳобалар, ислом уламо ва адиллари ҳамда тарихга доир кўплаб китоблар яратилди, араб тилида Қуръони карамига доир тафсиру шарҳлар битилди. Шу билан бирга бу даврда, айниқса, халифа Ал-Маъмун ҳукмронлик қилган йилларда, ўзга ҳалқлар маданиятининг мусулмон оламига таъсири кучли бўлди, уларнинг адibu олимлари битган кўплаб китоблар, жумладан, антик даврда яшаб ўтган юонон олимларининг асарлари араб тилига таржима қилинди.

Ҳадис илми хусусига келсак, улар Имом ал-Бухорий яшаган асрга келибгина ўзининг олтин даврини бошидан кечирди. Имом ал-Бухорий ғайри саҳиҳ ҳадислардан саҳиҳ ҳадисларни ажратиб олиб, китоб тасниф этишни биринчи бўлиб бошлаб берган буюк аллома эдилар. Ул зоти шариф яшаган асрга қадар ҳам ҳадисга доир кўплаб муҳим рисопалар, чунончи, Имом Моликнинг "Ал-Муваттаъ", Имом Аҳмаднинг "Ал-Муснад", Абдуррассоқнинг "Ал-Мусаннаф" ва бошқа асарлар яратилган бўлса-да, уларда саҳиҳ ҳадислар ғайри саҳиҳ ҳадислардан ажратилмаган, яъни аралаш ҳолда берилган эди. Шундай қилиб, бу даврда ҳадису Қуръон ҳофизлари, муҳаддислар ва ҳадис толиблари бафоят кўпайиб, Ислом аҳли муҳаддисларининг энг буюк намояндлари яшаб ўтдилар. Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн ал-Мадийний, Муслим, Ат-Термизий, Ан-Насойи, Ибн Можа, Абу Довуд, Абу Ҳотим, Абу Зуръя ар-Розийийин, Исҳоқ ибн Роҳвайҳ ва бошқалар шулар жумласидандирлар.

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙНИНГ НАСАБЛАРИ

Бу зоти шариф “Амир ул-муъминийн фил-ҳадис” (“Ҳадис илми бобида мўминлар амири”), “Ал-Имом ул-Миқдом” (“Жасур Имом”), “Имом ул-Муҳаддисийн” (“Муҳаддислар имоми”), “Сайид ул-Фуқаҳо” (“Фақиҳлар саййиди”) каби юксак унвонлар соҳиби бўлиб, тўлиқ номлари – Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғирия ибн Бардизба (Бардизбек) дир. Оталари Исмоил йирик олим бўлиб, машҳур муҳаддислар – Ҳаммод ибн Зайд ва Имом Моликдан таълим олганлар, ироқлик муҳаддислар эса ул кишидан ҳадислар ривоят қилган. Ибн Ҳаббон “Китоб ус-сиқот”, Имом ал-Бухорий “Ат-Таърих ал-Кабир” номли асарларида ул киши хусусларида зикр қилганлар. Имом ал-Бухорий оталари Исмоилни олим, ҳалол ва муттақий деб таърифлаганлар. Ривоят қилинишича, ул киши вафотлари олдидан: “Мол-мulkимга заррача ҳаром ва шубҳали нарса аралашганини билмайман”, – деб айтган эканлар.

Имом ал-Бухорий илму диёнат ва тақво хонадонида ул-ғайған фарзанд бўлиб, ўзларида мавжуд барча улуғ фазилатларни оталаридан олган бўлсалар, ажаб эмас!

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙНИНГ ТАВАЛЛУДЛАРИ ВА УЛҒАЙИШЛАРИ

Кўпчилик тарихчиларнинг таъкидлашича, Имом ал-Бухорий ҳижратнинг 194-йили, Шаввол (Рамазон) ойининг 13-куни, жумъа намозидан сўнг Бухорода дунёга келганлар. Бу хусусда бўлакча фикр айтиувчилар ҳам бор, лекин улар озчиликни ташкил қиласди.

Имом ал-Бухорий отадан жуда ёш етим қоладилар. Шунда оналари таълим-тарбия ишларини ўз қўлларига олиб, ул кишини ҳар жиҳатдан баркамол, солиҳ инсон қилиб вояга етказишга киришадилар. Бу борада Имом ал-Бухорийга оталариidan мерос қолган мол-мулк жуда асқотади.

Ривоят қилинишича, у киши болалик чоғларида кўр бўлиб қоладилар. Оналари кунлардан бирида Иброҳим Ҳалилуллоҳ алайҳис-салот вас-саломни туш кўрадилар. Ул зот: “Эй

волида Аллоҳ таоло бетиним дуо-ю илтижоларинг боисидан ўғилчангнинг кўзларига қайта нур ато этди”, – деб хитоб қила-дилар. Имом ал-Бухорийнинг оналари эртасига уйғониб, ҳақиқатдан ҳам Аллоҳ таоло ўғилчалари кўзларига қайта нур ато этганининг шоҳиди бўладилар. Шундан сўнг у кишининг ғам-ғуссалари ўрнини шодлик згаллайди.

## БЕНАЗИР ҚОБИЛИЯТ СОҲИБИ

Имом ал-Бухорийнинг беназир қобилият соҳиби эканликлари болалик чоғларидаёқ, ул киши бошланғич мактабда таҳсил кўраётган кезлардаёқ маълум бўлган. Аллоҳ субҳонаҳу таоло ул кишига беҳад кенг ва зийрак қалб, кучли хотира ҳамда ўтқир зеҳн ато этган эди. Имом ал-Бухорий Аллоҳ таоло тарафидан ҳадисларни ёд олмоққа илҳомлантирилиб, ўн ёшларига қадар улардан талайгинасини зеҳнларига жо этдилар. Сўнг ул киши ўз юртларидаги уламолар ҳузурига қатнаб, улардан ҳадислар ёзиб олдилар, илми-ҳадисни ўргандилар. Шу тариқа билимлари орта бориб, ҳатто бу борада ўз устозлари билан илмий баҳс қилиш даражасига етдилар. Ўн олти ёшга етар-етмас кўп уламоларнинг китобларини ёд олиб бўлдилар, раъй ва қиёс аҳли (Қуръон ва ҳадисдан шахсий фикрларига таянган ҳолда фатво чиқаргувчи уламолар)нинг мулоҳаза, қонун-қоида ва таълимотлари билан танишиб чиқдилар.

Фарабрийнинг айтишларича, Имом ал-Бухорийнинг котиблари – Муҳаммад ибн Абу Хотим бундай деган эканлар: “Имом ал-Бухорий менга: “Бошланғич мактабда ўқиётган вақтимда ҳадисларни ёд олмоққа илҳомлантирилдим”, – дедилар. Шунда мен: “Ўшанда неча ёшда эдингиз?”, – деб сўрадим. Ул киши дедилар: “Ўн ёхуд ундан ҳам кичик ёшда эдим. Ўн ёшдан ошганимда бошланғич мактабни тугатдимда, Ад-Дохилий ва бошқа шайхларнинг ҳадис тўгаракларига қатнай бошладим. Бир куни Ад-Дохилий талабаларга ҳадис айтаётib: “Суфён Абу Зубайрдан, ул киши эса Иброҳимдан ривоят қилганлар”, – дедилар. Шунда мен Ад-Дохилийга: “Абу Зубайр Иброҳимдан ривоят қилмаганлар”, – деб эдим, ул

киши менинг гапимни дағаллік билан инкор қылдилар. Аммо мен мұлойимлик билан: "Устоз айтган ҳадисингизнинг асл манбаи ўзингизда бұлса, бир қараб күрингиз!", – дедим. Ад-Дохилий ноилож ичкарига кириб мазкур ҳадиснинг асл манбаига күз ташлагач, қайтиб чиқдилар-да: "Эй бола! Буни не деб тузатмоқ лозим?", – дедилар. Мен: "(Аввало "Абу Зубайр" әмас, "Аз-Зубайр", бунинг устига) Аз-Зубайр ва Ибн Адий бир шахсdir. (Чунки, Ибн Адий Аз-Зубайрнинг кунялари бўлиб, сиз айтган ҳадиснинг дастлабки иснодида ровий исми билан әмас, балки лақаби билан тилга олинган"). Шул боис "Ибн Адий Иброҳимдан ривоят қилганлар" деб тузатмоқ керак", – дедим. Сўнг Ад-Дохилий қўлларига қалам олиб хатони тузатгач, менга: "Сен ҳақсан!", – дедилар".

Бир киши шу ҳақда сўз боргандা Имом ал-Бухорийдан: "Устозингизга зөтиroz билдирганингизда неча ёшда здингиз?", – деб сўради. Имом ал-Бухорий: "Ўн бир яшар здим", – дедилар.

Имом ал-Бухорий яна бундай деган эдилар: "Ўн олти ёшга кирганимда Ибн ал-Муборак ва Вакийънинг китобларини ёд олдим ҳамда анавиларнинг, яъни раъй (ва қиёс) аҳшининг сўзларини (мулоҳаза, қонун-қоида ва таълимотларини) билib олдим... Сўнг онам ва акам (Аҳмад) билан биргалиқда ҳажга сафар қилдим".

## ИЛМ ТАЛАБИДА РИҲЛАТ (САФАР) ҚИЛГАНЛАРИ

Имом ал-Бухорий, ҳали ўз юртларида эканликларида ўн олти ёшга тўлдилар. Шундан сўнг, ул киши ҳадис талабида узоқ муддатли риҳлатга отланиб, уни дастлаб оналари ва акалари Аҳмад ҳамроҳлигида Байтуллоҳга ҳаж қилишдан бошладилар. Акалари Аҳмад оналари билан ҳаж сафаридан Бухорога қайтгач, Бухорода вафот қилдилар. Имом ал-Бухорий эса Маккада қолиб, ҳадис илмини ўрганишда давом этдилар. Бу машғулот Имом ал-Бухорийнинг қолган бутун муборак умрларини банд этиб, ул киши шу мақсад йўлида ўша вақтда Ислом оламида мавжуд бўлган кўпчилик иммий марказларга бордилар. Ул ерлардаги шайху уламолар

оғзидан ҳадислар ёзиб олдилар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси шарифларини тўплаш, уларни мусулмонлар орасида ёйиш йўлида беҳад машақатлар чекканлари туфайли вужудлари толиқиб, чўпдек озиб кетдилар, қанчадан-қанча хавфу хатарларни бошдан кечирдилар.

Имом ал-Бухорий бу ишга биринчи бўлиб киришган киши эмас здилар. Бу иш билан саҳобалар даврларидан бошлаб кўплаб уламо ва бошқа азиз кишилар шуғулланганлар, бу уммат уламолари уни кейинги даврларда ҳам давом эттиридилар.

Илм талабида риҳлат қилмоқлик саҳобаи киромлар даврида бошланган бўлиб, саҳоба Жобир Ибн Абдуллоҳ (ибн Амр ибн Ҳаром ал-Ҳазражий ал-Ансорий ас-Суламий) Шомда истиқомат қилгувчи Абдуллоҳ ибн Анийснинг ҳузурларига риҳлат қиласидилар. Ул киши ўзлари Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитмаган бир дона ҳадисни эшитиб қолмоқ учун бир ой давомида сафар машақатини тортадилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияяллоҳу анҳу Маслама ибн Мухллад билан учрашиб, у киши ривоят қилган ҳадисни эшитиш учун Мисрга риҳлат қиласидилар. Мазкур ҳадисни Масламанинг ўз оғизларидан эшитгач, ортларига қайтадилар.

Абу Айюб ал-Ансорий (Холид ибн Зайд ибн Кулайб ибн Саълаба) ан-Нажжорий Мисрда яшаётган Уқба ибн Омирнинг ҳузурларига риҳлат қилиб, ул киши билан учрашгач: “Мусулмонни сатри аврат қилмоқ лозимлиги хусусида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўзингиз эшитган ҳадисни менга ривоят қилиб берингиз! Сизу мендан бўлак бу ҳадисни эшитган киши қолмади”, – дедилар. Уқба ибн Омир мазкур ҳадисни айтиб бергач, ул киши туяларига миндилар-да, Мадинаи Мунавварага қайтиб кетдилар, ҳатто туялари эгарини ечиб, бироз дам ҳам олганлари йўқ”.

Бир куни саҳобаи киромлардан бирлари (Абдуллоҳ ибн Масъуд) Мисрда истиқомат қилувчи Фузола ибн Убайднинг ҳузурларига риҳлат қиласидилар-да, етиб боргач, ул кишига: “Аммо, мен сизни кўргани келмадим, балки мен билан ўзингиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир вақт-

лар эшитган бир ҳадис хусусида сиз яхшироқ билсангиз кепрак деб келдим", – дедилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд: "Агар Аллоҳ таолонинг Китобини мендан яхшироқ билгувчи бирор кишининг борлигини билсам-у, у тия миниб бориладиган узоқ ерда бўлса ҳам борардим!", – деб айтганлар.

Илм талабидаги бундай риҳлатлар тобеъийнлар даврида ҳам давом этиб, бениҳоят кенг тус олган. Чунки Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ўзлари билан Ислом илмини олган ҳолда турли мамлакатларга тарқаб кетишган бўлиб, киши ул зотнинг муборак ҳадисларини ўзга юртларга риҳлат қилмай ва ул ерлардаги саҳобалар билан учрашмай туриб, мукаммал билолмасди. Саъийд ибн ал-Мусайяб (ибн Ҳузн ибн Абу Ваҳб ал-Махзумий ал-Қураший) бундай дейдилар: "Бир дона ҳадис учун кеча-ю кундузлаб йўл юрмоққа ҳозирман!".

Ҳасан ал-Басрий Ислом илми хусусидаги бир масалани ҳал қилмоқ учун Басрадан Куфага риҳлат қилганлар.

Абу Қилоба (Абдуллоҳ ибн Зайд ал-Басрий) бирор ҳожатлари бўлмаса-да, Мадинада уч кун туриб қолдилар. Чунки, одамлар бир кишининг бу ерга келиб ҳадис айтиб бермоғини интикиб кутишаётган эди. Ул киши ўшал одамнинг келгунига қадар пойладилар, келгач ундан ҳадис хусусида сўрадилар.

Омир ибн аш-Шаъбий (Омир ибн Шароҳийл) одамлар зикр қилган учта ҳадисни деб Маккага йўл олдилар, чунки ул ерда саҳобаи киромлардан бирорталари билан учрашиб, мазкур ҳадислар хусусида сўрамоқ умидида эдилар.

Омир аш-Шаъбий бир кишига ҳадис айтиб, унинг ёрдамида бир масалани ҳал қилиб бердилар, сунг унга: "Биз сенга бу масалани ҳеч нарсасиз ҳал қилиб бердик (яъни, сен бирор ерга риҳлат қилмай, сафар азобини тортмай, ўзинг ечолмаган бир масалани ҳал қилиб олдинг). Одамлар ҳатто бундан жўнроқ масалани ҳал қилмоқ учун тияга миниб Мадинага бориб келишар эди", – дедилар.

Абулолия ар-Рийоҳий бундай дейдилар: "Басрада биз Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаи ки-

ромлари ривоят қилған ҳадисларни эшитар эдик. Аммо бунга қаноат қилмай, тұяларимизга миниб Мадинага борар эдикда, мазкур ҳадисларни уларнинг ўз оғизларидан тинглардик".

Дарҳақиқат, тобеъийнларга мансуб уламолар, уларнинг адади эса юзларчадир, күплаб шаҳар ва мамлакатларни кезиб, чўлу биёбонларни босиб ўтиб, Расууллоҳ саллалпоҳ алайҳи ва салламнинг саҳобалари ҳузурига боришган.

Мисрда бир аёлнинг қули бўлган ҳамда исломни қабул қилгач, озод қилинган Имом Макҳул аш-Шомий ўзларининг илмий риҳлатлари хусусида бундай дейдилар: "Мен Мисрда қулликдан озод этилдим, сўнг ул ердаги ўрганмоғим лозим бўлган барча илмларни, биттасини ҳам қолдирмай, эгалладим. Кейин мен Ироққа, сўнг Мадинаи Мунавварага бордим-да, ул ерлардаги ўрганмоғим лозим бўлган барча илмларни ҳам, биттасини қолдирмай, эгалладим. Сўнгра Шомга бориб, ул ерни (илм талабида) бошдан-оёқ кезиб чиқдим".

Тобеъийнлар даврида ҳам ҳадис илмига ва уни ўрганишга қизиқиш ғоятда кучли бўлган, ҳатто биргина мамлакатда, эҳтимол, минглаб ҳадис илми толиблари бўлган бўлса кепрак. Бу фикримизни Муҳаммад ибн Сирин ал-Басрийнинг "Мен Куфага келганимда, ул ерда тўрт минг талаба ҳадис ўрганаётган экан" деган сўзлари тасдиқлайди.

Илм талабида риҳлат қилиш (Ҳижратнинг) 2- ва 3- асрларида янада авж олди. Ар-Ромиҳурмузий (Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ўзларининг ҳадис илмига бағишлиланган "Ал-Муҳаддис ал-Фосил байна ар-ровий ва ал-воъий" номли асарларида) турли мамлакатларга риҳлат қилған муҳаддисларнинг исмлари рўйхатини келтириб, уларни илмда тутган мавқеларига биноан жойлаштирганлар. Асарда аввал илм талабида бир неча мамлакатларга риҳлат қилған муҳаддислар зикр қилиниб, сўнг шу мақсадда биргина мамлакатга борган муҳаддислар хусусида баён қилинган. Мазкур муҳаддислар риҳлат қилған мамлакатлар эса ўша вақтларда Ислом маданияти марказлари эди.

Уламолар илм талабида риҳлат қилмоқнинг аҳамиятини чуқур идрок қилған эдилар. Яҳё ибн Муъийн (ибн Авн ибн Зиёд ал-Бағдодий) бу ҳақда: "Тўрт тоифа киши рушду ҳидо-

ят топмас! Улардан бири – ўз юртидагина ҳадислар ёзиб олиб, ҳадис талабида бўлак мамлакатларга риҳлат қилмайдиган кишидир”, – деб айтган эканлар.

Иброҳим ибн Адҳам (ибн Мансур ат-Тамимиј ап-Балхий) бундай дейдилар: “Аллоҳ таоло ҳадис соҳиблари (муҳаддислар)нинг (ilm талабида қилган) риҳлатлари туфайли бу умматнинг бошидан балони даф қилур”.

Ҳанбалий мазҳаби имоми Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Ҳанбал бундай дейдилар: “Ҳадис иснодининг мукаммал бўлмоғига талабчанлик илгари ўтганлардан қолган суннатдир. Чунки саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуднинг дўстлари Куфадан Мадинага риҳлат қилишиб, Ҳазрат Умардан илм ўрганишар ва ҳадислар тинглашар эди. Имом ан-Нававий: “Шул боисдан ҳам риҳлат (кейинги авлод учун) суюкли амал бўлиб қолгандир”, – дейдилар.

Риҳлат қилгувчилар ўз риҳлатларидан роҳатланар эдилар. Ҳаррондан Язид ибн Ҳоруннинг ҳузурларига борган бир киши бундай деб тараннум қилган экан:

“Қалбимни юлгандек қўлим-ла ўзим,  
Айрилиқ ўтида куйганча чунон,  
Тарқ этдим масканим, қолди ақрабо,  
Оҳ урди ортимдан қошлари камон.  
Матонат бирла мен олга интилдим,  
Жамики муслимлар имоми томон.  
Дин илми ҳам суннат, тарих бобида,  
Кўрмаган ул зотдек олимни жаҳон.  
На дунё, на унинг зийнатларидан,  
Бермади насиба ул зотга Субҳон.  
Ким бойиб, Аллоҳга тоат айласа,  
Хеч қачон кўрмагай хорлик ва зиён.  
На қадар тотлидур ҳаёт, айтсам мен:  
“Ҳасандан бир ҳадис Авф қилди баён”.

Илм талабида қилинган риҳлатлар ҳадисларнинг ислом оламида кенг тарқалишига, ҳадис тарқатиш йўлларининг кўпайишига ва ҳадис ровийларининг ҳар томонлама чуқур ўрганилишига катта таъсир ўtkазди. Чунки муҳаддис турли

жойларга бориб, ул ерлардаги уламоларни ўз кўзи билан кўради ва улар билан илмий суҳбатда бўлиб, ўзи билмаган кўплаб ҳадисларни ёзиб олади. Улар билан илми исломга доир масалалар хусусида савол-жавоблар қиласди. Қуръон ва ҳадислар ҳофизи Ибн Ҳажар ал-Асқалоний бундай дейдилар: “Муҳаддисдан риҳлат қилмоғидан аввал талаб қилинадиган шарт шуки, у дастлаб ўз юртидаги ҳадисларни тўпламоғи, уларни чуқур ўрганиб, ёдлаб олмоғи даркор. Шундан кейингина у ўзга мамлакатларга риҳлат қилиб, унинг давомида ўзида мавжуд бўлмаган ҳадисларни тўплаб ўрганади”.

## ИККИ ҲАРАМ – МАККАИ МУКАРРАМА ВА МАДИНАИ МУНАВVARАГА ЙЎЛ ОЛГАНЛАРИ

Тарихчи Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз аз-Заҳабий (ҳижрий 673—748) ва бошқа уламоларнинг ёзишларича, Имом ал-Бухорий ҳижрий 205-йилдан ҳадис тўгаракларига қатнай бошлигандар ва ўз юртларидағи йирик шайхларнинг кўпчилигидан дин илми, хусусан, илми ҳадисни ўрганиб ва улар билган жамики ҳадисларни ёд олиб бўлгач, 210-йили риҳлат қилгандар. Ул киши оналари ва акалари ҳамроҳлигига ҳаж сафарини якунлагач, Маккада қолишга қарор қиласидилар. Ўша даврда Макка Ҳижознинг энг муҳим илмий марказларидан бири эди. Имом ал-Бухорий ул ерда азалий мақсадларига етиб, илму маърифатга бўлган чанқоқликларини қондирадиган тинмас булоқни топадилар. Ул киши Маккада эканликларида вақти-вақти билан Мадинага ҳам бориб-келиб турадилар.

Имом ал-Бухорий икки Шариф Ҳарам (Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара) да ўзларининг айрим рисолаларини битиб, бу билан “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” ва унинг мавзуларига асос солдилар. Имом ал-Бухорий бу ҳақда: “Ўн саккиз ёшга етганимда “Саҳоба ва тобеъийнлар масаласи” китобини тасниф этдим, сўнг Мадинада ойдин кечалари Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак қабрлари ёнида ўлтириб “Катта тарих” номли китобимни ёздим. Ўтмишдаги шахсларнинг деярли барчаси ҳақида менда маъ-

лумот бўлса-да, китобимнинг чўзилиб кетмоғини истамадим", – дейдилар.

Имом ал-Бухорий яна бундай дейдилар: "Мен (устозим) Ал-Ҳумайдийнинг ҳузурларига кирдим. Шунда мен ўн саккиз ёшларда бўлиб, ул киши билан бир одам қандайдир ҳадис хусусида тортишиб туришган экан. Устозим менинг кириб келганимни кўриб: "Ана, иккимизнинг тортишувимизни ҳал қила оладиган киши келди!" – дея менга ўрталаридағи муаммони баён қилдилар. Мен масалани Ал-Ҳумайдийнинг фойдаларига ҳал қилиб бердим, чунки ҳақиқат ул киши томонда эди".

Ал-Ҳофиз ибн Ҳажар бундай дейдилар: "Имом ал-Бухорийнинг Маккага дастлабки риҳлатлари ҳижрий 210-йили бўлган эди. Ул киши агар илми ҳадисни эндиғина ўрганишга киришган чоғларида риҳлат қилғанларида ҳам, бу борада юқори даражага зришган (бу ердаги) тенгдошларига албатта етиб олган бўлур эдилар!".

## ЮРТМА-ЮРТ КЕЗГАНЛАРИ

Имом ал-Бухорий ҳадис талабида риҳлат дарвозасини қаттиқ қоқдилар ва (дарвоза очилғач) ислом мамлакатларининг деярли барчасига риҳлат қилдилар.

Имом ал-Бухорий бу ҳақда ўзлари: "Мен Шом, Миср ва Жазира (Дажла ва Фурот оралиғидаги ерлар)га икки марта, Басрага тўрт марта бордим, Ҳижозда олти йил яшадим, аммо муҳаддислар билан биргалиқда Куфа ва Бағдодга неча марта борганимнинг ҳисобига етолмайман", – дейдилар.

Ал-Ҳатиб ал-Бағдодий бундай дейдилар: "Имом ал-Бухорий турли мамлакатлардаги муҳаддислар ҳузурига риҳлат қилдилар: Хурсон ва Жибал(Хузистон)да, Ироқ шаҳарларининг барчасида, Ҳижоз, Шом ва Мисрда ҳадислар ёзиб олдилар, Бағдодга эса кўп марта келиб кетдилар".

Ал-Ҳофиз ибн Ҳажар: "Маккада бўлганларидан сўнг, риҳлат қилишга қурблари етган барча мамлакатлардаги шахслар ҳузурига бордилар", – дейдилар. Аз-Заҳабий ул киши

қадам ранжида қилған ерлар хусусида гапириб, улар қаторида Балх, Нишопур, Рей(Рай), Бағдод, Басра, Куфа, Мадина, Восит, Дамашқ, Асқалон, Ҳимс ва бошқа шаҳарларни зикр қиласылар.

Ал-Ҳоким Абу Абдуллоҳ Имом ал-Бухорий риҳлат қилған мазкур шаҳарларни зикр қила туриб: "Имом ал-Бухорий мазкур шаҳарларга илм талабида риҳлат қилиб, ҳамиша ул ерлардаги шайхлар ҳузурида яшадилар", – дейдилар.

## ИМОМ АҲМАД БИЛАН УЧРАШИБ ҲАМСУҲБАТ БҮЛГАНЛАРИ

Имом ал-Бухорий ҳәётлик вақтларида Бағдод Араб халифалиги шаҳри ҳамда илм ва уламолар маркази эди. Шу боисдан Имом ал-Бухорий ул ерга қайта-қайта, жами саккиз марта бориб-келдилар. Ҳар сафар борганларида Имом Аҳмад билан учрашиб, суҳбат қуарар эдилар. Шунда Имом Аҳмад ул кишини Бағдодда қолиб яшашга ундар, Хурросонда узоқ вақт туриб қолганларига эътиroz билдирадилар. Бу фикрга Имом ал-Ҳофиз ибн Ҳажарнинг "Фатҳ ул-борий ли-шарҳи саҳиҳ ал-Бухорий" номли асарларидаги маълумотлар зид бўлиб, ул киши бундай дейдилар: "Имом ал-Бухорий "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"нинг "Китоб ан-никоҳ" қисмидаги "Мо йаҳуллу минан-нисо" номли бобда Имом Аҳмаддан бевосита бир дона ҳадис ва "Китоб ал-Мағозий" қисмининг охира бильвосита бир дона ҳадис келтиргандар, холос. Шунга кўра, гўёки Имом ал-Бухорий Имом Аҳмаддан (атайлаб) кам ҳадис келтиргандек кўринадилар. Бироқ ундей эмас. Имом ал-Бухорийнинг Имом Аҳмаддан кам ҳадис келтиргандарининг боиси шуки, ул киши аввалги риҳлатларида кўпроқ Имом Аҳмаднинг устозлари билан учрашиб, ана ўшалардан ҳадис ёзуб олиш билан кифояланганлар. Кейинги риҳлатлари чоғида эса Имом Аҳмад (муайян сабабларга кўра) аҳён-аҳёндагина ҳадис айтадиган бўлиб қолганлар. Шунинг учун Имом ал-Бухорий Имом Аҳмадни қўйиб, кўпроқ (устозлари) Али ибн Абдуллоҳ ал-Мадинийдан ҳадис келтиргандар".

## УСТОЗЛАРИ

Имом ал-Бухорий исплом оламидаги йирик мұхаддисларни үзида жамлаган муҳим илмий марказларга риҳлат қилиб, ишончу ҳалоллик тимсоли бўлмиш устозларидан илми ҳадис ўргандилар, кўплаб ҳадислар ёзиб олдилар. Бу хусусда ул кишининг ўзлари бундай деб айтган эканлар: "Мен бир минг саксонта уламодан ҳадис ёзиб олдим, уларнинг орасида ҳадис илмини билмайдиган бирорта ҳам шахс йўқдур". Ул киши яна бундай деб айтган эканлар: "Мен: "Иймон сўзда ҳам, амалда ҳам бўлмоғи лозим" дейдиганлардангина ҳадис ёзиб олдим".

Ал-Хофиз ибн Ҳажар: "Бундай ровийлар қуйидаги беш табақадан иборат" дейдилар:

1) Имом ал-Бухорийга тобеъийнлардан ҳадис айтганлар, яъни атбоъ ут-тобеъийнлар;

2) Атбоъ ут-тобеъийнлар даврида яшаган-у, лекин тобеъийнларнинг ишончли кишилари (яъни, атбоъ ут-тобеъийнлар) ҳақида ҳеч нарса эшитмаган кимсалар;

3) Имом ал-Бухорий устозларининг ўрта табақаси. Улар тобеъийнлар билан мутлақо учрашмаган бўлиб, атбоъ ут-тобеъийнларнинг йирик вакилларидан ҳадис олганлар;

4) Имом ал-Бухорий билан биргалиқда ва ул кишидан бироз илгари ҳадис илмини ўрганган кимсалар бўлиб, ул киши устозлари илгарироқ айтган ёки бошқалардан топмаган ҳадисларни шулардан олганлар;

5) Илми ҳадис бўйича Имом ал-Бухорийнинг талаблари-га жавоб бергувчилар. Ул киши фойдаланиш мақсадида улардан ҳадислар эшитиб, унча муҳим бўлмаганларини ривоят қилганлар ва бунда Усмон ибн Абу Шайба Вақиъдан ривоят қилган қонун-қоидаларга амал қилганлар. Вақиъ эса бу қонун-қоидалар ҳақида: "Киши, токи илм бобида үзидан билимлироқ, ўзи билан teng ва үзидан past кимсалардан ҳадис эшитмай туриб етук олим бўла олмас" деганлар. Имом ал-Бухорийнинг ўзлари эса бу хусусда бундай деганлар: "Киши, токи илм бобида үзидан устунроқ, ўзи билан teng ва үзидан past кимсалардан ҳадис ёзиб олмай туриб комил

муҳаддис бўла олмас". Ал-Ҳофиз ибн Ҳажар мазкур беш табақага мансуб ровийлар исмини ўз асарларида зикр қилгандар.

Шундай қилиб, Имом ал-Бухорий устозлари айтган 289 та ҳадисни "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"га киритгандар.

### ҚУВВАИ ҲОФИЗАЛАРИ

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Имом ал-Бухорийга ақл бовар қилмас даражада кучли қувваи ҳофиза ва хотира ато этган эдики, бу борада ул кишига ўз даврларида ҳеч кимса тенг келолмасди. Имом ал-Бухорийнинг ғоятда кучли қувваи ҳофиза ва хотира соҳиби бўлғанликлари хусусидаги тарихий маълумотлар шу қадар ишончли, батафсил ва изчилки, ҳатто "Доират ал-маъориф ал-исломиййа" ("Ислом энциклопедияси") муаллифлари (бўлмиш йирик шарқшунослар – Венсинк, Мартин, Хоустма, Арнольд, Бассет, Хартман, Гибб ва бошқалар) ҳам ул кишини тан олишиб: "Имом (ал-Бухорий) қувваи ҳофизасига кўра Аллоҳнинг ердаги мўжизаларидан биридир!" деб ёзганлар. Айтишларича, Имом ал-Бухорий болалик чоғларидаёқ етмиш минг ҳадисни ёддан билгандар, ҳар қандай ҳажмдаги китобни бир марта ўқибоқ ёдлаб олганлар.

Имом ал-Бухорийнинг котиблари Муҳаммад ибн Абу Хотим ривоят қиласидилар: "Мен Ҳошид ибн Исмоил ал-Бухорий билан яна бир кишининг бундай деганини эшийтдим: "Имом ал-Бухорий болаликларида биз билан биргаликда ҳадис тўғарагига қатнар эдилар-у, аммо бирорта ҳам ҳадис ёзиб олмас эдилар. Шу зайлда бир қанча кунлар ўтиб, биз ҳар куни ул кишидан: "Сиз биз билан биргаликда тўғаракка қатнайсиз-у, лекин ҳадис ёзиб олмайсиз, нечун бундай қиласиз?", – деб сўрайвердик. Нихоят, Имом ал-Бухорий ўн олти кундан кейин бизга: "Ҳадеб сўрайвериб, ўз ҳолимга қўймадингизлар, қани, ёзиб олган ҳадисларингизни менга кўрсатинглар-чи!", – дедилар. Биз ўзимиздаги ҳадисларнинг барисини ул кишига узатдик, улар ўн беш мингдан зиёд эди. Имом ал-Бухорий мазкур ҳадисларни бирма-бир ёддан ай-

тиб бердилар, ҳатто биз ул киши ёддан айтаётгандарида ўз битикларимиздаги хатоларни тузатиб ҳам олдик. Сўнг Имом ал-Бухорий: "Нима, сизлар мени тўгаракка беҳуда келиб-кетяпти, кунини бекор ўтказяпти," – деб ўйладингизларми?!”, – дедилар. Шунда биз бирорта ҳам олимнинг ул кишининг олдиларига туша олмаслигини англаган эдик.

Имом ал-Бухорий ёш бола бўлсалар-да, маърифат аҳли ортларидан ҳадис талабида гала-гала бўлиб эргашиб юришар, ул кишини йўл четига ўлтиришга мажбур қилишиб, ҳадис сўрашар эди. Шунда Имом ал-Бухорийнинг атрофларида минглаб ҳадис толиблари тўпланарди, уларнинг кўпчилиги ул кишидан ҳадис ёзиб олгувчилар бўларди.

Муҳаммад ибн Абу Ҳотим хабар қиласидар: "Мен Сулаймон ибн Мужоҳиднинг бундай деганларини эшиздим: "Мен Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандийнинг ҳузурларида бўлдим. Шунда ул киши менга: "Бундан бироз илгарироқ келганингизда, етмиш минг ҳадисни ёд олган бир болани кўрган бўлур эдингиз", - дедилар. Мен дарҳол ташқарига чиқиб, уни учратдим-да: "Етмиш минг ҳадисни ёд олган бола сенмисан?", – дедим. У: "Ҳа, бундан ҳам кўпроқ ҳадисни ёд биламан", – деб айтди. Кейин у яна бундай деб қўшиб қўйди: "Мен сизга ҳадис айтсан, кўпчилигининг таваллуд топган ва вафот этган саналарини, яшаб ўтган масканларини шахсан ўзим аниқлаган саҳоба ва тобеъийнлардангина ҳадис айтаман. Шунингдек, мен саҳоба ва тобеъийнлар ривоят қилган ҳадислардан асоси Қуръони карим ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида мавжуд бўлганларинигина айтаман".

Муҳаммад ибн Абу Ҳотим (Имом ал-Бухорийнинг котиблари) бундай дейдилар: "Аллома Ражо ибн Муражжо келиб, Абу Абдуллоҳ (яъни, Имом ал-Бухорий)га: "Менинг (ўзингиз билан илм борасида баҳслашувга) келаётганимни билгач, қандай ҳозирлик кўриб қўйдингиз? Қайси мавзу бўйича тайёрландингиз?", – дедилар. Абу Абдуллоҳ: "Ҳеч қандай мавзу бўйича тайёрланмадим, умуман, баҳслашувга ҳозирлик кўрганим йўқ. Агар бирор мавзуга доир саволларингиз бўлса, айтаверингиз!", – дедилар. Шундан сўнг, Ражо ибн Муражжо

дин илмига оид турли мавзулар бўйича мунозара қила-қила охири жимиб қолдилар. Шунда ал-Бухорий: "Яна саволларингиз борми?", – дедилар. Ул киши уялиб ва хижолат билан: "Ҳа", – дедилар. Ал-Бухорий: "Ундан бўлса, сўрангиз!", – дедилар. Шунда Ражо ибн Муражжо Айюбдан нақл қилинган ҳадислар исноди хусусида сўзлаб, ўн учтacha ровийнинг исмини зикр қилиб эдилар. Абу Абдуллоҳ сукут сақлаб ўлти-равердилар. Ражо ибн Муражжо буни кўриб, "Бирор хато қилиб қўйдиммикан?" деган хавотирда: "Эй Абу Абдуллоҳ! Одамларга (кўп яхшиликлар қилгансиз, иншоаллоҳ,) яна кўплаб яхшиликлар қилурсиз! (Бирор хатога йўл қўйган бўлсам, айтингиз!)", – дедилар. Абу Абдуллоҳ боя Ражо ибн Муражжо зикр қилган ровийлардан еттитасини сохта деб топиб(қолган олтитасига), яна олтмишдан ортиқ ровий исмини қўшимча қилдилар. Сўнг Ражога: "қора сапла хусусида қанча ҳадис ривоят қилгансиз?", – дедилар. Ражо жавоб бериш ўрнига: "Сиз ўзингиз-чи?", – дедилар. Абу Абдуллоҳ: "Унинг хусусида қирқта ҳадис ривоят қиласман?", – деб жавоб қилдилар. Ражо буни эшитиб азбарои қаттиқ уялганларидан оғизларида тупуклари қуриб қолди".

Ал-Бухорий, бундай дейдилар: "Юз минг саҳиҳ (тўғри) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (нотўғри) ҳадисни ёддан биламан ва бу китобни (яъни "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"ни) етти мингтacha ҳадис (яъни иснод) асосида яратдим".

Ул киши яна бундай дейдилар: "Мен Балхга бордим. Шунда (илгари бу ерга келганимда) кимлардан ҳадис ёзиб олган бўлсам, ҳар бири (янги) ҳадис айтиб бермоғимни илтимос қилди. Мен уларга ўзим мингта шайҳдан ёзиб олган мингта ҳадисни ривоят қилиб бердим".

Ул киши яна бундай дейдилар: "Бир куни биз Анасадан ҳадис ривоят қилган ровийлар ҳақида фикрлашдик. Шунда уч юзта ровий исми хотирамга келди".

## САМАРҚАНДДА ИМТИҲОН ҚИЛИНГАНЛАРИ

Муҳаммад ибн Абу Ҳотим қўйидаги хабарни Абу ул-Аз-ҳардан олганликларини айтиб, бундай дейдилар: "Самар-

қандда тўрт юз ҳадис уламолари бор эди. Бир куни улар бир жойга тўпланишиб, етти кун (баъзи манбада тўқиз кун) давомида И мом ал-Бухорийни имтиҳон қилишди. Мақсадлари – ул кишини илми ҳадис борасида янгишишириб, мағлуб этиш эди. Шул боисдан улар Шомга мансуб ҳадислар иснодини Ироққа мансуб ҳадислар исноди билан ва Ироққа мансуб ҳадислар иснодини Шомга мансуб ҳадислар исноди билан ҳамда Маккага мансуб ҳадислар иснодини Яманга мансуб ҳадислар исноди билан алмаштириб қўйишиди. Аммо улар ҳарчанд уринмасинлар, на иснод ва на матн хусусида ул кишини заррача чалкаштира олмадилар!

## БАҒДОДДА ИМТИҲОН ҚИЛИНГАНЛАРИ

Аҳмад ибн Адий ал-Ҳофиз: “Мен бир неча шайхларнинг бундай деб ҳикоя қилаётгандарини эшитдим”, – дейдилар: “И мом ал-Бухорий Бағдодга келдилар. Шунда ҳадис уламолари бир ерга тўпланишиб, юзта ҳадис, матн ва иснодларини бир-бири билан алмаштириб қўйишиди, яъни бир иснод матнини иккинчи бир иснодга ва бир матн иснодини иккинчи бир матнга тиркаб қўйишиди. Сўнг И мом ал-Бухорийни имтиҳон қилиб қўриш мақсадида ўзларидан ўн кишини ажратиб, ҳар бирига ўнтадан ҳадис бўлиб беришиди-да, уларни илм мажлисида ул кишининг эътиборларига ҳавола қилишни топширишиди. Шундай қилиб, Ҳурросон ва бўлак ерлардан келган илм аҳли ҳамда бағдодлик уламолар бир ерга тўпланишиди. Мажлис иштирокчилари жой-жойларига ўлтиришиб, ғалажовур босилгач, боягилардан бири ўрнидан туриб мазкур ўнта ҳадисдан бирини савол тариқасида И мом ал-Бухорийнинг эътиборларига ҳавола қилди. Шунда И мом ал-Бухорий: “Бундай ҳадисни билмайман”, – дедилар. Сўнг у бошқа ҳадисни айтиб эди, И мом ал-Бухорий унинг хусусида ҳам: “Бундай ҳадисни билмайман”, – дедилар. У шу тариқа ўзига топширилган ўнта ҳадисни то тугагунча бирма-бир айтаверди. И мом ал-Бухорий бўлсалар ҳар сафар: “Бундай ҳадисни билмайман”, – деб жавоб беравердилар. Шунда мажлисдаги синов уюштирган уламолар бир-бирларига қайрилиб қара-

шиб: "Ул киши (бизнинг найрангимизни) фаҳмладилар" – дейишса, синовдан бехабар илм аҳли: "Ул киши билим ва фаҳм борасида етук эмас эканлар", – деб айтишар эди.

Кейин бояги ўн кишидан иккинчиси ўрнидан туриб ўшал чалкаш ҳадислардан бири хусусида Имом ал-Бухорийдан сўради. Имом ал-Бухорий: "Бундай ҳадисни билмайман", – дедилар. Сўнг у бошқаси ҳақида сўради. Имом ал-Бухорий яна: "Бундай ҳадисни билмайман", – деб жавоб қилдилар. У шу йўсинда ўзидағи ўнта ҳадисни то тугагунча айтаверди. Имом ал-Бухорий бўлсалар ҳар гал: "Бундай ҳадисни билмайман", – деявердилар. Кейин улардан учинчиси, тўртингчиси ва шу тариқа навбатма-навбат ўнтласи, ўзидағи чалкаш ҳадислар тугагунга қадар Имом ал-Бухорийга савол беришаверди. Имом ал-Бухорий бўлсалар бирдай: "Бундай ҳадисни билмайман", – деб жавоб қилавердилар.

Имом ал-Бухорий уларнинг саволлари тугаганини билгач, биринчи (савол берган) кишига ўгирилдилар-да: "Сиз айтган дастлабки ҳадис хусусига келсак, унинг исноди мана бундай, матни эса бундай, иккинчисиники мана бундай ва бундай" – дея келтирган ўнтала чалкаш ҳадиснинг исноди матнларини жой-жойига қўйдилар. Шунда барча мажлис аҳли ул кишининг ўткир ақлу заковат ва қувваи ҳофизалари олдида таъзим бажо айладилар.

Ал-Ҳофиз ибн Ҳажар ана шу воқеа ҳақида бундай дейдилар: "Бу ўринда Имом ал-Бухорийга таъзим бажо қилмоқ позим. Аммо Имом ал-Бухорийнинг чалкаш иснодларни жой-жойига қўйганлари, ҳофиз эканликлари ҳайратланарли эмас, балки чалкаш иснодлар тартиbidаги хатоларни бир марта эшитибоқ эслаб қолганлари ҳайратланарлидир". Яъни Имом ал-Бухорийнинг атайлаб чалкаштирилган иснодларни минглаб уламолар ҳузурида жой-жойига қўйганлари, албатта, ул кишининг дин илми бобида ғоятда камолга етганларининг далили эканлигига заррача шубҳа йўқ. Лекин бундан ҳам муҳимроқ ва ниҳоятда ҳайратланарли томони шундаки, у зот юзта чалкаш иснодни бир эшитишдаёқ қайсииниси қайси матнга тегишли эканлигини дарҳол фаҳмлаб, уларнинг ҳар бирини тартиб билан жой-жойига қўйганидадир.

## БАСРАДАГИ ДАРСЛАРИ

Юсуф ибн Мусо ал-Марвазий бундай деб хабар қиладилар: "Мен Басра Жомеъ масжидида эдим, ногаҳон жарчининг: "Эй илм аҳли! Ҳазрат Имом ал-Бухорий қадам ранжида қилдилар", – деб эълон қилганини эшитдим. Шунда барча ўрнидан туриб ул кишига пешвоз чиқди, мен ҳам улар билан бирга эдим. Қарасак, ул киши ҳали соқолига оқ тушмаган бир йигит эканлар, ичкарига кириб устун ортида намоз ўқидилар. Намоз ўқиб бўлганларидан сўнг, одамлар ул кишини қуршаб олишди ва муайян бир вақтда ҳадис илмидан дарс бермоқларини илтимос қилишди. Имом ал-Бухорий розилик билдирилар. Кейин бояги жарчи иккинчи бор: "Эй илм аҳли! Ҳазрат Имом ал-Бухорий ташриф буюриб эдилар. Биз ул кишидан ҳадис илмидан дарс бермоқларини илтимос қилдик, ул киши рози бўлдилар. Эртага фалон вақтда, фалон жойда ҳозир бўлингизлар!", – деди. Эртасига ўшал таъйин қилинган жойда муҳаддислар, Қуръон ва ҳадис ҳофизлари, фақиҳлар ҳамда дин илмига қизиқувчилардан иборат бир неча минг одам тўпланди. Имом ал-Бухорий уларнинг қаршисига ўлтиргач, дарс бошлишдан бурун: "Эй Басра аҳли! Мен бир ёш йигит бўлсан-да, ҳадис айтиб бермоғимни илтимос қилдингизлар. (Бунинг учун сизлардан миннатдорман). Мен ҳозир сизларга юртдошларингиз ривоят қилган, ўзларингизда йўқ ҳадислардан айтиб бераман", – дедилар. Сўнг, ул киши дарс беришга киришдилар...".

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙНИНГ ЎЗ ЮРТЛАРИГА ҚАЙТИШЛАРИ

Имом ал-Бухорий ўз риҳлатларидан кўзлаган мақсадларига эришгач, Бухорога қайтадилар, ўзлари тасниф этган "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" дан ҳадис толибларига дарс бера бошлайди. Шунда Бухоро амири Ҳолид ибн Аҳмад аз-Зуҳлий ўзи муҳаддислардан бўлса ҳам Имом ал-Бухорийнинг ислом оламида қозонган обрў-эътиборини кўролмай, ул кишига қарши фитна ўюштиради. "Имом ал-Бухорий фатво беришга муносиб (лойиқ) эмас" деган фармон чиқаради. У бунга

қадар "Имом ал-Бухорий: "Агар икки гўдак бир совлиқ (қўй) сутидан исча, эмишганларга ўзаро нима ҳаром бўлса, упарга ҳам ҳаромдур" – деб фатво берибди" деган иғво тарқатади. Лекин амирнинг бу туҳматига мунофиқу фасод аҳлидан бўлак ҳеч кимса эътибор бермайди. Шунда амир Имом ал-Бухорийни бадном қилишнинг бўлак йўлларини излай бошлиайди. Имом ал-Бухорий эса амиру ҳокимлар, сultonу подшоҳлар суҳбатидан ўзларини бутунлай олиб қочар, уларни мадҳ қилишни хуш кўрмас ва доимо: "Амирлар суҳбатида бўлгувчи кишининг ўз динида қолмоғи мушкилдир. Амирлар билан дўстлашмоқ илм учун ҳақорат ва уларга лаганбардорлик қилмоқ – дин учун зарадрур", – дер здилар. Имом ал-Бухорийнинг бу фикрларидан яхши хабардор бўлган амир ул кишидан саройга келиб "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" ва "Ат-Таъриҳ ал-кабир"дан дарс бермоқларини талаб қиласди. Аммо Имом ал-Бухорий унинг бу талабини рад этиб, саройдан келган вакилга: "Мен илмни таҳқирлаб, уни сultonлар эшигига олиб бормайман!", – дедилар. Шунда Холид ибн Аҳмад аз-Зухлий: "Имом ал-Бухорий амир саройига келишни истамасалар, ул ҳолда мен ва ўғилларим учун бир вақтни таъйин қилсинларки, унда ўзгалар бўлмасин!", – деб хабар юборади. Лекин Имом ал-Бухорий бу сафар ҳам унинг талабини рад этиб: "Илм – Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг ўз умматларига қолдирган мерослари бўлиб, ундан баҳраманд бўлмоққа барча мўмин-мусулмонлар, улар хоҳ авом ва хоҳ ҳукмдор бўлсинлар, тенг ҳуқуқлидирлар. Агар амирга илм даркор бўлса, ҳовлимга ёки масжидга келсин!", – деб айтадилар. Имом ал-Бухорийнинг бу қатъий жавобларидан амир ниҳоятда қаттиқ дарғазаб бўлади ва ул кишини шаҳардан бадарға қилишга ҳаракат қиласди. Аммо Имом ал-Бухорий миллионлаб мусулмонлар қалбидан мустаҳкам ўрин олган бўлиб, амир ул кишини зўрлик билан шаҳардан чиқарип юбора олмайди. Шуп боис у Имом ал-Бухорий хусусларида яна турли-туман туҳматлар тарқатиб, аҳолининг муайян қисми орасида ул кишига нисбатан норозилик кайфиятини ўйғотишга муваффақ бўлади. Шундан сўнг амир Имом ал-Бухорийга Бухорони тарқ этмоқни буюради.

Имом ал-Бухорий шаҳардан чиқиб кета туриб ўзларига тұхмат қилған кишиларни дуоибад қоладилар. Бир неча кун ўтмай амир Холид ибн Аҳмад аз-Зұхлий бошлиқ барча фит-начилар турли балоларга гирифтор бўладилар.

Имом ал-Бухорий шаҳарни тарқ этиб, аввал Пойкандга, сўнг Самарқандга келдилар. Лекин ҳар иккала шаҳарда ҳам муқим яшаб қолишини истамадилар. Чунки бу ерлик аҳоли ҳам Бухоро аҳли каби икки гуруҳга бўлинган бўлиб, бири ул киши ҳақидаги тұхматларга ишонган, иккинчиси уларни инкор қилаётган эди. Имом ал-Бухорий Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига бориб, надомат ва бўхтонлардан қутулиш мақсадида қариндошлари Фолиб ибн Жибрийлнинг уйида истиқомат қилиб қоладилар.

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙНИНГ ВАФОТЛАРИ

Абдулқұддус ибн ал-Жаббор ас-Самарқандий Имом ал-Бухорийнинг ўша кезлардаги ахволлари хусусида эслаб: "Кечалардан бирида мен Имом ал-Бухорийнинг хуфтон намозидан кейин Аллоҳ таолога дуо қила туриб, "Е Парвардигоро! Ер юзи кенг бўлса-да, менга торлик қилиб қолди, мени ўз даргоҳингга қабул айлагин!", – деб айтганларини эшитдим. Сўнг, ўша ой тугамай, Аллоҳ таоло ул кишини ўз ҳузурига чорлади", – дейдилар.

Имом ал-Бухорийнинг Хартангдаги қариндошлари Фолиб ибн Жибрийл бундай дейдилар: "Имом ал-Бухорий (уйимда) бир неча кун яшагач, бетоб бўлиб қолдилар. Шунда самарқандликлар вакил юбориб, ул кишини Самарқандга чорлашиб эди, рози бўлдилар. Сўнг ковушларини кийиб, бошларига салла ўрадилар-да менинг кўмагимда улов томон йигирма қадамча юриб бордилар, аммо қувватлари етмагач: "Силлам қуриди, мени уйга олиб кириңгизлар!", – дедилар. Биз уйга олиб киргач, ўринга ётдилар-да, Аллоҳ таолога дуо айта туриб жонлари узилди. Сўнг баданларидан тер қуюлди".

Имом ал-Бухорий ҳижратнинг 256-йили (милодий 870-йили), Ийд ал-фитр кечаси (31 августда) 13 куни кам 62 ёшда оламдан ўтдилар.

Имом ал-Бухорийни ювғучи ювиб кафандагандан кейин ҳам жасадларидан тер қуюлишда давом этди. Баъзи одамлар ул кишини Самарқандга дағн қилмоқ учун бошқалар билан тортишдилар. Кейин муросага келишиди ва Хартанг қишлоғига дағн қилишиди. Шундай қилиб, Имом ал-Бухорий Рамазон ҳайити куни, пешин намозидан сўнг дағн қилинди-лар. Шу тариқа ўзининг ёрқин нурлари билан дунёни ёритиб турган илм қуёши сўнди. Илми набавиййани асрлардан асрларга оширган, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг муборак ҳадисларини жамлаш йўлида жонини фидо қилган буюк зотни туфроқ ўз бағрига олди. Ҳа, ул зотни туфроқ ўз бағрига олди-ю, дунёни зулмат босгандек бўлди!

Имом ал-Бухорий дағн қилинганларидан сўнг, қабрларидан мушку анбар ҳиди янглиғ бир муаттар бўй таралиб турди. Бундан хабар топган яқин ва узоқ ерлик одамлар ишонч ҳосил қилмоқ учун қабрлари тепасига келишиб, унинг табаррук хокидан бир сиқим-бир сиқим олиб кета бошладилар. Шунда қишлоқ аҳли лаҳад очилиб қолишидан чўчиб, қабрларини панжара билан ўраб қўйишиди.

Хатиб ал-Бағдодийнинг айтишларича, Абдулвоҳид ибн Одам ат-Тавовисий бундай деган эканлар: "Мен тушимда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, бир гуруҳ саҳобалари билан бир ерда тек турган эканлар. Ул зотга салом бериб эдим, алиқ олдилар. Сўнг, мен: "Ё Расулуллоҳ, бу ерда не қилиб турибсиз?", – дедим. Шунда ул зот: "Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорийни кутиб турибман", – деб марҳамат қилдилар. Бир неча кундан кейин Имом ал-Бухорийнинг вафот этгандари ҳақида хабар келди. Чамалаб кўрсам, ул киши айнан мен Жаноб Расулуллоҳни тушимда кўрган вақтда оламдан ўтган эканлар".

## Ш Е Ъ Р Л А Р И

Имом ал-Бухорий шоир бўлмасалар-да, баъзи-баъзида пурҳикмат байтлар битиб турардилар. Мана улардан намуналар:

*Ғанимат бил рукуъ фазлин юмушдан сен халос вақтинг,  
Ажал ногоҳ келиб, зора, рукуъ қилган чоғинг ўлсанг!  
Жаҳон айвонида кўрдинг неча жисми саломатни,  
Вале кетди танидан жон, унутма, гар одам бўлсанг!*

\*\*\*

*Сезмаган паймонасини тўлганин моллар каби,  
Ҳайдалиб қушхоналарга беомон сўйиласан.*

### МУСУЛМОНЛАРНИНГ ИМОМ АЛ-БУХОРИЙГА БЎЛГАН МУҲАББАТЛАРИ

И мом ал-Бухорий риҳлатлари чоғида бирор шаҳарга ёки бирор ерга келиб тушсалар, одамлар шул қадар қизиқиш ва меҳр билан ул кишини ўраб олар эрдиларки, бунинг таърифу тавсифига тил ожиздур. Аллоҳ таоло И мом ал-Бухорийга инъом этган беназир қувваи ҳофиза, ақлу заковат, ахлоқу одоб, саховат ва илм хусусидаги овозаларни эшитган одамлар ул кишининг бирор ерга қадам ранжида қилганларидан хабар топганлари ҳамоноқ тезлиқда ўшал ерга боришарди. Натижада атрофларида шунчалик кўп одам тўпланар эди-ки, ҳатто оёқ кўйгудек жой топилмас эди. И мом ал-Бухорий риҳлатларидан Бухорога қайтаётганларида пешвоз чиқишиб, шаҳардан бир фарсах (2250 м) нарида ул киши учун чодир ўрнатишди-да, ўшал ерда мунтазир бўлиб туришди. Шундай воқеа Нишопурда ҳам содир бўлган бўлиб, И мом Муслим бу ҳақда бундай дейдилар: “Муҳаммад ибн Исмоил Нишопурга келганларида шаҳар аҳли ул кишига шул қадар иззат-икром кўрсатдики, унинг на бирор аллома ва на бирор ҳукмдорни бунчалик эъзозлаганини сира кўрмадим. Ўшанда Нишопур аҳли И мом ал-Бухорийни шаҳардан 2 ёки 3 манзил нарида кутиб олган эди”.

### А С А Р Л А Р И

И мом Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Хатийб ал-Қасталоний ал-Мисрий (ҳижрий 851 – 923) ўзларининг “Ал-

Муқаддима" номли асарларида Имом ал-Бухорийнинг асарлари хусусида: "Дарҳақиқат, ул зоти шарифнинг асарлари күёш изидан юриб дунёни айланди, уларнинг фазлини фақат шайтон йўлдан урганларгина тан олмади", – дейдилар.

Имом ал-Бухорийнинг бизгача маълум асарлари қўйида-гилардир:

- 1) "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ";
- 2) "Ал-Адаб ал-Муфрад";
- 3) "Рафъ ул-йадайни фис-салот";
- 4) "Ал-Қироға ҳалфал-имом";
- 5) "Бирр ул-воли-дайни";
- 6) "Ат-Таърих ал-кабийр";
- 7) "Ат-Таърих ал-авсат";
- 8) "Ат-Таърих ас-сағиyr";
- 9) "Ҳалқ афърлил-ибод";
- 10) "Аз-Зуъафо";
- 11) "Ал-Муснад ал-кабийр";
- 12) "Ат-Тафсийр ал-кабийр";
- 13) "Ал-Ашриба";
- 14) "Ал-Ҳиба";
- 15) "Асомийус-саҳоба";
- 16) "Ал-Вуҳдон";
- 17) "Ал-Мабсут";
- 18) "Ал-Илал";
- 19) "Ал-Куна";
- 20) "Ал-Фавоид";
- 21) "Қазойос-саҳоба".

Бу китоблардан бир нечасигина бизгача етиб келган бўлиб, қолганлари баъзи уламолар асарларида зикр қилинган, холос.

### "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"

Имом ал-Бухорий яшаган даврдан илгари яратилган ҳадис китобларида саҳиҳ ва ғайри саҳиҳ ҳадислар аралаш ҳолда берилган бўлиб, ўқувчи улардаги бирор ҳадиснинг тўғри ё нотўғри эканлигини, токи унинг ровийлари аҳволини

текширмай ва ҳадис аҳли орасида қай тариқа маълум бўлганини аниқламай туриб, билолмасди. Агар у бунга муваффақ бўлолмаса, ул ҳолда унинг хусусида ҳадис уламоларидан сўрашга мажбур бўларди. Башарти унга бу ҳам мусассар бўлмаса, унда ўшал ҳадис унинг учун мавҳумлигича қоларди. Имом ал-Бухорий дунёга келиб, ҳадис илмида камолотга эришгач ва бу борада эгаллаган мақомларидан юқорироқ мақом қолмагач, ҳадис толибларини баҳсу саволлар машаққатидан ҳалос этмоқ учун мавжуд ҳадислар орасидан саҳихларини ажратиб олиб, уларни алоҳида китоб қилмоқни истадилар.

Шундай қилиб, ул зот оламга машҳур китобларини ёзиб, унга ўзлари саҳих эканлигини аниқлаган ҳадисларни киритдилар ва уни "Ал-Жомиъ ал-муснад ас-саҳих ал-муҳтасар мин умури Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва сұннаниҳи ва айюмиих" ("Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фаолиятлари, сұннатлари ва ҳаётлари давомида бўлган воқеалардан қисқача ҳабар бергувчи асосли, ҳаққоний тўплам") деб атадилар.

Шайх Тоҳир ал-Жазоирӣ бундай дейдилар: "Имом ал-Бухорийнинг "Ал-Жомиъ" ("Тўплам") деган сўзни қўллаганларидан маълум бўладики, ул киши ўз китобларида бир турдаги ҳадисларни иккинчи турдаги ҳадислардан устун қўйманлар, балки барча мавзудаги ҳадисларга тенг ўрин ажратганлар. Шу боисдан ҳам ул киши ўз китобларига ҳукмлар, фазилатлар, ўтмиш ва келажак ҳабарлари, шунингдек, ахлоқодоб ва лутфу саховатга доир ҳадисларни ҳам киритганлар. Ўз китобларини "саҳих" деб баҳолаганларининг боиси эса – унда бирорта ҳам заиф ҳадиснинг йўқлигидир. Асарнинг баъзи муҳаддислар ноўрин танқид қилган жиҳатлари хусусига келсак, уларнинг ҳар бирига фақиҳ уламолар ўз асарларида раддия берганлар".

Имом ал-Бухорий: "Мен "Ал-Жомиъ"га фақат саҳих ҳадисларнига киритдим", – деб жуда тўғри айтганлар. Ул кишининг "Ал-Муснад" деганларидан асосий мақсадлари – Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг исноди бирор саҳобага боғланадиган хоҳ қавлий (саҳобаларга буюрган),

хоҳ феълий (ўзлари қилган) ва хоҳ тақририй (саҳобалар қилганда маъқуллаган) ҳадиси шарифларини ажратиб олиш эди.

*Ал-Ҳофиз ибн Ҳажар*: "Имом ал-Бухорий ўз китобларига фақат саҳиҳ ҳадисларни киритмоқча қарор қилганлар. Бу эса китобни "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" деб номлаганларидан кўриниб турибди", – дейдилар.

*Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож* бу борада Имом ал-Бухорийга зргашдилар. Ул киши кўплаб муҳаддислар қатори Имом ал-Бухорийдан ўргангандан ва фойдаланган ҳолда ўзларининг машҳур китобларини ёздилар.

Иккалаларининг китоблари ҳам "Ас-Саҳиҳ" деб номланди. Одамлар улардан ниҳоятда кўп фойдаланадиган бўлишди. Ислом илмига доир бирор масалани ҳал қилолмасалар, уларга мурожаат қилиш одатга айланди. Мазкур икки китобдан кейин яна кўплаб ҳадисга доир асарлар яратилдики, уларнинг саноғига етиб бўлмайди.

### "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"нинг ёзилишига туртки бўлган омиллар

Имом ал-Бухорий ҳадис талабида ўзга юртларга риҳлат қилган дастлабки вақтлардаёқ саҳиҳ ҳадисларни тўплаб бир китоб қилмоқ орзусида бўлганлар. Ал-Ҳофиз ибн Ҳажар: "Имом ал-Бухорийнинг мазкур китобни ёзишга бўлган азму қарорларига ҳадис ва фиқҳ бобида мўминлар амири бўлмиш устозлари Исҳоқ ибн Роҳвайҳнинг "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак суннатларидан иборат бир муҳтасар тўплам яратсангизлар эди!" деган сўзлари қувват баҳш этди", – дейдилар. Бу хусусда Имом ал-Бухорийнинг ўзлари:

"Устозимнинг ана шу сўзлари қалбимга чуқур ўрнашиб қолиб, "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"ни ёзишга киришдим", – деган эканлар. Ул киши яна бундай деб айтган эканлар: "Мен тушимда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, ул зотнинг рўпараларида туриб, елпигич билан муборак юзларидан ниманидир ҳайдаётган эмишман. Сўнг мен бир таъбирчидан сўраб эдим, у: "Сиз Жаноб Расулуллоҳдан ёлғон-

ни ҳайдайсиз", – деди. Ана шу тушим мени "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" ни ёзмоққа илҳомлантириди".

### Имом ал-Бухорий "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"ни қандай ёздилар?

*Ал-Фарабий:* "Мен Имом ал-Бухорийнинг бундай деб айтганларини эшигтанман", – дейдилар: "Мен "Ас-Саҳиҳ" номли китобимга ғусл қилиб, икки ракъат намоз ўқимай туриб бирорта ҳам ҳадисни киритмадим".

Имом ал-Бухорий яна бундай деб айтган эканлар: "Мен "Ал-Жомиъ"ни олти юз минг ҳадисдан (саҳиҳларини саралаб олиб) ўн олти йилда тасниф этдим ва уни ўзим билан Аллоҳ таоло ўртасидаги (аҳду паймонга вафо қилганимнинг) далили қилдим".

*Умар ибн Мұхаммад ибн Бажийр ал-Бажийрий ас-Самарқандий* Имом ал-Бухорийнинг бундай деб айтганларини эшигтан эканлар: "Мен "Ал-Жомиъ"ни Ал-Масжид ал-Харамда ёздим ва аввал Аллоҳ таолодан нусрат тиламай, икки ракъат намоз ўқимай ҳамда саҳиҳлигига амин бўлмай туриб унга бирорта ҳам ҳадисни киритмадим".

*Ал-Ҳофиз ибн Ҳажар* бундай дейдилар: "Имом ал-Бухорийнинг "Мен "Ал-Жомиъ"ни Ал-Масжид ал-Харамда ёздим" деган сўзларини том маънода тушунмаслик керак. Чунки ул киши "Ал-Жомиъ"нинг қоралама нусхасини юртма-юрт кезиб юрган чоғларида ёзганлар, Ал-Масжид ал-Харамда эса уни таҳрир қилиб, оққа кўчиргандар. Сўнг унга киритилган ҳадисларни ўз юртлари ва бўлак мамлакатлардаги илм аҳли эътиборига ҳавола қилишга киришганлар. Бунга Имом ал-Бухорийнинг "Мен "Ал-Жомиъ"ни ўн олти йилда тасниф этдим" деган сўзлари далиллар. Чунки, ул киши ўн олти йил давомида Маккада муқим турмаганлар.

*Ибн Адий* бир гуруҳ шайхларнинг ана шу хусусдаги хабарларини куйидагича ривоят қиладилар: "Дарҳақиқат, Имом ал-Бухорий ўз тўпламларини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак қабрлари билан минбарлари оралиғида ўлтириб фикҳий мавзуларга (боб ва китобларга) ажрат-

ғанлар, яъни ҳадисларни туркум-туркум қилиб ажратиб, улардан муайян фикъий хулосалар чиқарганлар. Шунда ул киши ҳар бир мавзуни таҳрир қилиб, тартибга келтиришдан бурун икки ракъат намоз ўқиганлар". Бу маълумот Ал-Ҳофизнинг юқоридаги гапларига зид эмас, чунки у Имом ал-Бухорийнинг аввал тўпламнинг қоралама нусхасини ёзиб, сўнг уни Ал-Масжид ал-Харамда оққа кўчирганларини инкор этмайди.

*Абдулқуддус ибн Ҳумом* бундай деган эканлар: "Мен бир неча шайхларнинг: "Имом ал-Бухорий Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак қабрлари билан минбарлари оралиғида ўлтириб, ўз тўпламларига фикъий мавзулар ишлаб чиққанлар", - деганларига шоҳидман".

Айрим уламолар (масалан, Абулфазл Мұҳаммад ибн Тоҳир ал-Мақдисий) бу хусусда турлича фикр билдиришган. Чунончи, улардан баъзилари "Тўпламни Бухорода ёзганлар" деса, айримлари "Маккада", бошқалари "Басрада" ёзилган дейишади. Буларнинг бариси тўғри, боиси ул киши зикр қилинган шаҳарларнинг ҳар бирида бўлиб, тўпламларни улардан бирида ёзишга киришганлар, иккинчисида эса давом эттирганлар ва шу тариқа уни ёзиб тугатганлар. Чунки ул киши уни ўн олти йил давомида ёзганлар-да!

### "Ал-Жомиъ ас саҳиҳ"нинг ёзилиш муддати

Имом ал-Бухорий "Саҳиҳ"ларини ёзиб бўлгач, Яҳё ибн Муъийн ибн ал-Мадийний ва Аҳмад ибн Ҳанбалга кўрсатганлар. Ал-Ҳофиз ибн Ҳажарнинг "Тақрийб ат-таҳзийб" номли китобларида айтилишича, Яҳё ибн Муъийн ҳижратнинг 233, оталари Ал-Мадийний 234 ва Аҳмад ибн Ҳанбал 241 йили вафот этишган бўлиб, "Саҳиҳ" шу вақтда мавжуд эди. Шунга кўра, Имом ал-Бухорий "Саҳиҳ"ни ҳижратнинг 233 йилидан илгари (кейин уни тўлдирган бўлсалар-да) ёзиб тугатганлар, дейиш мумкин. Имом ал-Бухорийнинг "Саҳиҳ"га ундан кейин ҳам қўшимчалар киритганларини ундаги ҳадислар сонидаги тафовут тасдиқлади. Чунки *Ал-Ироқий "Ат-Тадрийб"* номли асарида айтилишича, ("Саҳиҳ"нинг дастлабки нусхасидагига нисбатан) Ҳаммод ибн Шокир ривоят қилган

ҳадислар сони Ал-Фарабрий ривоят қилган ҳадислар сонидан икки юзта кам, Иброҳим ибн Маъқилни эса иккалапариникидан уч юзта камдир. Бундан маълум бўладики, Имом ал-Бухорий "Саҳиҳ"га кейин ҳам қайта-қайта қўшимчалар киритиб, уни 233 йилдан илгари, ўн олти йилда бутунлай ёзиб тугатганлар. Шунга асосан, Имом ал-Бухорий уни 217 или, муборак ёшпари йигирма учда эканлигида ёзишга киришгандар, деб барапла айтмоқ жоиздур.

"Саҳиҳ"нинг афзаликлари ва одамларнинг унга  
нисбатан айтган олқишу мадҳлари

Имом ал-Бухорийнинг "Саҳиҳ"ларига нисбатан изҳор қилинган олқишу мадҳлар беҳисобдир. Ал-Касталоний бундай дейдилар: "Унинг афзаликлари ҳусусига келсак, у бу борада яратилган китоблар ичida энг саҳиҳи ва ҳар бир замон уламолари томонидан қучоқ очиб қабул қилинган асардир. У барча илм-фан ва унинг соҳалари бўйича яратилган ҳар қандай асарлардан беқиёс даражада устун бўлиб, ўзининг афзаликлари ва аҳамияти жиҳатидан ислом илмига доир китоблар орасида юлдузлар ичра қуёш янглиғ алоҳида ажралиб туради. Унга буюк қаҳрамонлару энг даҳо уламолар ҳам юксак баҳо берганлар, унинг фойдаси ҳисобсиз бўлиб, сира саногига етолмайсан!".

Аз-Заҳабий "Таърих ул-Ислом" асарида бундай деб ёза-дилар: Имом ал-Бухорийнинг тўпламлари ислом китоблари ичida Аллоҳ таолонинг Китобидан кейинги энг буюк ва энг афзал китоб бўлиб, у ҳозирги вақтда инсонлар учун энг катта таянч бўлиб турибди".

Абу Зайд ал-Марвазий бундай дейдилар: "(Бир киши) мен (Байтуллоҳда) Руҳ билан Мақом оралиғида ухлаб ётган эдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни туш кўрдим. Шунда ул зот менга: "Эй Абу Зайд! Токайгача (Муҳаммад ибн Идрис) Аш-Шофиъийнинг китобини ўқиисан, менинг китобимни ўқимайсанми?", – деб марҳамат қилдилар. Мен: "Ё Расулуллоҳ! Қайси китоб Сизнинг китобингиз?", – дедим. Ул зот: "Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг тўплами", – деб жавоб қилдилар".

*Абдуссалом ал-Муборакфурий* эса Абу Зайднинг мазкур тушларини қуидагича баён қиладилар: “(Бир куни) мен (Байтуплоҳда) Рукн билан Мақом оралиғида ухлаб ётган эдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни туш кўрдим. Шунда ул зот менга: “Эй Абу Зайд! Аш-Шофиъий (мазҳабидаги умматим)нинг китобини қачонгача ўқийсан? Менинг китобимни ўқимайсанми, ахир?”, – деб марҳамат қилдилар. Мен: “Ё Расулуллоҳ! Қайси китоб Сизнинг китобингиз?”, – дедим. Ул зот: “Муҳаммад ибн Исмоилнинг тўплами”, – деб жавоб қилдилар”.

*Ан Насрий*: “Бу китобларнинг (ҳадис китобларининг) энг яхшиси Ал-Бухорийнинг китоблари”dir, – дейдилар.

*Аш-Шайх Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абу Жамра* бундай дейдилар: “Мен орифлардан бирини учратдим. Шунда у ўзи учратган орифлар мухлиси бўлмиш бир улуғ кишининг бундай деб айтганини менга хабар қилди: “Имом ал-Бухорийнинг “Саҳиҳ”лари бошга кулфат тушганда ўқилса, мушкулни осон қилур, у билан кемага чиққан йўловчи эса (денгизда фалокатдан) нажот топур. Чунки Имом ал-Бухорий дуолари мустажоб бўладиган зот бўлиб, уни ўқийдирган кишиларни дуо қилганлар”.

*Ал-Ҳофиз ибн Касийр* бундай дейдилар: “Имом ал-Бухорийнинг “Саҳиҳ”лари (кўроқчиликда ўқилса, Аллоҳ таолонинг иродаси билан) булатлардан ёмғир ёғади ва бутун ислом аҳли ундаги жамики ҳадиси шарифларни яқдиллик билан мақбул ва саҳиҳ деб топгандур”.

### “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ”нинг олтита “саҳиҳ” китоби орасида тутган ўрни

Бу умматнинг уламолари Имом ал-Бухорийнинг тўпламларини нафақат суннатга доир жамики китобларнинг энг буюги ва улуғи деб, балки исломга доир барча китоблар ичida Аллоҳ таолонинг Китобидан кейинги энг саҳиҳи деб ҳам қарор қилдилар. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам умматлари ва унинг уламоларининг Имом ал-Бухорий тўпламларини бўлак китоблар ичida энг саҳиҳ ва энг

афзал деб қарор қилғанлари на шунчаки ўзаро келишиб олғанлик ва на тасодиф ва на фитна бўлмай, балки Аллоҳ таолонинг илҳоми ҳамда бу китоб муаллифининг ҳадиси набавиййани сақлаш ва унинг ровийларини аниқлаш йўлида қилған жиҳоди бадалига ато этган мукофотидир. Чунки Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз динини (қиёматга қадар) ва ўз рисоласини (пайғому аҳкомларини) бўлак бандаларига етказмоқлари учун танлаган бу умматни ғофиллигу нодонлик домига илиниб, ўзаро келишган ҳолда залолатга юз бурмоқдан асрарандир.

*Нававий "Ат-Тақрийб"* китобида: "Фақат саҳиҳ ҳадислардан иборат энг дастлабки китоб – Имом ал-Бухорийнинг "Саҳиҳ"лари, ундан кейин эса Муслимникидир. Иккаласи ҳам Қуръони каримдан кейин энг саҳиҳ китоб бўлса-да, Имом ал-Бухорийники Муслимникидан саҳиҳроқдир. Баъзилар: "Муслимники саҳиҳроқ!", – дейди, аммо Имом ал-Бухорийники ундан саҳиҳроқ бўлиб, кўпчилик уни шундай деб эътироф этган".

Қисқаси, Имом ал-Бухорийнинг "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"лари саҳиҳлик ва бошқа жиҳатлардан кўпчилик наздида энг олий мақомга эгадир. Ундан кейинги ўринда Имом Муслимнинг, сўнг Имом Абу Довуднинг ҳадислар тўплами туради. "Мифтоҳ ус-саъода" номли китоб муаллифи – Тош Куброзода: "Мен Имом Абу Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийни ўшал тоифа (яъни, муҳаддислар)нинг Имом Моликдан кейинги раҳнамоси ва тимсоли деб биламан. Имом Муслимнинг китоблари мартаба жиҳатдан ул кишининг тўпламларидан кейинги ўринда туради. Улардан кейинги мақомларни Абу Довуд, сўнг Абу Исо ат-Термизий, кейин Абу Абдураҳмон ат-Насоййнинг китоблари эгаллаган", – деб юқоридаги хulosага келган.

## БУХОРОДАГИ БУЮК УСТОЗЛАРИ

Имом ал-Бухорий ҳадис илмини эндиғина ўрганмоққа киришган кезлариди Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Пойкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳам-

мад ал-Муснадий, Иброҳим ибн ал-Ашъас ва бошқалар бу борада олий мақомга эришган алломалар бўлиб, кўплаб ҳадис толиблариға устозлик қилгувчи йирик муҳаддислардан здилар. Имом ал-Бухорий талабалик чоғларида айнан ана шу устозларининг билим чашмасидан қониб-қониб ичгандилар.

### Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий

Имом ал-Молик билан бир асрда яшаганлар ҳамда Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ва Ибн Уяйнадан ҳадислар ривоят қилганлар. Ислом илми ривожи йўлида саксон минг дирҳам эҳсон қилганлар. Бир куни ҳадис тўгарагида устозларидан ҳадис ёзиб олаётган чоғларида қаламлари синиб қолади. Шунда ул киши: "Кимки менга қалам олиб келса, ҳар бир қалам учун бир динор ҳақ тўлайман", – деб зълон қиласидилар. Сўнг одамлар шунчалик кўп қалам олиб келишадики, ҳатто уларнинг сони бир неча юзга етади, ул киши уларнинг ҳаммасини сотиб оладилар. Имом Аҳмад айтади: "Дарҳақиқат, Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий ривоят қилган ҳадислардан фақат китобларга киритилганларининг ўзи беш мингтадир".

Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий ҳижратнинг 225 йили 65 ёшда вафот этганлар.

### Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Муснадий

Исноди (ровийлари силсиласи) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаи киромларидан бирлариға боғланадиган ҳадисларгагина эътибор берганлари боисидан "Ал-Муснадий" деган ном олганлар. Фузайл ибн Иёз, Ибн Уяйна ва Ал-Мұттамир ибн Сулаймон каби йирик муҳаддисларнинг шогирдлари дандирлар. Ҳижратнинг 112 йили дунёга келиб, 229 йили ундан риҳлат қилганлар. Аҳмад ибн Сайёр: "Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Муснадий илми ҳадисни чуқур ва мукаммал билганлар", – дейдилар. Имом Абу Абдуллоҳ ал-Ҳоким Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ан-Найсабурий: "Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Муснадий шубҳасиз Мовароуннаҳрда ўз замонларининг ҳадис илми бўйича пешқа-

дами бўлганлар", – дейдилар. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Муснадий Бухоро волиийи Ал-Йамон ал-Жуъфийнинг набирасидирлар.

### Иброҳим ибн ал-Ашъас

Бухоро уламоларидан бири бўлиб, Фузайл ибн Иёз ва ибн Уяйнадан ҳадислар ривоят қилганлар. "Муснад ал-Ҳамидий" номли ҳадислар тўпламининг муаллифи Ибн Аҳмад ул-кишининг шогирдларидандир.

### ШОГИРДЛАРИ

Имом ал-Бухорийнинг шогирдлари беҳад кўп бўлган. Айтишларича, ул кишининг ҳадис тўгаракларида йигирма мингга яқин талаба иштирок этган. Шогирдларидан бири – Имом ал-Фарабий: "Дарҳақиқат, тўқсон минг шогирд ул кишидан "Саҳиҳи Бухорий" (тўпламидағи ҳадислар)ни (ўрганиб) ривоят қилган", – дейдилар. Қуйида Имом ал-Бухорийнинг ислом илмлари бобида имомлик даражасига эришган айрим шогирдлари хусусида ёзамиз.

### Имом Муслим ибн ал-Ҳаллож

Дарҳақиқат, Имом Муслимнинг шуҳратлари, билимдонликлари, қувваи ҳофизалари, фақиҳликлари хусусида батафсил тўхталиб ўтмоқнинг ҳожати йўқдир. Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим – иккалалари ҳам "Ҳадис илмининг шайхи" деган унвонга сазовор бўлишган. Ҳар қачон "Бу ҳадисни икки шайх ривоят қилган" дейилганда, одамлар сўзсиз иккалаларини тушунишган. Шундай бўлса-да, Имом Муслим Имом ал-Бухорийнинг шогирдларидан бўлиб, ул кишига "Эй муҳаддислар саййиди!", – деб мурожаат қилганлар.

Имом Муслим устозлари Имом ал-Бухорийни шул қадар қаттиқ ҳурмат қиласар, ҳатто баъзан икки қошлиаридан ўпа туриб: "Эй устозларнинг устози, муҳаддислар саййиди, иллатли ҳадислар табиби! Ижозат қилингиз, икки оёғингизни ўпай!", – дер эдилар.

Имом ал-Бухорийнинг мазкур шогирдларининг исмлари – Муслим, кунялари – Абул-Ҳусайн, лақаблари – Асокир уддийн (Дин лашкари), насаблари – Муслим ибн ал-Ҳажож ибн Вард ибн Кушоз бўлиб, ҳижратнинг 202 йили таваллуд топганлар.

Имом Муслим насаблари қушайр қабиласига бориб ту-ташгач, "Ал-қушайрий" деб атала бошлаганлар, аммо ўзла-ри асли нишопурликлар. Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Мисрга илм талабида риҳлат қилиб, уларни бошдан-оёқ кезиб чиқкан-лар. Бағдодга бир неча марта бориб, у ерда ҳадис илмидан таълим олганлар. Бағдодга сўнгги марта ҳижратнинг 259 йили келганлар. Илм бобида камолотга зришгач, мударрис-лик қилиб, кўплаб шогирдлар етиштирганлар, бир қанча асар-лар ёзганлар. Чунончи, ҳадислар тўплами – "Саҳиҳи Мус-лим" шулар жумласидандир.

Имом Муслим ҳижратнинг 261 йили Нишопурнинг Насро-бод деган ерида вафот этганлар.

### Имом Абу Исо ат-Термизий

Имом ат-Термизий умрининг аксариятини Имом ал-Бу-хорийга шогирдлиқда ўтказган ҳадис толибларидан бириди-лар. Шул боисдан ҳам одамлар: "Имом ат-Термизий Имом ал-Бухорийнинг қўлларида таълим-тарбия олиб, вояга етган-лар", – дейишади. Ҳатто баъзи муҳаддислар ул кишини "Имом ал-Бухорийнинг ўринбосари (вориси)" деб ҳам аташган.

Имом ат-Термизий ҳижратнинг 206 йили (милодий 824) дунёга келганлар. Исмлари – Муҳаммад, кунялари – Абу Исо, насаблари – Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳжок ас-Суламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий. Куня-лари "Абу Исо" бўлгани каби оталарининг исми ҳам Исодир. Боболари Савра асли марвлик бўлиб, кейинчалик Термизга кўчиб келган. Ул кишининг насаблари Бану Файлон қабила-сининг бир тармоғи бўлмиш Бану Сулаймга бориб туташади.

Имом ат-Термизийнинг устозлари кўп бўлган. Чунончи, Ал-Бухорий, Муслим, Абу Довуд, қутайба ибн Саъид, Али ибн Ҳажар, Муҳаммад ибн Башшар ва бошқалар шулар

жумласидандир. Басра, Куфа, Восит, Рай, Хуресон ва Ҳижозга риҳлат қилиб, ул ерларда ҳадис илмини ўрганганлар. Сўнг ўз билимларини омма орасида тарқатганлар, кўплаб шогирдлар етиштирганлар.

Баъзи тарихчиларнинг зикр қилишича, Ат-Термизий Аллоҳ азза ва жалладан ғоятда тақво қилганлари боисидан серийғи бўлганлар ва айнан шунинг учун ҳам кўзлари ожиз бўлиб қолган. Аммо айрим тарихчилар буни инкор қилиб: "Ул киши туғма ожиз бўлганлар", – дейишади.

Имом ат-Термизийнинг ҳадис илмига доир "Жомиъ ут-Термизий", "Китоб ул-Илал", "Аш-Шамоил" номли асарлари бўлиб, уларнинг барисини яратишда устозлари Имом ал-Бухорийдан фойдаланганлар.

### Имом ан-Насоий

Олти "Саҳиҳ" китобининг буюк кошонасига киришга мұяссар бўлганлардан бири Имом ан-Насоийдирлар. Ислом аҳли ул кишини олти "Саҳиҳ" китоби муаллифлари орасида мўътабар мақомда эканликларини тан олган. Ул кишининг машҳур "Сунан" номли ҳадислар тўплами илм толиблари учун дастуруламал бўлиб, уни Шарқда ҳам, Фарбда ҳам муҳадислар чуқур ўрганмоқдалар.

Имом ан-Насоий ҳижратнинг 215 йили таваллуд топганлар. Исмлари – Аҳмад, кунялари – Абу Абдурраҳмон, лақаблари – Имом ан-Насоий, наسابлари – Аҳмад ибн Шуъайб ибн Али ибн Синон ибн Дийнор.

Имом ан-Насоий Хуресоннинг Марв яқинидаги Насо шаҳрида туғилганлар. Дастребки таълимни ўз юртларида олганлар. Ҳижратнинг 230 йили, ўн беш ёшга кирганларида илм талабида риҳлат қилиб, Балхдаги Имом қутайбанинг ҳузурларига борганлар. Ул кишининг бисотларидағи билиму ҳадисларини ўрганиб бўлгач, Ҳижоз, Шом, Миср ва Жазира га риҳлат қилганлар. Бир мунча вақт Мисрда яшаганлар.

Имом ал-Бухорий, Имом Абу Довуд ас-Сижистоний, Қутайба ибн Саъийд, Исҳоқ ибн Роҳвайҳ, Али ибн Ҳажар, Сулаймон ибн Ашъас, Мұхаммад ибн Башшор ва бошқалар Имом ан-Насоийга устозлик қилишган.

Имом ан-Насоййнинг шогирдлари ҳам кўп бўлган. Чунончи, Имом Абу Жаъфар ат-Таҳовий, Абулқосим ат-Табароний, Абу Бишр ад-Дулобий ва бошқалар шулар жумласидандир. Имом ан-Насой ҳижратнинг 302 иили Мисрдан қайтаёт-тиб Дамашққа кирадилар ва ҳижратнинг 304 иили ўша ерда вафот этадилар.

Ул киши ҳадис илми бўйича бир неча асарлар ёзганлар, улардан энг машҳури – “Ас-Сунан”.

### Ал-Фарабрий

Фазилат ва камолот аҳлидан бўлмиш бу аллома Имом ал-Бухорийдан саҳиҳ ҳадислар ривоят қилган энг сўнгги ро-вий бўлиб, ҳижратнинг 231 иили туғилганлар. Ҳадис толиблари дунёning турли томонларидан ул кишининг ҳузурлари-га келишиб, имом ал-Бухорийнинг “Саҳиҳ”ларини ўрганишган.

Ислами – Муҳаммад ибн Юсуф ибн Матар ибн Солиҳ ибн Бишр бўлиб, ҳижратнинг 330 иили вафот этганлар.

### Имом ад-Доримий

Бу аллома ҳам фазилат ва камолот аҳлидан бўлиб, ва-фот этганларида Имом ал-Бухорий: “Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожи’ун” – дея кўзларидан юм-юм ёш тўкканлар.

Имом ад-Доримий ҳижратнинг 181 иили дунёга келганлар. Ислами – Абдуллоҳ, кунялари – Абу Муҳаммад. Насаблари – Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ибн Абдуссамад ат-Тамимиј ад-Доримий. Шариъат билимлари талабида кўп риҳлат қилганлар, хусусан, Ҳижоз, Ҳурросон, Шом, Ироқ, Миср ва бошқа ерларда бўлганлар. Энг муҳим асарлари – “Ал-Муснад”.

### Солиҳ ибн Муҳаммад Жазара

Имом ал-Бухорийнинг қувваи ҳофизаси кучли шогирдларидан бўлиб, узоқ муддат Мовароуннаҳрда ҳадис бўйича ёдаки (китобга қарамай) дарс берганлар. Ҳижратнинг 266

йили Бухорога келиб яшай бошлаганлар. Яҳё ибн Муъийн, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Саъийд ибн Сулаймон, Абу Наср ат-Таммор каби муҳаддислар сұхбатидан баҳраманд бўлганлар. Ҳазил-мутойибани хуш кўрганлар. Ҳижратнинг 293 йили вафот этганлар.

**Имом Муҳаммад ибн Наср  
ал-Марвазий**

Ҳижратнинг 202 йили таваллуд топганлар. Имом ал-Бухорийдан ташқари, Имом Исҳоқ ибн Роҳвайҳ, Яҳё ибн Яҳё, Язид ибн Солиҳ, Ҳишом ибн Аммор каби муҳаддислардан таълим олганлар.

Асарлари: "Китоб рафъ ал-йадайн", "Китоб таъзийм ас-салот", "Китоб ал-қасома", "Қийом ал-лайл".

Амиру ҳокимлар ул кишини ғоятда ҳурмат қилишган. Масалан, Ҳурсон волийи Исмоил ибн Аҳмад ва унинг биродари Исҳоқ Имом ал-Марвазийга ҳар йили саккиз минг, Самарқанд аҳли эса тўрт минг дирҳам юбориб турган, аммо ул киши бу пулларни тийин-тийинигача илмга сарф қилганлар.

**Имом Абу Ҳотим ар-Розий**

Ҳадис илмининг йирик уламоларидан. Ҳижратнинг 195 йили дунёга келганлар. Энг муҳим фазилатларидан бири – Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси шарифлари талабида Баҳрайндан Мисрга, Мисрдан Рамлага, Рамладан Тартусга пиёда риҳлат қилганлар. Ҳижратнинг 277 йили дунёдан ўтганлар.

**УЛАМОЛАР ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ХУСУСЛАРИДА**

Имом ал-Бухорий бутун ислом оламида кўплаб буюк мутафаккир ва йирик муҳаддислар етишиб чиққан бир муборак асрда яшадилар. Аллоҳ таолонинг чексиз фазлу қарами туфайли Имом ал-Бухорий бекёёс юксакликка эришдилар. Жамики замондош уламолар ул кишининг илм, қувваи ҳофиза ва ақлу идрок бобида ўзларидан устун эканлик-

ларини тан олишиб, шаънларига қизғин олқишу мақтovлар изҳор қилишди.

Имом ал-Бухорийни болалик чоғларида уламолар: "Бу, иншоаллоҳ, буюк олим бўлади", – дейишар эди, улар айтгандек бўлди.

Қўйида китобхонларга мазкур уламоларнинг Имом ал-Бухорий ҳақларидаги хабарларидан намуналар келтирамиз:

*Ал-Асқалоний* бундай дейдилар: "Имом ал-Бухорий: "Фийбат ҳаром эканлигини билганимдан буён сира бирорни фийбат қилмадим", – дер эдилар".

\*\*\*

*Ас-Субкий* бундай деб хабар қиладилар: "Имом ал-Бухорий: "Мен мол-дунёни зикр қилгувчи бирорта ҳам гапни айтмоқни истамадим, мен (ҳар бир) гапимни Аллоҳ таолога ҳамду сано айтишдангина бошладим", – дер эдилар".

\*\*\*

*Ас-Субкий* яна бундай деб хабар қиладилар: "Имом ал-Бухорий: "Мусулмон одам Аллоҳ таолога дуо айтса, "У дуоимга ижобат қилмади" дейдирган ҳолга тушмаслиги лозим", – дер эдилар".

\*\*\*

*Ал-Муборакфурий* айтадиларки, Имом ал-Бухорий машиқкатларга чидамли, ишда тиришқоқ бўлиб, ўз қўлларидан келадиган юмушни бирорга юклашни хушламас эканлар.

\*\*\*

*Ал-Ҳофиз Аҳмад ибн Ҳамдин* бундай дейдилар: "(Бир куни) мен Имом ал-Бухорийни (Усмон ибн Абу Саъийд ибн Марвоннинг) жанозасида кўрдим. Шунда Муҳаммад ибн Яҳе аз-Зуҳлий Имом ал-Бухорийдан ровийлар исмлари ва иллатли ҳадислар ҳақида сўраётган бўлиб, ул киши унинг саволларига "қўул ҳуваллоҳу аҳад" ни ёддан айтаётган янглиғ, камондан отилган ўқдек тез жавоб берётган эдилар".

\*\*\*

Ал-Асқалоний бундай деб хабар қиласидилар: "Бир куни Имом ал-Бухорий ўз замонасининг йирик муҳаддисларидан бўлмиш Ал-Фарёбийнинг илмий йигинида эдилар, ул киши "Суфён Абу Урвадан, у Абулхаттобдан, у эса Абу Ҳамзадан ривоят қиласиган," деб бошланадиган бир ҳадисни айтдилар. Аммо йигиндаги бирор киши Суфёндан кейинги ровийларнинг кимлар эканлигини билолмади, чунки уларнинг барчаси лақаб (кунья)лари билан зикр қилинган эди. Шунда Имом ал-Бухорий йигиндагиларга: "Абу Урва – Муъаммар ибн Рошид, Абулхаттоб – Қатода ибн Диъома, Абу Ҳамза – Анас ибн Молиқдир", – дедилар.

\*\*\*

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Сиёрифий бундай дейдилар: "Мен Муҳаммад ибн Исмоилнинг уйларида эдим, жориялари келиб, ичкарига кирмоқчи бўлди-да, бехосдан йўлида турган сиёҳдонни ағдариб юборди. Имом ал-Бухорий унга: "Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдими?!", – дедилар. Жория: "Юришга йўп бўлмагач, қаердан юрай?", – деди. Имом ал-Бухорий унга: "Кетавер, мен сени озод қилдим!", – дедилар. Ўша ердагилардан бири Имом ал-Бухорийга: "Эй Абу Абдуллоҳ! Жориянгиз сизни дарғазаб қилдими?", – деди. Шунда Имом ал-Бухорий: "Шу қиласиган ишим билан ўзимни (кўнглимни) рози айладим", – деб жавоб қилдилар. Яъни гўёки жорияга қиласиган иши учун танбеҳ бериш ўрнига, ўзларига танбеҳ бердилар.

\*\*\*

Бир куни Имом ал-Бухорийга отапари Исмоилнинг энг муҳлис шогирдларидан бири бўлмиш Абу Ҳафс харид қилиб юборган молларни келтиришди. Кечки пайт савдогарлар ул кишининг ҳузурларида тўпланишиб, ўшал молларни беш минг дирҳам фойдасига бермоқларини илтимос қилишди. Имом ал-Бухорий рози бўлиб, уларга: "Тунни ўтказиб келингизлар!", – дедилар. Эртасига эрталаб боягилардан аввал

бошқа бир гуруҳ савдогарлар келишиб, мазкур молларни ўн минг дирҳам фойдасига сотмоқларини сўрашди. Шунда Имом ал-Бухорий уларнинг таклифларини рад этиб: "Мен кеча сизлардан бурун келган савдогарларга сотаман деб қарор қилиб эдим", – деб жавоб қилдилар-да, ўшал молларни аввал келган савдогарларга бериб юбордилар. Сўнг бизга: "Мен ўз қароримни ўзгартиришни ёқтирамайман!", – дедилар".

\*\*\*

Камондан ўқ узиш (ёхуд найза отиш) уламолар касби бўймаса-да, бу Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг муборак суннатларидан бўлгани боис Имом ал-Бухорий ҳам майдонга чиқиб ўқ отишни машқ қилиб турар ва доимо нишонга аниқ урар эдилар. *Мұхаммад ибн Абу Ҳотим ал-Варроқ* бу хусусда бундай деб хабар қиласидилар: "Имом ал-Бухорий тез-тез майдонга чиқиб, ўқ отишни машқ қилиб турар эдилар. Мен уп кишига котиблик қилиб юрган кеззаприм мобайнида майдонга чиқиб ўқ отишдан машқ қилганларида отган ўқларининг икки мартадан бўлак хато кетганини кўрганимни билмайман.

Бир куни биз ўқ отишдан машқ қилишга отландик. Шунда биз Фарабр (Фараб) деган жойда бўлиб, бир сайҳон ерга олиб борадиган йўл бўйлаб юрдик ва кўзланган манзилга етиб бордик. Сўнг машқ қилишга киришдик. Ногаҳон, Имом ал-Бухорийнинг отган ўқлари хато кетиб, сой устидаги кўприк (ёки кўшк) устунларидан бирига тегди-да, уни ёриб юборди. Имом ал-Бухорий буни кўриб, уловларидан тушдилар-да, ўқни устундан сугуриб олгач, машқ қилишни бас қилдилар. Кейин менга: "Эй Абу Жаъфар! Сенга менинг бир илтимосим бор", – дея хўрсиниб қўйдилар. Мен: "Жоним билан!" – дедим. Имом ал-Бухорий: "Кўприк (ёки кўшк)нинг эгаси ҳузурига борасан-да, унга: "Биз бехосдан кўприк устунларидан бирига зарар етказиб қўйдик, шул туфайли уни янгилааб қўймоғимизга ижозат берсангиз ёки унинг пулини олиб, бўйнимиздан қилган гуноҳимизни соқит қилсангиз!", – деб

айтасан!", – дедилар. Кўприкнинг эгаси Ҳумайд ибн ал-Ахзар деган киши экан. У менга жавобан: "Аввало Абу Абдуллоҳга менинг саломимни етказ, сўнг ул кишининг гуноҳларини кечганимни ва бунинг устига бор мол-мулкимни ул киши учун фидо қилажагимни айт!", – деди. Мен келиб, Имом ал-Бухорийга унинг гапларини етказган эдим, бағоят хушнуд бўлгандаридан юзлари ёришиб кетди. Шу куни Имом ал-Бухорий бунинг шукронаси учун ғарибу ғуроболарга беш юз ҳадис ривоят қилиб, уч юз дирҳам садақа қилдилар".

\* \* \*

Биз Бухоро яқинидаги Фарабрда эдик. Имом ал-Бухорий работ қураётган бўлиб, кўплаб одамлар ул кишига ҳашар қилишаётган эди. Шунда мен ғишт ташиётган Имом ал-Бухорийга: "Ё Абу Абдуллоҳ! Бу сизга оғирлик қиласди, қўйингиз, ишламангиз!", – деб эдим, "Айнан ана шунинг менга нафъи теккусидир!", – деб жавоб қилдилар (Яъни "Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ғазотда ўз муборак қўллари билан хандақ қазиганлар, катта-катта харсангларни майдалаганлар, масжид қурилишида ғишт ташигандар. Мусулмон киши, ўз илми ё мартабасидан қатъий назар, биродарлари билан баробар меҳнат қилмоғи лозимдур. Бу – ул зотнинг суннатлари бўлиб, уни адo этсам, менга охиратда нафъи теккусидур", – дедилар).

\* \* \*

*Ал-Ҳоким Абу Абдуллоҳ* бундай дейдилар: "Рамазон ойининг биринчи куни келса, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг уйларида дўстлари тўпланишиб, ул киши билан намоз ўқир эдилар. Шунда ҳар бир ракъатда йигирма оятдан тиловат қилиб, Қуръонни хатм этар эдилар. Шунингдек, ул киши ҳар уч кечада туннинг ярмидан то учдан бири қолгунга қадар Қуръон тиловат қилиб, саҳар вақтида уни хатм қилар эдилар. Ул киши ҳар куни кундузи ҳам Қуръонни бир марта хатм қилар эдилар ва бу хатмлари ҳар кечанинг ифттор вақтига тўғри келар эди.

\* \* \*

*Мұхаммад ибн Абу Ҳотим ал-Варроқ* бундай деб хабар қиладилар: "Имом ал-Бухорий билан бирга сафарга чиққағында ул киши бир кечада ўн беш мартадан то йигирма мартағача ўринларидан турар ва ҳар сафар турганларида чақмоқтошни олиб чироқни ёқар эдилар. Сүңг ҳадислар битилгандын сақиғаларга тузатышлар қилғач, яна ётиб ухлар эдилар. Ўша кечалардан бирида ул кишига: "Шундай машаққатлы ишни бир ўзингиз қиласизми, мени уйғотсангиз бўлмайдими?!", – дедим. Шунда ул киши: "Сен ҳали ёшсан (ором олишинг зарур), уйқунгни бузишни истамайман", – деб жавоб қилдилар".

\* \* \*

*Имом Қутайба ибн Саъийд* бундай дейдилар: "Фақиҳлар билан ҳам, зоҳидлар билан ҳам, обидлар билан ҳам ҳамсүҳбат бўлдим, аммо ақлимни таниганимдан бери Мұхаммад ибн Исмоилдек буюк зотни кўрмадим. Мұхаммад ибн Исмоил ўзларига замондош барча уламолар ичра Ҳазрат Умар саҳобалар ичра кабидурлар!".

\* \* \*

*Имом Абу Абдуллоҳ Шамсуддин Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий* бундай деб ёзадилар: "(Имом ал-Бухорий) заковат вужудининг ҳам, илм вужудининг ҳам боши эдилар".

\* \* \*

*Ҳолид ибн Исмоил* бундай дейдилар: "Маърифат аҳли ҳадис талабида Мұхаммад ибн Исмоилнинг ортларидан тўдатўда бўлиб эргашиб юришар эди. Шунда минг-минглаб ҳадис толиблари ул кишини дуч келган ерда тўхташга ва ҳатто йўл четига ўлтиришга мажбур қилишиб, ҳадислар ёзиб олишар эди. Ўша кезларда ул киши ҳали соқоли чиқмаган бир бола эдилар".

\*\*\*

*Абу Бакр ибн ал-Ағарр* бундай деб хабар қиладилар: “Биз Мұхаммад ибн Исмоилни Мұхаммад ибн Юсуф ал-Фарёбий-нинг эшиги олдида тұхтатиб, ҳадислар ёзіб олдик. Үшанда ул кишининг юзларида бир дона ҳам мүй йўқ эди”.

\*\*\*

*Мұхаммад ибн Абу Ҳотим ал-Варроқ* бундай дейдилар: “Мұхаддислар амири менга: “Ҳадисларнинг саҳиҳ ва ғайри саҳиҳларини аниқлаб олмагунимча ва уламолар китобларини күриб чиқмагунимча ҳадис айтишга ўлтирумадим ҳамда Басрада мавжуд ҳадисларнинг бирортасини ҳам қолдирмай ёзіб олдим”, – деб здилар”.

\*\*\*

*Имом Исҳоқ ибн Роҳвайҳ* ҳадис толибларига бундай деб хитоб қилган эканлар: “Эй ҳадис асҳоблари! Бу бола (Мұхаммад ибн Исмоил) га назар қилингизлар, ундан ҳадислар ёзіб олингизлар! Чунки бу бола, агар Ҳасан ибн Абулҳасан ал-Басрий замонида бўлганида, ул киши бунинг ҳадис бобидағи билимни ва фиқига албатта муҳтоҷ бўлган бўлур эдилар”.

\*\*\*

*Ал-Муборакфурий* бундай дейдилар: “Имом ал-Бухорий шогирдларининг сон-саноғига етиб бўлмас! Авлоддан авлодга тобора кўпайиб бораётган Имом ал-Бухорий шогирдларининг қадами тегмаган бирор жой оламда йўқдир!”.

\*\*\*

Имом ал-Бухорий вафот этганларида *Яҳё ибн Жаъфар ал-Пойкандий*. “Мұхаммад ибн Исмоилнинг ўлими – илмнинг ўлими демакдир”, – деб айтган эканлар.

\*\*\*

*Исмоил ибн Абу Увайс* шогирдлари Имом ал-Бухорийга ўз китобларини топшириб, ундаги ҳадисларнинг саҳиҳлари-

ни ажратиб бермоқларини илтимос қилган эканлар. Сўнг ул киши доимо: "Бу саҳиҳ ҳадисларни ўзим тўплаган ҳадислар орасидан Муҳаммад ибн Исмоил ажратиб берган!", – деб фахрланиб юрар эканлар.

\* \* \*

*Исмоил ибн Абу Увайс* бир куни Имом ал-Бухорийга: "Китобларимни ўқиб чиқиб, хатоларини тузатиб берингиз, бунинг учун неки бойлигим бўлса, сизники бўлсин ва мен тотирик эканман, сизга доимо ташаккур айтурман!", – деган эканлар.

\* \* \*

Бир куни ҳадис толиблари тўпланишиб, Имом ал-Бухорийнинг ҳузурларига келишди-да, ул кишига: "Эй Абу Абдулоҳ! Устозингиз Исмоил ибн Абу Увайсга айтсангиз, бизга илми ҳадисдан бундан ҳам кўпроқ дарс берсалар!", – дейишди. Чунки Исмоил ибн Абу Увайс шогирдлари – Имом ал-Бухорийни беҳад ҳурмат қиласар здилар. Имом ал-Бухорий уларнинг илтимосларини устозларига етказиб здилар, ул киши ҳадис толибларининг илми набавиййани ўрганишга иштиёклари янада ортганидан ғоятда мамнун бўлиб, розилик билдиридилар. Сўнг ўз жорияларини чорладилар-да, унга: "Бир халта динор олиб чиқ!", – дедилар. У динорларни олиб чиққач, Имом ал-Бухорийга узатиб: "Буни уларга тақсимлаб берингиз!", – дедилар. Имом ал-Бухорий ҳайрон бўлиб: "Ахир улар сиздан буни эмас, ҳадис дарсларини кўпайтирмоғингизни сўрашиб эди-ку?!", – дедилар. Шунда *шайх Исмоил Имом ал-Бухорийга*: "Уларнинг сиз орқали қилган талабларига розилик билдиридим, энди мен бунинг устига динорларнинг ҳам қўшилмоғини истайман!", – деб жавоб қипдилар.

\* \* \*

*Абдон ибн Усмон ал-Марвазий*: "Мен бу боладан кўра донороқ кимсани ўз кўзим билан кўрган эмасман!", – дея Муҳаммад ибн Исмоилга ишора қипдилар.

\*\*\*

*Муҳаммад ибн Қутайба ал-Бухорий* бундай дейдилар: “Мен Абу Осим ан-Набаиёнинг ҳузурида бўлганимда, у ердаги бир болани кўриб: “Бу бола қаерлик?”, – дедим. Абу Осим: “Бухородан”, – деди. Мен: “Кимнинг ўғли?”, – дедим. У: “Исмоилнинг ўғли”, – деди. Кейин, мен ўшал болага: “Сен менинг қариндошларимдан экансан”, – дедим. Шунда Абу Осимнинг ҳузуридагилардан бири: “Бу бола қўчқорлар билан сузишади” (яъни “Буюк алломалар билан беллашади”), – деди”.

\*\*\*

*Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳамадоний* бундай деб хабар қиладилар: “Қутайба ибн Саъиддан маст кишининг талоқи хусусида сўраб туришган эди, Имом ал-Бухорий ичкарига кириб келдилар. Шунда Қутайба савол берган кишига Имом ал-Бухорийни кўрсатиб: “Мана бу киши Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳам, Исҳоқ ибн Роҳвайҳнинг ҳам, Али ибн ал-Мадийнийнинг ҳам ўринларига ўтадилар, бул кишини сизга Аллоҳ таолонинг ўзи етказди, (саволингизни шул кишига берингиз!)”, – дедилар”.

\*\*\*

*Абу Амр ал-Кирмоний* бундай деб ёзадилар: “Мен Басрада эканлигимда йирик муҳаддис Қутайба ибн Саъид ас-Сақафий хусусларида Михёрга ҳикоя қилаётиб, ул кишининг “Ер куррасининг шарқидан ҳам, ғарбидан ҳам менинг ҳузуримга алломалар келиб кетди, аммо Муҳаммад ибн Исмоилдан буюк донишманд келган эмас!”, – деганларини айтдим. Шунда Михёр: “Қутайба тўғри айтибдилар. Мен Қутайбани ҳам Яҳё ибн Муъйинни ҳам кўрганман, иккалалари биргалиқда Муҳаммад ибн Исмоилнинг ҳузурларига тез-тез келиб-кетиб туришар эди”, – деди”.

\*\*\*

Ислом мазҳаблари устунларидан бири – *Имом Аҳмад ибн Ҳанбал*. “Хурсон Муҳаммад ибн Исмоилдек (бошқа бир) буюк алломани вояга етказган эмас!”, – дер эдилар.

\*\*\*

*Яъқуб ибн Иброҳим ад-Даврақий ва Нуъайм ибн Ҳаммод ал-Хузоъий:* "Муҳаммад ибн Исмоил бу умматнинг фақиҳидир", – деб айтишган.

\*\*\*

*Муҳаммад ибн Башшор:* "У (Имом ал-Бухорий) Аллоҳ таолонинг замонамиздаги энг фақиҳ бандасидир", – дейдилар.

\*\*\*

*Ҳошид ибн Исмоил* бундай дейдилар: "Мен Басрада бўлганимда Муҳаммад ибн Исмоилнинг келганларини эшитдим. Шунда Муҳаммад ибн Башшор: "Бугун фақиҳлар саййиди ташриф буюрдилар", – дедилар".

\*\*\*

*Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бушанжий* бундай дейдилар: "Мен 228 (ҳижрий) йили Муҳаммад ибн Башшорнинг "Мен Муҳаммад ибн Исмоил билан кўп йиллардан бери фахрланаマン", – деганларини эшитдим".

\*\*\*

*Али ибн Ҳажар:* "Хурросон уч буюк Муҳаддис (Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий) ни вояга етказди. Имом ал-Бухорий ҳадис илми бобида уларнинг энг зеҳнили, энг билимли ва энг фақиҳидир", – дейдилар.

\*\*\*

*Аҳмад ибн Исҳоқ ас-Сирморий:* "Кимки ҳақиқий фақиҳни кўрмоқни истаса, Муҳаммад ибн Исмоилга қарасин!", – деб айтган эканлар.

\*\*\*

*Ҳошид ибн Исмоил* бундай дейдилар: "Мен Муҳаммад ибн Исмоилнинг ҳузурларида Амр ибн Зурора ва Муҳаммад

ибн Рофиъни кўрдим. Иккаласи ул кишидан ҳадислар иллати ҳақида сўрашаётган эди. Саволларига жавоб олиб бўлишгач, ўринларидан туришди-да, ул кишининг ҳузурларида қолаётган бўлак ҳадис толибларига: "Тортинмай Абу Абдуллоҳдан сўрайверингизлар, чунки бул киши барчамиздан фақиҳроқ, билимдонроқ ва закийроқдурлар!", – деб айтишибди".

\*\*\*

*Абдуллоҳ ибн Мұхаммад ибн Саъийд ибн Жаъфар* бундай деб хабар қиладилар: "Аҳмад ибн Ҳарб ан-Нишопурий вафот қилганларида Исҳоқ ибн Роҳвайҳ ва Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ул кишининг жанозаларини (тобутларини) кузатиб боришиди. Шунда мен маърифат аҳлининг иккалаларига қараб: "Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Исҳоқ ибн Роҳвайҳдан фақиҳроқдурлар", – деб айтишаётганини эшитдим".

\*\*\*

*Мусо ибн Қурайш* бундай дейдилар: "Абдуллоҳ ибн Юсуф ат-Танисий Имом ал-Бухорийга: "Эй Абу Абдуллоҳ! Китобларимни кўздан кечириб, ундаги камчиликлардан мени воқиф этсангиз!", – дедилар. Имом ал-Бухорий: "Хўб!", – деб жавоб қилдилар".

\*\*\*

*Ал-Асқалоний* бундай деб ёзадилар: "Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий устозлари Ал-Ҳумайдийнинг ҳузурларига кирдилар. Шунда ул киши ўн саккиз ёшда бўлиб, Ал-Ҳумайдий билан бир киши бир ҳадис хусусида тортишиб туришган эди. Ал-Ҳумайдий Мұхаммад ибн Исмоилнинг кириб келганларини қўриб: "Иккимизнинг ўртамизни келиштириб қўйгувчи киши келди", – дедилар. Сўнг улар тортишувларининг боисини айтишиб эди, Имом ал-Бухорий масалани Ал-Ҳумайдий фойдасига ҳал қилдилар, чунки ҳақиқат ўшал киши томонда эди".

\* \* \*

*Абу Бакр ал-Мадиний* бундай дейдилар: "Бир куни биз Исҳоқ ибн Роҳвайҳнинг ҳузурларида бўлдик, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳам ўша ерда эдилар. Шунда Исҳоқ ибн Роҳвайҳ ҳадис айта туриб, унинг ровийларидан – Ато ал-Кайхороний исми олдида бир саҳобийнинг номларини зикр қилдилар-да: "Эй Абу Абдуллоҳ! Кайхорон" недур?" – деб сўрадилар. Имом ал-Бухорий: "Кайхорон – Ямандаги бир қишлоқ бўлиб, Муовия сиз зикр қилган саҳобийни Яманга жўнатган, Ато ал-Кайхороний бу ҳадисларни ўшал саҳобийдан эшигтан", – дедилар. Шунда Исҳоқ ибн Роҳвайҳ ул кишига: "Эй Абу Абдуллоҳ! Гёё Сиз ўшал кишилар билан бўлган воқеаларда шахсан иштирок қилганга ўхшайсиз!", – дедилар".

\* \* \*

*Фатҳ ибн Нуҳ ан-Нишопурий* бундай дейдилар: "Мен Али ибн ал-Мадийнийнинг ҳузурларига келиб эдим, Муҳаммад ибн Исмоилнинг ул кишининг ўнг ёнларида ўлтирганларини кўрдим. Шунда Али ибн ал-Мадийний ҳадис айтавтиб, Муҳаммад ибн Исмоилга хавотирлик билан қараб қўяр эдилар".

\* \* \*

*Ал-Асқалонийнинг ёзишларича*, Имом ал-Бухорий бундай деб айтган эканлар: "Али ибн ал-Мадийний мендан Хуросон шайхлари хусусида сўрар эдилар. Шунда мен ул кишига Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандийнинг исмларини зикр қилур эдим, аммо ул киши индамас эдилар. Ниҳоят бир куни Али ибн ал-Мадийний, менга: "Эй Абу Абдуллоҳ! Сиз мақтаган ҳар бир шайх бизга ҳам маҳбубдур", – деб айтдилар".

\* \* \*

*Ал-Асқалонийнинг хабар қилишларига кўра*, Имом ал-Бухорий бундай деб айтган эканлар: "Амр ибн Али ал-Фал-лоснинг дўстлари менга бир ҳадисни зикр қилишиб эди, мен уларга: "Бундай ҳадисни билмайман", – дедим. Шунда улар:

"И мом ал-Бухорий билмайдиган ҳадис ҳам бор экан!", – дея хурсанд бўлишиб, Амр ибн Алиниң ҳузурларига буни хабар қилгани боришиди. Амр ибн Али уларга: "Муҳаммад ибн Исмоил билмайдиган ҳадис – ҳадис эмас!", – деб жавоб қилдилар".

\*\*\*

*Амр ибн Али ал-Фаллос.* "Дўстим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоилдек аллома бутун Хурасонда йўқ!", – деб айтган эканлар.

\*\*\*

*Аллома Ражо ибн ал-Муражожо.* "Муҳаммад ибн Исмоилнинг бўлак уламолардан афзаликлари – эрларнинг хотинлардан афзаликлари кабидир! Ул киши Аллоҳ таолонинг Ер юзида юргучи мўъжизаларидан биридирлар!", – деб айтган эканлар.

\*\*\*

*Хусайн ибн Ҳарийс* бундай дейдилар: "Мен Муҳаммад ибн Исмоилдек фақат ҳадис учун яратилган кимсани кўрганимни билмайман".

\*\*\*

*Абу Бакр ибн Абу Шайба ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нумайр.* "Муҳаммад ибн Исмоилдек буюк алломани кўрган эмасмиз", – дейишарди. *Абу Бакр ибн Абу Шайба эса* И мом ал-Бухорийни "Донишманд" деб атардилар.

\*\*\*

*Фарабрий* бундай дейдилар: "Мен Абдуллоҳ ибн Мунайирнинг И мом ал-Бухорий хусусларида ёза туриб: "Мен ул кишининг шогирдлариданман", – деганини эшитдим".

\*\*\*

*Яҳё ибн Жаъфар ал-Пойкандий* И мом ал-Бухорийга: "Агар сиз бўлмаганингизда Бухорода яшамоқни хушламаган бўлур эдим!", – деб айтган эканлар.

\*\*\*

*Абдуллоҳ ибн Мұхаммад ал-Маснадий:* "Мұхаммад ибн Исмоил ҳадис илми бўйича имомдурлар. Кимки Мұхаммад ибн Исмоилни бу борада имом деб билмаса, ул кишини камситган бўлур!", – деганлар.

\*\*\*

*Ҳошид* бундай дейдилар: "Бир куни биз Исҳоқ ибн Роҳвайҳнинг ҳузурларида бўлдик. Шунда Исҳоқ: "Мұхаммад ибн Исмоил мендан кўра зеҳнлироқдур", – дедилар. Мұхаммад ибн Исмоил ўшандада бир ёш бола эдилар".

\*\*\*

*Абу Ҳотим ар-Розий:* "Хуросон Мұхаммад ибн Исмоилдан кўра қувваи ҳофизаси кучлироқ кишини вояга етказмади ва ул ердан Мұхаммад ибн Исмоилдан кўра билимдонроқ киши Ироққа келмади", – дейдилар.

\*\*\*

*Хусайн ибн Мұхаммад ибн Убайд (ал-Ижлий):* "Мұхаммад ибн Исмоилдек алломани кўрмадим. Имом Муслим ҳам (ҳадис ва Қуръон) ҳофизидурлар, аммо Мұхаммад ибн Исмоилнинг даражаларига етмаганлар", – дейдилар.

\*\*\*

*Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Дорамий:* "Мен Икки ҳарам (Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара), Ҳижоз, Шом ва Ироқда кўплаб уламоларни кўрдим, лекин ул ерларда Мұхаммад ибн Исмоилчалик кўп қиррали олимни учратмадим", – дейдилар. Ул киши яна бундай деганлар: "Мұхаммад ибн Исмоил орамизда энг билимдон, энг фақиҳ ва энг талабчанимиздурлар".

\*\*\*

*Абу Саҳл Маҳмуд ибн ан-Надр:* "Мен Басра, Шом, Ҳижоз ва Куфада бўлиб, ул ерларнинг уламоларини кўрдим. Улар

ҳар қачон Муҳаммад ибн Исмоил ҳақларида сўзласалар, ул кишини ўзларидан устун эканликларини зикр қилишар эди. Шунингдек, мен Миср уламоларининг ўттиздан ортиғи билан ҳам сұхбатлашдим, улар: “Бизнинг бу дунёдаги эҳтиёжимиз – Муҳаммад ибн Исмоилдан ибрат олмоқлиқдур”, – дейишар эди”.

\*\*\*

*Салиҳ ибн Муҳаммад Жазара:* “Мен Муҳаммад ибн Исмоилдан фаҳмлироқ бирорта ҳам хурасонликни кўрмадим”, – дейдилар.

\*\*\*

*Муҳаммад ибн Абдураҳмон ад-Дагулий* бундай дейдилар: “Бағдод аҳли Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга қуйидаги мазмунда мактуб йўллаган эди:

*“Токи Сиз бор, яхшилик муслимлара султон бўлур,  
Кетсангиз гар бу жаҳондан, яхшилик шул он ўлур”.*

\*\*\*

*Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма:* “Осмон гумбази остида Муҳаммад ибн Исмоилдан устунроқ ҳадис олими йўқдур!”, – дейдилар.

\*\*\*

*Абу Иса ат-Термизий* бундай дейдилар: “Аллоҳ таоло ул зотнинг барча хоҳишини мустажоб яратган эди”.

\*\*\*

*Холид ибн Исмоил ёзадилар:* “Басра машойихлари хусусида Имом ал-Бухорийнинг фикридан бизнинг фикримиз кўпинча фарқ қиласар эди. У пайтларда у киши ҳали ўспирингина бир бола бўлиб, ҳадисларни сира ёзиб олмас эдилар. Ўн олти кун шу зайлда кечгач, ул зот бизга: “Эшитган ҳадисларингизни барчасини ёзиб олдингиз, қани кўрсатингизчи, қанча ҳадис ёзиб олибсиз”, – дедилар. Ҳисоблаб кўрсак, ўн

беш мингдан зиёд ҳадисни ёзиб олган эканмиз. Ал-Бухорий уларнинг ҳаммасини ёддан айтиб бердилар, ҳатто ул зотнинг айтганларига қараб, ёзган ҳадисларимиздаги кўплаб хатоларни тузатиб ҳам олдик".

\* \* \*

*Абу Закариё Яҳъё ибн Аъён ал-Бухорий ал-Бойҳандий* шундай ривоят қиласидилар: "Агарки ўз умримдан олиб Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг умрига қўшиш имкони бўлганида эди, мен заррача ўйлаб ўтирмай шундай қиласар эдим. Чунки мен вафот этсам, бир киши ҳаётдан кўз юмади, лекин Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этса, жамийки илму урфон барҳам топади".

\* \* \*

*Абу Умар ал-Хаффоғ* бундай дейдилар: "И мом ал-Бухорий илми ҳадис бобида Аҳмад, Исҳоқ ва бошқалардан йигирма марта устундирлар. Кимки ул киши хусусларида бирор ноҳақ гапни айтса, унга менинг минг лаънатим бўлсин! Мен ҳадис айтиб турган бўлсам-у, шунда ул киши бу эшикдан кириб келиб қолсалар, азбаройи салобатлари босганидан ўзимни йўқотиб қўйган бўлур эдим".

\* \* \*

*Абдуллоҳ ибн Ҳаммод ал-Айлий:* "Мен: "Мұхаммад ибн Исмоилнинг баданларида бир тук бўлсайдим!", – деб орзу қилурман", – дейдилар.

\* \* \*

*Сулаймон ибн Мужоҳид* бундай дейдилар: "Олтмиш йилдан бери Мұхаммад ибн Исмоилдан кўра фақиҳроқ ва муттақиийроқ кишини кўрмадим".

\* \* \*

*Мусо ибн Ҳорун ал-Ҳаммол ал-Ҳофиз ал-Бағдодий* бундай деб айтган эканлар: "Агар бутун Ислом аҳли тўпланиб,

Муҳаммад ибн Исмоилни илм бобида курашиб йиқитмоқчи бўлса, асло йиқита олмас!“.

\*\*\*

*Ал-Ҳоғиз ибн Ҳажар:* “Агар Имом ал-Бухорий шаънларига ул кишидан кейин ўтган уламолар айтган мадҳлар эшигини очиб юборсам, уларни ёзишга қоғоз ҳам, айтишга нафас ҳам етмас! Ул мақтовлар бир денгиз кабиким, соҳилий йўқдур!”, – деган эканлар.

\*\*\*

*Аллома Ал-Айний ал-Ҳанафий Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жомиъ ас-саҳих” номли ҳадислар тўплами хусусида:* “Имом ал-Бухорийдан илгари ва кейин ўтган жамики уламолар ул кишининг “Саҳих”ларини яқдиллик билан қабул қилдилар”, – дейдилар.

\*\*\*

*Аллома ибн Обидийн аш-Шомий* бундай дейдилар: “Ислом аҳли ичра Имом ал-Бухорийдек зоти шарифнинг дунёга келганликлари Аллоҳ таолонинг Жаноб Расулуллоҳ учун йўллаган мўъжизасидир!... Ул кишининг “Саҳих”лари эса Аллоҳ таолонинг Китобидан сўнг энг ҳаққоний китоб бўлиб, у Муслимнинг “Саҳих”ларидан беҳад саҳиҳроқдур”.

\*\*\*

*Абулмавоҳиб аш-Шаъронийнинг ёзишларича,* Имом ал-Бухорий бундай деган эканлар: Маддоҳ билан туҳматчи менинг учун бир гўрдур! Мен Аллоҳ таолога шундай бир ҳолда рўбарў бўлмоғимни орзу қилурманки, токи ул мени “Бирони ғийбат қилгансан” деб жазоламасин!\*

\* Ушбу бўлим Бахтиёр Набиҳон ўғли иштирокида тайёрланган.

## МУСТАБИД ЗАМОН ИСКАНЖАСИДА

Раҳматли устозимиз, душанбелик Усмонжон домланинг айтишларига ва бошқа маълумотларга қараганда, Имом ал-Бухорий қабрлари ёнидаги масжид Бухоро амири Абдуллахон томонидан 16 асрда барпо этилган.

Асрлар давомида наинки Туронзамин, балки бутун дунё мусулмонларининг азиз қадамжоларидан бири бўлиб турган бу манзилгоҳ аввал Чор Россияси истилоси, ундан кейин шўролар салтанати даврида мутлақо ташландиқ, хароба аҳволга келди.

Оқсоқолларимиз, тарих шоҳидлари бу хусусда шундай ҳикоя қиласидилар:

Султонмурод бобо Солиев (1911 йили туғилган): "Хартанг қишлоғида туғилганман. Ҳазрат Имом ал-Бухорий қабрлари ва у киши номига қурилган масжид атрофида шўро даврида юз берган кўп воқеалар кўз ўнгимда кечган. Ҳаётимдаги энг қоронғу дамлар масжид тепасида қаро булутлар айланган кезлар бўлди. Бу масжид ёнида машҳур Имом ал-Бухорий ҳазратларининг қабри борлиги ва бу жойлар бир замонларда жуда ҳам обод бўлиб, подшоҳлару вазирлар, олиму алломалар зиёратга келгани, шу масжидда намоз ўқишгани, бузрукворнинг ҳаққига хатми Қуръонлар қилгандарини ёш бўлсан ҳам суҳбатларда эшлитиб, тинглар эдим. Шунинг учун ҳам бу жойга нисбатан эҳтиромим баланд эди.

Афсуслар бўлсинки, собиқ иттифоқ даврида динимизга, урф-одатларимизга, миллийлигимизга, ҳатто она тилимизга тажовузлар тингани йўқ.

1920 йилларда масжид атрофида жойлашган ҳужраларда ўқувчиларга дарс бера бошладилар. Совет таълим министри олаётган бу болалар онгига ўз динига, урф-одати, ўз миллатига қарши фикрлар сингдирилар эди.

1929-30 йиллар ўқувилар янги мактаб биносига күчиб ўтишди. Уларнинг ўрнига эса қишлоқ совети раиси, колхоз раиси ва комсомол комитетларини жойлаштирилдилар.

1934-35 йилларда бу ташкилотлар ҳам янги бинога эга бўлишиди. Ҳужралар эса бўш қолди. Масжид атрофида айланган кишини "садақахўр" деб қаттиқ айблар эдилар. Маломатдан қўрқиб бу жойга одамлар яқинлай олмас, келганилари ҳам яшириниб-пусиб зиёрат қилиб чиқар эди. Ҳамма замонларда ҳам одамлар бор жой обод бўлган, одам йўқ жой қаср бўлса ҳам харобага айланган. Шунинг учун дину диндорлар кувғин қилинган шўро замонида бу жойлар хароба ҳолга тушди.

1943 йили шу колхозга раис этиб сайландим. Ёшлигимдан юрагимга жойлашиб қолган бир армон ушалар замон келди-ку, дея бу муқаддас маконни обод қилиш пайига тушдим. Турли баҳоналар билан қабр ва ётоқхоналарни, масжид ҳужраларини супуртирас эдим. Динимиз қаттиқ сиқувга олинган бир даврда бундай ишларни қилишга қандай ботинганман, ҳануз ақлим бовар қилмайди.

Ўша пайтлар урушнинг энг авжига чиққан дамлари бўлсада, пахта ва пилла планларини бажаришни қаттиқ талаб қиласар эдилар. Адашмасам, 1944-45 йиллар чамаси, далада эдим. Қишлоқ совети раиси Ёрлақобов келиб, Шароф Рашидов ва Маматов (райижроқум раиси) иккаласи идорада кутиб ўтирганлигини айтди. Биз идора томон шошилдик. Салом-алиқдан кейин Рашидов менга қараб: "Нима учун сиз пахта ва пилла планларини бажармадингиз", – деди. Мен эса: "Иккаласини ҳам ортиғи билан бажарганман", – дедим. Маматов ҳам менинг гапларимни тасдиқлади. "Унда биз адашибмиз, планни бажармаган раислар билан гаплашайлик", дедида бошқа колхоз томон кетди. Бу воқеа мени ўйлантириб қўйди. "Уларнинг қоғозида планни бажарган ва бажармаган раисларнинг рўйхати бор-ку, нима учун улар адаши, демак бунда бир сир бор", деган фикр пайдо бўлди. Ўйлаб-ўйлаб охири бир тўхтамга келдим: "Шароф Рашидов шу баҳона билан бузрукворни зиёрат қилиш ниятида келган". Демак, у киши шундай лавозимда ишласада, қалби иймон нури би-

лан тўла экан. Бу воқеадан кейин ғайратимга ғайрат қўшилиб, бузруквор ётган жойни яна ҳам обод қилишга киришдим.

Аммо хурсандчилигим узоқча чўзилмади. Кунларнинг бирида далада юрган эдим, масжид ҳужралари бузилаётганидан хабар топдим. Етиб келиб, не кўз билан кўрайки, ҳужраларни бузиб, ёғочларини техникага юклаётган эканлар. Бор илож-имконият билан қаршилик қилдим. Аммо менинг гапларим райкомдан келган раҳбар олдида инобатга олинмади. Ҳужра чўпкари бўлганлиги учун ёғочлари кўп чиқди. Фақат дарвоза бузилмай қолди. "Кўпдан қуён қочиб қутулмайди", деганларидек бир зумда қузғун галасидек ёпирилиб ҳужраларни бузишди, ёғочларини олишди-да, изларига қайтиб кетишди. Шуни ҳам айтишим керакки, бизнинг қишлоқдаги бирор киши бу жойнинг бузилишига қўшилгани йўқ. Мен учун энг муқаддас жойнинг кўз ўнгимда харобага айланиб қолганлиги, унинг ҳимояси учун қўлимидан ҳеч нима келмаганидан қаттиқ изтироб чекдим. Келажакда одамлар мени қўллари билан кўрсатиб, шу киши раислик вақтида ҳужраларни буздирган, дейишади деб кўп қайғурдим. Дардимни кимга айтишимни билмадим. Шароф Рашидов келиб кетганини эсладим-да, ўзимни дадил тутдим. Ҳужраларни ҳашар йўли билан пахса девор қилиб тикладик. Менинг бу ҳаракатларимдан ғазабланган раҳбарларнинг қадимий масжидни бузамиз, деган фикрлари борлиги менга етиб келди. Биз Ёрлақобов билан биргаликда кўп ўйладик. Қандай йўл билан бўлса ҳам масжидни буздирмаслик учун "Бирлашган ўзар" деганларидек, уни омборхонага айлантириб олдик. Юқоридаги раҳбарларга масжиддан омборхона сифатида фойдаланаётганимизни айтдик. Худо уларнинг ҳам кўнглига раҳм солдими, ундан бўлса тураверсин, дейишди.

Кўп ўйлаб мен раисликдан бўшадим. Ўрнимга қишлоқдoshим Мамарайим Ёрлақобов раис бўлди.

Кунларнинг бирида раис менинг олдимга келиб:

- Юқоридан одамлар келишди ва менга ҳашарчи тўплашни буюрди. Қандайдир меҳмон келар экан, у меҳмонни кутиш учун бу жойни тозалаш керак эмиш. Мен: "Ҳашарчи бе-

ролмайман, бу жой учун кўп огоҳлантиришлар олганман”, – деб жавоб бердим-да, сизнинг олдингизга келавердим. Ишониб бўладими уларга, одам берсам масжидни бузишдан ҳам қайтмайди, - деди.

- Тўғри қилибсиз, мен ҳам сизнинг ўрнингизда бўлганимда шундай қилар эдим. Аммо эртанги кунни кутамиз, ҳақиқатан ҳам айтгани тўғри бўлиб, тозалаш ишлари бошланса, қишлоқдагиларни албатта ёрдамга олиб борамиз, - дедим мен.

Эртасига соат кундуз 3-4 лар чамаси 20 та машина келди. Ичидаги қариялар, ҳаммаларининг қўлида супурги, ёғоч курак, кетмон. Аввалига биз нима қилар экан, деб узоқдан кузатдик. Не кўз билан кўрайлики, улар ҳақиқатан атрофни тозалар эдилар. Хурсандлигимиздан бутун қишлоқ аҳли ёрдамга келиб, биргаликда ишладик. Бу биз учун энг қувончили воқеа бўлиб қолди.

Ҳозир ёшим 88 да, уйим масжиддан бир километрча узоқ. Аммо пешин намозига шу масжидга келаман, Худога шукур, биз мустақилликка чиқиб бу ерларга бемалол келиб кетадиган бўлдик. Ислом Каримов ташаббуси билан қурилган ҳозирги мажмуа менинг кўзларимни қувонтиради. Қани энди, Ёрлақобов Мамарайим aka ҳам бу ободончиликларни ўз кўзи билан кўрса эди. Афсус...

Одамзод ўз умрида турли хил воқеаларга, турли хил тузумларга ва турли хил ҳолатларга дуч келади. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам ўз динини, ўз урф-одатини, ўз миллатини, ўз тилини ҳеч қачон унутмаслик керак.”

Султонмурод бобо ҳикоясининг охирида тилга олган воқеа-шўро раҳбарларининг бирданига инсофга келиб, улуғ аллома ётган жой атрофини тозалашга тушиб қолишлари бежиз эмасди. Бу хусусда матбуотда қатор мақолалар эълон қилинган.

Ўшанда, собиқ иттифоқ раҳбарлари бир қатор Шарқ мамлакатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳаракатига тушган эдилар. Бунинг учун эса, аввало, дини исломга бир қадар эркинлик бериш, қолаверса, ислом мамлакатларидағи таникли алломалар билан муносабат ўрнатиш йўлидан борилди.

Шунинг учун ливиялик нуфузли олим, шайх Нодим Жисрий Совет Иттифоқига таклиф этилади.

Олим-ку Москвага келиб, мөхмонахонага жойлашади-ю, бироқ ҳаммани гангитган, саросимага соглан ишлар ана шундан кейин бошланади.

Расмий одамларнинг келишига тайёрланар экан, ҳар қандай мезбон ҳукумат уни қандай кутиб олиш, қаерларни кўрсатиш, қаерда овқатлантириш, кимлар билан учраштириш ва қандай кузатиб қўйишни соати эмас, минут-минутигача режалаштириб қўяди. Буни "протокол" ҳам дейдилар.

Бироқ шайх тақдим этилган режага кўз югуртириб чиқади-да, четга суриб қўяди:

- Мен бу мамлакатга сафаримни Имом Бухорий қабрини зиёрат қилишдан бошламоқчиман,-дейди.

Эътиrozларга, "Кечирасиз-у..." қабилидаги гапларга қулоқ солмайди... Мезбонлар саросимага тушиб қоладилар. Асосийси, мафкураси қип-қизил бўлган ҳукуматда каттадан кичик, бирорта раҳбар Имом Бухорий деган номни ҳаётида эшитмаган экан. Қайданам эшитсин! Булардан ана Марксни сўранг, Энгельсни сўранг...

Яхшики, кимнингдир ақлига: "Бухорий дедими, демак бу айтган одам Бухородан бўлса керак", деган фикр келади... Шошилинч, Ўзбекистонга телефон қиласидилар.

Бу ерда ҳам югур-югур бошланади. Сабаби, албатта, Имом Бухорийни таниган, уни чин кўнгилдан эҳтиром қиладиган одамлар республикада бор. Бироқ қабр ва унинг атрофи олимақом мөхмон кўрадиган аҳволда эмас. Ташландиқ, хароба, ўт босиб ётибди. У ерни тозалаш у ёқда турсин, шу томонга борган одамни ҳам душман дея жавобгарликка тортишавергандан кейин шундай табаррук жой айтилган ҳолга тушиб эди.

Шошилинч, сафарбарлик эълон қилинади: "Тез тозалансин! Таъмирлансин! Оқлансин! Бўялсан!"

Шайх жанобларига эса: "Майли, сиз Имом Бухорий қабрини зиёрат қилмоқчи экансиз, биз - рози", дея айтишади. Бироқ вақтдан ютиш мақсадида, шундай ҳурматли мөхмонни самолётга эмас, поездга ўтқизадилар.

Айтишларича, шайх Нодим Жисрий ҳазрати Имомнинг қабрлари ёнига эрталаб етиб келиб, то пешинга қадар ибодат қилип ўтирган экан.

Сўзни яна шоҳидларга берайлик.

Абдуҳамид бобо Абдуллаев ҳикояси (Бўйрочи қишлоғи): *Мен иш фаолиятимни 1948 йилда ҳисобчи сифатида бошлаганман. Урушдан кейинги жуда ҳам оғир йиллар эди.*

*Масжидга бориш жаҳаннамга бориш билан баробар. Ҳамма жойда айғоқчилар бўлиб, Бухорий бобони зиёрат қилиш биз учун ҳам жуда мушкул эди.*

1956 йилда идорада раис билан ўтирган эдик. Бир киши кириб келди-да, ўзини Самарқанд вилояти дин назорати идорасининг бошлиғи Тошкенбоев деб таништириди. Мамарайим ака Ёрлақобов ўзининг раис эканлигини айтди.

Меҳмон: “Раис бобо, менга одамларингизни беринг, масжид атрофини тозалашимиз керак, катта меҳмон келаяпти”, - деди. Раис менга бир қаради-да: “Ҳашарчи беролмайман, бу жой учун кўп огоҳлантиришлар олганман”, - деди ва идорадан чиқиб кетди. Меҳмон ҳам идорадан чиқди.

Ҳақиқатан ҳам раис бобо кўп огоҳлантиришлар олган эди. Халқ келиб зиёрат қиласман, дейди. Айғоқчилар эса бу гапларни дарров юқорига етказади. Юқоридагилар раисни чақириб: “Эскилик сарқитлари сизда ҳали тугамаяпти”, – деб уришади.

Бир пайт раис кириб келди-да: “Агар меҳмон келиши рост бўлса, эртага одамларни тўплаб ёрдамлашамиз. Шу баҳона масжиднинг захлаган жойларини ҳам яхшилаймиз, хўпми”, - деди.

Эртаси куни соат 15.00.ларда қишлоққа машиналар келиб, масжид ёнига тўхтади. Машинадан оқсоқоллар тушиб, ишга киришишди. Раис бобо бу ҳолатдан хурсанд бўлиб менга: “Боринг, одамларни тўплаб келинг”, – деди ва ўзи масжид томон юриб кетди.

Ўша куни масжиднинг ҳамма жойини тозаладик. Бу ернинг обод бўлаётганлигини кўриб жуда ҳам севиндик.

Меҳмонлар келиб кетгандан кейин бу жойга доим қараб турадиган, атрофни ободонлаштирадиган киши тайинлани-

ши керак бўлди. Биз Абдумурод ака Элтоевни таклиф қилдик.

У бу ишга ўтгач, масжид атрофига дарахтлар экиб, ҳамма жойни обод қила бошлади.

Мен Султонмурод ака, Мамарайим ака, Абдумурод ака-га доим раҳматлар айтиб, дуо қилиб юраман, уларнинг бу жой учун хизматлари бекиёсдир.

Тўймурод Тошкенбоев, собиқ иттифоқ министрлар совети қошидаги диний кенгашнинг Самарқанд вилоят бўлими мудири: “1943 йили Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний идораси иш бошлади. Янги очилган диний идорага Эшон Бобохон муфтий, ўғиллари Зиёвуддинхон муфтийга муовин бўлиб сайландилар.

1945 йили Самарқандда Хўжа Зудмурод масжиди очилди. Бу масжиднинг очилиши вилоятимиздаги барча мусулмонлар учун катта шодиёна бўлди. Ҳар жума куни минглаб намозхонлар шу ерда жума намозини адо қилишар эди. Бир йили Ийд намозига ҳатто 15 минг намозхон йигилди.

Эшон Бобохон муфтий ҳазратлари кексалиги туфайли ўғли Зиёвуддин акани Самарқандга ва бошқа вилоятларга жўнатар эди. Шунинг учун ҳам мен қори Зиёвуддин ака билан кўп суҳбатлашганман. У киши Самарқандда яшаб ўтган улуғ кишилар ҳақида кўп гапирадилар. Бир гал Пойариқ туманидаги азиз жой – Ҳазрат Имом Бухорий қабрларини зиёрат қилдик. Масжид эшиклари ёпиқ, ҳовли қаровсиз, ўт-ўлан ўсиб ётибди. Улуғ зотнинг қабри атрофида бошқа қабрлар ҳам бор эди. Қори аканинг кўзларида чуқур мунг кўрдим. У киши: “Ҳали кўрасиз, бу жойлар обод бўлиб кетади”, – дея менга тасалли бердилар.

1955 йилда бўлиб ўтган воқеа ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Кечаси ухлаб ётганимда телефон жиринглаб қолди, соатга қарасам 12 бўлибди. Телефонни эриниброқ олдим.

-Тезлик билан обком идорасига етиб келинг, -деган овоз эшитилди. Овоз эгасини танидим-Самарқанд обкомининг биринчи секретари Нор Ёқубов. “Хўл” дедим-у, солдатлар каби кийимларимни тез кийдим-да обкомга жўнадим. “Нима айб иш қилиб қўйдим экан”, - Нор Ёқубовнинг хонасига етгунча миямдан шу фикр кетмади.

- Келдингизми, ҳозиргина Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби ўртоқ Нуриддин Акрамович Муҳиддинов телефон қилди. Самарқандимиизда Хартанг деган зиёратгоҳ бор экан. Москвадан Муҳиддиновга телефон бўлибди. Ливиялик Нодим Жисрий деган олим ўша жойни зиёрат қилар эмиш. Бу олимни энг юқори даражада кутиб олиш керак экан. Сиз Хартанг қаердалигини биласизми?-деди салом-аликка ҳам қарамай. Мен бир оз ўйландим-да:

- Йўқ, унақа жойни ҳеч эшиитмаганман,-дедим. "Балки Зиёвуддин қори биларлар", деган фикр билан у кишига телефон қилишини таклиф этдим. Нор Ёқубов телефонни олдида айтган рақамларимни тера бошлади. Бир оз вақт ўтгач, иккаласи гаплашди.

- Ал-Бухорийни биласизми?-деди Нор Ёқубов гўшакни қўйгач.

- Ҳа, - дедим. – Биламан.

- У кишининг қабри Хартанг қишлоғида экан. У жойда бўлганимисиз?

- Бир борган эдим.. Жуда хароб аҳволда. Меҳмон келгунча тозалаб, эпақага келтириш зарур. Камида уч-тўрт кун керак.

Нор Ёқубов соатига қаради:

- Мана, пайшанба ҳам бошланибди. Шанба куни меҳмон келиши керак. Сизга топшириғим шуки, бу ишга ўзингиз жавоб берасиз, бу ёғини билмайман. Эрталаб бориб, раисни топиб, ҳашар йўли билан тозалайсиз. Сизга руҳсат, боринг!, - деди.

Мен эса нима қиларимни билмай уйга қайтдим. Эртаси облисполком раиси Зиё Мухторов билан Хартанг қишлоғига етиб келиб, раисни топдик. Ўзини Ёрлақобовман деб таништирган раис бобо:

- Ҳашарчи бералмайман, бу жой учун кўп огоҳлантиришлар олганман,- деди. Шу орада собиқ иттилоғ министрлар совети қошидаги диний кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича вакили Иноғомов ва Ўзбекистон Республикаси "Дўстлик жамияти"нинг бошлиғи Жўраев қора "Зим" машинасида келиб қолди. Биз бўлган воқеани айтдик. Улар бу

жойнинг харобалигини кўриб, меҳмон олдида уялиб қолиш-лигимиз мумкин, дея қайғурдилар.

- Эртага – жума, Хўжа Зудмурод масжидига кўп намоз-хонлар йигилади. Намоздан кейин, ал-Бухорий масжидини кўргани хориждан меҳмон келаётиби. Шунинг учун ҳашар йўли билан ўша жойни тозалаш керак, деб айтсак жуда кўп киши келади", - дедим. Рози бўлишди.

Эртасига масжид ёнига 20 та юк машинасини қаторлаштириб қўйдик. Намозга келганлар машиналарни кўриб анча чўчиди. Уларнинг кўнглидан, "Намозхонларни машинага ортиб, қамоққа олиб кетса керак", – деган фикр ўтгани аниқ. Ином хатиб сўз олиб:

"Биродарлар! Ином ал-Бухорий масжидига хориждан меҳмон келмоқчи экан. Аммо у жой меҳмон кутадиган ҳолатда эмас. Шунинг учун савобталаблар намоздан кейин машиналарга ўтирсинлар, ал-Бухорий ҳовлиларини тозалаймиз. Шу атрофда яшаб турган кишилар уйларидан супурги ва кетмон, белкурак олиб чиқсинлар", - деди.

Не кўз билан кўрайликки, намоздан кейин барча оқсо-қоллар ажойиб бир кўтаринкилик, мамнуният билан машиналарга миндилар. Олиб келган машиналаримиз лиқ тўлган ҳолда Хартанг қишлоғига етиб бордик. Соат 15 лар эди, чаммада. Боболарнинг кексалиги ёдларидан чиқкан эди, ҳамма гайрат ва шиҷоат билан ишга киришди. Бўлаётган ишлардан хабар топган қишлоқ аҳли ҳам бизга ёрдамга келишди.

Хуллас, кечгача қаттиқ ишладик, ҳамма жой топ-тоза бўлди. Масжид ичига, дарвозадан қабргача ҳам гиламлар ёзилди. Эртасига меҳмон келди. Ибодулла маҳсум деган ақлли кишини масжиднинг имоми деб таништиридик. Меҳмон билан бирга юрди. Меҳмон кетгач, гиламларни йиғишириб, масжидни қулфлаб кетдик.

Ўша воқеадан сўнг Зиёвуддин қори ака қабрга оқ мармар тош қўйдирди. Бунгача қабр фақат уюм тупроқдан иборат эди.

Бир ярим ой ўтгач, Сурия муфтийси бошлиқ 11та меҳмон Самарқандга келдилар. Уларнинг дастурида ал-Бухорийни зиёрат қилиш йўқ эди. Аммо улар ҳам ал-Бухорий

масжидига боришимиз керак, деб қолишиди. Тезлик билан меҳмонларнинг фикрини тегишли ташкилотларга айтиб руҳсат сўрадик ва масжидга яна гилам ёздириб, Ибодулла маҳсумни вақтингчалик имом қилдик.

Энг яхши автобус билан олиб келсак-да, тупроқли кӯчаларнинг чангига автобусга кириб меҳмонларни безовта қиларди. Бу ал-Бухорий ҳазратлари ҳузурига иккинчи бор хорижлик меҳмонлар келиши эди. Шундан кейин бу ерга эътибор янада кучая бошлади.

1956 йили Шароф Рашидов Афғонистон, Бирма, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатларга сафарга чиқди. Ташириф давомида хорижлик мусулмонлар, жамоат ва дин арбоблари шўро ҳукумати томонидан мусулмонлар қаттиқ сиқувга олинаётганидан ташвиш ва азиятда эканликларини кўп бора изҳор этишади. Шароф ака сафардан қайтгач, Москвага хат ёзади ва дини испомга эркинлик бериш заруратини тушуниди. Кўп ўтмай Ўзбекистон ҳукуматининг 1956 йил, 23 марта чиққан қарорига асосан, республиканинг 13 та зиёратгоҳида масжидлар очилишига руҳсат берилди. Жумладан, Самарқанд вилоятида 6 та масжид, яъни ал-Бухорий, Шоҳизинда, Ҳўжа Аҳрор, Ҳўжа Абдулдарун, Ҳўжа Абдуберун ва Полвон ота масжидлари очилади. Самарқанд халқи бу воқеани жуда ҳам хурсандчилик билан кутиб олишди.

1959 йилнинг декабрь ойида эса Москвадан келган қарор билан юқорида қайд этилган ибодатгоҳлар яна ёпилди.

1970 йил Зиёвуддин қори Самарқандга келди. Суҳбат давомида қандай йўл билан бўлса-да, ал-Бухорий масжидини очиб, у жойни обод қилишлик нияти борлигини ҳамда 1974 йил бузрукворнинг 1200 йиллик тўйларини ўtkазиш ва юбилейга хориждан меҳмонлар таклиф қилиш режаси мавжудлигини айтди. Биз иккаламиз Хартанг қишлоғига йўл олдик. Пойариқ район ижроқўми раиси Юсуф Раҳмоновни ҳам таклиф қилдик. Учаламиз масжид ҳовлисига кириб, атрофни айландик. Зиёвуддин қори юқоридаги фикрларни Юсуф Раҳмоновга ҳам изҳор этди. Юсуф акага бу таклифлар маъқул тушди, у Зиёвуддин қори ва каминага Абдумурод Элтоев деган эллик ёшлардаги бир кишини таништирди. Абду-

муроднинг одоби, муомаласи Зиёвуддин қорига ёқди. Қори ака у кишига жуда кўп топшириқлар берди. Абдуумород Элтоев берилаётган вазифаларни ортиғи билан бажаришга ваъда қилди.

1972 йил, 26 май куни Зиёвуддин қори яна Самарқандга келди. Жума намозини ал-Бухорий масжида ўқиб, масжидни очди ва Раҳимжонов Усмонжонни шу масжидга имом-хатиблик вазифасига қўйди. Зиёвуддин қори ака Усмонжон ҳақида шундай дедилар:

- Тўхтамурод ака, бу йигит жуда ҳам билимдон, ишбильармон ва меҳнаткаш. Бухорода 9 йил ўқиган. Ўқишни тугатгач, Тоҷикистондаги Мавлонд ёқуби Чархий масжида имом-хатиблик қилди. У жой ҳам худди шу ердагидек хароба эди. Аммо бу йигит қисқа вақт ичида обод қилди. Шу сабаб ҳам мен шу йигитни бу улуғ жойга муносиб деб топдим. 1965 йили Мисрдаги ал-Азҳар университетига кириб, 1968-69 йиллар аъло баҳолар билан тугаллаган. Бухородаги Мирараб мадрасасида 3 йилдан бўён мударрислик қиласи. Энди иш фаолиятини шу ерда давом эттиради.

Зиёвуддин қори айтганларидек, домла Усмонжон қисқа муддат ичида катта ўзгаришлар қила бошлади. Кундан-кунга масjid обод ва кўркам бўлиб, қавми кўпая борди.

1972 йили қабрдаги мармар тошнинг ўрнига кошинлардан қабр тоши ясадик.

1974 йилда бўладиган юбилейга катта тайёргарлик кўрилди.

1974 йили бўлиб ўтган 1200 йиллик юбилейга 28 давлатдан жами 180 киши вакил бўлиб келди.

Шундай қилиб, бу зиёратгоҳ кундан-кунга одамлар билан гавжум бўлди. Турли хил давлатлардан кўплаб меҳмонларни кузатдик.

Аммо ҳозирги ҳолати кишини лол қолдиради. Амир Темур бобомиз қуриб кетган катта-катта обидалар қатори Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида бунёд этилган бу мажмуа ҳам асрлар оша бизнинг қудратли давлат эканлигимизни аждодларимизга сўзлаб бераверади.

## “ШУНДАЙ КУНЛАР АЛБАТТА КЕЛАДИ...”

Илк бор бу даргохга 1977 йили мулла Абдуқундуз бобо билан келгандим. Ўшанда Абдуқундуз бобо Имом Бухорий ҳақида қисқагина гапириб берган эди. Бузрукворнинг қабрини зиёрат қилиб, масjidга кирдик-да икки ракаат нафл намози ўқидик. Мулло Абдуқундуз бобо бу жойнинг имом-хатиби душанбелик Усмонжон домла эканлигини айтган эди. Таассуфки, ўша куни домла Усмонжон хизмат юзасидан қайгадир кетган эканлар, йўқса, бобо бизни таништириб қўймокчи эдилар.

Иккинчи маротаба 1978 йили келдим. Устозим мулло Баҳриддин бобони ҳам мотоциклда олиб келгандим. Ўша куни менинг ҳаётимда унутилмас кун бўлиб қолди. Негаки, Усмонжон домла маъруза қилиб, динимиз, Имом Бухорий ҳазратлари ва масжид тарихи билан боғлиқ воқеаларни шундай таъсирли сўзладиларки, йигламаган одам қолмади.

Камина тўйкан кўз ёшлар руҳи жаҳонимдаги барча ғуборларни ювиб кетди, мисоли баҳор ёмғири каби кўнглимга тушиб, эзгу ниятлар уйғодилар: ҳаётимни динимизни ривожлантириш, масжидларни обод этиш, Усмонжон домладек мулло бўлиб халқимга хизмат қилишга аҳд боғладим.

Келгуси жумага отамни олиб келдим. Намоздан сўнг отам мени Усмонжон домла билан таништирдилар. Ўшанда Усмонжон домла менинг қўлларимни қисиб:

- Ўғлингиз яхши йигит экан, сизни жума намозига олиб келибди. Иккаламиз адаш эканмиз, қани энди бу йигитдек болалар мен билан бирга шу масжидларни обод қилишга ёрдамлашса, - деган эдилар.

Домланинг бу гаплари менинг қалбимдаги ниятларимга уйғун эди.

1979 йил Рамазон ойида жума намозига келганимизда, Усмонжон домла хатми Қуръон бўлишини ва Яҳё қори, Абдураҳмон қори деган домлалар келганини билдириди. Отам билан ҳар куни хатмга қатнай бошладик. Кунларнинг бирида отам қориларни уйимизга таклиф қилди. Ўша куни бизнида Қуръондан икки жузни таровеҳ намозига зам сураларни ташкил кечди.

қилиб ўқилди. Қориларнинг қироати вужудимни титратар эди. Отам қориларга:

- Усмонхоннинг тили Қуръон билан чиққан, ҳозирга қадар Қуръондан икки жузини ёддан билади,-дедилар ва менга қироат қилишимни айтдилар. Қориларнинг олдида қироат қилишилик ниҳоятда оғир эканлигини ўшанда билганман: пешонамдан тер оқиб, томоғим бўғилар, овозим қалтирас зди. Шундай бўлса-да, қорилар мени мақтаб, кўнглимни кўтаришиди.

Кунларнинг бирида жума намозига келганимда, Усмонжон домла мени чақирди, салом-алиқдан кейин:

- Қори домлалар сизнинг ҳақингизда менга бир гап айтди, шу ростми?-деб қолдилар. Мен нима гап экан, дегандек домлага қарадим.

- Улар сизнинг Қуръони каримдан икки жузни билишингиз, қироатингиз ҳам бинойидек эканини айтишди, - дедилар домла. – Ўзи, анчадан бери сизни кузатиб юраман. Агар маъқул кўрсангиз, сизни шу ерга ишга олсан, менга шогирд бўлсангиз.

Таклиф албатта менга маъқул эди. Шундай қилиб, шу масжидга 1980 йили хазинабон бўлиб ишга кирдим.

Ҳали-ҳали эсимда, Усмонжон домла:

-Менинг бир одатим бор: кимни ишга олсан, масжид ҳовлисидаги бор нарса билан таништираман. Унинг вазифасини тушунириб, кейин чин юрақдан ишлашини талаб қиламан. Қани, мен билан бирга юринг,- дедилар-да мақбара томон йўл бошладилар. Йўлакчадан юриб бориб, масжид ёнида тўхтадик. – Бу ерда авваллар ҳар жума намоз ўқирдингиз, иншоаллоҳ, энди беш вақт намоз ўқийсиз. Бу масжид 16 асрда бухоролик Абдуллоҳон томонидан барпо этилган. Шу бугунгача бу масжид неча бор обод, неча бор хароба бўлган. Аммо энди уни харобага айлантирмаслигимиз керак. Масжид–худонинг уйи, ким худонинг уйини обод қилса, ўзининг ҳам икки дунёси обод бўлади, хор қилса - хор бўлади.

Мен устознинг сўзларини қалб қулоғим билан тинглардим. Устоз мақбараға кириш олдидағи минорани менга кўрсатди, кейин қабр олдида тиловат қилиб савобини ҳаз-

ратга бағишиладик. Тиловатдан сүнг бир озгина Бухорий ҳазратлари ҳаёти тарихидан гапириб берди. Мақбара ёғоч үймақорлик билан шундай гўзал бир кўринишда ишланган эдики, кишини беихтиёр ўзига жалб қилар эди. Мақбара ёнидаги даҳлиздек жой чиллахона экан. Чиллахонанинг қибла томонига кутубхона қуриш, халқ қўлидаги китобларни шу ерга жамлаб, келгуси авлодга етказишдек яхши ниятда эканлар.

Биз ярим соатча масжид ҳовлисини айландик. Домла ҳовуз ёнига келиб тўхтадилар-да, менга жиддий қараб:

- Бу жойга чет элдан тез-тез меҳмонлар келиб туришади, бу давлатнинг сиёсатидан хабарингиз бор. Ҳамма вақт меҳмон сизга савол берса, қонун нуқтаи назаридан, "Диний эркинлик бор, масжидлар очиқ", деб айтишга ўрганинг, акс ҳолда... – дея огоҳлантирдилар.

Ҳовуздаги балиқлар бир-бирини қувлашиб, эркин-эркин сузиб юрарди. Айниқса, қизил балиқлар чиройли, бир кўрган кишининг ҳовуз ёқасида тўхтаб қолишга мажбур қилар эди. Домла уларни кўрсатиб:

- Ана шу балиқлар ўзини уммонда юрибман, деб ҳис қиласди. Аммо бу маскан ҳовуз деб аталишини, хоҳласак ҳовуз сувини қуритишимиз, хоҳласак озуқа беришимиз, хоҳласак уларни овлашимизни билмайди. Агар улар ҳақиқий уммонни бир кўрганларида эди, тупроққа ағанаб бўлса ҳам уммonga – муассзам ҳаётра етишга ҳаракат қилар эди... Бизлар ҳам худди шу балиқларга ўхшаб дунёдан узилган кишилармиз. Бироқ ишончим комил: албатта шундай кунлар келади, биз ҳам ҳар қандай меҳмонни эмин-эркин, чўчимай, ҳадиксирамай кутиб оладиган бўламиз. Меҳмонларнинг олдида ҳам, жаҳон аҳлининг олдида ҳам бошимизни баланд кўтариб: "Мана шу бизнинг масжидимиз! Биз - мусулмонлармиз. Бу – бизнинг Мустақил Ватанимиз. Бизнинг ўз танлаган йўлимиз, ғояларимиз бор", -деб баралла айтадиган бўламиз. У даврларни мен кўрмасам, сиз албатта кўрасиз!

Домла башорат қилган эканлар, чин дилдан астойдил ният қилган, балки марҳамати улуғ Аллоҳдан шундай кунлар келишини дуоларига қўшиб сўраган эканлар, мана у кишига орзу бўлган кунларга етдик.

Саккиз ёшга етганимда онамиз вафот этганлари боис, рўзгорда қандай иш бўлса бажариб, ўрганиб қолган эдим. Шунинг учунми, устозим қилган ишларимдан кўнгиллари хуш эди. Доимо менинг ҳаққимга дуо қилар эдилар.

1981 йилда устозимга ноиб бўлдим. Ўша йили ниятлари даги кутубхонани қуриб битирдик ва Тошкентдан муфтий Зиёвуддин қори Бобохон ўғилларининг рухсати билан жуда кўп китоблар олиб кепдик. Хапқдан ҳам китоблар йиғилди. Кутубхона китобларга лиқ тўлди. Ўз ниятига етган устозим жуда ҳам хурсанд бўлдилар.

1982 йилда устозим мени Бухорога – Мир Араб мадрасасига олиб бордилар. Илмимни синаб кўриб, мадрасанинг охирги курсига қабул қилишди. У вақтда Мир Араб мадрасаси 7 йиллик эди.

1983 йили Тошкент Ислом институтига ўқишига кирдим. Ҳар таътилни шу ерда, устоз ҳузурида ўтказар эдим. Ҳатто, қишки таътилни ҳам уйга бормасдан, шу ерда ўтказиб, масжид юмушларини бажариб юрардим.

Ўзимдаги барча илм, одоб, иш юритишдаги малака, уқувим, барча-барчаси учун устозим Усмонжон домладан миннатдорман. Айниқса, устозим меҳмонни жуда ҳам катта ҳурмат билан кутиб олар, “Меҳмонни биринчи бор очиқ чеҳра билан кутиб олсанг, унинг кўнглига йўл топган бўласан”, - дер эдилар. Ҳар вақт Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг айтган бир ҳадисларини такрор қилар эдилар:

- Пайғамбаримиз айтганларки: “Кимки Аллоҳга ва охиратга иймон келтирса меҳмонни ҳурматласин, оға-ини, қариндошлари билан борди-келди қилсин. Ва кимки Аллоҳга ва охиратга иймон келтирса яхши гапларни гапирсин, яхши гап билмаса жим турсин”.

Устозим ободонлаштириш ишларига жуда катта эътибор берардилар. У киши бошчилигига амалга оширилган янги янги қурилишлар қишлоқни кўркам ва маданий манзилга айлантириди.

Оқсоқоллар ва зиёратчилар учун “Нуронийлар чойхонаси”, автобус ва машиналар тўхтайдиган ҳашаматли бекат, катта универмаг, ҳар жума куни ишлайдиган бозорча, йўл

чеккаларига боғу роғлар барпо қилдилар. Қабристоннинг фойдаланилмай қолган ерлари ҳам боғларга айлантирилди. Масжид ҳовлисида иссиқхона ҳам қилиб, лимон эккан эдилар. Ташқарида қор, изғирин бўлаётган бир пайтда биз иссиқхона ичкарисида лимонларни оралаб мазза қилиб юрар эдик.

1983 йилга келиб устоз миллий услубдаги меҳмонхона қурилишини бошлаб юбордилар.

Бироқ кўп ўтмай бу қурилишга рухсат берган туман ижроқуми раиси Ойсулов Нафасова, унинг биринчи ўринbosари Эгамқул Хўжақуловлар ҳайфсан олдилар. Қурилиш авж палласида тўхтаб қолди.

1986 йили устозим опалари бетоб бўлганлиги учун Душанбега ишга ўтиб кетдилар. Масжидга имом-хатиб бўлиб Алишер Дўнбоев қолди.

Олти ойдан сўнг Мустафоқул домла имом-хатиб бўлди ва 1987 йилда у киши Хўжа Зудмурод масжидига имом-хатибликка ўтдилар. Мен эса, ўша йили Тошкент олий маъҳадини тутатдим ва шу масжидга имом-хатиб бўлиб келдим.

Ишни устозим бошлаган ва охиригача етмаган меҳмонхонани қуришдан бошладим. Ўша вақтлари Шамсуддинхон aka муфтий эдилар. У киши менга шундай деди:

- Усмонхон, мен сиздан хурсандман, устозингиз ишини давом эттироқдасиз. Аммо шундай қилингки, устозингиз келиб: "Менинг кўнглимдагидек бўлмабди", – деган сўзни айтмасин. Шамсуддинхон аканинг бу гапи менга жуда катта далда бўлди.

Усталарнинг кўнглини олиб, улар билан ёнма-ён ишлар, маслаҳатлашар, бу меҳмонхонани тақрорланмас санъат тури бўлиб қолишини уқтирап эдим. 1988 йил меҳмонхонанинг очилиш маросимини қилдик. Душанбедан устозимни ҳам тақлиф этдик. Менинг ишимдан хурсанд эдилар, келган меҳмонларга: "Бу йигит менинг шогирдим", – деб фахрланиб айттар эдилар. Мен эса, устозим назарига тушганимдан ва хурсанд қилганимдан жуда баҳтиёр эдим.

## САМАРҚАНДНИНГ ИСЛОМ ОЛАМИДАГИ ШУҲРАТИ

### ДУНЁ УЛАМОЛАРИ ЭЪТИРОФИ

1988 йил эди. Марокашнинг сабиқ Иттифоқдаги фавқу-  
лодда ва мухтор элчиси Рафиқ Ҳаддовий оиласи билан зиё-  
ратга келди. Меҳмон билан муносабатимиз яхши бўлиб  
қолди. У мен билан кўпроқ гаплашишга ҳаракат қилди. Суҳ-  
бат давомида иккимиз эски қадрдонлардек дўстлашиб қол-  
дик. Кейинчалик ҳам Рафиқ Ҳаддовий тез-тез келиб турди,  
ўз навбатида мен ҳам Москвага, унинг уйига меҳмон бўлиб  
бордим.

Шундай учрашувлардан бирида дўстим мени ўз мамла-  
катига—Марокашга жўнатиб, у ердаги университетларда таж-  
риба оширишни, олимлар билан мулоқотлар қилишни так-  
лиф этди. Орадан кўп ўтмай, у Марокаш иқтисодий алоқа-  
лар вазири бўлиб, ўз юртига кетди.

1989-90 йиллари мени Марокашга бир йиллик ўқишга  
таклиф қилди. У ерга борар эканман, дўстим оиласи билан  
аэропортга чиқиб кутиб олди. Меҳмондорчиликдан кейин Фос  
шаҳрига, Каровийин университетига бордик. Доктор Абду-  
салом ал-Хоррос билан таништирди ва у киши менга устоз-  
лик қилишини айтди.

Марокашлик устозим менга ўз хонадонидан жой берди.  
Ўша пайтда катта илмий конференция бўлаётган экан. “И мом  
ал-Бухорий масжидининг имоми келди”, деган гапни эшит-  
ган олимлар мени ҳам конференцияга таклиф қилишди.

Фос шаҳрини илм пойтакти деб аташар экан. Мен бу  
шаҳарда И мом ал-Бухорий ҳақида докторлик диссертация-  
сини ҳимоя қилган ўнлаб олимлар билан суҳбатлашдим.  
Улар Бухоро ва Самарқанд ҳақида жуда кўп билишаркан.  
Улар исплом динини Ўрта Осиёда тарқалишида бу шаҳар-

ларнинг тутган мавқеи хусусида жуда кўп мисолларни айтиб беришди.

Фос шаҳридаги "Муҳаммад ибн Абдуллоҳ" университетини ҳам бориб кўрдим.

Марокашликлар шариат аҳкомларини Моликий мазҳабида юритар эканлар. Имом Молик тўғрисида докторлик диссертацияси тайёрлаётган Ҳомид исмли олим йигит билан дўстлашиб қолдик. У менга: "Сиз Имом Аъзам мазҳабида сиз, у киши ҳақида докторлик иши қилинг", - деган таклифни айтди. Ҳатто менга Имом Аъзам китобларини экрандан чиқариб берди. Энди билсам ўша экран компьютер экан.

"Имом ал-Бухорий масжидининг имоми келди", - деган гап радио мұхбирларига ҳам етиб борибди. Бир неча бор радиода чиқишлилар қилдим.

Мени жуда кўп давраларга таклиф қилишарди. Устозим Абдусалом ал-Харрос қачон, қаерга боришимни режалаштириб берар здилар. Тўйларда иштирок этдим, ёлғиз ўзим шаҳар айландим. Деҳқонларнинг яшаш шароитини ўрганиш учун қишлоқларга чиқдим. Уларнинг ерида чўки бўлмаса ишлаб бўлмайди. Ўшанда ўзимизнинг тупроғимиз олтинга тенг эканлигини ҳис этганман. Ер деҳқонларга бўлиб берилган, давлатга фақат солиқ тўлар эканлар. Хоҳлаганича деҳқончилик қилишади.

Ўшанда мен устозим Усмонжон домланинг ҳовуз ёқасида галирган гапларини эсладим: "Ана шу балиқлар ўзини уммонда юрибман, деб ҳис қиласди. Аммо бу маскан ҳовуз деб аталишини, хоҳласак ҳовуз сувини қуритишими, хоҳласак озуқа беришимиз, хоҳласак уларни овлашимизни билмайди. Агар улар ҳақиқий уммонни бир кўрсалар эди, тупроққа ағанаб бўлса ҳам уммонга - муazzзам ҳаётга етишга ҳаракат қиласди..."

Қани энди, бизда ҳам динимиз тарихи, асослари, испомий ҳуқуқ, испом дини ривожига улкан ҳиссалар қўшган арабоблар, алломалар ҳаётини ўрганиб, илмий тадқиқотлар қилинса, рисолалар, китоблар ёзилса! Бизда ҳам бу соҳанинг докторлари, профессорлари бўлса! Қани энди, ҳамма баробар, қўрқмай, чўчимай масжидларга борса! Бизда ҳам

ер дәхқонларнинг ихтиёрига топшириб қўйилса!.. Шўролар етмиш йилдан бери озодлик, ҳуррият, ҳақиқат ҳақида лоғ уришди, аслида... қани ўша ҳақиқат?! Қани озодлик?! Қани ҳуррият?!

Марокашда бир йил шариат илмини ўргандим, ана шу бир йил ичидаги менга кўрсатилган ҳурмат-эътибор фақатгина Имом ал-Бухорий ҳазратларининг шарофати билан эди. Ватанга, умуман, бошқача инсон бўлиб қайтдим. 'Марокашликлар Имом ал-Бухорий, Ал-Мотуридий, Абу Ҳафс ан-Насафий, Имом Фаззолий каби юзлаб боболаримизнинг ислом дини, маънавияти ва маърифатини, айниқса, ҳадис ва қалом илмларини ривожлантиришдаги хизматларини беқиёс юксак билишларини, ҳурмат қилишларини эшлитиб, мағрурландим. Имом ал-Бухорий ҳазратлари ётган жой атрофини бундан-да обод қилишни, у кишининг зиёратига келган меҳмонларни иззат билан кутиб олишни, Худо хоҳласа, шу масканда илм даргоҳлари очишни ўзимга муқаддас бурч дея белгиладим. Ислом тарихига оид асарларни янада завқ билан ўқишга киришдим. Қуйидаги ана шундай изланишларим натижасини, яъни Самарқандга ҳадис илмининг кириб келиши, қалом илмининг камол топишига мовароуннаҳрлик олимлар қўшган ҳисса хусусидаги камтарона қайдларимни азиз ўқувчиларим билан баҳам кўргим келди.

### Самарқанд - дунё тамаддуни бешикларидан бири

Самарқанд дунё тамаддунининг бешикларидан бири бўлиб, у жаҳон маданияти, фани ва санъати тараққиётига, ислом тариқатлари, жумладан, тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва кенг ёйилишида муҳим аҳамият касб этган муқаддас заминdir.

Самарқанд Буюк ипак йўлида жойлашган. Шу боис ҳам у инсоният жамияти тараққиётининг объектив қонуниятлари, яъни ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши, ҳокимиётнинг марказлашуви натижасида йирик давлатнинг вужудга келиши каби узоқ, мураккаб ва зиддиятли даврларни босиб ўтган.

Тарихдан маълумки, одатда одамлар азал-азалдан дарё ва кўллар бўйларида ўтроқ яшашган. Шу тариқа бу жойларда давлатлар пайдо бўлган, шаклланган ва ривожланган. Масалан, Ўзбекистон ҳудудидаги Сўғдиёна давлати Зарафшон бўйида жойлашган. У Самарқанд ва Бухоро сингари шаҳарлари билан машҳур бўлган. Яксарт (Сирдарё) бўйларида ҳам қадимдан шаҳарлар, аста-секин давлатлар ривож топган. Бунга Чоч (Тошкент) воҳаси, жануби-шарқда Фарғона, шимоли-ғарбда мўъжизавий Хоразмни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Окс (Амударё) паст текисликлари, Орол денгизи ҳудудида Ўрта Осиёдаги илк давлат (милоддан аввалги 1 минг йилликда) Хоразм воҳасида ташкил топган. Бақтрия (Бақтриана) эса Амударёнинг ўрта ва юқори қисмida жойлашган.

Кўхна Туронда Эрон орқали Суриядан кириб келган Несториан йўналишидаги насронийлик ҳам муҳим мавқени эгалаган. VI аср бошларида Самарқандда несториан епископи, VIII асрда эса несториан метрополити хизмат қилган.

Исломнинг заминимизда тез илдиз отиб кетганлиги, аждодларимиз орасидан буюк ислом алломалари етишиб чиққанлиги, эътиқод эрки ва бағрикенглик анъаналарининг исломгача ҳам бобокалонларимизнинг турмуш тарзига айланниб кетганидан далолат беради. Арабистон ярим оролида ибодат ва расм-руsumлардангина иборат дин сифатида вужудга келган эътиқод Марказий Осиёда илмий асосга таянган таълимот даражасига кўтарилид.<sup>3</sup>

Шарқдаги кўп мамлакатлар билан яқин алоқада бўлиши ўлкада ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада ривожланиши учун ҳам муҳим омил бўлди. Ўрта Осиё олд Осиё билан, унинг хўжалик ва савдо ҳаёти билан чамбарчас боғланди. Бунда Самарқанднинг Буюк ипак йўлида жойлашганлиги ўзаро савдо-сотиқнинг кучайишида айниқса, катта аҳамиятга эга бўлди.

Карvon савдоси жануби-шарқнинг Европа, Эрон ва Кавказни Ўрта Осиё орқали Мўгулистон ҳамда Хитой билан боғлаган. Карvon йўлининг айнан Самарқанддан ўтганлиги мазкур шаҳарларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётига ижобий таъсир этган. Тарихчи Мақдисийнинг ёзишига қараган-

да, Самарқанддан бошқа ҳудудларга матолар, симгин (кумушранг) газламалар, кимхоблар, Мамаражил номли қизил ва синизи навли матолар, турли хил шойилар, рўмоллар, узангилар, сувлиқлар каби тўқимачилик, ҳунармандчилик буюмлари олиб кетилган.<sup>4</sup>

Буюк ипак йўлининг Мовароуннаҳр сарҳадларида кесишганлиги ҳам Самарқандни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан гуллаб – яшнашида, унинг илм-фан марказларидан бирига айланишида мухим аҳамият касб этди. Зеро, бу қадимий карvon йўлларидан нафақат Хитой ипаги, балки шу билан бирга сайёҳлар, олимлар ва маърифатпарвар дарвешлар ҳам қатнар эди.

IX-X асрларда Карvon савдоси Жанубий-Шарқий Европани Ўрта Осиё, шунингдек, Эрон ва Кавказ орқали Мўғулистон ва Хитой билан боғлаган. 922-йилда Халифа Муқтадирнинг Булғорияга юборган карвонида 3000 от ва түя, 5000 киши бўлган. Карвонлар мол айирбошлар, пул ҳам ҳисобкитоб бирлиги сифатида хизмат қиласди. Мусулмон савдо-гарлари Хитойда молни молга айирбошлашса, Оврўпода кумуш тангаларни ишлатганлар<sup>5</sup>.

Самарқандда ишлаб чиқарилган қоғоз ҳам дунёга машҳур бўлган. Бу маҳсулот амалдаги папирус, чарм ва пергамент ўрнида ишлатилган. Бундай арzon, қулай ва сифатли қоғоз ясашнинг Самарқандча усули кейинчалик Ўрта денгизнинг Шарқий қисмидаги кўплаб мамлакатларга, ҳатто Европага ҳам тарқатилган.

Ўз навбатида Хитой, Европанинг айрим мамлакатларидан сифатли маҳсулотлар, аҳоли эҳтиёж моллари олиб келиб, Самарқанд бозорини тўлдирган. Карвонлар бошқа юртларнинг маънавий бойликлари, фани ва санъатини ҳам олиб келган. Нақошлик ривож топди. Араб ёзуви ўзлаштирилди. Араб ёзуви безак вазифасини ҳам бажарди. Самарқанд нақошлик мактабига дастлабки пойdevор ҳудди ўша IX-X асрларда қўйилди.

Санъатнинг ривож топиши эса бадиий ҳунармандчилик, каштачилик, тўқимачилик, кулолчиликни ҳам тез суръатларда ўсиб, тараққий этишига ёрдам берди.

Х асрда Самарқандда ўйма ганч намуналари, айниқса, заминли ўйма, қирма пардоз, чизма пардоз каби турлари кенг кўлланилган. Худди шу ерда IX-X асрларда хом ғишт ўрнига пишиқ ғишт, ғишт теришда лой ўрнига ганч ишлатилган.

Бу даврда шаҳарнинг асосий ҳаётий марказлари жанубга—работларга кўчган. Шаҳарга тулашган роботлар қишлоқларни ўз ичига олган, узунлиги 40 чақиримга яқин бўлган истеҳкомларга эга бўлган.

Хунармандчилик ва тўқимачилик ривожлангач, ўз навбатида бозорларга эҳтиёж сезилган. Шаҳарнинг Кеш дарвозасидан ўтиш билан шаҳристоннинг жанубида жойлашган Расс-ут тоқ деган жойдаги бозор Самарқанднинг энг гавжум маскани ҳисобланган. Истоҳрийнинг шоҳидлик беришича, бозор марказида саррофлар – пул майдаловчилар ва судхўрларнинг расталари бўлган. Бозорда мисгарлар, ҳунармандлар ва тижоратчиларнинг бошқа расталари ҳам жойлашган.

Шаҳардан Зарабшон дарёсининг оқиб ўтиши шарофати билан бу ерда суғориш тармоқлари ривож топган. Сирти қўрғошин билан қопланган Жуйи арзиз (Қўрғошин ариғи) ҳозирги Ҳазрати Ҳизир масжиди жойлашган жойда учта катта тармоққа бўлиниб, бири арк томонини, бошқа қисмлари шаҳристоннинг ғарбий ва шарқий қисмини сув билан таъмин этган. Ариқлар сопол қувурлардан иборат сув ўтказгичлар орқали майда шахобчаларга ажralиб чиқкан.

960–970 йиллар орасида Самарқандга келиб кетган Абулқосим ибн Хавқол бундай ёзган: “Самарқанд иирик шаҳарлардаги каби катта бозорлари, бир қанча даҳалари, ҳаммомлари, карвон саройлари ва уйлари бўлган шаҳар. Бу ерда оқар сув бўлиб, у қисман қўрғошиндан қилинган каналдан оқиб келади. Жоме масжиди шаҳристондаги арқдан пастроқда жойлашган, улар ўртасидан катта йўл кесиб ўтади. Шаҳристондаги Асфизар деб аталган жойда Сомонийлар томонидан бунёд этилган Сарой бинолари жойлашган. Баъзи бир жойлардан мустасно, деярли ҳар бир кўчадан ва ҳар бир боғдан оқар сув ўтади, айрим хонадонлардагина боғ йўқ. Самарқанддаги бинолар пахса ва ёғочдан ишланган. Самарқанд Мовароуннаҳрнинг шаҳар ҳунармандлари тўплланган

жой бўлиб, уларнинг кўпчилиги Самарқандда таълим олишган”<sup>6</sup>

Араб типининг расмий доираларда истеъмолга киритилиши форс, сүғд оқсуяклари орасида ислом динининг нуфузи ортишига сабаб бўлди. Хутба (диний ваъз) араб тилида ўқилишидан ташқари, диний ва юридик адабиётлар ҳам шу тилда ёзиладиган бўлди. Чунки фиқхий адабиёт илоҳиёт билан чамбарчас боғлиқ эди. Маҳкамаларда араб тили давлат тили сифатида юритилди. Илмий асарлар ҳам шу тилда битилди. Араб тили ислом тили сифатида ғоятда катта ҳудуд (ғарбий Осиё ва Ўрта Осиё, Шимолий Африка ва қисман Жанубий Европа)га тарқалиб, қадимий маданиятга эга бўлган халқлар учун халқаро алоқа воситаси бўлиб қолди.

Биз юқорида санаб ўтган омиллар: ҳунармандчилик, тўқи-мачилик, тижорат, тасвирий санъат, меморчилик каби соҳаларнинг ривож топиши, Самарқанднинг тараққиёт йўлига чиқиб олган шаҳарлардан бирига айлантириди. Натижада у атроф ҳудуддан, Бухоро, Хива, Марв каби шаҳарлардан ҳам илму маърифат аҳли, олимлар, уламолар ва толиби илмларни ўзига оҳанграбодай торта бошлади.

Ўйғониш даврининг буюк вакили, шайх Юсуф Ҳамадоний ҳам Самарқанд шаҳрига келиб, ислом динининг фалсафаси, яъни тасаввуф фалсафасига шу ерда асос солди. Ҳазрат яратган Ҳожагон тариқати бу бир томондан дин ва шариат, иккинчи томондан фалсафа ва табиий фанлар билан бошқа ўзига хос мураккаб таълимотдир. Чунки бу тариқат инсоннинг ички оламини, ундаги яширинча қобилиятларни очиш учун фан тараққиётига кучли таъсир этади.

Шайх Юсуф Ҳамадоний Самарқандда яшаган даврда шаҳар обод, илму маърифат ривож топган. Ҳудди Бағдод, Дамашқ каби илму маърифат маскани бутун Марказий Осиё ҳудудларининг маркази ҳисобланган. Жалолиддин Румий маснавийларида эсланган Сарикўл, Фоторар маҳаллалари, Самарқанд марказидан ўтаётган катта ариқ атрофида жойлашган Пулкўприк орқали шаҳарнинг икки томони ўзаро боғланган.

Самарқанд тупроғида юзага келган тасаввуф таълимоти минг йил үтибдикі, үз фалсафий мазмун-моҳиятини йўқотмади. Аксинча, ўтган асрлар давомида бутун оламни үз инсонпарварлик ғоялари билан эзгуликка, инсофу диёнатга, адолатга, илму маърифатга чорламоқда.

Самарқандлик яна бир буюк инсон имом Абу Мансур ал-Мотуридий калом илми билан биргаликда ҳадис ва фикҳ илми равнақига улкан ҳисса қўшди. У зот ҳанафий мазҳаби фикҳини мукаммал ўрганиб, үз ақидавий таълимотларини яратдилар. Имом ал-Мотуридий яшаган даврда ислом оламида эътиқод масаласида бир-бирига қарама-қарши фирмалар ўртасида мунозаралар кучайиб, у баъзан қонли мөжаролар билан якунланарди. Ана шундай зиддиятли даврда Имом ал-Мотуридий қиличлар ҳал қила олмаган, мусулмонларни тарқоқликка олиб бораётган эътиқодий муаммоларни үз ақлу заковатлари, Қуръон оятлари, Пайғамбари миз Мұхаммад алайхиссаломдан ривоят қилинган ҳадислардан олинган далиллар асосида ҳал этди. Ислом ақидасини парокандалик ва эътиқодий бузуқликлардан сақлаб қолди.

Имом ал-Мотуридий ҳазратларининг “Ат-тавҳид”, “Ат-Таъвилотул Мотуридия фи баёни усули аҳли суннат ва усули тавҳид” номли асарлари, айниқса, йиллар ўтгани сари қиммати янада ошиб, дунё уламоларига исломий ақида муаммоларини ҳал этишда йўлчи юлдуз вазифасини бажармоқда.

Абу Мансур ал-Мотуридий дастлабки таълимни ҳозирги Самарқанд туманидаги Мотурид қишлоғида олган бўлса, унинг олим сифатида шаклланишида яшаган ва билим олган Самарқанд шаҳридаги муҳит катта аҳамиятга молик бўлган.

Мотуридия таълимотининг шаклланиши ва ривожланиши ислом дунёсининг марказий минтақаларида фаолият олиб борган муаллифлар дикқат эътиборидан четда юз берган. Берн университети доктори, профессор Анке фон Кюгельген ва Тошкент давлат Шарқшунослик институти доценти Аширбек Мўминов мазкур муаммо билан шуғулланиб, Мотуридия таълимотининг пайдо бўлишида Самарқандда-

ги ижтимоий-сиёсий вазият ва унда фаолият олиб борган илоҳиётчи уламолар фаолияти хусусида тадқиқотлар олиб борган. Улар илк Мотуридия тарихини ўрганган баъзи тадқиқотчилар 5-6 нафар машҳур теологик матнлар ёки ал-Мотуридия давридан 300-400 йил ўтгандан сўнг яратилган тарихий-биографик луғатларни тадқиқ этиш билангина чегараланиб қолмоқдалар. Оқибатда буюк мутакаллим шахси, унинг атрофида шаклланган муҳит ва учратган таълимот етарли ёритилмай қолмоқда, деган фикрни илгари сурмоқдалар<sup>7</sup>.

А. Кюгельген ва А. Мўминов фикрича, бу соҳадаги янги манбалар кўп ва уларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиши мумкин.

Биринчи гуруҳни илоҳиёт соҳасида айнан X асрда Самарқандда яратилган 4 асар ташкил этади: "Шарҳ жумол усули-д-дин ли Аби Салама ас-Самарқандий", "Байон асп мазҳаб аҳли-с-сунна ва-л-жамоа", "Сифату-с-сунна ва-л-жамоа" ва "Фавоиду-р-Рустуфаъний".

Манбааларнинг иккинчи гуруҳини Чокардизадан топилган қабртошлардаги битиклар; учинчи гуруҳини иккита тарихий-биографик асарлар (Абу Ҳафсан-Насафийнинг "Ал-қандфи зикр уламо Самарқанд", ва Муҳаммад ибн ал-Жалил ас-Самарқандийнинг "Мунтахаб китоби-л-қанд"); тўртинчи гуруҳни 10-асрда яратилган Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Субазмунийнинг "Кашфу-л-осор фи Маноқиб", Аби Ҳанифа ҳамда Яҳё ибн Али аз-Зандависатийнинг "Раузату-л-уламо" асарларидаги манбалар Мотуридий давридаги Самарқанд илоҳиётида юзага келган муҳитни тадқиқ этишда етарли асос бўла олади.

IX-X асрларнинг мураккаб шароитида Самарқандда ислом ҳуқуқшунослиги – фиқҳ илми ҳам ривож топди. Самарқандда яшаб ижод этган фиқҳ уламолари хусусида фикр юритганда Садрул – ислом Баздавий (Паздавий)нинг муборак номини эслаш, айниқса, жоиздир. У усул ва фуруғ бўйича салоҳиятли олим сифатида Ҳанафий мазҳаби раёсати даражасига кўтарилиди. Лакнавийнинг ёзишича, "У ҳеч қан-

дай қайду шартсиз имомлар имоми бўлиб, ўз асарлари билан дафтарларни тўлдирди".<sup>8</sup>

Алоуддин Самарқандий ҳам ўз даврининг буюк алломаси бўлган ва Ҳанафий ҳуқуқшунослиги тараққиётига муҳим ҳисса қўшган.<sup>9</sup> Унинг қаламига мансуб "Тұхфатул фуқаҳо" ("Фақиҳлар тұхфаси") асари Ҳанафий фиқҳи бўйича ноёб асардир.

Бу даврда Самарқандда яшаб, ижод қилган Абуллайс Наср ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ҳам забардаст олимлардан эди. Унинг "Танбех ул-ғофилин" асари ҳозирги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган. Ундан тафсир, фиқҳ, зътиқод-калом илмлари бўйича кўплаб ўлмас асарлар мерос бўлиб қолди.

Самарқанд осмонида IX-X асрларда чарақлаб, испом оламини ўз ақлу шуури нури билан мунаввар этган бу каби олиму фузалолар фаолияти ҳақида яна кўп мисоплар кептириш мумкин. Олиму донишлари эъзозланган, ардоқланган юртда файзу-барака, тинчлик-хотиржамлик бўлади. Испомшунос олим Аширбек Мўминовнинг фикрига қараганда, IX-X асрларга келиб, Самарқанд ҳақиқий маърифат пойтахтиридан бирига айланган эди.<sup>10</sup> Бу ерда, айниқса, испом фиқҳи нақадар ривож топғанлигини шундан ҳам билса бўладики, қорахонийлар давлати ҳукмдорлари, айниқса, Ибрөҳим Маҳмуд Тамқочхон диёнатли киши бўлиб, фақиҳлар фатвосини олмагунча, ҳеч бир жиноятчини жазоламаган, мол-мулкини мусодара этмаган.

Бу даврга келиб, ҳанафийлар диний ҳаётда ҳукмрон мавқега эга бўлади. Бирорта девонга хизматга кириш осон эмас эди. Бундай лавозимга фақат бой деҳқонлар, руҳонийлар ёки сарой аҳлига алоқадор кишиларгина эмас, балки муайян билимга эга бўлган шахсларгина мұяссар бўлган. Ҳукумат девонлари ва бошқа нуфузли мұассасалар учун хизматга араб, тожик ва форс тилларини, Қуръони каримни билган шариат аҳкомларидан яхши хабардор бўлган одамларгина танлаб олинган.

IX-X асрлардаги Самарқанднинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётини тадқиқ этишда Низомулмулк томонидан 1091 йилда битилган “Сиёсатнома” (“Сияр ул-мулк”) асари ноёб манба ҳисобланади. Асар салжуқийлар ҳукумронлигига оид ишончли далилларга, халифаликка қарши бўлиб ўтган қўзғолонлар, урушлар, испомдаги турли мазҳаб ва жараёнлар, уларнинг намоёндалари тўғрисида маълумотларга бойлиги билан, айниқса, қимматлидир.

Профессор Н. Комиловнинг фикрича, “Сиёсатнома”да адолат, инсоф, тўғрилик ва ҳалоплик каби ахлоқий сифатларга ургу берилса-да, масала реал ҳаёт билан боғлаб талқин этилади ва марказлашган кучли салтанат ғояси қатъий ҳимоя қилинади. Шу асосда шоҳнинг жасур, доно, тадбиркор ва қатъиятли бўлиши ғояси илгари сурелади.<sup>11</sup>

Дарҳақиқат, Низомулмулк асарида давлатда марказий ҳукумат жуда ҳам кучли бўлиши лозим. Шундагина юртда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, раият ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ва адолатда, мурувватда яшайди<sup>12</sup>, деган фикрни илгари суради. Бу фикр ҳозир Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов юритаётган кучли жамиятдан кучли давлатга деган тамойилларга, у юритаётган сиёсатга ҳамоҳангдир.

Хуроса қилиб айтганда, IX–X асрларда Самарқанднинг маънавий-маърифий ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди. Бу ерда туғилиб, вояга етган табаррук сиймолар ислом оламида буюк таълимотларга асос солиб, ислом дини ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшдилар.

## Самарқандга ҳадис илмининг кириб келиши ва ривожланиши

Муҳаддислар фаолияти, яъни ҳадисларни йиғиш мақсадида сафарга чиқишлиари VII асрда жуда кам юз берадиган воқеалардан эди. Иснодларнинг таркибини таҳлил қилишнинг кўрсатишича, VIII асрдан бошлабгина муҳаддисларнинг ҳадис талабида фаол ҳаракатлари бошланганлигини ва тур-

ли шаҳарлардаги ҳадис марказлари орасида боғланиш пайдо бўлганлигини кўрсатади. Чунки ҳижрий биринчи асрнинг охири уч ўн йиллигида (690-720) ислом оламининг алоҳида маъмурий марказларида ҳадисга бўлган қизиқиш аста-секин орта борди.<sup>13</sup> Шу жумладан, Мовароуннаҳрда, хусусан, Самарқандда ҳам ҳадис илмининг пайдо бўлиши ундан аввал бўлиши мумкин эмас.

Аммо Мовароуннаҳр ҳадис илмининг вакиллари ўз салафлари сифатида бу минтақага илк кириб келган араб саркардалари ва улар билан бирга келган саҳоба-ю тобиъинларни минтақадаги илк муҳаддислар сифатида номларини ҳамда ривоят қилган ҳадисларини келтирадилар. Масалан, Абу Ҳафс ан-Насафий, Саъид ибн Жаноҳ Ал-Бухорийнинг "Китоб ал-қибла" асари воситасида Мовароуннаҳрга 674-675 йилда кириб келган тўқиз кишининг номини келтиради<sup>14</sup>:

1. Саъид ибн Усмон ибн Аффон;
2. Қусам ибн ал-Аббос;
3. Абу-л-Олия Руфай ибн Михрон;
4. Муҳаммад ибн Восиъ;
5. Бурд (Анас ибн Моликнинг мавлоси);
6. Ад-Даҳҳок ибн Музоҳим;
7. Ал-Лайс ибн Аби Сулайм;
8. Зиёд ибн Михрон;
9. Хулайд ибн Ҳассон.

Саъид ибн Усмон умавий халифа Муовия ибн Аби Суфённинг Хурросонга тайинланган волийси бўлиб, 674-675 йилда у Самарқандга қилинган юришда қўшинга раҳбарлик қилди.

Абу Жаъфар Қусам ибн Аббос (в.676 й.) Самарқандга қилинган юриш даврида Саъид ибн Усмон қўшинида бўлган. Пайғамбарга амакивачча бўлмиш бу саҳоба Саъид ибн Усмон Самарқанднинг остонасида турганида унга етиб олди. Қўшин бошлиғи уни иззат-икром билан кутиб олди. Улар биргаликда Самарқандни фатҳ этдилар. Усрушанани фатҳ этиш учун у ерга боргандарида Ширкас деган жойда бир неча кун тўхтадилар. Шу ерда Қусам ибн Аббос вафот этди. Саъид

ид ибн Усмон ва қўшин унга жаноза ўқиши. Сўнг Саъид ибн Усмон Қусам ибн Аббоснинг тобутларини шаҳарга жўнатдилар.<sup>15</sup> Самарқанддаги “Шоҳи Зинда” (“Тирик шоҳ”) номи билан машҳур зиёратгоҳ ҳисобланмиш мақбара Қусам ибн Аббос номи билан боғлиқ бўлса-да, Қусамнинг қаерда ўлган ва дафн этилганлиги хусусида уламолар орасида икки хил фикр мавжуд: Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ва бошқа баъзи олимлар у Марвда вафот этиб, ўша ерда дафн этилган десалар, Имом ал-Бухорий каби бошқа олимлар Самарқандда шаҳид бўлган (яъни ўлдирилган) ва шу ерда кўмилган дейдилар.<sup>16</sup>

Қусам ибн Аббос ҳақида ҳалқ орасида турли ривоятлар ҳам мавжуд. Улардан бирига кўра бу саҳоба коғирлардан қочиб, унинг қаршисида мўъжизали тарзда очилган қояга (яна бир ривоятга кўра чоҳга<sup>17</sup>) кириб ғойиб бўлган. Аммо тадқиқотчилар орасида “Шоҳи зинда” зиёратгоҳи ўрнида испомдан олдин ҳам муқаддас ҳисобланган жой бўлган. Қусам ибн ал-Аббоснинг яқинлари бўлмиш Аббосийлар даврида эса унга алоҳида зътибор қаратилиб, машҳур зиёратгоҳга айлантирилган бўлиши керак, деган фикрлар ҳам мавжуд.<sup>18</sup> Абу Ҳафсан-Насафийнинг гувоҳлик беришича, XII асрда Самарқандда Қусам ибн ал-Аббоснинг мақбараси машҳур зиёратгоҳлардан эди. Ан-Насафий бу саҳоба ривоят қилган икки ҳадисни келтиради. Улардан бирида Қусам ибн ал-Аббос Пайғамбар (с.а.в) дан ушбу ҳадисни ривоят қиласи: “Фазлу қарам ва адолатни Аллоҳнинг раҳмдил бандаларидан талаб қилинглар, шунда уларнинг паноҳида кун кечирасизлар”<sup>19</sup>.

Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг “Самария” асарида қўйидаги ривоят келтирилади: “Қусам Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўлими чоғида 8 яшар эди. Афту башараси ва қилиғи буткул пайғамбарга ўхшаш эди. Чунончи, “Ашбаҳ ун-нос” (деган) ҳадисда “Менга ўхшаш яратилган”, дейилган. Қусам ибн Аббосни имом Ҳасан<sup>20</sup> билан эмишга бердилар ва Қусамнинг онаси пайғамбар замонида бир кеча тушида пайғамбарнинг шарофатлик аъзоларидан бирини унинг олдига ташлаганлар. (Сўнг) у келиб пайғамбарга арз қилгандা, у деди: “Яқинда пайғамбар қизи Фотима<sup>21</sup> (ҳам) ўғил

күради, сен уни (ҳам) эмизгин". Ҳазрат амир ул-мўъминин Али каррамалпоҳу важҳаҳ, халифалиги<sup>22</sup> чоғида унинг буйруғи билан Макка шаҳрига ҳоким бўлиб турди. У шаҳид бўлгандан кейин Муовия (бин Абу Суфён)<sup>23</sup> замонида унинг буйруғи билан Убайд Зиёддан сўнгра, Хуросон ҳокимлигига тайинланган уруш бошлиқларидан Усмон ўғли Саъид кетидан Мовароуннаҳрга келди. Усмон ўғли ҳазрати Саъид яраш йўли билан Самарқандни олиб ҳалқини мусулмон қилди. Динни кучайтиromoқ ва шариат ҳукмларини юргузмоқ тилаги билан Қусамни бир неча ислом қўшини билан бирга бунда қолдирди,<sup>24</sup> ҳижрийда (милодий 677 й) кофирлар шаҳарга ҳужум қилдилар. Самарқанд шаҳрининг Намозгоҳида Қусам жон чиқарига ўқ тегиб, шаҳид бўлди ва қутлуғ гавдасини Бану ножия қабристонида ғор ёнида кўмдилар.<sup>25</sup>

Тўғри ривоят шудирким, Усмон ўғли Саъид Самарқанд эли билан урушаётганда Қусамнинг жон чиқарига ўқ тегиб, шаҳид бўлди ва Бану ножия қабристонида кўмилди. Алломаи Утбий "Саҳиҳи Бухорий шарҳи"да Аббос ўғли Қусамнинг қабри Самарқандда Оҳанин дарвозасининг яқинида Бану ножия қабристонидадир, деб аниқлаб ёзибдир. Абу Абдулло "Тарихи Нишопур"да<sup>26</sup> тўғриси Қусам ҳазратлари вафот этиб, Самарқандда кўмилгандир, деб ёзадир. Бошқа бир ривоятга кўра, Ҳазрат Қусам Ширинкент (Самарқанд музофоти) деган мавзеъда шаҳид қилинган ва гавдасини Кўҳак дарёсидан кечириб ўтказиб, Бану ножия қабристонида<sup>27</sup> кўмдилар. Султон Санжар Мозий замонасида ўша қабристонда "Қусамия" аталган бир неча мадраса солинган эди. У мадраса Самарқанд қўрғони ўрнига тепа устида, Оби машҳад ариғининг яқинида, яъни кунботар томонида эди. Ҳозирда ундан бир нишона қолмагандир.

Аммо шаҳзода Қусамнинг нур сочувчи мозорининг зиёратидан аҳли диллар ажойиб завқ оладилар. Бу шарофатли жойнинг тупроғини подшолар ўз кўзларига тўтиё қиласидилар. Тажрибада кўрилгандирки, ҳар бир ҳаёсиз ва нопок киши яқин, ёки узоқ у кишининг мозорига эҳтиромсизлик кўрсатса, Тангри таоло андак фурсатда унинг жазосини беради. Тангрининг элчиси, унга салом ва салот бўлсин, азиз саҳобалари кароматларини кўрсатади"<sup>28</sup>.

Қусам ибн Аббос шахсининг ҳадис илми учун яна бир аҳамиятли томони шундаки, унинг мақбараси ёнига кейинчалик халқ орасида алоҳида ҳурматга лойиқ кишилар дафн этилдилар. Жумладан, Самарқандда яшаган Тоҳир ибн Юнус ал-Фоний (в. 1125й)<sup>29</sup>, Самарқандда Қодирхон даврида хатиблик қилган Абу Муҳаммад Абд ар-Раҳмон ибн Йаҳйо ал-Жикилий (в.1122й.)<sup>30</sup>, Умар ибн Муҳаммад ал-Хаббоз (в.1129й.)<sup>31</sup> каби муҳаддисларнинг қабрлари Қусам мозори атрофидан жой олди. Шу жойда Қусам ибн ал-Аббос мадрасасига асос солинди ва бу мадраса кейинчалик муҳим ҳадис марказларидан бирига айланди.<sup>32</sup>

Абу-л-Олия Руфай ибн Миҳрон (в.712 й.) Саъид ибн Усмон билан биргаликда Амударёни биринчилардан бўлиб кечиб ўтган басралиқ тобиъинлардан эди. Саъид ибн Усмон Абу-л-Олияга юқори баҳо беради. Бир ривоятга кўра, Абу-л-Олия Жайҳун ортида биринчи бўлиб аzon айтган ва Саъид унинг "Абул Олия" кунясини "Олийлик" ва "Руфай" исмини "Улуғлик" деб таъбирлаб, унинг исм ва кунясини яхшиликнинг нишонаси деб билган. Абу Бакр халифалиги даврида исломни қабул қилган бу шахс воситасида Анас ибн Моплик ва Савбон ибн Наҳшал каби саҳобалардан ҳадис ривоят қилинади. Чунончи, у саҳоба Савбон айтган Пайғамбар алайҳиссаломдан қўйидаги ҳадисни ривоят қилган: "Ким менга ҳеч кимдан нарса сўрамасликка кафолат берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман".

Абу-л-Олиядаги зоҳидларга хос вазминлик ўзи ривоят қилган ҳадисдан ва у ҳақда айтилган хабарлардан ҳам билиниб туради. Айтишларича, Басрада фитна чиққан пайтда Абу-л-Олия шаҳардан қочиб чиқмоқчи бўлади. Шунда унинг қулоғига "Эй мутаваккил" ("Аллоҳга таваккул қилувчи"), деган овоз эшитилади. Бундан таъсирланган Абу-л-Олия ўз ватанида қолишга қарор қиласди.<sup>33</sup>

Муҳаммад ибн Восиъ манбада келишича, Саъид ибн Усмон билан Самарқандга келган<sup>34</sup> ва кейинчалик Қутайба ибн Муслимнинг ёнида турган сафдошларидан бўлган.

Самарқандга биринчи кирган араб саркардалари Мовароуннаҳрни фатҳ этиш мақсадида келган эдилар. Уларнинг

күпчилиги тобиъинлардан бўлиб, Пайғамбар саллалоҳу алайҳи ва саллам ҳақида билганинни атрофдагиларга гапириб берган бўлишлари мумкин. Юқорида номлари зикр этилган шахсларнинг Мовароуннаҳр, жумладан, Самарқандда бўлганлиги ҳақидаги ривоятлар кейинги давр муҳаддислари томонидан исломнинг бошқа йўналиш олимлари билан мунозараларда ўз анъаналарининг қадимийлигини исботлаш учун хизмат қилган. Мазкур шахсларнинг Самарқандда бўлганликлари эпизодик ёки афсонавий характерга зга эканлиги юқоридаги мисоллардан кўриниб турибди.

Дарҳақиқат, Самарқандга ҳадис унсурларининг кириб келиши шаҳарда муқим ҳолда яшай бошлаган араб-мусулмонлар жамоаси билан бевосита боғлиқ. 712 йили Қутайба ибн Муслим араб қўшинларини Самарқанд аҳолисининг уйларида жойлаштирди. Самарқанд ихшиди Ғурак билан сулҳ тузиб, ўша ерда яшаб қолган.<sup>35</sup> Ғурак ўзининг қароргоҳини Иштихон шаҳрига кўчирди. Бошқа шаҳарларда эса аҳоли ўз уйларидан ташқари экин ерларининг бир қисмини ҳам уларга топширдилар.

Самарқандда илк даврда араб саркардалари *марғуъ*<sup>36</sup> ҳадислардан кўра кўпроқ саҳоба, тобиъин, халифа ва ҳокимларнинг сўзларини хабар сифатида ривоят қиладилар. Ёки бу тарихий шахсларнинг сўзлари ҳикматли мақоллар сифатида ривоят қилинади.

Кейинги давр муаллифлари Қутайба билан бир қаторда яна унинг укаси, ислом давридаги биринчи Самарқанд амири Абд ар-Раҳмон ибн Муслим ва авлодларидан: Қутайбанинг ўғли Салим ва невараси Саъидларни ҳам Мовароуннаҳрга ҳадис, тарихий хабар ва воқеаларни олиб келган биринчи ровийлар сифатида зикр этадилар.

Қутайба ибн Муслим билан бирга Самарқандга кирган йирик олимлардан Абу Амр Омир ибн Шароҳил аш-Шаъбий ал-Куфий (в.727-728й.) ни эслатиш жоиздир. У - йирик шоир, фақиҳ ва ҳофизлардан эди.

“Китоб ал-Қанд” илк даврда Самарқандга кирган ва муҳаддислик фаолиятини олиб борган Балх, Нишопур, Марв, умуман, Ҳурросон ёки Араб мамлакатларидан келган кўплаб уламолар ҳақида хабар беради. Бундан келиб чиқадики,

ҳадис илмининг Самарқандга кириб келишида ташқи ислом олами, хусусан, хурросонлик уламоларнинг ҳиссалари катта бўлган. Абу Зуръа Убайдуллоҳ ибн Абд ал-Карим ар-Розий Самарқандга кирмаган бўлса-да, бу ерлик муҳаддислардан кўпчилигига устозлик қилган.

Самарқандда ҳадис илмининг вужудга келишида катта хизмат кўрсатган илк уламолардан бири Абу Саҳл Касир ибн Зиёд ал-Бурсонийдир (VIII-IX асрлар). Бану Азд қабиласидан чиққан бу олим асли басралиқ бўлиб, Балхда яшаган. Кейинчалик у ердан Самарқандга келган. Ал-Ҳасан ал-Басрий, Абон ибн Аби Айюшлардан ҳадис ривоят қилган. Ундан Самарқанд ҳадис илмининг буюк намояндлари Абу Муқотил ас-Самарқандий ва Мұхаммад ибн ал-Фадл ибн Атийялар ҳадис ривоят қилганлар. Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий унинг сиқа (ишончли) муҳаддис эканлигига гувоҳлик беради.

Германиялик профессор У. Рудольф ўзининг “Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик теологияси” асарида Абу Муқотилни Абу Ҳанифа каломининг вужудга келишидан то ал-Мотуридий таълимотининг шакллангунича бўлган оралиқ даврда яшаган буюк илоҳиётчи-мутакаллим сифатида кўриб чиқади. У.Рудольф ўз тадқиқотлари натижасида шу пайтгача Абу Ҳанифага тегишли деб ҳисобланган, ҳанафийлик бўйича мұхим манба бўлган “Китоб ал-олим вал-мутааллим” асари аслида Абу Муқотилга тегишли деган хulosага келади.<sup>37</sup>

Бу асрда Самарқанд энг йирик ҳадис марказларидан бири эди. Бу даврда ҳадис илми билан жамиятнинг турли табақа вакиллари шуғулландилар. Улар орасида ҳоким, қози, суфий, муаддид, муazzин каби турли касб зеплари бор эди.

Абу Ҳафс ан Насафий “Китоб ал-қанд” асарида таржимаи ҳоллари келтирилган уламоларнинг аксарияти муаллифнинг шу даврда яшаган бевосита ва билвосита устозлари, ҳамсабоқ дўстлари ва бошқа замондошлари дидир. Шунинг учун ҳам мазкур асарда жуда кўп Қораҳонийлар даврида яшаб ижод этган муҳаддис-уламолар ҳақида маълумотлар бор.

Хурросонда туғилиб, Самарқандда фаолият кўрсатган, қораҳонийлар даврида умрининг охирги ва самарали қис-

мини ўтказған ҳофиз Абу Саъд Абд ар-Раҳмон ибн Мұҳаммад ал-Идрисий ал Астрободий (в. 1015 й.) Самарқанд ҳадис ахлининг пешқадам мұҳаддисларидан зди. Унинг ҳадис илми тараққиётiga қүшган катта хизматларидан бири Самарқанд мұҳаддислари таржимаи ҳолларини "Китоб ал-камол фи маърифат аррижол мин уламои Самарқанд"<sup>38</sup> номли асарида жамлаганлигидир. Абу Ҳафс ан-Насафий Абу Саъд ал-Идрисийнинг билвосита шогирдларидан ҳисобланиб, ўзининг "Китоб-ал қанд" асарида 421 мұҳаддиснинг таржимаи ҳоли-ни ал-Идрисийнинг асаридан олиб келтиради.

"Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд" китобидан ий-мон түғрисида яна бир ҳадисни келтирамиз. Бу ҳадиснинг аҳамиятли томони шундаки, ҳадис Абу Ҳафс Насафийга аёл киши томонидан етиб келган. Бу аёл имом ва ҳожилар амири Абу Бакр Мұҳаммад Ұсмон ибн Абу Бакр ат Даёс Самарқандийнинг қизи Сорадир<sup>39</sup>.

Нажмуддин Умар Насафий айтди: Сора менга хабар берди; Сора деди; Бизга имом Абдураҳим ибн Абдулкарим ибн Ҳавозий ал Қушайрий хабар берди; Ал Қушайрий деди; Отам бизга хабар берди; У деди: Абу Абдураҳмон ас Суламий бизга хабар берди; Ас Суламий деди: Абул Фазл Мұҳаммад ибн Иброҳим ал Ҳошимий бизга хабар берди; Ал Ҳошимий деди: Аҳмад ибн Самала ал Баззоз бизга сўзлаб берди; Ал Баззоз деди: Мұҳаммад ибн Башшод бизга Айюбдан сўзлаб берди; Айюб Абул Қаллобадан, Абул Қаллоба Анас ибн Моликдан ушбу ҳадисни ривоят қилди; Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Кимнинг қалбидаги уч нарса мавжуд бўлса, у иймон ҳаловатига эришур: Аллоҳ ва унинг Расули унинг учун барчадан маҳбуброқ бўлса, бирорни фақат Аллоҳни деб севса, коғирликка қайтмоқни ўт ёқилиб, ўзининг унга ташланмоғини истамагани каби истамаса!"

Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий яшаган давр Самарқандда илм-фан, айниқса, ҳадис илми энг ривожланган зди. Бунга мазкур ҳадиснинг ровийлари далолат қилиб турибдилар. Бу ҳадис Абу Ҳафс Насафийга аёл киши томони-

дан хабар бериляпти. Демак, Самарқандда XI-XII мицодий асрларда аёллар ҳам ҳадис ривоят қиласидан даражада илм олганлар ва бунга шароит мавжуд бўлган. Аёллар таълим оладиган илм даргоҳлари бўлган, албатта.

Ҳадис илми вужудга келган даврдан бошлаб муҳаддислар ҳадис талабида ўзга юртларга сафар қила бошладилилар. Ана шу даврдан бошлаб муҳаддисларнинг илмий ҳаётини фақат биргина шаҳар ёки мамлакат миқёсида чегаралаш мумкин бўлмай қолди. Кўпчилик муҳаддислар она-ватанлари Самарқанд бўлса-да, асосий илмий фаолиятларини ундан ташқарида олиб бордилар. Бошқа муҳаддислар асл наслаблари бу минтақадан ташқарида бўлса ҳам кўхна ўлкамизда ҳадис илмининг тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга бўлдилар.

### Ислом оламида илоҳиёт ва унинг Самарқандда ривожланиши хусусиятлари

Калом - ислом илоҳиёт илми. У VIII асрда араб халифалигида пайдо бўлган. Калом-ислом диний таълимотини асослашга ҳаракат қиласиди. Калом тарафдорлари мутакаллимлар дейилади. Калом турли диний-сиёсий групилар (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржиъийлар) пайдо бўлиши билан боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келди ва тараққий қилди.

Ином Газзолий: У бир илм бўлиб, унинг мақсади аҳли суннанинг ақидасини аҳли бидъатнинг ташвишидан муҳофаза қилиш ва қўриқлашдир. Аллоҳ Таоло ўз бандаларига Ўз пайғамбари тилида ҳақ ақидани илқо қилди. Унда уларнинг дини ва дунёсининг салоҳи бордир. Шунингдек, унинг ҳақида Қуръон ва хабарлар нутқ қилди. Сўнгра шайтонлар ўз васвасаси ила бидъатчиларга суннатга хилоф ишларни илқо қилди. Улар ўша ишларни гапирдилар ва аҳли ҳақнинг ақидасини бузмоқчи бўлдилар. Бас, Аллоҳ бир тоифа мутакаллимларни пайдо қилди ва уларнинг ҳимматини тартибга солинган ислом ила суннатнинг нусрати йўлида ҳаракатга солди. Шу орқали аҳли бидъатнинг суннатга хилоф равишда чиқар-

ган алдамчиликлари фош қилинади. Ана шундай илми қалом пайдо бўлди.

Калом илмида бошқа илмларда бўлмаган хусусиятлар мавжуд. Чунки бу илм илмларнинг мақом ва мартаба жиҳатидан энг аълоси ва шарафлироғидир. Шунингдек, бу илм Тангри таолонинг яккаю-ягоналиги, унинг ҳар қандай нуқсон, камчилик, айб ва хатолардан пок эканлиги, унинг шериги йўқлиги тўғрисида баҳс юритади. Шунингдек, бу юксак таълимот Мажассама, Мушаббаҳа ва Ҳашавияга ўхшаш кўплаб адашган, дин душманлари бўлган тоифаларга қарши кескин курашишда илмий баҳс-мунозара юритади. Ва яна Аллоҳ таолонинг жамол, жалол ва камол сифатлари тавсифини ўргатади. Бу сифатларни нотўғри талқин қилган кимсалар билан муросасиз мунозара олиб боради. Шу билан бирга, нубувват-пайғамбарликнинг исботи, ҳикмати ва Расулуллоҳга тушган шариат ва аҳкомлар тўғрисида ҳам баҳс юритади. "Калом илми" нинг хусусиятларидан яна бири - "явмул ахир"-охирги кун, яъни қиёмат кунига бўладиган имонни тақлид даражасидан ҳақиқий ишонч даражасигача юксалтириб беришdir. Бу даража эса инсонни нажот ва юксакликка эришишига сабаб бўлади.

Юқоридаги таърифни "калом илми"га исломшунос аллома Абул Муъин ан-Насафий берганлар. Юқорида айтганимиздек, калом илмида ал-Мотуридия таълимоти Аллоҳ жалла жалолуҳуни ҳар қандай нуқсон сифатларидан пок эканлигини билдириб, ал-Мушаббаҳа, ал-Мажассама, ал-Муаттала, ал-Ботиния, ал-Мушрикийн, ас-Сонавийя, ал-Яҳуд, ан-Насоро, ал-Мажус ва залолатга кетган бошқа тоифаларга соғлом ақлий ва очиқ нақлий далиллар билан раддия беради.

Мотуридия мактабини XI асрнинг охири ва XII асрнинг биринчи ярмида кенг ривожлантирган шайхлардан бири, улуғ имом, "аҳли суннат вал-жамоат" мазҳабининг ўз замонасидаги раиси, "Ҳақ қиличи" деб таърифланган зот - Абул Муъин ан-Насафийдир. У эътиқод тўғрисида бундай дейди:

"Аллоҳга эътиқод қилиш, аввало, Аллоҳни таниш, уни якка-ю ягона деб билишдан иборатdir".

Яна Имомул - жалил Аллоҳ таолонинг сифатларини бундай баён қиласиди:

- Аллоҳ бирдир, яккадир, қадим ва азалийдир.
- Албатта, у Самад-Унга бутун мавжудоту маҳлуқотнинг эҳтиёжи тушади, У эса Алҳожат, унга ҳеч бир шерик йўқ.
- Унинг мисли йўқ (бирон бир хилда) унинг шериги йўқ, чунки унинг жинси бўлмаганидек, хили-қиёси ҳам йўқ."

Абу Мансур ал-Мотуридий асос соглан мактабнинг атоқли намоёндаларидан бири Абу-л-Муъин ан-Насафийдир. У 1027 йили Насаф шаҳрида туғилган. Абу-л-Муъин 15 га яқин асар ёзиб, аксарияти "Баҳру-л-калом фи илми-л-калом" асари калом илми бўйича ал-Мотуридия мактабининг асосий манбааларидан ҳисобланади. Олимнинг яна бир асари "Китобу-т-тамҳид ли-қавоъиди-т-тавҳид"нинг 1273 йилда кўчирилган насхаси ЎзФА Шарқшунослик институти Қўллэзмалар жамғармасида сақланмоқда.

Абу-л-Муъин ан Насафийнинг калом илмига бағишланган яна бир асари "Табсирату-л-адилла" ҳам жуда машҳурдир. Бу асарда калом илмининг баъзи масалалари батафсил ёритилганлиги ва услубининг соддалиги жиҳатидан у Мотуридийнинг "Китобу-т-тавҳид" асарига қараганда ҳам юқори баҳоланганди. Унда Мотуридия таълимоти мукаммал ҳолда ўз ифодасини топган.

Самарқанд илоҳиёт мактаби Абу Мансур ал-Мотуридий номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Ал-Мотуридий Ироқда ёки ислом дунёсининг бошқа марказий ҳудудларида яшамаган. У Самарқандда яшаб, шу ерда асарлар битган. Бу ерга бошқа ҳудудлардан турли ғоялар етиб келар, аммо бу ерда қандай фикрлар ҳукм сургани ғарбий ҳудудларда, айниқса, Бағдодда ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Оқибатда, Мотуридийнинг таъсири узоқ вақт Самарқанд ва Мовароуннаҳр билан чекланган.

Бундай ҳолат XI аср ўрталарига келиб, исломни қабул қилган марказий ҳудудларга шимолий-шарқдан салжуқлар бостириб борганидан сўнг ўзгарди. Улар Мовароуннаҳр илоҳиётини тарқатар ва ислом марказини у билан танишириш йўлида ҳар қандай воситалардан фойдаланар эди.

Ал-Мотуридий Мовароуннаұрдаги илоҳиёт тараққиётида бурилиш нүктасини белгилаб берди. У маълум анъанага амал қилған ва унга чуқур ҳурмат билан қараган. Аммо бу анъана Мотуридийнинг таъсирида ҳам шаклан, ҳам мазмұнан тобора ўзгариб борған. Ўзгарғанда ҳам секин-аста тадрижий тарзда әмас, балки шу қадар тез ўзгарғанки, у бутунлай янги сифат касб этған.

Ал-Мотуридийгача бўлган даврда Мовароуннаұрда иймонга оид нисбатан содда ҳужжатлар (матнлар) гина учрайди.

III-IX аср давомида бутунлай қарама-қарши тимсолларда ўз тажассумини топган тақвдорликнинг маълум мактаби бўлиб, у "Китоб ас-Савод ал-аъзам"да ўзининг ёрқин ифодасини топган. Иккинчиси эса зоҳидликка кўпроқ мойил бўлиб, Ибн Карром таълимотида зухур топган.

Имом ал-Мотуридий яшаб, фаолият кўрсатган IX асрнинг иккинчи ярмида ва X асрнинг биринчи ярмида калом илми пайдо бўлиб, унинг турли масалалари ҳали кенг кўламда идрок этилиб, қатъий бир таълимот сифатида қарор топмаган эди. Ан-Насафий яшаган XI асрнинг иккинчи ярми ва XII асрнинг бошларида эса бу илм ўзининг юксак чўққисига кўтарилиди.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

Мен ушбу асарнинг аввалида эслаганимдек, умрини дини ислом йўлига бахш этган оиласда таваллуд топганман. Шу боис, дин мустабид замонда қанчалар таҳқирлангани, уламоларимиз азобларга дучор этилганини падари бузрукворим, устозларим ҳаёти мисолида жуда яхши биламан. Мустақилликка эришгунимиздан олдин мусулмон фарзандининг кўчада дўппи кийиб юришига ҳам монелик қилувчилар, диний расм-руsumларни бажаргани, отаси ёки онаси қазо этганида жаноза ўқитгани учун лавозимидан олиб ташланган миллатимиз вакиллари ноҳақликлардан бошини қайси тошга уришни билмаган замонларни биз кўрдик, асло келажак авлодимиз кўрмасин. Дини ислом занжирбанд этилган даврда Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбар бўлгач, мустабидлик кишанлари аста-секин парчалана бошлади.

“Бир мусулмон фарзанди сифатида халқига хос исломий тушунча ва туйғуларни қалбида ардоқлаб келаётган” бу зот ўз зътиқодидан қайтмайдиган инсондир. Ислом Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг 1989 йил 25 ноябрда бўлган ўн саккизинчи пленумида сўзлаган нутқида жамиятда кўп йиллар шаклланган атеистик қарашларни ўзгартириб юборди, ислом ва бошқа динларга бўлган муносабатларимизда кескин бурилиш ясади. Юртбошимиз динга муносабатда пухта ўйланган, синовдан ўтган ёндашув лозимлиги тўғрисида шундай деган эди: “Бир томондан виждан эркинлиги, динга ишонувчиларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш принципини оғишмай ўtkазиш лозим. Диний тузилмаларнинг тинчлик ва хайрия фаолиятини қўллаб-куватлаш керак”. Бу фикр барча масалаларни ҳал этиш учун сиёсий системани ислоҳ қилиш зарурлигини талаб қиларди.

Бу ўша вақтда яхшилик, эзгуликтан дарак берувчи баҳорий момақалдироқ эди. У гүёки яшин, Аллоҳ таолони унуган одамларнинг қалбларини ёритиб юборди. Биз дин аҳли кўкламнинг нафис нафасидан баҳраманд бўла бошладик. Бу янгилик, эзгулик эзкинлари ҳали ҳануз барчамизни эзгуликка чорлаб келяпти. Собиқ компартиянинг боши берк кўчадан қандай чиқишни билмай, жазаваси тутиб турган, унинг мафкураси эса қилич яланғочлаб, сўрамай-суроштирмай, худди буғдойпояни ўргандай ҳаммани ўроқдан ўтказаётган пайтда большевикларнинг асосий душманларидан ҳисобланган ислом динини маънавият, юксак ахлоқ ва маданиятнинг муҳим бўғини сифатида тан ола бошланиши бу - жасорат эди. Бу - партия раҳбарлиги курсисида ўтириб, унинг мафкурасини бутунлай бошқа ўзанга буриб юбориш ниҳоятда кучли ирода ва қатъиятни талаб этарди.

Масалага бундай ёндашув ва шу пайтгача кутилмаган ислоҳотчиликка интилиш, энг аввало, чуқур илдиз отган ижтимоий-сиёсий муҳит билан муроса қила олмаслик, уни мумкин қадар тезроқ йўқотиш зарур эканлигини Президент тегран тушунди. Шу билан бирга уни тубдан ислоҳ қилишга ўзини қодир билди, ўз кучига, иқтидорига, бўлажак ишининг якунига қатъий ишонди. Натижада, бу ниҳоятда қалтис ва таҳликали ишга енг шимариб киришди. Хатти-ҳаракатлар ва интилишлар кўп ўтмай ўз самарасини бериб, республикада қандайдир ҳаётбахш жараён бошланаётганидан далолат бера бошлади.

Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида мустақил Ўзбекистон давлатида давлат ва дин ўртасидаги муносабат қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида шундай фикр юритди:

"Дин, шу жумладан, ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гурӯҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрлари-

ни ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда.

Бинобарин, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгид ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишга ёрдам бериб келган. Бундай хуносалар чиқаришга, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Шунинг учун ҳам дин инсоннинг ишончли ҳамроҳи, одамзот ҳаётининг бир қисми бўлиб келмоқда.

Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга, диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган".

Ҳаёт мазмунини тушунишга турлича ёндошишларнинг (афсуски, улар ҳамма вақт ҳам тинч ва осойишта кечавермаган) ёнма-ён мавжуд бўлиши, эҳтимол, инсоният дунёсининг, маънавий ҳаётининг бойлиги ва хилма-хиллигини таъминлаб берган ҳамда унинг ривожланишини рағбатлантириб тургандир. Зоро, фақат бир хил фикр юритувчи одамлардан таркиб топган жамият ўз ранг-баранглигини ва жозибасини йўқотган бўлур эди.

Дин - жамият ҳаётининг бир қисми бўлиб келган. У ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равища муносабатда бўлган, уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган. Дин инсоният тарихининг турли даврларида сиёsat билан озми-кўпми очикойдин муносабатга киришган. Кўпинча, айрим шахслар ундан сиёсий ва баъзан бир тарафлама фойдаланиб келганилиги ҳам юқоридаги асадра баён этилган:

"Инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифа-

тида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилғанлиги сир эмас. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари, авваламбор, ўздинининг ҳаққонийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатдир.

Айнан фанатизм иллатига йўлиқкан одамлағ ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар. Устига-устак, оммавийлик унсури муайян бир хатти-ҳаракатлар учун шахсий жавобгарлик ҳиссини йўқотиб юборади, ҳаракатга “омма, ҳалқ ҳаракати” тусини беради.

Ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга - зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам, ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш обьекти сифатида танлаб олиниши мумкин”.

Ҳозирги кунда республикада кўплаб диний конфессия уюшмалари фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун зарур шароитлар яратилган. Диний ташкилотлар мустақил ҳуқуқий шахс сифатида ер майдони ва уй-жойга эга бўлишлари, диний адабиётларни нашр этишлари, диний мутахассислар тайёрлашлари, турли тадбирлар ўтказишлари, муқаддас жойларга зиёратлар ташкил этишлари мумкин.

Диний ташкилотларнинг бир қисми Ўзбекистон учун ноанъанавийдир. Давлат уларнинг дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлмоқда. Бунда қуйидаги та-мойилларга амал қилинмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини

тeng кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

– маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний ўюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;

– диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Ўзбекистонда ушбу тамоилларни ҳаётга татбиқ этиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Масалан, 90-йилларнинг бошидан, яъни озодлигимизнинг дастлабки кунлариданоқ миллий ғурур тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига сингдириш соҳасида мунтазам иш олиб борилди. Одамлар “Сен – коммунист”, “Сен – диндор”, деб гуруҳларга ажратилмади, жамиятимизнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўйилмади.

Ислом - инсоният учун манфаат келтирадиган, ҳар қандай илму маърифатни қабул қиладиган тараққийпарвар диндир.

“Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди, - деган эди Ислом Каримов, - Дин бу дунёning ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундан туради. Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади”.

Юртбошимиз ўз фаолиятларида ана шу тамоилларга қатъий риоя этиб келмоқда. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларданоқ жамиятда даҳрийлик тарғиботи барҳам топди.

Замон ўзгариб туради. Ислом шариатида намоз, рўза, закот каби ўзгармас ва замонанинг ривожига қараб янгилашиб туриладиган ҳукмлар бор. Шунинг учун, “Замона ўзгара-са, айрим ҳукмлар ўзгараради”, деган ислом қоидаси мавжуд. Илму фан, янги фан, маданият соҳаларида ўзгаришлар содир бўлади. Пайғамбаримиз (с.а.в) “Ҳақиқий мусулмон бу

дунёни деб у дунёни ташламайди, у дунёни деб бу дунёсини қўлдан бермайди", – деб дунёвий илмлар ривожидан дунё ва охират саодати учун фойдаланишга чақирганлар.

Мустақиллигимизнинг дастлабки давриданоқ давлатимиз дин соҳасида оқилона сиёsat юритди. Барча исломий қадриятлар – масжид ва мадрасалар, осори атиқалар, тарихий манбалар мусулмонларга қайтариб берилди. Ҳозир диёризмизда икки мингга яқин масжид фаолият юритмоқда ва мусулмонларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Мусулмонларнинг икки муборак кунлари – Ийд ал-фитр ва Ийд ал-адҳо байрамлари дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Муборак Ҳаж зиёратига борувчиilar учун қулайликлар яратилмоқда.

Ислом дини илм-фани ва маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган муҳаддислар Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, калом илмининг йирик намояндаси Абу Мансур ал-Мотуридий, фақиҳлар Бурҳониддин Марғиноний ва Абул Барокот ан-Насафий, тасаввуф илмининг буюк мутафаккирлари Абдухолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимизнинг таваллуд тўйлари кенг нишонланди. Табаррук қадамжолари эса обод қилинди, асарлари минглаб нусхада чиқарилди.

Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик саҳиҳ ҳадислар тўплами, Аллома Абу Ҳомид Ғаззолийнинг "Иҳёу улум аддин", Абуллайс ас-Самарқандийнинг "Танbih үл-ғофилийн" асарлари каби ўнлаб исломий манбалар, "Ислом" энциклопедияси, кўплаб илмий адабиётлар нашр қилинди. Айниқса, юртимизнинг замонавий муфассирларидан Абдулазиз Мансурнинг "Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири" китобининг нашр этилиши мамлакатимиз мусулмонлари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мусулмонлар учун "Ҳидоят" журнали, "Ислом нури" газетаси чиқарилмоқда. 1991 йилда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги "Кўкалдош" (Тошкент шаҳри), "Мулла қирғиз" (Наманган шаҳри) ва "Фахриддин ар-Розий" (Урганч шаҳри), 1992 йил "Жўйбори Калон" (Бухоро шаҳри), "Хожа Бухорий" (Қашқадарё вилояти), "Сайид Муҳиддин

Маҳдум" (Андижон вилояти), "Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний" (Нукус шаҳри), 1993 йили Ўзбекистон мусулмонлари идораси қарори билан "Хадичаи Кубро" (Тошкент шаҳри) номидаги ислом аёл-қизлар ўрта маҳсус билим юртлари ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 22 майда "Бухоро шаҳридаги Калон масжидини таъмирлаш ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига ўтказиш ҳақида" фармойиш қабул қилди.

Ўтган йилларда республикада қатор халқаро диний анжуманлар ўтказилди, шунингдек, жаҳон оммасига яхши таниш бўлган йирик ислом уламоларининг юбилейлари ўтказилди:

– 1993 йил сентябрда Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, 1994 йилнинг ноябрида Хожа Аҳрор Валийнинг 590 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги нишонланди;

– 1995 йилда "Бир само остида" халқаро христиан-мусулмон конференцияси ўтказилди;

1995 йил 19 майда ислом динининг бой маданий меросини ўрганишни кенг йўлга қўйиш мақсадида Тошкентда Халқаро ислом тадқиқот маркази ташкил этилди.

– 1996 йил ноябрда Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги, 1996 йил декабрда Марказий Осиёда ягона Инжил-лютерчилар жамоасининг 100 йиллиги, 1998 йил октябрида Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Абдухолиқ Ғиждувоний, Имом ал-Мотурӯдий, Фарғоний ҳазратларининг тўйлари бўлиб ўтди.

Йил сайин муқаддас қадамжолар – Макка, Мадина, Қуддус ва бошқа шаҳарларга зиёрат қилувчиларнинг сони ортиб бормоқда. 2007 йилда 5 минг нафардан зиёд ҳожиларимиз ҳаж сафарларини бажарди.

1999 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Фармонига асосан, ислом бўйича бакалавр ва магистрлик даражасидаги юқори малакали диншунослар тайёрлайдиган Тошкент Ислом университети очилди. Унинг ислом тарихи ва фалсафаси, диний қонунчилик, иқтисод ва табиий фанлар факультетларида юзлаб талаба

таълим олмоқда. Университет қошида Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази, академик лицей фаолият күрсатмоқда.

Тошкент Ислом университетининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов иштирок этганинг ўзи ҳам жуда катта рамзий маънога эгадир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 майдаги “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига кўра, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилоятида мустақип юридик шахс мақомига эга бўлган Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази тузилди. Унинг зиммасига ноёб меъморий иншоотлар ҳисобланган Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдухолиқ Фиждувоний ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асрар-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш, муқаддас қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун барча шарт-шароитларни яратиш, Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шогирдларининг илмий-назарий мероси, ибратли ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг асарларида тарғиб этилган инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик, маънавий баркамоллик каби азалий қадриятларни халқимизга етказиш каби вазифалар илгари сурилган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида”, “Шоҳизинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари дунё маданияти хазинаси ва муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросларини чуқур ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, уларнинг эзгулик ва маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, ёшлигаримиз қалби ва онгига сингдириш ҳамда ёдгорлик мажмуаларини асрар-авайлаш, ободонлаштириш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга замин яратди.

Президентимиз Фармони билан жойларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимнинг жорий этилишини апоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблайман. Фармон ижроси юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар аёллар ҳуқуқларини ҳимоялаш, маънавиятини бойитиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш, айниқса, дин ниқоби остидаги разил ниятли кимсалар таъсиридан сақлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

2003 йили Вазирлар Маҳкамасининг "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини яна-да такомиллаштиришга ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида" қарор қабул қилиши диёримиз мусулмонлари ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди. Мазкур ҳужжат диний тизимдаги билим юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилишини таъминлади.

Юртимиз мўмин-мусулмонлари манфаатларини кўзлаб қабул қилинган мазкур тарихий қарор уламо ва имом-хатиб-паримизни ўз зиммаларидаги шарафли вазифани сидқидилдан бажариш, ислом динининг асл моҳиятини фуқароларга етказиш, халқимиз, биринчи навбатда йигит ва қизларнинг диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан асраш йўлида астойдил ҳаракат қилишга унダメоқда.

1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. У 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди. Сўнгги йилларда қонунни давр талаблари асосида тубдан ўзгартириш зарур бўлиб қолди. Давлатнинг хавфсизлиги, фуқароларимиз, айниқса, диндорларнинг виждон эркинлиги, тинч-хотиржамлиги, осойишталигини таъминлаш мақсадида 1998 йил 1 майда Республика Олий Мажлиси қонуннинг янги таҳририни қабул қилди.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунга қандай ўзгартиришлар киритилди?

Қонуннинг янги таҳририга асосан:

-диний ташкилотларнинг ноқонуний равишда фаолият юритишиларига чек кўйиилди;

-диний ташкилотлар фуқароларнинг реал эҳтиёжларига бевосита хизмат қила бошлади;

-диний ташкилотларга хорижий фуқароларнинг раҳбарлик қилишиларига барҳам берилди;

-мамлакатда аҳолининг маънавий ҳаёти учун ёт ва зарарли бўлган диний секталарнинг ёйилиб кетиши олди олинди;

-диний таълим тизими қонуний асосда қайта кўриб чиқилди;

-мамлакатда диний адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тартибга солиниб, бу фаолият мамлакатимиздаги диний муассасалар томонидан амалга оширилиши белгилаб берилди;

-диний фундаментализм ва экстремизга қарши кураш олиб бориш учун ҳуқуқий пойdevор яратилди.

Шуни унумаслик керакки, мустақилликнинг дастлабки йилларида айрим фуқароларимиз давлатимиз томонидан берилган диний эркинликлардан шошиб, босар-тусарини билмай қолишиди. Диний эркинлик деб ўзгаларнинг эркинлигига раҳна сола бошлашди. Ўша даврда республикада тахминан беш мингга яқин, Наманган вилоятининг ўзида мингдан ортиқ масjid қурилган эди. Ҳатто битта маҳалланинг ўзида тўрт-бешта масjid ташкил этилган, айрим кишилар ҳаммани масjidга боришга мажбур этишар, бу эса Қуръони каримга ҳам, ҳадисларга ҳам зид эди. Диний саводи бўлмаган, икки-учта Қуръон сурасини амал-тақал қилиб ёдлаб олган чала муллалар ҳам ўзларини имом-хатиб деб эълон қилишиди.

Халқ орасида ҳар бир мусулмон Аллоҳнинг ризолигини олиш ва ўз номини абадийлаштириш учун масjid бунёд этиши лозим, деган бидъат тарқалди, эмиш. Лекин Аллоҳнинг розилигига инсон хайрия ишлари билан, яъни етимесир, бева-бечора, касалманд ва бошпанасиз одамларга ёрдам бериб ҳам этишса бўлади.

Қонуннинг диний адабиётларга тегишли бўлган 19-моддаси ҳам бир қадар ўзгартирилди: "Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришига, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир". Мазкур қоида Ўзбекистон ҳудудига диний адабиётларнинг олиб кирилишини тартибга солди.


Қонуннинг 23-моддасида белгиланганидек, "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Бу модда қонун олдида барча бир хил масъулиятли ва жавобгар эканлигини таъминлайди.

Виждан эркинлиги ҳақидаги қонун динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги, миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкинлигини таъминлайди.

Мазкур меъёр 1996 йил 16 декабря БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар Халқаро пактининг 18-моддасига мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида, жумладан, шундай дейди:

"Биз дин бундан буён ҳам аҳолини олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросидан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиб учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз, чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз".





Имом ал-Бухорий мақ-  
барасининг илгариги  
кўриниши.





Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
Ислом  
Каримов  
Имом ал-  
Бухорий  
мажмую қу-  
рилишида.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маҳаллий ва чет эллик зиёратчилар орасида.




Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирел зиёратда.  
Сагана.





Мажмуа кўринишлари ва  
безакларидан намуналар.







Кисва – Каъбапўш парчаси.

Мажмуа кўринишлари.





Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси.

Ҳазрати Хизир масжиди.





Абу Исо ат-Термизий мақбараси.

Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуаси.





Тошкент.  
Кўкаaldoш  
мадрасаси.



Абулқосим  
мадрасаси.

Хожа  
Аҳрор Валий  
масжиди.





Имом Мотуридий мақбараси.



Бибиханим мажмуаси.




Шохи Зинда мажмуаси.

Самарқанд. Хожа Аҳрор Валий масжиди.



Масжиди  
Калон.




Абдухолиқ  
Гиждувоний  
мажмуаси.





Шайх Зайниддин бобо масжиdi.

Занги ота ёдгорлик мажмуаси.



Жума масжид (ички кўриниши.  
Хива).






Оллоқулихон  
мадрасаси.




Юсуф Ҳамадоний  
масжиди.

Нодир Девонбеги  
мадрасаси.





Исломхўжа  
мадрасаси.



Бурҳониддин  
Марғиноний  
(рамзий)  
мақбараси.

Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ)нинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган тузилмаси (ISESCO) Тошкентни Ислом маданиятининг 2007 йилги пойтахтларидан бири деб эълон қилди. Бу воқеа мустақил Ватанимиз жаҳон миқёсида тобора эъзоз топаётганинг ўзига хос бир эътирофидир. Ўлкамизнинг табаррук ва баракотли гўшаларидан бири Тошкент қадимдан улуғ олимлари, гўзал меъморий обидалари, илм ўчоқлари билан оламга машҳур. Дунёда муносиб қадр-қиммати, шон-шарафи бор. Бу ерда туғилиб ўсган, камолга етган Абу Бакр Қаффол Шоший, Шайх Хованди Тоҳур, Ҳожа Аҳрор Валийдек алломаларни ким билмайди, дейсиз!

Тошкентни айниқса, юртимиз мустақилликка эришганидан кейин ҳалқаро обрўйи яна ҳам ортди. Бугунги Тошкентни чиндан ҳам исломий маданият бешикларидан бири деса арзийди. Зоро, шаҳримиз кутубхоналарида минглаб нодир қўлёзма ва босма китоблар кўз қорачиғидек асрарб келинади. Айниқса, Ҳазрати Усмон (розийаллоҳу анҳу) Мусҳафигининг Ўзбекистон Мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланәётгани барчамизнинг фахримиздир. Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли қўлёзмалар жамғармаси, Адабиёт музеи ва бошқа ўқув даргоҳларида ҳам ислом маданиятига оид жуда кўп нодир асарлар сақланади. Шунингдек, шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб турган Кўкалдош, Абулқосим мадрасалари, Шайх Хованди Тоҳур, Шайх Зайниддин, Қўйлиқ ота, Зангигита зиёратгоҳлари асрлар оша яшаб келаётган шарқ мусулмон меъморчилигининг мумтоз намуналариdir.

Тошкент диний илмлар маркази сифатида ҳам ўзига яраша шонли тарихга эга. 1971 йили бу ерда ташкил этилган Имом ал-Бухорий номидаги Ислом институти қисқа мuddат ичida собиқ Иттифоқдан ташқари, бу ёғи Вьетнамдан тортиб, у ёғи Булғористонгача ҳудудларга жуда кўплаб олимлар, имомлар етиштириб берди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда Кўкалдош мадрасаси ҳамда Ҳадичаи Кубро номидаги ислом аёл-қизлар ўрта маҳсус билим юрти ҳам илм зиёсини таратяпти.

Тошкент ислом маданияти обидаларига бой. Ўн учинчи асрнинг меъморий ёдгорлиги бўлган Шайх Зайниддин бобо мақбараси бу обидаларнинг энг қадимийсиdir. Шайх Зайниддин бобо 1214 йилда туғилган. Ҳозирги мавжуд мақбара Амир Темур даврида қурилган. Ўн тўртинчи-ўн бешинчи аср ислом маданияти ёдгорликлари орасида пойтахтимизнинг марказидаги Шайх Хованди Тоҳур мақбараси апоҳида ажралиб туради. Шайх Хованди Тоҳур илоҳият ва тариқат илмининг йирик намояндаси бўлиб, тасаввуфга доир бир қанча асарлар муаллифи, шоир ҳамда Яссавия тариқатини давом эттирувчилардан бири бўлган зотdir.

Чорсу майдонидаги Кўкалдош мадрасаси 1523 йили Бароқхоннинг вазири Кўкалдош томонидан қурилган.

Тошкент атрофидаги тасаввуф илмининг тарғиботчиси, турк-ислом оламидаги улуғ мутафаккир ва мутасаввиф донишмандлардан бири, улуғ пир Зангиота номидаги ёдгорлик мажмуаси ислом маданияти ёдгорликлари орасида алоҳида нуфузга эга. Муҳаммад Қаффол Шоший мақбараси (XVI аср) Тошкентнинг диққатга сазовор манзилларидан ҳисобланади. Ҳазрати Имом (Ҳастимом) номи билан машҳур бўлган Абу Бакр Муҳаммад ҳижрий 291-366 йилларда яшаб ўтган, ўз даврининг буюк алломаси – фиқҳунос, муҳаддис, тилшунос, муфассири ва шоири бўлган.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меъросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тилла шайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар халқимиз томонидан асрлар давомида асраб-авайлаб келинмоқда. Бу кутлуғ даргоҳ диёrimизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик қояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ бўлиб хизмат қилаётганини, айниқса, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимиий

ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони, шунингдек, минг-минглаб ноёб қўлёзмалар жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Ҳазрати Имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмиглаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2007 йил 20 февралда “Ҳазрати Имом (Хастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” қарор қабул қилди.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда бу савобли ишга ҳисса қўшиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида Ҳазрати Имом (Хастимом) жамоатчилик жамғармаси таъсис этилгани ва кенг жамоатчиликнинг мазкур жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллангани таъкидланган.

Жамғарма Ҳазрати Имом мажмуасида қурилиш-таъмиглаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориладиган даврда буюртмачи сифатида фаолият юритади, унинг асосий вазифаси мажмуа ҳудудида амалга ошириладиган қурилиш-таъмиглаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларига кўмаклашиш учун зарур маблағларни тўплаш ва уларнинг мақсадли равишда сарфланишини таъминлашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 500 миллион сўм маблағ ажратди.

Халқаро Ислом ташкилоти томонидан Тошкентни Ислом маданиятининг 2007 йилги пойтахтларидан бири деб эълон қилиниши муносабати билан кўплаб давлатлар ва халқаро

ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг элчилари, олиму уламоларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти мұхтарам Ислом Каримов номларига ва халқимиз шаънига билдирилган са-мимий қутловлари олинди. Табриклаганлар орасида Ислом конференцияси ташкилотининг Бosh котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли, Бутунжаҳон ислом лигаси Бosh котиби, доктор Абдулла бин Абдулмуҳсин ат-Туркий, АЙСЕСКО Бosh директори, доктор Абдулазиз Осман ат-Тувайжирий, Ислом тараққиёт банки Президенти, доктор Аҳмад Мұҳаммад Али, Эрон Ислом Республикасининг собиқ Президенти, Маданиятлар ва цивилизациялараро мулоқот халқаро институти директо-ри Сайид Мұҳаммад Ҳотамий, Мисрдаги "Ал-Азҳар" диний марказининг шайхи ва бош имоми, доктор Мұҳаммад Сайид Тантавий, Исломобод халқаро ислом университети ректо-ри, доктор Манзур Аҳмад ва бошқа ўнлаб атоқли шахс-ларнинг борлиги қувончли ҳолдир.

Шунингдек, шу муносабат билан Ҳиндистон, Туркия, Индо-незия, Қувайт каби бир қанча мамлакатларнинг кўзга кўрининг давлат ва жамоат намояндапари, оммавий ахборот воси-талари томонидан ҳам ижобий фикрлар билдирилди.

Албатта, бу бежиз эмас. Мустақиплик йилларида исломий қадриятларни тиклаш йўлида кўп ишлар қилинди ва бу савобли ишлар йил сайин янада баракали ва сермаҳсул бўлиб бормоқда. Юртбошимиз "Туркистан-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида жуда тўғри таъкидлаганпариdek: "Энг мұхими, мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида шу эзгу мақсад йўлида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Самар-қанддаги Имом ал-Бухорий ва Имом ал-Мотурудий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким ат-Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Иchan қалъя, Шаҳрисабздаги Дорут-ти-ловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўкгумбаз обидалари,

Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш бўйича бажарилган бунёдкорлик ишларини эслаш ўринли, деб ўйлайман”<sup>41</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро Ислом ташкилоти Тошкентни Ислом маданиятининг 2007 йилги пойтахтларидан бири деб эълон қилиши, Ўзбекистонда ислом дини қадриятларини тиклаш, эъзозлаш ва ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилаётган оламшумул ишларга берилган юксак баҳодир.

## ОРЗУЛАР РҮЁБИ

### ХАТМИ ҚУРЬОН КУНИ

Қуюқ, дим кеча мунаввар қүёшдан уфқ узра етган даракчилар, нур даъватчиларини пайқагани ҳамон тараддудга тушди, юрт устига ёйган лашкару гумашталарини саросима ичида йигиштириб жўнамоққа бошлади. Кўп ўтмай борлиқ устида тонг ҳукмронлиги ўрнашди.

Бундай кезлар хаёл парилари мени олис-олисларга, туғилиб ўсан қишлоғим Орлотга етаклайди. Падари бузрукворимни эслайман. Айтган ўгитлари ёдимга келади:

-Ўғлим, - дегандилар бузрукворим – И мом ал-Бухорий ҳазратлари ётган муқаддас даргоҳда хизмат қиласяпсиз. У киши ҳаётлик даврида оз бўлса ҳам ўша ерда яшаган. У жойнинг бағрида излари қолган. Худога йиғлаб ибодат қилаётганда кўз ёшлари тупроққа тўкилган, шунинг учун ҳар бир босган қадамингизда у кишига бўлган ҳурматингиз билиниб турсин. Ҳар куни Қуръон тиловат қилиб, ҳазратнинг руҳларига бағишланг. Вақтингиз бўлганда Қуръони каримни ўқинг, қачонки хатм қилсангиз савобини Бухорий бобога баҳшида этинг. Бу айтганларимни доимо бажариб юрсангиз, менинг розилигимни олган бўласиз.

Бугун ҳам Каломуллоҳни хатм қилдим. Савобини, иншо-аллоҳ, И мом ал-Бухорий ҳазратлари руҳларига бағишлайман. Бу билан ҳам савоб, ҳам отамнинг розилигини топаман.

Нонуштадан кейин уйдагилар билан хайр-хўшлашиб чиқдим-да, машинага ўтирдим. Ҳайдовчимиз Қутбиддин уловни масжид томонга йўналтириди. Нурафшон қўёш барчага "Омад ёр бўлсин сизга", -дегандек ёғдуларини сочиб турибди.

Машина И мом ал-Бухорий мажмуаси ёнига келиб тўхтади. Худога беадад шукурлар бўлсин: ушбу маскан бугунги

кунда нафақат мамлакатимиз аҳли, балки бутун жаҳон мўмин- мусулмонлари учун табаррук зиёратгоҳга, юртимизнинг эса энг кўркам, энг обод манзилларидан бирига айланниб қолди. Ўртдошимиз бўлмиш азиз инсоннинг, беназир муҳаддиснинг номига, шаъни-шуҳратига муносиб маъвога айланди.

Бу ерга ҳар куни минг-минглаб зиёратчилар келиб кетишмоқда. Бугун ҳам ҳар кунгидек зиёратчилар гавжум. Дарвозага яқинлашар эканман, қишлоғимдан келган оқсоқолларга кўзим тушди. Хурсандлигимга хурсандчилик қўшилди.

Ширинбой бобо, Файзулло бобо, Норбой бобо, Муҳаммад бобо, Худойқул бобо ва Мўмин боболар, шунингдек уларга ҳамроҳ бўлиб келган укам Бадриддин билан қучоқ очиб кўришдим. Соқоли-ю салласи ўзига хўп ярашиб турган Ширинбой бобо гап бошлади:

- Бу ишлар мўъжиза бўлибди, мўъжиза. Ҳамма жойни айландик, бобони зиёрат қилдик. Масжидга кириб икки ракат намоз ўқидик. Бу мажмуани қуришда иштирок этган барча-барчаларнинг ҳаққига дуо қилдик. Гапнинг лўндасини айтганда, подшоҳимизга раҳмат, мингга кирсин. Бундай қурилиш қилиб, ҳалқи учун жон куйдириш ҳамма подшоҳнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ростини айтсан, кўзларимга ишонмайман. Чунки бу кўзларим чиройлик масжидларнинг бузилиб, ер билан яксон бўлганларини кўрган. Бир кишининг уйидан диний китобнинг бир вараги топилса, сен мулласан деб сургун қилганларини кўрган... Ҳозир эса, бунинг акси. Бу ердаги китоб дўконига кирдик, хоҳлаган диний китобингиз топилади.

Ширинбой бобо завқланиб гапирав, бошқа мўйсафидлар у кишининг гапини маъқуллаб туради. Уларнинг юзи-кўзидан бизнинг ҳам фикримиз айнан шундай деган маънони уқиш мумкин эди. Боболар билан хайрлашиб мажмуа дарвозасидан ичкарига кирдим ва чап томондаги китоб дўконига бурилдим. Диний китоблар билан безаниб турган бу дўкон одамлар билан гавжум. Фахриддин билан Асомиддин қўли-қўлига тегмай савдо қилиб туришибди.

Китобхон харидорлар кўплиги учун дўконимиз торлик қилиб қолгани сезилди. Зиёратчилар учун қулай бўлсин де-

ган мақсадда китоб дўконини кенгайтириш фикрини кўнгилга тугдим.

Бугун эзгу янгиликлар, хурсандчиликлар куни экан. Идорага киришим билан котибимиз Раҳматулло:

- Тошкентдан сим қоқишиди, "Бухорий бобом" деган китобингиз нашрдан чиқиби,- деди.

- Эй шундоқми, мени жуда хурсанд қилдингиз,- дедим кўнглим төғ бўлиб.

Ҳа, бугун хурсандчилигимга хурсандчилик қўшилиб кетаяпти. Ҳар гал шундай. Қуръонни хатм қилиб, Бухорий боғога бағишлишим арафасида жуда кўп хурсандчиликка дуч келаман.

Хона деразасидан ташқарига қарап эканман, Ширинбой отанинг болдай ширин сўзлари ёдимга келди. У айтгандай, мен ҳам кўзларимга ишонмасдим. Яқин-яқингача ҳам бу жойлар қандай эди... Худди бу хушманзара маскан, бу поклик ва ибодат макони, мана бу қасрларга ўхшаш иморатлар бир кунда не бир зартаклардан келиб қолгандек...

Бир маҳал эшик очилди-ю, қадрдан дўстим, вилоят бош меъмори Мусо ака кириб келди. Раҳматулло дамлаб кирган чойни баҳам кўриб, суҳбатлашиб ўтиридик. Мусо ака лавозим ва мартабаси баланд бўлса ҳам, табиатан камтар, кўнгли очиқ одам. Унга меҳрим ўзгачалиги, иккимизнинг қалин дўст бўлиб кетганимиз боиси шундан.

- Домла, мен шунча йил қурувчилик қилиб, бирорта бинони бу қадар тез ва сифатли қурилганини кўрган эмасдим,- деди Мусо ака.

- Ҳозир ҳам мажмуага кириб келаяпман-у, хаёлимда қурилиш тугамагандай, зиёратчилар ҳашарга келган одамлардай... Ўзбекистонимиз мустақил бўлгач, ҳақиқий қудратли давлатга айланганини мана шу мажмуанинг ўзи намоён қилиб турибди. Қурилиш бошқаларга оддий бир ҳол бўлиб кўринса-да, аслида жуда нозик иш. Айниқса, мана бундай мажмуалар қурилиши. Чунки бу жойда ҳам кўп қурилиш ташкилотлари ишлайди. Ҳаммасининг ишини мувофиқлаштириб иш ташкил қилиш осонмас.

Мусо ака гапирайпти-ю, хаёлимдан табаррук бобомизнинг ҳаётлари билан боғлиқ таъсирли воқеалар, у зотнинг вафотлари, Шўролар даврида қабр атрофининг харобага айланиши, Истиқлол офтоби етгач юз берган муazzам ўзгаришлар бирма-бир ўтаверади. Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан бошланган бу қурилиш кейинчалик у кишининг бевосита раҳбарликлари остида давом этди. Президентимизнинг бир неча бор келганларини, таниқли давлат арбобларининг мажмуани ўз вақтида битишига қўшган ҳиссаси, ўша вақтдаги вилоят ҳокими Алишер Мардиевнинг бир келганда ёмғирда қолиб усти-боши хўл бўлгани, қурилишнинг аввалидан охиригача туриб берган, қишида қору совук баҳор билан кузда ёмғиру лой, ёзда чангу иссиққа бардош бериб ишлаган ҳоким ўринбосари Анвар Ризаевич, вилоятдаги қатор ташкилотларнинг раҳбарлари, азамат, қўли гул қурувчи усталаримиз ҳамма-ҳаммаларини чуқур эҳтиром билан эслайман.

Ҳануз ёдимда. Кунларнинг бирида қор, устидан ёмғир ёғиб, ҳамма жой лой бўлди. Анвар ака оёғида туфли, лой оралаб бўлаётган ишларни кузатар эди. Салом бериб, олдига келганимда оёқларимдаги резина этикларни кўриб, "Буни боплабсиз, домла", деб кулди. Кейин у кишига ҳам этик олиб келишди. То баҳорнинг ёмғирлари ўтгунча резина этик билан лой кечиб юрдик.

Улар ана шунақа асил одамлар. Ўзбек тарихининг бурилиш нуқтасида яшаш насиб этган, зиммаларидаги буюк масъулиятни, илгари сурган ҳар бир режа, амалга оширган ҳар бир эзгу ишлари ватан ва миллатнинг бундан бўёнги тақдидири учун бағоят муҳим эканлигини чуқур ҳис этиб, ҳаракат қилаётган замондошларимизнинг илғори, пешқадами сифатида ҳар қанча эъзоз этишга муносибдирлар.

- Кепинг, Мусо ака, ғойибона Президентимизнинг ҳақига, шу азиз масканни барпо этишда қатнашган барча инсонларнинг ҳақига, бир дуо қиласийлик,-дедим. Иккимиз узоқ дуо қилиб, қўлимизни юзимизга тортдик.

- Домла, жуда ҳам яхши сухбатлашдик, энди чиқиб ҳовлини айлансанак, ҳазратни зиёрат қилсанак, кейин менга рухсат берсангиз,-деди Мусо ака.

- Ниятингиз холис экан, Мусо ака, -дея гап бошладим. – Менинг бир одатим бор. Қуръонни вақтим бўлганда ўқийвераман, қачонки хатм қилсам, Бухорий бобомнинг руҳларига бағишлийман. Сиз бугун хатм қилган вақтимда тўғри келдингиз. Ҳозир иккимиз чиқиб шу хатмни бағишлиймиз.

Мусо ака билан сұхбатлашиб, мақбара ёнига етиб келдик. Мақбара атрофида зиёратчилар гавжум. Мулла Абдужалил келган зиёратчиларга Имом ал-Бухорий тарихлари ни гапириб, Қуръон типоват қилиб турибди. Биз Мусо ака билан эшиқдан пастга, яъни ҳазратнинг қабри ёнига тушдик. Супачага ўтириб, хатми Қуръон савобини бағишиладик.

Қуръони карим хатм этилган куни эрталаб Мусо ака билан қилган сұхбатимиз күнглимда кўп вақтки пайдо бўлган муродимга қувват берди: бир рисола тузиб, табаррук бобомиз турбати осуда макон билан боғлиқ воқеаларни баҳоли құдрат баён этишга жазм қилдим.

### МУБОРАК САФАР

1990 йил Самарқанд вилояти раҳбари Пўлат Абдураҳмонов зиёратга келди. Иймонли, эътиқодли, ихлосманд киши эканлиги сўзларидан, хатти-ҳаракатларидан билиниб турар эди.

Сұхбат давомида ёғоч ўймакорлиги билан қурилган мақбарани ғиштдан салобатли қилиб қайта қуриш ва кошинлар билан безатишига келишиб олдик. Кўп ўтмай иш бошланиб кетди. Ўша йили Ўзбекистондан 500 кишига ҳаж сафарига бориб келишга имкон берилди. Неча-неча аждодларимиз орзу қилиб етолмаган бу имкон, бу имтиёздан баҳраманд бўлганлар орасида мен ҳам бор эдим. Яратган Парвардигорга қайта-қайта шукроналар айтиб, ҳаж арконларини баҗариб қайтдим. Маккан Мукаррама, Мадинаи Мунавварадаги ободончиликни кўриб яна кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшилди.

Мақбара қурилиши жадал давом этиб турган пайтлар. Баҳорнинг илиқ шабадасидан кўнгиллар ҳузур туйган, заминни чангала тутган музлар эриб, ирмоқлар бийрон-бийрон

сўзлашга тушган кунлардан бири эди. Ўзбекистон Республикаси раҳбари Ислом Каримов зиёратга келдилар. Мақбара ёнида Қуръон тиловат қилинди.

Ислом Каримов масжид ҳовлисини айланар экан:

-Домла, мен бу ерга нима қилиб берай?-деб сўрадилар.

Мен эса:

-Вилоятимиз раҳбари барча ишларда кўмак бериб турибдилар, раҳмат,- дедим.

Юртбошимиз ташқаридага йигилиб турган қишлоқ аҳли билан ҳам учрашув ўтказдилар.

Меҳмонларни кузатиб, ҳужрамга кирдим. Ислом Каримовнинг суҳбатларидан кейин қушдек енгил бўлиб қолган эдим. Ўзбекистоннинг ҳеч бир раҳбари бу жойга зиёратга келмаган. Яна у кишининг "Нима қилиб берай?" дейиши кишини тўлқинлантиради. Ростини айтсан, ўша куни икки ракат намоз ўқиб, Ислом аканинг ҳақига кўп дуолар қилдим.

1991 йил Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлди" деб эълон қилди. Мен бу гапни ҳеч ўзимга сифдира олмас, қадри олий ушбу янгиликка сира ишона олмасдим. Наҳотки, таъқиқлардан иборат тузум, қувғинлар, сургунлардан ташкил топган салтанат, муборак китоблардан осий гулханлар ясаган, муқаддас қадамжолар, масжидларимизни харобага, овлоқга айлантирган золимлар давлати йиқилди-ю, бизнинг миллат ҳам ҳақиқий ҳурриятга восил бўлди?

Ҳаётнинг давоми бу гапнинг нақадар тўғри эканлигини кундан-кун исботлаб берар эди. Алҳамдуиллоҳ, биз мустақил бўлдик!

1992 йил масжидда ўтирган эдим, телефон жиринглаб қолди. Бир киши ўзини Президент девонидан эканлигини, мен тезда паспортимни олиб, Тошкентга етиб боришим даркорлигини, Президент билан Саудия Арабистонига, Макка шаҳрига сафарга чиқишмни айтди.

Шундай қилиб, Президентимиз бошчилигига катта делегация аъзолари сафида мен ҳам Саудия Арабистонига йўл олдим. Самолётда кетар эканмиз, Ислом Абдуғаниевич биз ўтирган салонга келдилар. Ҳамма билан қўл бериб кўриш-

дилар. Менга навбат келганда қўлларимни қисиб, "Хурсандмисиз", дедилар. Мен табассум билан хурсандлигимни изҳор қилдим.

Биринчи куни Жидда меҳмонхонасиға жойлашдик. Иккинчи кун Маккага йўл олдик. Масжидул-ҳарамга кирап эканмиз, Каъбатуллоҳ атрофини икки қатор миршаблар ўраб турарди. Зиёратчилар миршаблар ортидан зиёрат қилар эди. Биз эса, Каъбани етти марта айланиб, ҳар айланишда Ҳажарул-Асвадни ўпиш шарафига мұяссар бўлдик. Каъбанинг эшиги очилди, ҳаммамиз Каъба ичига кирдик, икки ракат намоз ўқиб, неки мақсадларимиз бўлса, яратгандан сўрадик. Президентимиз ҳам икки ракат намоз ўқидилар. Кейин билсам, у киши Каъбанинг ичида, "Халқимизни фаровон, юртими тинч қил, мустақиллигимиз абадий бўлсин", деб дуо қилган эканлар. Сафо билан Марва тоғига чиқдик. Икки тоғ орасида югурдик. Шом намозини ҳаммамиз ўша ерда ўқидик.

Кейин Мадинага бордик. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг меҳробларида намоз ўқидик. Юртбошимиз бу ерда ҳам намоз ўқидилар.

Самолётда қайтар эканман, Ислом Каримовнинг "Хурсандмисиз?", деган сўзларида нақадар кўп маъно борлигиги ни англадим.

## ЎЗБЕКИСТОН – ДАҲОЛАР ЮРТИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин дастлабки кунларданоқ миллатимиз тарихи ва жаҳон илму фани тараққиётига улуғ ҳиссалар кўшган алломаларимизнинг ҳаётлари, қолдирган бебаҳо илмий меросларини ўрганиш, уларнинг ҳурматларини ўрнига қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Турган гапки, ҳазрат Имом ал-Бухорий ҳам юксак эъзоз муносиби бўлган ана шу табаррук зотларнинг олдинги сафида эдилар. Яъниким, Ватанимиз узра озодлик офтоби чарақлаган илк кунлардан бошлабоқ бузрукворнинг хоки осуда бўлган манзилга Имом ал-Бухорийнинг хизматлари ва обрўсига муносиб мажмua барпо этиш фикри пайдо бўлган эди.

1993 йил Лондондаги Оксфорд университетининг ислом маркази Самарқанд шаҳридаги Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи мажмуасининг лойиҳаси ҳақида илмий-амалий конференция ва лойиҳага танлов эълон қилди. Унда германиялик меъмор Бодарош ғолиб чиқди. Аммо лойиҳа лойиҳалигича қолиб кетди.

Президентимиз бир сафар Самарқандга келгандарида у кишини биз Амир Темур мақбараси ёнида кутиб олдик. Шунда Президент мендан:

- Имом ал-Бухорий масжидида нима гаплар бор, иш кетаяптими?-деб сўради.
- Ишлар сустлашиб қолди,- деб жавоб бердим.
- Оксфорд университети танлов ўтказди, лекин натижа йўқ,- деди Пўлат Абдураҳмонов.
- Оксфорд университети ўз йўлига. Биз ўзимиз ҳам миллий услубда жаҳон андозасига мос қилиб қурамиз,-дедилар Ислом Каримов.

Қалбимдаги умид мустаҳкамланди, демак Президентимизнинг режасида масжидимизни ободонлаштириш, янги янги қурилишлар қилиш бор экан.

1997 йил 29 апрел куни эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ти қарори чиқди.

1997 йил декабрда вазирлик ва ҳукумат идоралари раҳбарларидан иборат комиссия келди. Масjid атрофидаги барча биноларни кўздан кечириб, ҳаммаси бузилиши керак, деган фикрга келишди. Масжиднинг ўзи ҳам XVI асрда қурилган, бир томони чўккан ва деворларига путур етган эди. Шу сабаб уни бузиб, янги масжид қуришга қарор қилинди. Жума кунлари йиғилган намозхонларга комиссия фикрини билдиридик. Баъзи бир намозхонлар иккиланиб, иштибоҳга ҳам боришиди.

1997 йил 28 декабрь куни қор ёғиб турганига қарамасдан, "тирик девор" деб аталган гулларни масжид ҳовлисининг қибла томонига жойлашган бокқа кўчат қилдик. Чунки бу ерда бузиш ишлари давом этар, гуллар эса техникаларга халал берар эди.

4 февраль куни Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги бош илмий-ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ботир Мансурович, лойиҳа бош меъмори Абдуқаҳҳор Турдиев, бошқарма лойиҳалар ва ишлаб чиқариш бўлим мининг бошлиғи Қаҳрамон Тошхўжаев, бўлим бош мутахассиси Фахриддин Абдусаломов, Тошкент лойиҳа институтидан Тоҳиржон деган вакил келишди. Ўша куни меҳмонлар, вилоят ҳокимиининг биринчи ўринбосари Анвар Ҳасанов бошчилигидаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда лойиҳа асосида олиб бориладиган қурилиш-монтаж ишларига ҳозирлик: ер майдонини қурилишга тайёрлаш, янги барпо этиладиган биноларнинг жойларини аниқлаш ва бошқа масалалар ҳақида гаплашиб олинди. Ботир Мансурович бўлғуси мажмуанинг қурилиш жараёнида талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш, иш тартиблари ва бошқа муҳим масалалар тўғрисида қисқача маъруза қилди.

Лойиҳанинг бош меъмори Абдуқаҳҳор Турдиев лойиҳани пудратчи ташкилотлар раҳбарларига таништириди. Анвар Ҳасанов барча ташкилот раҳбарларига биринчи навбатда қилиниши керак бўлган ишлар муддатларини белгилаб, топшириқлар берди. Шундан кейин бутун раҳбарият ўзларини қизиқтирган саволлар билан лойиҳа муаллифига мурожаат қилди ва қониқарли жавоблар олишди.

Йиғилишдан кейин ҳаммамиз бошланган иш қандай кетаётганини бориб кўрдик ва фикр алмашдик. Қор ёғмаса-да кун совуқ, ҳамма жой бузилган, шу сабаб тартибсиз бўлиб қолган ҳовлида юриш қийин, унинг устига эриган қор ҳамма жойни лой қилган. Иш эса ҳар кунгидек режим асосида кетмоқда эди.

20 февралда қаттиқ совуқ бўлди. Ер музлади. Сўнгра эса неча кунлардан бери булутлар орасида яшириниб юрган қуёш жамолини кўрсатди. Қуёш жамолини кўргач, музлар хушини йўқотиб, сувга айлана бошлади.

Ховлининг бир четида гулхан ёқилган. Совқотган ишчи-лар гоҳи-гоҳида икки-уч дақиқа гулхан атрофида исиниб, яна ишларини давом эттиришади. Мени ҳам совуқнинг қаттиқ-

лиги гулхан атрофига боришга мажбур қилди. Қўлимдан ўтган иссиқ бутун баданимга тарқади. Атрофга назар соламан: ҳамма жой бузилган. Ким нима иш қилаётганини билмай ҳам қоласан киши. Тавба, дейман ўзимга-ўзим. Бу иш шу ҳолатда қолиб кетса нима бўлади? Лойиҳада кўрсатилган мажмуя жуда ҳам улкан-ку. Наҳотки, ўша афсонавий иншоотлар шу жойда қад кўтарса. Менинг хаёлимни Абдужалилнинг "Домла, совқотдингизми?" деган гапи бузди. Мен эса, саволига савол билан "Ўзингиз-чи?" деб кулдим. Абдужалил ҳам кулгандек бўлди-да, қўлларини иссиққа тоблади.

- Домла бир савол бор эди,-деди мулойимгина.
- Қани, сўранг-чи...
- Мақбара атрофига қуриладиган айвон пойдевори техника билан ковланмоқда. У ердан битта суяк чиқди. Нима қиласайлик?

- Одам суяги чиқсан бўлса, техника билан ковлатмаслик керак. Қўл билан секин ковлаб, чиқсан суякларни тоза матога солиб, қабристонга кўмиш керак,-дедим. – Қани, бориб кўрайлик-чи.

Оёғимдаги резина этик гоҳо-гоҳо лойга ботиб юришимни қийинлаштирас, совуқ эса қўлларимни бир зумда музлатиб, ортингга қайт, дегандек бўлар эди. Атрофдаги қурувчилар бу совуқни писанд қилмай, кўтаринки бир кайфиятда ўз зиммаларига юқлатилган вазифаларини аъло даражада бажариб турибдилар. Уларнинг ғайратига боқиб, "Шу ҳолатда қолиб кетса нима бўлади", деган фикримдан асар ҳам қолмади. Демак, ҳамманинг мақсади битта: қурилажак мажмуани ўз муддатида топшириш.

Мақбара ёнига бордик. Ҳақиқатан ҳам техника пойдевор ўрнини ковламоқда. Ана, кучли темир қўлларини яна ерга қадади ва пастдан тупроқ олиб, бизнинг ёнимизга ташлади. Тупроқларга аралашиб ётган бир калла суяги юмалаб, олдимга келди, юз қисми менга қараган ҳолда тўхтади. Рости ни айтсам, сесканиб кетдим. Ҳаёлимда калла суяги менга: "Домла, қўл билан секин кавлатсангиз бўлмайдими, биз бу жойда жуда кўпчиликмиз", дегандек бўлди. Мен техника бошқарувчисига имо қилиб, ишни тўхтатишни буюрдим.

Анвар Ризаевични излаб топдим-да, бу ердан одам суюгি чиқаётганини, техника ёрдами билан кавламасдан, қўл кучи билан кавлашни ва чиққан сүякларни матога солиб, қабристонга кўмиш даркорлигини айтдим. У киши мени тушунди-да, қўл билан ковлансин, деган буйруқ берди. Шоҳмирза акага чиққан сүякларни авайлаб кўмишни айтдим. Натижада бу ерда беш қават қабр жойлашганлиги аниқ бўлди. Демак, ажоддодларимиз бўлмиш мўминлар Имом ал-Бухорий ёнида бўлайлик деб, ўзларини шу қабристонга қўйишларини васият қилишган бўлса ажаб эмас.

1 март. Баҳор келган бўлса ҳам бугун қор ёғди. Қишининг ҳеч кетгиси йўқ. Совуқнинг қаршиликларига кўнишиб кетган қурувчи усталар ҳеч нарса билмагандай ғайрат билан ишлашяпти.

Мажмуя кундан-кунга ўз қоматини кўрсата бошлади. Кўп ердан минглаб ҳашарчилар ишлади. “Бирлашган ўзар” деганларидек, иш режа асосида бориб, мажмуа ўз муддатида фойдаланишга топширилди.

## АРМОНЛАР УШАЛГАН КУНЛАР

### Бу йўллардан ал-Бухорий ўтганмилар?

Юмуш билан Самарқандга борган эдим, нимадир бўлиб ишларим битмади. Бундай пайтлар одамнинг асаблари таранглашиб, ҳеч нарса ёқмай қолади. Кун жазирама иссиқ бўлгани учун шамол тандирдан чиқаётган аланга каби юзкўзингни куйдиради. Машина ҳам жуда секин, имиллаб юраётгандек бўлади.

Мана, Даҳбет қўрғонига ҳам етиб келдик. Марказда жойлашган, салобат тўкиб турган катта хонақоҳ нигоҳимни ўзига тортди. “Тўхтанг!” дедим ҳайдовчига. Машина йўл четида тўхтади. Бу ерда ўз замонасида тариқат аҳлининг устози бўлган комил пир Маҳдуми Аъзам ҳазратлари ётибди. Атрофифида авлодлари, шоҳу шаҳзодалар мадфунлар. Улар ҳам ҳаётлик даврларида ўз замонасининг муносиб кишилари бўлганлар. Бу дунёда шоҳ ҳам, гадо ҳам ўтади. Аммо ўтиш билан ўтишнинг фарқи бор. Мен нима учун шу ерда тўхта-

дим? Нима учун бу азизларни эслаяпман? Демак, улар ўз даврларида кишиларнинг кўнглини қолдирмаган, дилларини оғритмаган, фақат яхшилик қилган, яхшилик! Шу сабаб, Аллоҳ таборака ва таоло менинг қалбимга у кишиларни эслашни солгандир. Бу дунёга ҳеч ким устун бўлолмайди. Ўлим ҳамманинг ёқасидан ушлайди. Кўп қатори менга ҳам "Навбат сенга келди", деб қолади. Шундай экан, оғир кунларга ҳам, яхши кунларга ҳам сабр билан, кишилар дилларини хушнуд этиб, фақат яхшилик қилиш билан яшамоқлик керак. Шогирдимиз Бақоний бир тўртлигида бу хусусни яхши ифода этган:

*Бир кун ўлим келиб қолар тўсатдан,  
Жон ҳам чиқар ўшал замон жасаддан.  
Сабру бардош билан яша, сақланиб –  
Кибру риё, ёлғон, ғийбат, ҳасаддан.*

Қайси бир замонда, Даҳбет қўрғонида иноқлик-иттифоқлик жуда яхши тамойил бўлган экан. Рамазон ойи келганида кишилар новвойга: "Менга бир кунга шунча нон керак", қассобга: "Менга бир ҳафтага шунча гўшт керак", нишолда сотувчига: "Менга ҳар куни шунча нишолда керак", деб буюртма берар эканлар. Моҳи Рамазон мобайнида бу буюртмаларни новвой ҳам, қассоб ҳам, нишолда сотувчи ҳам бајариб, ўз маҳсулотларини кишилар хонадонига олиб бориб берар эканлар. Ҳисоб-китоб Рамазон ойи тугагач қилинар экан. Бу ўша даврлардаги одобу ахлоқнинг, меҳру оқибатнинг ниҳоятда баланд даражадалигини билдиради. Назаримда, ана шу одоб қоидалари мустақиллик туфайли қайтиб келаётгандек... Замини, пойдевори миллийликдир, миллий одоб-ахлоқ, санъатимиз, урф-одатларимиз, қўйингки, Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари, илгари сурган ғояларининг бари миллатимизнинг қадр-құмматини баланд күтариш ғамишташиши билан йўғрилган.

Имом ал-Бухорий мақбараси ва масжидини таъмирлаш ҳамда бу ерда қадимий миллий меъморчилик анъаналари билан уйғунлашган замонавий иншоотлардан иборат бетакорор муҳташам ёдгорлик мажмуини барпо этиш ҳақида ҳуку-

мат томонидан қарор қабул қилинишининг ўзи Ўзбекистонда миллий, диний қадриятларнинг ривожига қандай аҳамият берилгаётганини намоён этиб турибди.

Қуръон ўқиб, шу ерда ётган азизлар руҳониётига бахшида қилдим. Энди машинада кетар эканман, олдинги ҳолатим ўзгариб, таъбим хирагалиги тарқалгандек эди. Нимагадир ҳар бир учраган одамга яхшилик қилгим келар эди. Бухоро йўлидан Челак тумани томонга бурилдик. Олдинги ҳолатимдан асар ҳам қолмаган, куннинг жазирама иссиғи ҳам таъсир қилмасди. Теварак-атрофни кузатаман. Челак томонга кетаётган йўлда ўзгариш катта... Йўллар кенгайтирилган, қарама-қарши келаётган машиналар бир-бирларига халақит бермаслиги учун йўл ўрталарига қўйилган маҳсус тўсиқлар километрларга чўзилиб кетган. Айниқса, Шахоб канали устига қурилган кўпприк ёнига яна битта қўшимча кўпприк қурилганлиги йўловчилар учун катта енгиллик бўлди. Шахоб каналидан ўтганда, ўнг қўл томондаги чойхона кўзимга жуда яхши қўриниб кетди. Чунки мен чанқоқман, у ерда бўлса, кишилар бир-бирларига чой узатишиб, ором бахшида этаётирлар. Менинг борадиган жойим яқин. Озгина сабр қилсан, етиб оламан. Аммо бу йўлдан қанча-қанча мусофиirlар, манзили узоқлар ўтади. Улар куннинг бундай жазирамасида йўлда юришга қийналиб қолишади. Шундай экан, йўл четида соя-салқинли чойхоналарни кўлайтириш керак, деган фикр хаёлимдан ўтади.

Ям-яшил дарахтлар гўёки бизни ўз соясига чақираётган-дек бўлади. Бир-биридан чиройли бу дарахтлар йўлнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Кун иссиқ бўлгани учун янги ётқизилган асфальт тафти димоғимга урилди. Узоқдан йўл ишлари билан машғул бўлган йўлсозларга кўзим тушди. Офтоб ловуллаб турибди, бунинг устига қайноқ асфальтнинг ҳарорати... Лекин фидокор инсонлар эса жонларини жабборга бериб, тер тўкиб меҳнат қилаётирлар. Бундай меҳнатнинг қадрига етган ҳайдовчи бормикан? Ҳеч ким машинасидан тушиб, "Ҳорманг, азаматлар" деганмикан? Юк машиналарида қовун-тарвуз ёки помидор-у узум ташиётган дехқонлар ўз маҳсулотларидан йўлсозларга улашганмикан? Бу савол-

лар мени ўйлантириб қўйди... Бундай оқибат намуналари камайиб кетганидан таассуф туйдим. Ахир бизнинг ота-бо- боларимиз йўл устида бўлса ҳам, иш қилаётган кишига "Хорманг", деб ўтган-ку. Бу оддий сўз чарчаб турган кишиларга куч-қувват ато этган, кўнглини шод қилиб, руҳларини кўтар- ган. Нима учун бугунги кунда бу сўзни унутиб қўймоқлигимиз керак. Инсон-инсонга ғанимат. Инсон-инсоннинг кўнглини ол- маса, ким олади? Йўқ! Бу сўзни жорий қилиб, халқимизга ўргатишимиш керак. Бу фикрлар машинани тўхтатишимга сабаб бўлди. "Шу ерда тўхтанг!" – дедим ҳайдовчимиз Жайловга. У ҳайратланиб, машина тезлигини пасайтириди ва йўл четига тўхтар экан: "Нима бўлди, иссиқдан бошингиз айлан- дими?" – деди меҳрибонлик билан. Машинадан тушар эканман: "Йўқ, жазира машина иссиқда тер тўкиб меҳнат қилаётган йўлсозларга ҳорманглар демоқчиман", – дедим-да, машина эшигини ёпдим.

Янги асфальт устида юрар эканман, беихтиёр йўлсозларнинг ишларини кузатиб кетдим. Янги-янги техникалар иш- ламоқда, кўринишидан чет элдан келтирилганга ўхшайди. Келишган бир йигит йўлсозларга нималарнидир ўргатмоқда, ҳаракатлари енгил, шинам, чапдаст. Йўлсозларнинг пе- шонасидан оқаётган терни артишга ҳам қўллари тегмаяпти, устидаги кийимлари сувга тушгандек ҳўл бўлиб кетган. Улар- нинг ниятлари битта, ўзларига топширилган вазифани муд- датидан кечиктирмай, ҳалол-покиза қилиб бажариш. "Ассалому-алайкум, ҳорманглар!", дедим. Улар мен томон бури- либ, саломимга алик олишди, "Бор бўлинг", дейишли. Йўлсозлар билан қўл ушлашиб кўриша бошладим. Улардан битта- си қўлларини тутмасдан билагини тутди, шунда мен:

- Нима учун қўлингизни тутмаяпсиз? – дедим.
- Домла қўлларимиз чанг, узр, – деди қизариб.

- Мен атайлаб қўлларингизни ушлайнин деб келдим. Сиз қўлингизни мендан яширманг. Бу чанг юқсан қўлларингиз қанча-қанча йўловчиларнинг оғирини енгил қилмоқда. Шу сабаб бу қўллар биз учун табарруқдир. Келинг, қўл ушлашиб кўришайлик.

Йигит менинг гапимдан мамнун бўлиб, қўлларини қўлимга қўйди.

Йўлсозларга ўз маслаҳатларини бериб, иш кўрсатиб юрган йигит ўзини Самарқанд вилоят йўл қурилиши бошқармаси бош муҳандиси Камолиддин Азизов, ёнидаги ўртоғини эса Самарқанд йўлларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Асламжон деб таништириди.

- Имом ал-Бухорий ҳазратлари таваллудининг 1225 йиллигига тайёргарлик қуриш ҳамма жода қизғин кетмоқда, деб гап бошлади Камолиддин.- Биз йўлчилар ҳам ўз зиммамиздаги вазифани кўнгилдагидай адо этиб, замон талабига мос, кенг йўл қуриш ҳаракатидамиз. Токи, ҳазрати Имомнинг юбилейига ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар олдидаги қизариб қолмайлик. Юбилейдан кейин ҳам зиёратга келганларнинг сафарлари баҳузур бўлсин. Ишимизни Германиядан келтирилган асфальт ётқизгич ва зичлагичлар анча енгил қилиб, иш сифатини ҳам оширди. Бизда энди битта муаммо қолди: у ҳам бўлса, асфальт заводларини янгилаш. Шу муаммолизни ҳам ечиб олсан, мана бу ишлаб турган чарчамас отларимиз билан энг сифатли йўллар қуриш имконига эга бўламиз.

Камолиддиннинг гапини йўл четига тўхтаган асфальт зичлагичнинг овози бўлди. “Мен – ҳозир”, дегандек ўша томонга югуриб кетди.

- Домла, кечирасиз, ишчиларимизнинг бир саволи бор экан,- деди у қайтиб кепгач.

Ҳалигина мен билан қўл бериб қўришишга тортинган йигит ютиниб-ютиниб гап бошлади:

- Сиз келсангиз бир нарсани сўрамоқчи эдик: Имом ал-Бухорий ҳазратлари шу йўллардан юрганмикин?

Бу йигитнинг саволи мени қизиқтириб қўйди. Илгари бу ҳакда ўйламаган эканман. Саволнинг жавобини ҳамма кутмоқда эди.

- Анигини билмадиму, аммо Имом ал-Бухорий ҳазратлари бу йўллардан юрган бўлсалар сиз шоввозлар ҳадис илмининг сардори бўлган улуғ зотнинг излари қолган йўлларни мустаҳкам, абадий қоладиган йўл қурмоқдасизлар. У киши

бу жойларда юрмаган, яъни ўтган замонларда йўл бошқа тарафдан ўтган бўлса ҳам сиз пешона тери тўкиб қураётган бу йўлдан зиёратчилар, турли мамлакатларнинг раҳбарлари ўтади. Олиму алломалар ўтади. Сиз танлаган касбингиздан ҳар қанча мамнун бўлиб, фахрлансангиз арзиди, - деб жавоб қилдим.

Суҳбатимиз анча вақт давом этди. Сўнгра уларнинг вақтларини олмай, деб узр сўрадим-да, ортимга қайтдим.

Машинага чиқар эканман, кўнглим кўтарилилган, руҳимда қандайдир куч пайдо бўлган эди. У куч мени яна ҳам ҳалим ҳолатга олиб келди, жуда катта иш қилгандек, ўзимча хурсанд бўлдим. “Ҳорманг”, деган сўз фақатгина ишлаётган кишилар руҳини кўтармасдан, айтувчининг ҳам руҳиятини кўтаришини, асабларини жойига келтиришини, куч-кувват ато этишини англадим. Йўл-йўлакай ҳар бир учраган кишиларга “Ҳорманг”, деб ўтаман, деган мақсадни кўнглимга тушиб қўйдим. Машина янги таъмирланган йўл устида бир текис кетмоқда. Мана, узунлиги 96 метр бўлган Оқдарё кўпригига ҳам етиб келдик. Унинг ёнига ҳам қўшимча кўпrik қилинган. Дарёning суви ҳар йилгидан ҳам тўлиб оқмоқда. Бу азим дарёning тарихи узун. Бояги йигитнинг саволи эсимга тушади. Ҳақиқатан ҳам Имом ал-Бухорий бу йўллардан ўтганми-кан? Бу дарёдан-чи? Балки ўша даврларда ҳам дарё худди шундай тўлиб оққандир. У пайтларда балки кўпrik бўлмаган. Баҳор пайтлари дарё тошганида кишилар сувдан ўтолмай кўп қийналгандир.

Ҳозир дунёнинг қайси бурчига бораман десангиз, шароит бор. Йилдан-йилга илм-фан ва техника ривожланиб, кишиларнинг мушкулини осон қилмоқда. Бахтимизга диёризизда тинчлик-хотиржамлик боқий бўлсин.

### Тувал бобо хизмати

Машина секинлаб, ўнг томонга бурилди. Катта дарвозадан ўтар эканман, беихтиёр нигоҳим тепаликка тушди. “Ҳар замонга - бир замон” деганлариdek, бу тепаликни ҳам қачонлардир кишилар қўл меҳнати билан тиклаганлар. Душман

хавфидан огоҳ этувчи қўриқчилар шундай тепаликда ўтириб, атрофни кузатганлар. Балки Бухорий бобомизнинг ҳам меҳмон бўлиб келаётганлигини биринчи бўлиб шу тепадагилар кўргандир. Тепалик пастида айлантириб қурилган девор мармарлари-ю, ёритгичлари бу ерни безаб турибди.

Йўлнинг икки томонини боғу-роғлар ўраб турганлигини кўриб қувонаман. Илгари ҳаммаёқ пахта далалари бўлиб, баъзан чанг тўзон кўтарилиб турар эди.

Йўлларнинг сифатли қурилаётгани машинанинг бир текис сузиг бораётганидан маълум. Йўллардан ўтаётган юқ машиналари ва турли хил иш бажарадиган техникаларнинг шовқини ҳам ал-Бухорий ҳазратларининг тўйларига катта ҳозирлик қурилаётганидан дарак бериб турибди.

Понг қишлоғидан ўтишим билан кўзимга ялт этиб масжид гумбазлари ташланди. Кўнглим яна нурафшонлашди. Нуронийлар чойхонасига етганимда ҳайдовчига тўхтанг, дедим. Машинадан тушиб масжид томон қарадим: во ажаб, бунча ҳам чиройли бўлмаса! Ҳар куни эътибор бермас эканман. Гўёки чет элга келиб қолгандек бўлдим. Хорижда кўриб ҳавас қилган масжидларим Худонинг изни билан бизнинг юртимизга келибди. Бугун барча ишни қўйиб, шу ерда ишлаётган усталарнинг ҳаммасига "Ҳорманг, азаматлар!" деб айланиб чиқаман.

- Ассалому алайкум, домла! Сизни кўриб югуриб келдим. Ҳозиргина бир чойнак аччиқ чой дамлаган эдим, - деди алика ҳам қарамай чойхоначи Тувал бобо. Чой деган сўзини эшитиб, чанқаганим ёдимга тушди ва чойхона томон юрдик. Ҳовуз устидаги кўпприқдан ўтар эканман, эсиб турган муздеккина шабада танамни яйратди. Бир-бири билан сұхбатлашиб турган дараҳтлар эса, "Хуш келибсиз", дегандек, шохларини оҳиста қимирлатиб қўяди... Чордона қуриб, дуо қилдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Тувал бобо бир пиёла чой узаттида, "Мен ҳозир", деб ўрнидан турди. Мен эса чойни ичиб, атрофга назар ташладим. Ҳамма жойга сув сепилган, ҳеч бир гард йўқ. Ҳавонинг тозалигидан тўйиб-тўйиб нафас олгинг келади. Баланд-баланд нақшинкор устунлар ва ҳар жой-ҳар жойга ўрнатилган чорпоялар, кираверишга ёзиб қўйил-

ган "Нуронийлар чойхонаси" деган номга жуда-жуда мос ва муносибдир.

Тувал бобо иккита нон олиб келди-да, дастурхонга қўйди:

- Чойхонамизда қулайликлар кўп. Мана қаранг, иссиққина нон, ҳозиргина тандирдан узишди,-деди нонни синдирап экан.

- Шу ерда ишлаётганингизга неча йил бўлди?-сўрадим оппоқ соқолларига меҳр билан боқиб.

- Хўш, - Тувал бобо бошини сал кўтариб, бир дақиқа ўйланаб қолди:-14 йил бўлибди. Ишни сомса пиширишдан бошлаганман. Ҳозир эса фарзандларимга бош бўлиб юрибман. Кампириим, ўғилларим, келинларим ва набираларим - ҳаммалари шу ерда хизматда. Масжид ишлари бошланган даврларда бир куннинг ўзида бу ерда мингтадан зиёд киши овқатланди. Ўшанда кечалари ҳам ухлашга қўл тегмади. Қани, домла, нондан олинг.

Синдирилган нон ва чойнақдаги чой тугагунча суҳбатлашдик. Кейин Тувал бободан рухсат сўраб, ўрнимдан турдим. Ҳа, қариси бор уйнинг париси бор, деганларича бор. Етмишни қоралаган Тувал бобо фарзандларига бош бўлиб, иш ўргатиб, ширин сўзи, хушмуомаласи билан инсонлар ҳордиғини чиқармоқда. Қани энди, ҳамма нуронийлар чойхоналарда Тувал бободек ўз файзлари билан хизмат қилса.

### Ҳамманинг тилида Ҳазратнинг номи

Масjidга олиб борадиган пиёдаларга мўлжалланган йўлнинг ўрталарига гул экишга жой қолдирилган. Бу йўл кичик-кичик тахтасимон цемент қўймаларидан қурилган. Халқимиз "Инсоннинг қўли гул", дея бежиз айтмаган... Теваракда одам кўп, ҳамма ўз иши билан банд. Бироқ ҳамманинг кўнглидаги, руҳидаги кайфият бир хил, ҳамма улуғ бир ишда қатнашаётганидан мамнун, баҳтиёр... Чап томондаги кишилар бир-бирига чим узатиб, канал четини безамоқдалар. Яқинлашар эканман, улар орасида Челак тумани ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари Тувалбой Умаровни кўрдим.

Ҳорманглар, ҳорманглар,-дедим баланд овозда.

- Бор бўлинг, бор бўлинг,- дейишди улар. Тувал Умаров чаққон ёнимга келиб:

- Саломат бўлинг, домла,- деб мен билан кўришди. Йигитлар билан баравар ишлаётганлиги юзи ва кийимлари чанглигидан ва пешонасидан тинмай тер оқаётганидан билиниб турарди.

- Бунча чимни қаердан олиб келдинглар?

- Чимни тумандаги жамоа хўжаликлари ҳашар йўли билан олиб келди,-деди ҳоким мувонини юзидаги терни артар экан.— Аслида ҳозир чимни кўчат қиласидиган вақт эмас. Аммо биз эринмасдан чимга қўлда сув қуиб турибмиз. Шу сабабли чимлар томир олиб, кўкараёттир. Мана бу жойга эса арпа эқдик, бу вақтинчалик холос. Келгуси йил бу ерларни турли гуллар билан тўлдирамиз. Бобомизни зиёрат қилгани келган меҳмонлар гуллар ҳидидан баҳраманд бўлишади.

Бу томондаги кўкаламзорни эса Пойариқ туманилик ҳашарчилар барпо этмоқда. Ҳов, ана улар.

Ҳашарчилар томонга бордим:

- Ассалому-алайкум! Ҳорманглар!

- Ваалайкум ассалом! Саломат бўлинг,-деб пешвоз чиқди туман ҳокими Мадамин Шакаров.

У билан суҳбатдан бу ердаги чим ҳам ҳашар йўли билан келтирилганлиги, юбилей кунлари кўм-кўк бўлиб туришилиги учун ерга пол олиб арпа экилаётганлигини билдим. Суҳбатимиз қизиди. Гапимиз Имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳақида ги ривоятга етганида Мадамин Шакаров гўёки бир нарса ёдига тушгандек менга: "Домла, бир илтимосим бор, ҳашарчи йигитларимиз чин ихлос билан, астойдил меҳнат қилишди. Уларни чақирсам, мана бу дарахт соясида Имом ал-Бухорий ҳазратлари тўғрисида гапириб берсангиз. Йигитлар ҳам дам олишади, ҳам улуғ бобомизнинг тарихидан хабардор бўлишарди", деди.

- Жуда яхши иш бўлар эди-да.

- Йигитлар, беш минут дам олайлик! Домла бобо сизларга Имом ал-Бухорий ҳазратларининг тарихидан гапириб бер-

моқчи,- деди ҳоким хурсанд овозда. Йигитлар бу гапни эши-тиб, шаҳдам қадам ташлаб етиб келдилар. Уларнинг ихлос билан қараб турган кўзларига тикилиб гап бошладим.

Ҳашарчилар бузрукворимиз ҳазрат Бухорий ҳақидаги ҳикоямни жонқулоги билан берилиб тинглашди. Сўзимни дуо билан якунладим:

- Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Эй, Худойим! Имом ал-Бухорийдек зотлар яшаб ўтган бу диёрда тинчликни барқа-рор қилгин, шу тинчлик соясида ҳаммамиз бир-биришимиз билан иноқ-иттифоқчиликда ҳаёт кечиришимизни насиби рўзи қил. Омин, парвардигор! Қурилаётган иншоотларда иштирок этаётган барча-барчаларнинг, ҳашарчиларнинг, қурувчиликарнинг, усталарнинг, ҳаммаларининг хонадонларига баракотларингни ёғдиргин. Омин! Ё Роббил аъламийн.

Ҳамманинг тилида ҳазрат бузрукворнинг исми такрорланган кунларга етганимдан шод здим.

### Инсоннинг қўли гул

Улар билан хайрлашиб яна йўлакка чиқдим. "Ҳорманглар", деган сўзни айтганим сари руҳим янада равшанлашиб, оламнинг жамоли, одамларнинг дийдори чиройлироқ қўриниб бораётгандек бўлади.

- Ассалому алайкум, домла,-деди орқа томондан бир киши. Қайрилиб қарасам Самарқанд вилоят қурилиш бўлимида ишлайдиган, масжид қурилиши бошлангандан бўён шу ердаги барча ишларни назорат қилиб турадиган йигит - Ботир Худойбердиев экан.

- Ваалайкум ассалом, Ботиржон, қани, шошилиб юрибсиз?

- Ҳа, соат учда ҳар кунгидек йиғилиш бўлади. Шунга бажарилган ишлар ва одамлар миқдорини ёзиб юрибман.

- Ундей бўлса, мен ҳам сиз билан юрсам, бугун шу ерда ишлаётгандарнинг ҳаммасидан ҳол-аҳвол сўраб чиқмоқчиман.

- Жуда яхши, домла, - деди Ботир мени маъқуллаб. Ўз касбини севган бу йигит менга бу ердаги ишларнинг тез ва

соз бажарилаётгани ҳақида чуқур мамнунлик ила, завқла-  
ниб гапира кетди. Ҳалигина эшитганим "От изини той босар",  
деган мақол бу ўринга ҳам айни мос эди. Ботиржоннинг ота-  
сини яхши биламан, жуда ақилли инсон, яқинда ҳажга ҳам  
бориб келди. "Куш уясида кўрганини қиласи", деганлариdek,  
ота-она яхши хулқ эгаси бўлса, ўша хонадоннинг фарзанд-  
лари ҳам ота-онадан андоза олар экан.

Канал устидаги кўприқда тўхтадик.

- Бу канални Самарқанд ирригация сув қурилиши трести  
қурди. Улар жуда катта меҳнат қилдилар. Таҳоратхонани ҳам  
шу ташкилот тикляяпти, - деди Ботир.

Мен ҳамон Ботирнинг ортидан кетмоқдаман, ҳамма жой  
тупроқ. Оёқ кийимлари у ёқда турсин шимларга ҳам қум зар-  
рапари ўрнаб қолмоқда. Бизни участка бошлиғи Аҳмад Умр-  
зоков қарши олди. Ишчиларга Ботир ҳам, мен ҳам "Ҳорманг-  
лар", дедик. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг қурилишни қўздан  
кечирдик. Полга терилган гранит ва деворларга ёпиширил-  
ган юқори сифатли девор плиталари эътиборимизни тортид.

- Бу ишларни Югославиянинг "Торсвик" фирмаси бажар-  
моқда,-изоҳ берди Ботир,- иситгичларга қаранг, жуда бежи-  
рим, кўркам. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 30 нафар киши та-  
ҳорат олса бўлади.

Сўнгра бирин-кетин ташқарига чиқдик.

- Хабарингиз бор, домла,-дея гап бошлади Ботиржон туп-  
роқ кечиб кетар эканмиз,- бу жойларда бир неча хўжалик  
яшар эди. Уларга нариги қишлоқдан жой ажратдик. Самар-  
қачд уй қурилиш бошқармаси бошлиғи Сатторов Рустам ака  
бошчилигига уларга пишиқ ғиштдан иморат солиб, ҳовли  
тўйлари ва бир неча невараларининг суннат тўйини ўтказиб  
бердик.

- Ҳа-ҳа, хабарим бор, - дедим Ботирнинг гапини тасдиқ-  
лаб,- ўша тўйда вилоят раҳбарлари ҳам иштирок қилган эди.  
Кўчган кишиларнинг ҳаммаси раҳбарлардан рози. Айниқса,  
уй-жойлари ўрнида масжидга тегишли иморат қурилаётга-  
нидан мамнунлик изҳор этишди.

Масжид томон кетар эканмиз, гул шаклида қўйилган це-  
мент плиталарини бир текис тахлаётган йўлсозларга дуч кел-  
дик. Улар бир-бирига плиталарни авайлаб узатишади. Ус-

талардан бири гулсифат плиталарни майда қум устига тे-риб, резина болғачаси билан "Ана, жойингни топдинг. Шу ерда қимирламасдан тур", дегандек уриб қўяр эди.

- Ҳорманглар йигитлар.- дедим уларга яқинлашиб. Йўлсозлар билан ҳам бир неча дақиқа суҳбатлашдим.

- Ҳақиқатан ишлари пишиқ-пухта, чиройли экан, - дедим қум йўл устида кетар эканмиз.

- Ҳа, домла. Бу ерда ишлаётган ҳар бир киши чин ихлос билан меҳнат қилмоқда, шунинг учун ишнинг сифати рисоладагидек. Мана бу фавворага қаранг! Тошкентда, самолётсозлик заводида ишланган. Бунақаси ҳамма жойда ҳам ўрнатилавермайди.

- Мармар тошни силлиқлаб, коса сифат қилиб ясади, барака топгурлар. Атрофидаги саккиз қирралик ҳовузча ҳам кўркамлиқда кам эмас, бир-бирига чирой бериб турибди. Ҳа, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишлар бўляпти. Ким ўйлаган эди, масжидни давлат раҳбари бош бўлиб қуриб беради, деб. Ҳаммаси мустақиллигимизнинг шарофати, Ботиржон. Бахтимизга юртимиз тинч бўлсин! Адолатли раҳбаримизнинг бошлари омон бўлсин!

- Тўғри айтасиз. Мен авваллари масжид ҳақида бошқача фикрда эдим. Ўтмиш тузум бизни шунчалик заҳарлаб қўйган эканки, ана шу заҳар билан яшайверибмиз, пайти келганда ота-боболаримизга қараб ҳам ўша заҳарни сочаверибмиз. Эндилиқда фикрим ўзгарди, масжидлар мен учун энг муқаддас жой бўлиб қолган. Чунки эрта-ю кеч шу ерда хизмат қилаяпман. Фарзандларим, "Дада, қаерга кетаяпсиз?" деса, "Масжидга", деб жавоб бераман.

### Тўқсон ёшли ота армони

Бизнинг суҳбатимизни яхши кийинган, кўринишидан зиёратчига ўхшаган бир йигитнинг саломи бузди. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

- Кечирасизлар... Мен Тошкентдан келганман,- деди у. — Машинада 92 ёшга кирган отам бор, кўзи ожизлигидан бу ерда юролмайди. Масжиддан биронта домла чақириб кел-

гин, деб мени юборган эди, сизларни кўриб қолдим, кимга учрашишимни билмай турибман.

- Бу киши, - деди Ботиржон мени кўрсатиб, - И мом ал-Бухорий масжидининг имом хатиби ҳожи Усмонхон домла бўладилар.

Йигит, отамнинг олдига борсангиз, деб айтишга истихона қилиб турганди, Ботиржон шундай деб қолди:

- Сиз у ёқقا борсангиз, менга узр, домла.

Мен тошкентлик йигит ортидан машинаси томон юрдим.

Қора "Нексия" олдида турган йигитлар билан кўришдим. Ҳамроҳим машинанинг орқа эшигини очиб: "Марҳамат", деди-да, ўзи олди эшиқдан кирди.

- Ота, ёнингизда шу масжид имом хатиби ҳожи Усмонхон домла ўтирибдилар,-деди мулоимимлик билан.

Отахон мен ўтирган томонга юзини бурди. Оппоқ соқоллари ўзига ярашган, кўринишидан зиёли кишига ўхшайди. Кўзлари юмуқ ҳолда мен билан салом-алик қилди-да, бошини қимирлатиб, бирдан ўксиб-ўксиб йиғлади. Зўр-базўр ўзини йиғидан тўхтатиб, кўнглини очди:

- Болам, менинг кўзларим ожиз. Биргина ниятим И мом ал-Бухорийни зиёрат қилиш эди. Ниятимга етганимдан, шу улуғ даргоҳга келганимдан суюниб йиғлаляпман. Бу ерда катта қурилиш бўлаётганилигини телевизор ва радиодан эшлитиб тураман. Айниқса, яқинда Ислом Каримов келиб, бу ердаги ишлар қандай кетаётганилигидан хабар олганлигини эшлитиб, жуда хурсанд бўлдим. И мом ал-Бухорий ҳазратларини зиёрат қилиш бугун менга насиб этган экан, бу қурилишга ўз ҳиссамни ҳам кўшишга ният қилдим. Аммо куч-қувватим йўқ. Сиз рухсат берсангиз, набирам бир дона ғишт олиб келса, уни мен қўлларимга олиб, яна набирамга қайтарсам, у ғиштни усталарга олиб бориб берса. Усталар мен берган ғиштни деворга терса. Бу бинолар асрлар давомида қолади. Масжидул-муборакда намоз ўқиган кишилар савобини шу бино қурганларга бағишлийди. Ўшанда мен қўйган бу ғиштдан борган савоб қабрда тинч ётишимга сабаб бўлармикин, дейман-да.

Отахон ҳар бир сўзини зўр ҳаяжон, овозида титроқ билан айтарди. Тошкенти азимдек жойдан келган бу покиза ният мўйсафиднинг гаплари менинг ҳам кўзимда ёш пайдо қилди. Рўмолчам билан ёшимни артар эканман:

- Бобога тез ғишт келтиринглар, - дедим.

- Раҳмат, раҳмат домлажон, мени хурсанд қилдингиз, - деди бобо ва бир зум жим турди-да, сўнг яна гап бошлади: - Домла, Аллоҳ таоло Ўзбекистонга марҳамат нурини сочди. Юртимизни мустақил қилди. Ислом динимизни қайтиб берди. Масжидларда аzon овози эшитила бошлади. Қадриятларимиз, миллийлигимиз қайта тикланди. Ҳудди кечаги кундек ёдимда, мени "қулоқ" қилиб, уйимдаги бор китобларни олиб кетишганди. Кейин билсам, ҳамма қадимий ва табаррук китобларни шаҳарга йиғиб, ҳаммомларга бўлиб беришибди. Ўқилаётган ҳамма Куръонлар, ҳадислар, турли ноёб китоблар ҳамда тарихимиз ёзилган асарлар ҳаммомнинг сувини иситиш учун ёқилибди.

Шундай дер экан, у "пиқ-пиқ" йиғлар эди.

Кўз олдимга ҳаммомда гуриплаб ёнаётган китобларимиз келди-ю, юрагим ўртаниб кетди. Наҳотки, ота-боболаримиз қолдирган қўллэзмалар бирорлар юваниши учун сув иситган бўлса! Бу қандай даҳшат! Кўз ёшим тўхтовсиз оқар, рўмолча борлигини ҳам унутиб қўйган эканман. Шу пайт эшик очилди-да, бобонинг набираси кўринди:

- Мана, ғишт, - деди у.

Бобо ғиштни олар экан, қўллари қалтираб, кўнгли юмшаб кетди. Кўз ёшлари ғишт устига сим-сим томар ва у ёмғир томчиларини эслатарди. Бобо ғиштни кўкрагига босиб, қўли билан силади-да, набирасига узатди.

- Мана, болам, олгин. Уста бобога тайнла, тағин ғиштни ташлаб юбормасин. Ғишт деворга терилганини кўрганингдан кейин менга айтасан,-деди титроқ овозда. Набираси "Хўп бўлади", деди-да, югуриб кетди.

- Домлажон, сизга катта раҳмат, вақтингизни аямасдан келибсиз. Энди бир дуо қилсангиз, биз қайтсак, - деди бобо.

Биз бир-биrimизнинг ҳаққимизга узундан узоқ дуо қилдик.

## Бутун Ўзбекистон ҳашарга келди

Масжид томон келарканман, ҳозиргина рўй берган воқеани эслаб, чуқур нафас олдим. Алҳамдуиллоҳ, дейман ўзимга-ўзим, Аллоҳ таоло эркинликни бериб, яна Қуръону ҳадислар мадрасаларда, ҳар бир мусулмон оиласида ўқилмоқда. Бунга давлатимиз раҳбари рухсат берган. Қайси уйда Қуръон ўқилса, ўша уйга Аллоҳнинг нури ёғилади. Қайси давлатдаки Қуръон ўқилса, ўша давлатта ҳам Аллоҳнинг нури ёғади. Бизнинг давлатимизда Қуръонлар ўқилмоқда, шундай экан, Ўзбекистон Юртбошимиз айтганидек, келажаги буюк давлат бўлади. Шу ўйлар билан мажмуага кириш жойига етганимни билмай қолибман. Қарасам, тўрт-беш қадам нарида Самарқанд "Кимё-қурилиш ҳиссадорлик жамияти" иш бошқарувчи-си Аҳмаджон келаётиди.

- Ассалому алайкум, домла, шимингиз чанг, ўзингиз ғамгин, тинчликми? – деди ҳазил арапаш Аҳмаджон.

- Ваалайкум ассалом, Аҳмаджон, тинчлик, тинчлик. Бугун ҳамма усталарга ҳорманг, дейман, ҳол-аҳвол сўрайман, деб ният қилган эдим, шу сабаб қаерда иш кетаётган бўлса, ўша ерга бориб юрибман. Яхшиям ўзингиз билан учрашиб қолдим. Энди йўл бошласангиз, сиз бажараётган ишларни ҳам кўриб, усталардан ҳол-аҳвол сўрасак.

- Жоним билан, марҳамат, - деди Аҳмаджон ва йўл бошлади. Мажмуа дарвозаси ёнига бориб тўхтадик. Аҳмаджон дарвоза юқорисига қараб, гапини давом эттириди:

- Ўзингиз кўриб турибсиз, дарвоза безаклари муқарнас услубида ишланган, ганч ишларини самарқандлик ҳожи Қурбон aka шогирдлари билан бажарди. Уста ганчкорлар муқарнас услубининг пири ҳисобланадилар.

- Офарин, - дедим безакларга ҳавас билан қарап эканман, - ҳозир усталар қаерда?

- Улар меҳмонхонага кираверишда ишләяпти. Бу жойда ишлаётганларга ҳорманг дейлик, кейин уларнинг ёнига ҳам борамиз,-деди Аҳмаджон дарвозадан кирап экан.

Аҳмаджон бирин-кетин ўз раҳбарлиги остида амалга оширилаётган ишлар ва усталар билан таништирди. Ганч-

ўймакорлик ишларини хоразмлик уста Зафар ва уста Баҳром шогирдлари билан, шарафа ёпиширишни самарқандлик катта уста Сайд Али ака шогирдлари билан ва мармар зина бетон ишларини "Кимё-қурилиш ҳиссадорлик жамияти" йигитлари бажараётганигини ҳамда таҳоратхона ва чой ичишга мўлжалланган хоналарда югославияликлар меҳнат қилаётганини айтди.

- Энди ҳожи Қурбон акага ҳорманг деймиз,-деди Аҳмаджон меҳмонхона қурилиши томон юрар экан. Меҳмонхона эшигига етиб борганимизда уста Қурбонбой билан Самарқанд вилоят бош меъмори Мусо ака гаплашиб турган экан, улар билан салом-алик қилдик. Дарвоза пештоқига бир неча киши муқарнас услубида ганч ёпиширилар эди. Уларга ҳавас билан боқар эканман устадан:

- Уста Қурбонбой, бу нозик ишни қаердан ўргангансиз? - деб сўрадим.

- Раҳматлик устозим Иброҳим Шермуҳаммедовдан ўрганганман,- деди у жилмайиб. - У пайтда бу услугга эътибор берилмасди. Мустақиллик шарофати билан миллийлигимиз тикланиб, кўпгина қурилишларда шу услубдан фойдаландим. Ўзингиз гувоҳи бўлиб турибсиз, жуда беназир, гўзал бир услуб. Идоралар, мактаблар, ўқув юртлари, шифо масканлари дарвозаси пештоқини шу услубда безаса арзиди. Ҳар қандай иморатнинг жамолини очиб юборади.

Биз уста Қурбоннинг гапини маъқулладик, қўлингиз дард кўрмасин, бундан-да чиройли нақшлар ижод қилинг, барча эзгу ниятларингизга етинг, илоҳим, дея дуо қилдик уни.

Сўнг меҳмонхона ичкарисига кирдик. Кичкина ҳовлига ярашиб турган бу меҳмонхона замонавий услубда қурилгани, деворига мармар ёпиширилгани, эшигу деразалари равоқ шаклида қўйилганлиги, айниқса, ярашиб турибди.

Меҳмонлар кутиб олинадиган катта хонага кирдик. Ҳавозалар қўйилган, қизғин иш кетмоқда: кимдир шарафа ёпиширилар, кимдир шифтларни ганч билан пардозлар ва яна кимдир ганч қориб, усталарга узатар эди. Ишнинг қизғинлигидан, улар бизнинг кириб келганимизни ҳам сезишмади.

- Ассалому алайкум! Ҳорманглар, азаматлар!-дедим ба-ланд овозда. Юқоридан "Бор бўлинг, соғ бўлинг!" деган овоз-

лар қайтди. Шу маҳал эшиқдан оқ ҳалатли ихчамгина йигит келди-да: "Хуш келибсизлар, марҳамат", деди. У билан кўришар эканмиз, Мусо ака уни менга танишитирди:

- Бу йигитнинг исми – Ёдгорхон. Кўриб турганингиз бу ишларни у шогирдлари билан бажармоқда.

Ёдгорхон "шундай" дегандек, бошини қимирлатиб, жилмайди. Устанинг қўлидаги резина мени қизиқтириб қолди.

- Уни нимага кўтариб юрибсиз?-деб сўрадим.

- Домла, буни ҳозиргина бир ҳайдовчидан илтимос қилиб олдим, тўрт томонига тахта қоқиб маҳкамлаймиз. Кейин ганч қорамиз. Одатда, тайёр ганч ишлатиш учун олинганда унинг бир қисми идишига ёпишиб қолади. Янги ганч тайёрлашдан олдин резинага бир-икки урилса, қотган ганч тушиб кетади. Бошқа идишда қорсак, уни тозалагунча анча вақтимиз кетади.

Мен бу гапларга таажокуб қилиб кулдим, "Ҳар бир касбнинг ўз сири бўлар экан-да", дедим.

- Шунинг учун ҳам кексаларимиз айтганда, "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин", деб,- деди гапимни маъқуллаб Мусо ака.

Биз бу ердан кутубхона учун мўлжалланган хонага кирдик. Уста Сайд Али аканинг шогирдлари иш устида экан, улар билан ҳам суҳбатлашгач, меҳмонхона ҳовлисига чиқдик.

- Кутубхона ўттиз минг китобга мўлжалланган. Қулайлиги: ким китоб ўқийман деса, кутубхоначидан олади-да, маҳсус хоналарга кириб ўқийверади, – тушунтирди Мусо ака.

Шу тобда ёдимга ҳалигина суҳбатлашганим тўқсон икки яшарли оқсоқол тушди, ҳаяжондан кўзимга ёш келганини билмай қолибман. Мусо ака уни кўриб ҳайрон бўлди:

- Ҳа, домла? Тинчликми ишқилиб?

Бобо билан бўлган воқеани айтиб бердим. Бобокалонларимизнинг китоблари ҳаммом сувини иситганлигини эшитган Мусо аканинг қаҳри келди.

- Ҳа, домла,-деди чуқур нафас олиб Мусо ака.- Мустақилликни ҳамма ҳар хил тушунади. Аммо мустақилликнинг нима эканлигини, "қулоқлар" замонини, тарихий китобларимиз ҳаммомда ёниб кетганлигини, олимларнинг Сибирга сурғун бўлганлигини кўрган отахонлар, айниқса, яхши ҳис этади. Биз уларнинг суҳбатларини телевидение, радио, га-

зета ва журналларда эълон қилиб, ҳалқа билдиришимиз керак.

- Фикрингиз тўғри, офарин! – дедим унинг мулоҳазаларини маъқуллаб. Иккимиз меҳмонхонадан чиқиб, қалин соя солиб турган чинорлар томон юрдик. Йўл-йўлакай чоркунж шаклидаги мармар фаввора ёнида тўхтадик, бу ҳам ўзига хос, бу ҳам бир кўркам бўлганлигини таъкидладик. Хўжалик ишлари бўйича мусовиним Ҳабибулло келиб, чинор тагидаги чорпояга таклиф қилди.

- Аччиқ чой дамлаб қўйибман, – деди у.

Даврамизга Самарқанддаги "Бунёдкорлик" қурилиш трести иш бошқарувчиси Баҳодир Худойбердиев келиб қолди. Уни ҳам чойга таклиф қилдик.

- Аввал усталардан бир хабар олмоқчийдим, - узр сўради у.

- Ундей бўлса, мен ҳам сиз билан бораман, - дедим. - Усталарга ҳорманглар, деб қўйишни ният қилгандим.

Мусо ака Ҳабибулло билан чинор томонга, биз эса Баҳодиржон айтган усталарнинг ёнига бордик.

- Айвондаги ёғоч ўймакорлик ишларини фарғоналик уста Абдуғани Абдуллаев 36 нафар шогирдлари билан бажармоқда. Шогирдларига икки-уч кунга жавоб берган, ўзи кетмасдан битта шогирди билан устунларни жойига ўрнатмоқда. Мана бу ишлаётган усталар эса – нақошлар, - деди Баҳодир айвон шифтига нақш чизаётган усталарни кўрсатиб. Улар бизнинг яқин борганимизни пайқашгани йўқ, чунки кўзлари шифтда, ҳаммаси диққат билан, жимгина ишлаётган эди.

- Ҳорманг, Собиржон ака!

- Ассалому алайкум, саломат бўлсинлар, -деди ўрта яшарли бир киши.

- Камчиликлар йўқми? – сўради Баҳодир.

- Ҳамма нарса етарли. Оёқ тагига тахта йўқ эди, ҳозиргина олиб келиб беришди, – деди уста бобо.

- Ғайрат қилинглар, – деди Баҳодиржон омад тилаб. - Собиржон ака чаққон нақош – Амир Темур бобомизнинг музейида ҳам нақш ишларини бажарган, медал билан муко-

фотланган. Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий аъзоси.

Биз яна бир гуруҳ нақошларга дуч келдик. Шифтдаги нақшлар кўзни қувонтиради, бири-биридан чиройли ва кўркам. Баҳодиржон нигоҳи билан кимнидир излади-да, кейин менга қараб:

- Ана у кишини кўряпсизми, оқ ранг билан нақш чизаяпти,- дея ўрта яшар кишини қўли билан имо қилиб кўрсатди. Мен, "Ҳа, кўраяпман", дегандек бош силкидим.

- Ҳожи Мадаминжон ака 30 нафар шогирди билан водийдан келганлар. Наманган шаҳар бадиий ишлаб чиқариш комбинати устаси, - дея таништирди у. Ўзбекистон Бадиий Академияси фахрий аъзоси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Бу тарафда ишлаётганлар ҳам Намангандан, уста Орифхон ака, 6 нафар шогирди билан келган. Домла, яхшиси усталарнинг хаёлини бўлмайлик, кўриб турибсиз – айни ижод билан банд пайтлари.

Биз Имом ал-Бухорий мақбараси ёнига бордик. Мақбара атрофи айвон билан ўралган, уста Абдуғани ака вақтинчалик қўйилган устунларнинг ўрнига ўймакорлик билан ишланган чиройли устунларни тиклаётган экан. Устун пастидан махсус безатилган мармар ўрнатилмоқда.

- Ҳорманг, уста ака, ҳорманг! - дедим.
- Саломат бўлсинлар, - деди уста биз билан кўришаркан.
- Нима ёрдам керак, уста ака, - сўради Баҳодиржон.
- Шундай катта қурилиш бўлэди-ю, камчилик бўлмайди, дейсизми, - деди уста. - Аммо камчиликларни ўз вақтида бартараф қиляпмиз.
- Юбилейгача улгурамиэмикин? - савол ташлади Баҳодиржон.

- Худо хоҳласа, улгурамиз. Лекин ҳар эҳтимолга қарши кечаси ҳам ишлашимиз керак. Ёритгичлар ўрнатсак, кундуз кунидек ёруғ бўлади. Умуман, бундай катта ишларга, Баҳодиржон, энди бу менинг фикримда, устабоши тайинлаш керак. Илгарилари ҳам ота-боболаримиз шунақанги катта ишларни бошлаганда устабоши сайлаган. У ҳар бир касбдан

хабардор, ақлли ва тадбиркор бўлган. Ҳар бир иш ўша устанинг раҳбарлиги ва назоратида бажарилган.

- Тўғри айтасиз, бу фикрингизни албатта раҳбарларга етказаман,- деди Баҳодиржон.

- Домла, тарихда қоладиган бу ишларни бажаришни Аллоҳ бизга мұяссар кўрибдики, дунёга машҳур бобомизнинг ёнларида ишлаб турибмиз. Ҳазратнинг ҳақларига Қуръон тиловат қиласангиз, - деди уста ака менга қараб.

- Мен ҳам шуни айтмоқчи бўлиб тургандим, шу ерда ўтирайлик-чи, - дедим. Ҳаммамиз тахталар устига ўтирдик. Мен Қуръон тиловат қилиб, Бухорий бобомиз руҳларига бағишладим.

Мақбара атрофидан ўтар эканмиз, Баҳодиржон қурилишга ишора қилиб:

- Бу ишларни Самарқанддаги "Меъмор" қурилиш ташкилоти бажаряпти. Иш бошқарувчиси Рафиқжон ака. Гумбаз нақшларини ёш наққош Баҳодиржон шогирди билан чизяпти. Уларнинг қўлидан чиқаётган нақш рангларига Тошкент самолётсозлик заводи юборган тилло суви ҳам қўшилаяпти.

- Сўрайман деб ёдимдан кўтарилиби. Абдуғани ака ўрнатайётган устунлар қаердан олиб келинган? – дедим унинг гапини бўлиб.

- Ҳар жойдан келтирилган, 10 тасини самарқандлик уста Насруллоҳ, 5 тасини уста Камолиддин юборган. Қўқонлик уста Ҳасанжон 32 та, андижонлик уста Йўлбарс ака 15 та устун ва кириш дарвозаларини ўймакорлик услубида ясад юборганлар. Устунларнинг умумий сони 74 та. Ҳаммаси бирбиридан чиройли.

- Бу ишлаётган наққошлар қаердан? – дедим янги қурилган масжид ёнидаги айвон шифтини пардоzlаётган усталарни кўрсатиб.

- Бу ерда уч гуруҳ сеҳрофарин усталар меҳнат қилишаёттир. Уста Шуҳрат 10 нафар шогирди билан, уста Маъруф 10 нафар шогирди билан, уста Қамариддин 16 нафар шогирди билан ишламоқда. Уларни кўриб турибсиз, ҳаммалари ижод оғушида, чизаётган нақшларига ўзлари маҳлиё бўлиб ишлашяпти.

- Баҳодиржон, оёғимиз тагидаги плиталар ўрнига мармар ёпиширилганда қандай бўлар эди?

- Бу ишларни Бухоро шаҳридаги "Олим-Аҳад" фирмаси зиммасига олган,-деди сұхбатдошим ҳовли юзасига плита ётқизаётган ишчиларни кўрсатиб.- Ана у қорачадан келган мўйловли йигит фирма бошлиғи, исми Аҳаджон, ҳозир уларнинг ёнига борайлик, ҳам шу саволни берамиз, ҳам ҳол-аҳвол сўраймиз.

Усталарга яқинлашиб, салом бердик. Уларнинг юзига нур югурди, қўlinи кўксига қўйиб, миннатдорлик билдиришди. Баҳодир бояги саволни Аҳаджонга берди.

- Булар табиий оҳактош плиталар, дейилади. Кондан қазиб олинади. Мармарга қараганда илиқроқ келади. Масжид ҳовлисида ҳам намоз ўқилиши мумкинлигини зътиборга олиб, шундай плитани ётқизиш маъқул топилган. Қиши фаслида қор, муз бўлади, мармар сирпанчиқ, бу эса сирпанчиқ эмас. Муҳими шундаки, аждодларимиз бундай тошни харсантош сифатида Бухородаги Лабиҳовуз ва бошқа жойларга ҳам ишлатган. Биз эса, замонавий техникалар ёрдамида 25x25 сантиметрдан кесиб, олиб келиб, шундай азиз жойларга ўрнатмоқдамиз.

Масжид ичкарисига кирдик. Бу жойга ҳам ҳавозалар қўйилган, иш қизғин кетмоқда. Масжидга кирган киши муқарнас шаклида қилинган гумбазларга мафтун бўлмасдан иложи йўқ. Гумбаз ичига юлдузчасимон шакллар ўрнатилган, юлдузлар осмонни эслатиб туради. Ҳар гал қайсиdir усталинг ишини кузатар эканман, унинг нозик маҳоратига тан бераман. Ўзбекистон қўли гул усталар юрти эканидан хурсанд бўламан. Агар жаҳон усталарининг маҳоратини синаб кўрадиган мусобақа ўтказилса, бизнинг усталар албатта ғолиб бўлсалар керак, деб ўйлайман.

- Бу масжидда,- деди Баҳодиржон, - бир вақтнинг ўзида минг киши намоз ўқиуди. Ҳайит намозларда эса, масжид ҳовлиси ва ҳовлидаги айвонларда ўн минг нафар киши намоз ўқиши мумкин.

Баҳодиржоннинг овозидаги мамнуният руҳимдаги кўтарикиликка уйғун эди. Ўз номимдан, бу ерда ишлаётган бар-

ча катта-кичик қоракүзлар, уста-ю шогирдлар номидан Парвардигорга шундай хайрли, улуғ ишларда қатнашишни насиб этгани учун қайта-қайта шукроналар айтдим.

- Ассалому алайкум, уста Саид Али ака, ҳорманг!,- дедим бу ердаги усталар саркорига.

- Саломат бўлинглар! Ишларимиз ҳам кўзга кўриниб қолди, катта гумбаз қурилишини ҳам бошладик, тезда тугатмиз, - деди Саид Али ака хурсанд бўлиб.

- Уста бобо, гумбазни хўп чиройли ясабсиз.

- Чизмада гумбазлар ганч билан оддий сувоқ қилиб пардозланиши мўлжалланган экан. Мен: "Бу масжидга бутун дунёдан одамлар келиб, намоз ўқииди. Улар оддий пардозланган гумбазни кўриб, Самарқандда уста йўқ экан-да, деб кетмайдими? Гумбазни менга қўйиб беринглар, бутун санъатимни шу гумбазлар орқали кўрсатаман", дедим. Яқинда Юртбошимиз келганда миллый услугуга эътибор беришимиз даркорлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлигидан ўзингиз ҳам хабардорсиз.

- Ҳақиқатан ҳам миллый санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлибди. Раҳмат сизга!

- Раҳмат. Йигирма беш нафар шогирдим бор, бир-биридан моҳир,-деди Саид Али ака.

- Бугун уста Шамсиддин бобо ҳам фарзанди Фазлиддин ва 8 нафар шогирди билан ишга келди, - деди Баҳодиржон.

- Ҳа, кўрдим, у киши ҳам кучли усталардан,-деди Саид Али ака.

- Устоз-шогирд муносабатлари қандай бўлиши керак?-деб сўрадим пайтдан фойдаланиб.

- Устоз, аввало, ўз ишининг устаси бўлишлиги ва шогирдларини фарзандлари каби тарбия қилиб, юриш-туришидан хабардор бўлиши керак. Шогирд эса, устози айтган ҳар бир гапни ўзига қонун деб билмоқлиги лозим. Сизга ҳаётимда бўлиб ўтган бир воқеани айтиб берай. Янги шогирдим бошқа шогирдларимдан, "Уста бобо ҳам сизлардек пардоз қила оладими?" деб сўрабди. Бу гап менга етиб келди. Озгина малол келса ҳам билдирамасдан юравердим. Бир куни янги шогирдим деворни пардоз қилаётганида, унинг олдига бо-

риб, камчиликларини кўрсатдим-да, қўлидаги андавани олиб, амалда ҳам кўриб қўйсин, деб ният қилдим. Пардозлаган жойга озгина сув урдим ва “Нимани кўраяпсан?” дедим. Янги шогирдим уялганича, “Ўзимнинг суратимни кўряпман”, деди. Мен эса, унга қараб “Баракалло, иш деган ана шундай бўлиши керак”, дедим. Ўшандан кейин у менга ихлос қилди-да, қўли гул шогирдларимдан бўлиб қолди.

### Юртимиз осмони доим мусаффо бўлсин

Сайд Али ака билан суҳбатимизни тугатиб, масжид таш-қарисига чиқдик. Чинор соясида Мусо ака, Ҳабиулло ва ҳожи Худойберди ака чой ичишиб ўтирибди. Адҳам ака ҳар кунгидек самовар қайнатмоқда, усталар ва ишчилар бирин-кетин чой дамлаб, ишлаётган жойига олиб кетиб туришибди.

- Мулла Абдужалил Умар ўғли эса, келган зиёратчиларни қўшқўллаб кутиб олиб, бу жойда бўлаётган ишларни тушунириб бермоқда. Кимdir мармартош ташийди, кимdir цемент, кимdir ҳовуз ёқасига чим босади. Ҳамма-ҳамма ўзига юклатилган вазифаларни жону дил билан адо этиш билан машғул. Тарихий обидаларни сақлаш идораси ходими Рауфжон ҳам ўз ишлари билан банд.

- Чинор тагига бориб бир пиёладан чой ичдик. Пешин вақти яқинлашгач, улардан узр сўраб, мадраса томон юрдим. Иккинчи қаватга кўтариilar эканман, мадраса хоналарини пардоzлаётган ҳамқишлоқларим уста Сайфуддин ва шогирди Азимхонлар эсимга тушди. Уларга ҳам “Ҳорманг”, деган сеҳрли сўзни айтиб, кўнглини чоғ этдим. Хонам эшиги ёнида шогирдларим Жамолиддин ва муazzин Раҳматуллолар кутиб олишди:

- Домла, Самарқанддан бир киши қўнғироқ қилиб, “Эрталаб битмаган иши битди, шуни айтиб қўйинг”, деб илтимос қилди, – деди Раҳматулло.

Вилоят ҳокимининг биринчи муовини Анвар Ризаевич келишига ҳам 10 дақиқа қолди. У кишининг шундай бир одати борки, қайси вақтга ваъда қилса, сира кечикмай етиб келади. Мажмуа қурилишида иштирок этаётган барча қурилиш

ташкилотларининг раҳбарлари чинор тагида ўз ишлари түғрисида суҳбатлашиб турибди.

Чинорлар остидаги ҳовузнинг ўз тарихи бор. Бу воқеа 1998 йил 8 июль куни содир бўлган эди.

- Муҳтарам Юртбошимизнинг касби қурувчи бўлмаса-да, лекин ўша куни берган маслаҳати билан катта тажрибага эга бўлган қурувчилар, меъморларни ҳам лол қолдирган эдилар. Биз чинор остидаги эски ҳовузни бузиб, ўрнига фаввора ўрнатган, наздимизда ишни жуда қойиллатиб, Президентимизнинг мақтовини кутиб тургандик. Бироқ у киши мажмуани айланар экан, мендан:

- Неча туп чинор кесилди? – деб сўради.

- Бирор туп ҳам чинорга текканимиз йўқ.

- Жуда тўғри қилгансизлар, – деди Президент хурсанд бўлиб. - Бу чинорлар бизга аждодларимиздан ёдгор. Тарихимишни, ота-боболаримизни эслатиб туради. Имом ал-Бухорийни зиёрат қилгани келган алломалар, подшоҳлар, вазирлар иссиқ кундан, совуқдан, ёмғирдан шу чинор остида жон сақлашган. Шунинг учун бу азим дарахтларни кўз қора-чиғимиздек асрashingиз керак. Керак бўлса, бу мажмуанинг чиройига чирой қўшиб турган ҳам шу чинорлардир.

Шундан кейин Ислом Абдуғаниевич чинорлар ҳаётини ўйлаб, фаввора эмас, ҳовуз қурилсин, дея кўрсатма берди.

Янги ҳовуз эскисидан каттароқ бўлгани ва атрофига чимлар босиб кўкаламлаштирилганлиги туфайли жуда кўзга яқин, кўркам кўринишга эга.

Ислом Каримов "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида бу воқеани шундай эслайди: "Биз 1997 йили Имом Бухорий мажмуасини янгитдан барпо этиш пайтида бу ердаги олти-етти аср умр кўрган чинорлар ва қадимий ҳовузни сақлаб қолиш учун барча зарур чораларни кўрдик. Ҳатто чинорлар қандайдир қасалликка чалингандা, даволаш учун Тошкентдаги Ботаника илмий-тадқиқот институтидан тегишли мутахассислар юборилган эди."<sup>42</sup>

Президентимиз томонидан киритилган яна бир янгилик Ҳазрати бузруквор мақбараасига тушиладиган эшикни ён томондан очиш ҳақидаги таклиф бўлди. У киши ўшанда мени чақириб, "Нега шундай таклифни Сиз айтмадингиз", деб сўра-

дилар. Рости бундай фикр хаёлимга келмаган экан... Ислом Абдуғаниевичнинг таклифи қанчалик ўринли эканлигини энди англаб етаяпмиз. Зиёратга келаётган азиз меҳмонлар Бухорий бобомизнинг қабри атрофида қийналмай ўтириб, зиёрат қилиш имконига эга бўлдилар. Аввалги ҳолати сақланганда, бу иш анча мушкуллик туғдиради.

Ҳовузга сув қўйилгандан бери чинорларнинг барглари янада яшнаб, "Юртбошимизга раҳмат", дегандек шох силкиб турибди. Уларга қараб шогирдим Отабекнинг шеъри ёдимга тушди:

*Бир туп чинор танасин буриб,  
Таъзим қилиб турар қабрга,  
Балки бобом тобутин кўриб,  
Мен ҳам борай дегандир бирга...*

Отабек қайси чинорни кўзда тутган экан? Ҳа, ана у, ҳақиқатдан ҳам бошини эгиб, таъзим қилиб турибди. Авваллари ҳеч зътибор бермаган эканман.

Отабек мажмуя қурилиши бошлангандан бери кунлик воқеаларни ёзиб бораётган эди. Қурилишнинг боришига бағишлиланган навбатдаги мажлисдан кейин у ёнимга келиб, бугун кўрганларини қайд этиб қўйганини айтди:

- Сизда нима янгиликлар бор, устоз?

Мен унинг саволларига батафсил жавоб қайтариб, шу бугун учрашган, ҳол-аҳвол сўрашган азиз инсонлар, улар амалга ошираётган, муболағасиз айтиш мумкинки, тарихий ишлар ҳақида гапириб бердим. Бугун сиз ўқиётган камтарин қайдлар ана шу ёзувлар асосида пайдо бўлди.

Мен Имом ал-Бухорий ҳазратларига бағишлиланган ниҳоятда кўркам, муҳташам мажмуанинг барпо этилишини тарихий воқеа деб атадим. Бу сўзда хато йўқ, чунки ўша кунларда нафақат бизнинг, балки ота-боболаримизнинг ҳам кўнглидаги аччиқ армони ушалди. Ҳаётимиздаги яна бир ноқислик тўлди, бағримиз бутунроқ бўлди. Руҳимиз тоғ қадар ўсди. Бузрукворимизга, у зот муносиб бўлган ҳурмат ва эҳтиром намуналари кўрсатилган, шунингдек у зотга муносиб обод манзил барпо этилган кунларга етдик. Бу бизнинг Имом ал-Бухорий ҳазратларининг абадияти олдидағи ҳурмат-эҳтиромимиз белгиси эди.

Буларнинг ҳаммаси домла Ғайбуллоҳ ас-Салом айтганларидай, "Истиқлол ҳазрати олийлари" туфайли мумкин бўлди. Бу бебаҳо, савоб ишга раҳбарлик қилган, бош-қош бўлиб турган раҳбарларимиз – муҳтарам Юртбошимиз, республика, вилоят даражасидаги қатор раҳбарлар, қурилиш ташкилотларининг етакчилари ҳамда барча қурувчилар, йўлсозлар, нақошлар, ҳайдовчилар - барча-барча инсонлар номма-ном эспашга, чуқур таъзим қилиб, ташаккур из-ҳор этишга арзийдилар.

Халқимиз жуда ажойиб, таҳсинга сазовор урф-одатларга бой. Бир-биримизга меҳр-оқибатни пайдо қиласиган энг яхши одатларимиздан бири - ҳашардир. Қадим-қадимдан бололаримиз кўп яхши ишларни ҳашар йўли билан бажаргандар. Ҳозирги вақтда ҳам ҳашар энг улуғ қадриятларимиздан бири ҳисобланади. Имом ал-Бухорий бобомизнинг тўйи муносабати билан амалга оширилган хайрли ишларда халқимиз ҳам четда қолгани йўқ, балки жамоа-жамоа бўлиб ҳашар ўюштирилар. Айниқса, Самарқанд шаҳрида жойлашган турли ташкилот ҳодимлари, ўқув юртлари талабалари, муқобил хизматдаги йигитлар, ички қўшин бошқармаси ҳодимлари, Челак, Пойариқ, Оқдарё, Ургут ва вилоятнинг бошқа туманларидан келган олиҳиммат инсонлар, маориф бўлими ҳодимлари, қолаверса, барча жомеъ масжидларидан ташриф буюрган намозхон оталаримизнинг беғараз хизматлари алоҳида мақтовга сазовордир.

Ҳозирда Имом ал-Бухорий мажмуасига келаётган минглаб зиёратчилар, икки ракат намоз ўқиб, савобини мажмуа қурилиши иштирокчиларига ҳам бағишлийдилар. Мен ҳам шу ўринда дуо қиласман: "Эй, бор Худоё, ўзинг билиб-кўриб турибсан, шу мажмуага давлатимиз раҳбарлари, ташкилот бошлиқлари, қўли гул усталар, моҳир ҳунармандлар, мингминглаб ҳашарчиларимиз ўз ҳиссаларини қўшдилар. Уларнинг хонадонларини файзу баракотларга тўлдиргинг, келгусидаги хайрли ишларига ривож бергин, юртимиз осмонини ҳамиша тинчлик неъматинг билан чароғон қилгин. Шу тиниқ осмон остида барчамизга фақат Ўзингга ибодат қилиш насиб этсин. Омин!"

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ МАДРАСАСИ – ҲАДИС ИЛМИ МАРКАЗИ

Истиқполга эришганимиздан сўнг теварак-атрофимизда яшайдиган кўплаб ёшлар масжидимизга келиб, диний таълим беришимизни сўраб мурожаат қила бошлади. Биз масжид ҳайъати билан келишиб, масжид қошида диний таълим маскани очиш ҳақида маҳаллий ҳокимиятга таклиф киритдик. Ҳокимият бизни қўллаб-қувватлади. Натижада, 1991 йили масжид қошида Имом ал-Бухорий номидаги диний мадраса мустақиллигимизнинг илк меваси сифатида фаолият бошлади. У пайтлар ҳозиргидек муҳташам иморат бўлмаганлиги учун жамоа хўжалиги ихтиёридаги эски ўқув биносидан фойдаландик. Масжид имоми ноиби Сулаймон Маҳмудов мадраса мудири этиб сайланди. Ҳамон эсимдан чиқмайди, илк дарсни бошлаганимда талабалар партада ўтириб мени тингларди. Уларга қироатдан дарс берардим. Бир замонлар худди шу хонада ислом динига нисбатан ҳақоратли гаплар айтилган, бугун эса Қуръон оятлари баралла эшитиларди. Қалбимга сифмаган қувончим кўзимдан ёш бўлиб отилган эди ўшанда.

1993 йилга келиб мадраса учун янги бино қурилди, ҳозирги пайтда таълим ана шу иморатда фаолият юритмоқда.

Имом ал-Бухорий мадрасаси фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги қонунлар ва Низоми асосида олиб бормоқда. 1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ти қонунига ўзгаришлар киритилганлиги сабабли, мадраса "Ҳадис илми маркази" деб юритила бошланди. Билим даргоҳи мустақил ҳуқуқий шахс сифатида Ўзбекистон Республикасида белгилаб қўйилган кўплаб ҳуқуқ ва имтиёзларга эга.

"Ҳадис илми маркази"да касбининг фидойиси бўлган устозлари ёш авлодни юксак маънавий руҳда тарбиялашга астайдил бел боғлаганлар. Талабаларга 20 нафар мударрис ихтисослик ва умумтаълим фанларидан сабоқ беради. Улардан 13 киши олий маълумотли мутахассис, бир нафари фан номзоди, 7 мударрис ўрта маҳсус маълумотига эга.

2000 йилдан ўқув жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан тузилган янги дастур асосида олиб борилмоқда. Диний таълим билан бирга дунёвий фанлардан ҳам дарс берилаётганлиги талабаларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишмоқлигига имкон берәтири. Республикаиз мадрасалари ўртасида ўтказилган фанлар бўйича олимпиадада талабамиз Жалолиддин Асроров фаҳрли учинчи ўринни олди. Мадрасада яхши илим олиш учун зарур имкониятлар яратилган. "Қуръон", "Ҳадис", "Фиқҳ", "Ислом тарихи" каби ва "Компьютер саводхонлиги", "Дурадгорлик", "Сартарошлиқ", "Тикувчилик" сингари касб-ҳунар тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. "Ёш қаламкашлар жамияти" ва "Ёш уламолар жамияти" ҳам филият бошлаган.

Мадрасанинг иккинчи қавати талабалар турар жойи. Ўқув юрти ичida ошхона, таҳоратхона ва масжид ҳам бор. Мадраса атрофидаги спорт майдончалари спорт анжомлари билан таъминланган. 2003 йилдан бошлаб талабаларимиз "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида иштирок этмоқдалар.

Мадраса кутубхонасида мавжуд 8000 та китобдан 6400 таси дарслик ва қўлланмалар, 1600 таси эса бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлардир. Талабалар бўш вақтларини кутубхонада ўtkазишни хуш кўрадилар.

Мадраса талабалари ичida Қуръонни тўлиқ ёд олган қорилар ҳам бор. Булар ҳар йили Рамазон ойида хатми Қуръон қиласидилар. Лайлатул-қадр кечасини вилоятимиз мусулмонлари Имом ал-Бухорий масжидида ўtkазишни анъана қилиб олганлар. Шу муносабат билан йигилган минглаб кишиларга қориларимиз кечаси билан Қуръонни хатм қилишади. Мударрисларимиз мавъизалари билан иштирок этади.

"Ҳадис илми маркази" ўқув фаолияти билан чекланиб қолаётгани йўқ. Келажакда бу даргоҳни янада кенгайтириб, дунё мавқеига тенг келадиган, ислом тараққиётига хизмат этадиган олий маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган, ҳадисшунослик ва ҳадис илми тадқиқ қилинадиган марказга айлантиришдек зазгу ниятларимиз бор. Мадрасага 9- ёки 11- синфни битирган йигитлар танлов билан қабул қилинади.

Ха, биродарлар, Ўзбекистон мусулмонлари бугун баҳтиё-рдир. Масжидлар очиқ, мадрасалар фаолият кўрсатяпти. Илм учун дунёнинг ҳамма эшиклари очилган. Фақат биз шу-кур қилиб, фарзандларимизнинг илм олишлари учун имко-ниятларни янада бойитишимиз керак. Пайғамбаримиз (с.а.в.) "Бешикдан қабргача илм изла", деганлар. Илм излашдан аспо толмайлик!

### ЗИЁРАТ ТАРТИБИ ВА ОДОБИ

Имом ал-Бухорий вафотларидан кейиноқ бу ерга узоқ-яқиндан зиёратчилар оқими кела бошлаган. Мана, орадан 1235 йил ўтса-да ҳамон зиёратчиларнинг сони камайгани, қадами узилгани йўқ. Айниқса, янги мажмуа қуриб битказилгач, зиёратчилар янада кўпайди. Ҳатто ўқув даргоҳларидан ҳам гуруҳ-гурӯҳ бўлиб, ўқувчи ва талаба йигит-қизлар зиё-ратга келяпти. Ҳазратнинг ислом илми борасида қозонган улкан ютуқларидан хабардор фарзандларимиз келажакда Имом ал-Бухорийдек етук инсон бўлиб, ҳалқимизга, ватани-мизга астойдил хизмат қилишни ният қиладилар.

Шу ўринда зиёрат тартиби ва одоби ҳақида икки оғиз сўз айтмоқни лозим кўрдик. Баъзи зиёратчиларимиз, айниқса, аёллар мақбара тошларини тавоғ қилиш, қабрни айланиш, чироқ ёкиш, дарахтларга ип боғлаш каби динимизда йўқ бидъ-ат амалларни бажаришга уринадилар. Шу боис Зиёратга мутасаддиларимиз уларга бу ишлар исломга зид эканлигини, зиёрат тартибини ётиғи билан тушунтириб, бидъат ишларни бошқа зиёратгоҳларда ҳам қипмасликни уқтиришмоқда.

Баъзи қизларимиз фолбинларнинг гапига кириб, "Менинг баҳтим қулфланиб қолибди, шу қулфни очиб беринг", деб

қулф олиб келишади. Мулоҳаза қилиб кўрайлик, инсоннинг баҳти бир парча темирга боғлиқ бўлиб қулфланиб қоладими? Шу қулфни очиш билан унинг баҳти очилиб кетармикин? Албатта, фикрли, онгли кишилар бундай ноўрин гапларга ишонмайди. Биз ҳам "Бахти қулфланиб" қолган сингилларимизга, "Сингилжон баҳтни Аллоҳдан сўранг! Сиз - инсонсиз, инсон - ҳамма нарсадан улуғ. Сиз - мусулмонсиз, мусулмон киши ҳар ҳожатини Аллоҳдан сўрайди. Келинг, биз ҳар жума намозида ҳаққингизга дуо қилайлик. Зора дуоимиз ижобат бўлиб, баҳтли бўлсангиз", деймиз.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: "Аллоҳ таоло тўрт нарсани сизлар учун ёмон кўради:

1. Намозда ортиқча ишлар билан шугулланишни;
2. Қироатда лағв қилишни;
- 3 Рўзада ёмон сўз ва амаллар қилмоқликни;
4. Қабристонда кулишни."

Баъзи зиёратчилар мақбара ёнида бир-бири билан кулишиб, одобсизлик қипадики, бу ҳар қандай кишини ранжитади. Пайғамбаримиз (с.а.в.): "Қабрларни зиёрат қилинглар. Зиёрат қилиш сизларга охиратни эслатади", деб айтганлар. Демак, зиёратда охиратни эслаб, ҳаётлик давримизда кўпроқ яхшиликлар қилиш ҳаракатида бўлишимиз зарур экан.

Ўз фуқароларининг қадрига етадиган инсонпарвар ҳукуматимиз зиёратга келган ногиронлар учун маҳсус аравачалар ташкил қилишда ёрдам кўрсатди.

Рассомимиз Сайфиддин томонидан тайёрланган қуйидаги эълон ҳам зиёратга келганларга қулайлик учун яратилган:

"Хурматли зиёратчилар! Қуйидаги тартибга риоя қилишларингизни илтимос қиласиз: хайр-эҳсонлар эҳсон кутиларига солинсин. Масjid ичига кирганлар икки ракаат нафл намозини ўқийдилар. Жонлиқ ва гилам эҳсон қилувчилар "Кирим ордери"ни ёздириб олишлари шарт. Мажмуани танишитирувчи керак бўлса, сизни кутиб олган ходимларга мурожаат қилинади. Таассурот ва эътироzlарингизни китобга ёзиб қолдиришларингиз мумкин. Сиз азизларга камоли эҳтиром ила масjid ҳайъати".

Имом ал-Бухорий ҳузурларига маҳаллий халқимиздан ташқари ер юзидаги барча давлатлардан зиёратчилар ташриф буюришади. Баъзилари мақбара ёнида оёқяланг бўлиб, йиғлаб-йиғлаб тиловат қилади. Ҳеч ёдимдан чиқмайди: хорижлик бир зиёратчи кўзида ёш билан менга: "Сизнинг бобонгиз шундай бир улкан, чукур ариқ қазиб кетганки, у ариқдан мусулмонлар қиёматгача илм шарбатини ичадилар", деган эди ҳаяжон билан.

Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилгани турли давлатларнинг раҳбарлари ҳам келишган:

1989 йил. Ҳиндистон Ташқи ишлар вазири Абу Бакр Абдул Раҳим.

1986 йил. Судан Бош вазири Содик Маҳдий.

1986 йил. Жаҳон Ислом ташкилоти бош котиби ўринбосари Муҳаммад Носир ал-Аббудий.

1987 йил. Малайзия Бош вазири Махатхир Муҳаммад.

1987 йил Афғонистон Диний ишлар ва вақф вазири Абдужамил Зарифий.

1988 йил Марокаш Ислом ишлари ва вақф вазири Абдулкабир ал-Алвия ал-Мағрибий.

1988 йил. Қувайт Ислом ёдгорликлар марказининг директори Шайх Хэсса ас-Сабоҳ хоним.

1989 йил. Индонезия Президенти Сухарто.

1992 йил. Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний.

1992 йил. Покистон Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф.

1993 йил. Эрон Ислом Республикаси Президенти Рафсанжоний.

1994 йил. Вьетнам Ташқи ишлар вазири Нгуен Ман Кам.

1994 йил. Покистон Бош вазири Беназир Бхутто хоним.

1995 йил. Миср Вақф вазири Али Мажхуб.

1995 йил. Индонезия Президенти Сухарто.

1996 йил. Туркия Президенти Сулаймон Демирел.

1996 йил. Буюк Британия шаҳзодаси Чарльз.

1996 йил. Покистон Президенти Аҳмадхон Легхарий.

1999 йил. Туркия Президенти Сулаймон Демирел.

1999 йил. ЮНЕСКО Бош котиби Федерико Майор.  
2002 йил. Эрон Президенти Хотамий ва бошқалар.

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ МАЖМУАСИДАГИ БИТИКЛАР

Мажмуага кираверишдаги дарвоза пештоқига кошин билан битилган ёзув ҳар қандай одамни дарров үзига жалб қиласади. Эътиборли кишилар унга узоқ термулиб қоладида, кейин мажмуага киради. Бу битиклар оддий бир битиклар эмас. Мусулмонлар учун энг муқаддас китоб бўлган Қуръони карим оятлариидир.

Биринчи қаторда куфий хати билан Бақара сурасининг 186-ояти ёзилган.

وَإِذَا سَأَلَكُ عَبْدٌ عَنِ فَانِيْ فَرِبَتْ أَجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ

Яъни, “Бандаларим Сиздан (эй Мұхаммад) Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида, дуогўйларининг дуосини ижобат қиласман”.

Бу ояти каримада, Аллоҳ таоло бандаларига жуда катта имконият бериб, ўзини бандаларига яқин эканлигини ҳамда уларнинг дуосини ижобат қилишини билдиради.

Ҳаёт - жуда мураккаб. Бу ёруғ дунёда ҳар хил инсонлар яшайди. Уларнинг ҳаммаси ҳам Аллоҳ таолонинг бандасидир. “Қочган ҳам Худо дейди, қувган ҳам”, деганлариdek, ҳар бир инсон ҳаётлик даврида ўз манфаати учун Аллоҳдан турли хил нарсаларни сўрайди. Аммо биз мўмин мусулмонлар нима деб сўрашлигимиз керак? Худди шу саволга иккинчи қаторда сулс хатида ёзилган Ҳашр сурасининг 10-ояти жавоб бўла олади:

وَالَّذِينَ جَاءُو مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اَغْفِرْنَا وَلَاخُوَانَنَا الَّذِينَ سَيَقُونَا  
بِالْعَيْنِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غَلُّ لِلَّذِينَ عَاهَنَا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ

Яъни, “Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: “Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин ва қалб-

ларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмагин. Парвардигоро, албатта, Сен Меҳрибон ва Раҳмидирсан".

Ояти каримани шундай шарҳлаш мумкин:

"Парвардигоро, ўзинг бизларни мағфират қил". Аллоҳ таоло бу каломи билан фақат ўзимизни эмас, балки ҳаммамиз бир-биримизни ўйлашимиз, бир-бирларимизга яхшилик қилмоқлигимиз зарур экани ҳақида таълим берди. Аллоҳ таоло қайсики бандасининг гуноҳларини кечирса, ўша бандасига раҳмат эшикларини очса, бандаси яшаб турган жойни оғфату кулфатлардан сақлаб, қут ва барака нозил қилиб қўяди. Шундай экан, бир-биримизнинг гуноҳларимизни яратган Зотдан кечиришларини сўрайверсак, Аллоҳ таоло меҳрибон зот, гуноҳларимизни кечиради ва доимо юртимизни тинч ва осойишта қилиб қўяди.

"Бизлардан илгари иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин". Мусулмонларнинг бирдан-бир орзуси дунёдан иймон билан кетмоқлиқдир. Шунинг учун ҳам бир-биримизга яхшилик қиласиз, савоб ишларни кўлпайтирамиз, гуноҳ ишлардан қочамиз. Ибодатга машғул бўламиз. Жамиятимизнинг равнақи учун курашамиз. Иймонсиз кишидан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Демак, иймонли киши ўзи яшаб турган замонасида фақат эзгу ишларда иштирок этган одамдир. Шу сабабдан ҳам биз иймон билан ўтганларни мағфират қил, деб сўраймиз.

"Ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмагин". Бу сўзлардан нимани англадингиз? Иймон келтирганлар кимлар? Албатта иймон келтирганлар – сизу биз, мусулмон бандаларимиз. Ота-онамиз, ака-укамиз, опасинглимиз, қавму-қариндошимиз, ҳамсоя-ҳаққимиз, маҳалламизда, туманимизда, бутун Ўзбекистонимизда, қолаверса, бутун дунёда истиқомат қилаётган мўмин-мусулмон биродарларимиздир. Иймонли кишилар бир-бирлари билан гап талашиб, жанжал қилишлари, қўлига қурол олиб қон тўкишлари у ёқда турсин, фақатгина Аллоҳга ва ўзимизга маълум бўлган, қалбимиздан ўтиб қолган гина ва ҳасаднинг бўлмаслигини Аллоҳдан сўрашлари керак. Бу дунё ўткинчидир. Шундай экан, умримиз борича бир-биримизга яхшилик қипайлик.

“Парвардигоро, албатта, Сен Меҳрибон ва Раҳмлидирсан”. Ота-она ўз фарзандига қандай меҳрибон бўлса, Аллоҳ таоло баңдаларига ундан ҳам меҳрибон ва раҳмлидир. Қайси банда бошқаларга меҳрибон бўлса, Аллоҳ таоло ҳам ўша бандасига кўпроқ меҳрибонлик ва раҳмдиллик қиласди.

Бу дуони мусулмонлар ҳар дам ўқишади. Халқимизда “Олтин олма, дуо ол”, деган нақл бор. Бир-биirimizning ҳақларимизга кўпроқ дуо қилаверайлик.

Зиёратгоҳга киришда миллий ёғоч ўймакорлик услубида ясалган дарвоза ўрнатилган. Дарвозанинг энг тепа қисмига:

**”عَمَلُ أُوستَّا امِيرُ اللَّهِ يُولَبَرْسُ حَاجِيٌّ“**

деб ёзиб қўйилган. Яъни: “Уста Амируллоҳ Йўлбарс ҳожининг иши”. Демак, бу дарвозани уста Амируллоҳ Йўлбарс ҳожи ўз шогирдлари билан яратган. Дарвозанинг ўрта қисмига ниҳоятда чиройлик қилиб:

**”لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ“**

калимаси ёзилган. Яъни: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Муҳаммад Аллоҳнинг Расули”. Ҳар бир мусулмон киши ўзининг мусулмон эканлигини ана шу калима билангина исбот қилиб бера олади.

Дарвозага маҳорат билан, жаннат саккиз эшигининг номлари битилган:

- |                          |                       |
|--------------------------|-----------------------|
| ١. دَارُ الْجَلَالِ      | ٢. دَارُ السَّلَامِ   |
| ٣. جَنَّةُ الْخَلْدُ     | ٤. جَنَّةُ الْمَأْوَى |
| ٥. جَنَّةُ الْعَذْنِ     | ٦. دَارُ الْفَرَارِ   |
| ٧. جَنَّةُ الْفِرْدَوْسِ | ٨. جَنَّةُ النَّعِيمِ |

Аллоҳ таоло баңдаларининг қилган амалларига қараб, ана шу саккиз дарвозадан жаннатга киргизади. Аллоҳ таоло ҳаммамизни мана шу зшикларнинг биридан киришлигимизни насиби рўзи қилсин. Омин!

Зиёратгоҳга киргандан кейин ўнг томондаги катта равоқ-нинг устки қисмига ҳам битиклар битилган. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак куфий хатида:

### الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ

калимаси 4 маротаба тақрорланиб келган. Унинг тагида супс хатида Каҳф сурасининг 10-ояти ёзилган:

**قَالَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى: رَبَّا إِنَّا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةٌ وَهُنَّ لَنَا مِنْ أَمْوَالًا رَشَادًا**

Яъни: "Парвардигоро, бизларга ўз ҳузурингдан раҳмат-мағфират ато этгин ва бизларнинг ишимизни Ўзинг ўнглагин".

У жойдан ичкарига кирсак, кичкина ҳовлига дуч келамиз. Чап томондаги эшиқдан музейга кирилади. Тўғридаги икки табақали нақшлар билан безатилган эшиқдан катта хонага, яъни мажлислар учун мўлжалланган хонага ўтилади.

### МАЖЛИСЛАР ХОНАСИ

Мажлислар хонаси сари юрилар экан, рўпарамизда учта эшикни кўришимиз мумкин. Биринчиси мажлислар хонасига кириладиган эшик бўлиб, устига:

**قَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ: مَنْ صَلَّى عَلَى فِي كِتَابٍ لَمْ تَرْزُلْ الْمَلَائِكَةُ تُصَلِّي عَلَيْهِ مَا دَامَ إِسْمِي فِي ذَلِكَ الْكِتَابِ، الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ**  
деб ёзилган.

Яъни: "Пайғамбаримиз (сав) айтдилар: "Кимки менга китобда саловат айтса (яъни: ёзиш билан) фаришталар унга доимий саловат айтади. Мадомики менинг исмим шу китобда бўлса". Саловат ва саломлар сизга бўлсин Сайидимиз Мұҳаммад, эй Аллоҳнинг Расули!"

Эшикнинг ўнг табақасига:

**إِنَّمَا أَلَاّ عَمَالٌ بِالنَّسَاتِ**

“Албатта амаллар ният билан”, чап табақасига эса:

إِنَّمَا لِكُلِّ أَمْرٍ مَا تَوَا  
ي

“Ҳар бир киши нимани ният қилса етади”, деган ҳадислар битилган.

Иккинчи эшикнинг устига:

اوستا سراج الدين رحمة الله اوغли واوستا حسن فرمود اوغلى سنة ۱۹۹۸ تاشкىد

Яъни: “Уста Сирожиддин Раҳматуллоҳ ўғли ва уста Ҳасан Пирмат ўғли, 1988 йил, Тошкент”, деб ёзилган.

قالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ مَا هَيْتُكُمْ مِنْهُ فَاجْتَبَوْهُ

ўнг табақасига: قَاتَلُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعُتُمْ صَدَقَ رَسُولُ اللَّهِ

Яъни: “Набий алайҳиссалом айтди: “Нимадан сизларни қайтарсам, ундан сақланинг ва нимага буюрсам, қодир бўлганингизча қилинглар”. Расулуллоҳнинг айтганлари тўғри.

Иккинчи эшиқдан кирганингиздан кейин, чап томонда таҳоратхоналар мавжуд. Мажлислар хонасига кириш учун яна битта – учинчи эшикни очишимииз керак.

Учинчи эшик тепасига:

اوستا اکمل اکرام حوجе اوغلى اوستا قهرمان کрим اوغلى سنة ۱۹۹۸ تашкىد

Яъни: “Уста Акмал Акрамхўжа ўғли. Уста Қаҳрамон Карим ўғли, 1998 йил, Тошкент”, деб ёзиб қўйилган.

Чап табақасига:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَيَكُرِمْ ضَيْفَهِ

Яъни: “Расулуллоҳ айтди: “Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунгига иймон келтирса, меҳмонини ҳурмат қилсин”.

Ўнг табақасига:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لِصَنْ

Яъни “Айтди Расулуллоҳ: “Кимки Аллоҳга ва Қиёмат кунинга иймон келтирса, яхши гапларни гапирсинг ёки жим турсин”.

Мажлислар хонасига кирап экансиз, 50 кишига мўлжалланган айланана столга кўзингиз тушади. Унинг ўртасида уч бўлак сунъий гулдаста узукка кўз қўйгандек ярашиб, очилиб турибди.

1998 йил 23 октябрда, Имом ал-Бухорий тантанаси мұносабати билан шу хонада удумимизга биноан ош берилди. Унда меҳмонлар билан бир қаторда жаноби Президентимиз Ислом Каримов ҳам қатнашдилар.

### ЁФОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ ВА НАҚҚОШЛИК

Ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик санъати миллий маданиятимизнинг юксак такомилга етган, ҳар қанча қувонса, фахр этса арзийдиган турларидан ҳисобланади. Имом ал-Бухорий зиёратгоҳида ҳам ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик санъати намуналаридан кенг фойдаланилган. Мажмууга киришда ўнг қўл томондаги айвон шифтига:

“Уста Ориф ўз шогирдлари билан бажарди” деб ёзилган. Ўша айвон шифтида яна:

“Уста Пўлатхон, Наманган” деган сўзлар бор.

Мақбара атрофидаги устунларнинг бирига, “Уста Миркамол Асадов, 1998 йил”, деб лотин ҳарфида битиб қўйилган.

Масжидга киришдаги ўнг томондаги айвон устунига “Наманганлик уста Мўйиддинхон ўғиллари Неъматжон”, яна бир устунга:

“Уста Йўлбарс ҳожи Муҳаммад ўғли, Андижоний” деб ёзилган. Ўша ердаги мадрасага чиқиб кетиш учун мўлжалланган эшик устига:

“Акбархон шогирди устоз Насрулло” дея қайд этилган.

Бу эшик ёнига ҳар доим зиёратчилар тўпланиб қолишиади. Чунки эшик уч қават ўймакор нақшлар билан безатилган. Безак шунчалик нозикки, ҳар қандай одамни ҳам беҳис қолдирмайди.

Ҳа, тарихи бор халқнинг келажаги бор экан. Энг оғир даврларда ҳам миллий маданиятимиз намояндалари бўлмиш усталар асрлар давомида сайқалланган санъатини бой бермай, ўз шогирдларига олтин мерос сифатида қолдириб кетишиди. Мустақилликимиз омон бўлса, тинчлик бўлса, фарзандларимиз ҳали бу санъатларни янада баланд мақомларга етказадилар.

## МУЗЕЙ

Музейга киришингиз билан ўнг томондаги Каъбапўш эътиборингизни ўзига тортади. Уни 1992 йил Саудия Арабистони подшоҳи Фахд ибн Абдулазиз жаноблари Президентимизга совға қилганлар. Каъбапўшга “Оли Имрон” сурасининг 97-ояти ёзилган:

فِيْ هَذِهِ آيَاتِ بَيِّنَاتٍ مَقَامُ إِبْرَاهِيمَ وَمَنْ دَخَلَهُ كَانَ ءَامِنًا وَلَلَّهُ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مِنْ اسْتِطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ

Бу, “Унда мақоми Иброҳим (яъни, Каъбани қуришда Иброҳим алайҳиссалом оёқлари остида бўлган харсанг тош, у тошдан ҳанузгача Иброҳим пайғамбарнинг оёқ излари кетмаган) ва унга кирган одам ҳар қандай хавф-хатардан омон бўлиши очиқ оят-аломатлар бордир”, деган маънодаги ояддир.

Музейда асосан хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонларнинг совғалари сақланади.

Хусусан:

Индонезия Президенти Сухарто жаноблари 1995 йилда тақдим этган Қуръони карим нусхаси;

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто жаноби олиялари 1994 йилда совға қилган Қуръони карим нусхаси;

Иордания Ҳошимийлар қироллиги томонидан инъом қилинган Қуръони карим нусхаси;

Саудиялик ватандошимиз ҳожи Абдулбоқий томонидан 1999 йили ҳадя этилган Каъбатуллоҳнинг эшиги макети, "Кофирун" ва "Ёсин" сураларининг ҳусниҳат билан битилган нусхалари;

Бирлашган Араб Амирлиги томонидан 1985 йилда берилган, Каъбатуллоҳ сурати туширилган типлодан ясалган ли-копча;

Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги элчиси 1999 йили совға қилган жилди садафдан ясалган Қуръони карим нусхаси;

Эрон Президенти Оятуллоҳ Рафсанжоний 1993 йили совға қилган Қуръони карим нусхаси;

Эрон Ташқи ишлар вазири Саид Камол Ҳаррозий томонидан 2000 йилда совға қилинган Қуръони карим нусхаси.

Сулаймон Демирел жаноблари 1996 йили совға қилган Қуръони карим нусхаси;

Малайзия Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ҳадя қилинган совғалар;

Германия Бундестаги тарафидан ҳадя этилган кумушдан ясалган медальон;

Бирлашган Араб Амирлиги томонидан берилган, жилди садафдан ясалган Қуръони карим нусхаси;

Марокаш подшоҳи Ҳасан II томонидан 1970 йилда совға қилинган, мисдан ясалган катта қандил ва бошқа ноёб буюмлар, китоблар.

Имом ал-Бухорий масжидининг 1998 йилгача бўлган кўриниши макети ҳам шу ерга қўйилган.

Кўрдикки, музейга кўплаб давлатларнинг раҳбарлари бу ерга зиёрат учун келиб, ўз совғаларини топширганлар. Бу ҳам Имом ал-Бухорийга бўлган юксак ҳурматнинг нишонасидир.

## МАСЖИД

Масжидга кираверишдаги катта рабоқнинг устки қисмига куфий хатида Ихлос сураси битилган:

فُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ. اللَّهُ الصَّمَدُ. لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُوَلَّدُ. وَلَمْ يَكُنْ لَّهٗ كُفُواً أَحَدٌ.

Мазмуни: “1. (Эй Мұхаммад), айтинг: У - Аллоҳ Бирдир. (Яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир, У яккаю ёлғиздир). 2. Аллоҳ (барча ҳожатлар билан) кўзлангувчидир (яъни барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир.) 3. У туғмаган ва туғилмагандир (яъни, Аллоҳнинг ўғилқизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий зотдир). 4. Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир.”

Сулус хатида: Мұъминун сурасининг 1-4-оятлари ёзилган:

قَذْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ. الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ حَافِظُونَ. وَالَّذِينَ هُمْ عَنِ  
اللَّغْوِ مَغْرُضُونَ. وَالَّذِينَ هُمْ لِلزَّكُوهُ فَاعْلَمُونَ.

Мазмуни: “1. Дарҳақиқат, мүминлар нажот топдилар. 2. Улар намозларида ( қўрқув ва умид билан) бўйин эгувчи кишилардир. 3. Улар беҳуда-фойдасиз (сўз ва амаллардан) юз ўғиргувчи кишилардир. 4. Улар закотни (адо) қилгувчи кишилардир”.

Рабоқнинг пастки қисмига, яъни, ўнг томонига:

“Ҳаттот Ислом Мұхаммад ва Ҳабибуллоҳ Исмоил Солиҳ ал-Ҳисорий, нақш ишлари раҳбари Абдулғани Тошмуҳаммад ўғли Абдукарим Ҳожиев”, деб ёзилган.

Масжидга учта эшик орқали кирилади. Бу эшикларга ҳам битиклар ёзилган. Ўнг томондан биринчи эшикнинг ўнг табакасига Куфий хатида :

الرَّحْمَنُ

Яъни: “Мехрибон” деб ёзилган.

Сулус хатида: **عَجَلُوا بِالصَّلَاةِ قَبْلَ الْفَوْتِ**

деб ёзилган.

Яъни: "Шошилинглар, намоз вақти ўтмасдан!"

Чап табақасида: **الرَّحِيمُ**

Яъни: "Раҳмидил".

Сулус хатида: **عَجَلُوا بِالتَّوْبَةِ قَبْلَ الْمَوْتِ**

Яъни: "Тавбага шошилинглар ўлим келмасдан", деб ёзилган.

Үртадаги эшикнинг ўнг табақасида:

**رَبَّنَا افْتَحْ لَنَا أَبْوَابَ الرَّحْمَةِ**

Яъни: "Эй Парвардигоро, бизга раҳмат эшикларингни оч", чап табақасига Бақара сураси 281-оятдаги каломлар ёзилган:

**وَأَنْقُوا يَوْمًا تُرْجَمُونَ فِي إِلَى اللَّهِ**

Яъни: "Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз!" Чап томондаги эшикнинг ўнг табақасида:

**أَبْوَابُ الْجَنَّةِ مَفْتُوحَةٌ عَلَى الْفَقَراءِ**

"Жаннат эшиклари фақирлар учун очиқдир".

Ўнг эшикка:

**وَالرَّحْمَةُ نَازَلَةٌ عَلَى الرَّحِمَاءِ**

Яъни: "Раҳмат раҳмилларга тушиб турувчиидир" деб битилган.

Масjid ичига кирар экансиз, қизил рангли жойнамоз шаклида тўқилган Хива гилами кўзингизни олади. Бу гилами саудиялик ватандошимиз, "Ал-Марва" муассасасининг раҳбари ҳожи Абдураҳмон Хива гиламдўзларига буюртма бериб, масжидга тўшаганлар. 4 та кичик ва битта катта гумбаз ганчкорларнинг нозик санъати билан музайян. Ундаги

қандил эса худди шу гүмбазларга мослаб ўрнатилгандек. Бу қандиллар Тошкентда тайёрланган.

Меҳроб тепасига:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ

Яъни: "Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Мұхаммад Аллоҳнинг элчиси" деган қалималар битилган. Бу ёзувни Абдужалил Умар ўғли араб ҳарфида усталарга ёзиб берган.

Масжидда бир вақтнинг ўзида минг киши намоз ўқиш имкониятига эгадир.

## КУТУБХОНА

Зиёраттоҳ дарвозасидан кирилганда, ўнг томонда кутубхона жойлашган. У 1974 йили Имом ал-Бухорий ҳазратлари таваллудининг 1200 йиллиги арафасида очилган.

Кутубхонада XIX аср охирларида Истанбул, Қоҳира, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Қозон, Уфа, Москва шаҳарларида чоп этилган 600 дан зиёд қадимий қимматбаҳо китоблар жам этилган.

Қўлёзма-тошбосма китоблар, асосан, фиқий масалалар, Қуръон тафсирлари, ақоид (ислом фалсафаси), ҳадис ҳамда Навоий, Фузулий, Бобораҳим Машраб, Яссавий ва бошқа шоирлар асарларидан иборат.

Кутубхонада қўлёзма китоблар учун алоҳида, тошбосма китоблар учун алоҳида хоналар мавжуд бўлиб, ҳарорат бир маромда сақланади. Хоналар ҳаво алмаштиргичлар билан жиҳозланган. Ҳар бир китоб учун маълумот варақаси бор. Китобни қачон, қаерда, ким томонидан чоп қилингани, қоғози, ранги, варағи, қайси ҳолатда турганлиги ҳақида батафсил маълумот мавжуд. Бу китоблар ҳақида компьютердан ҳам маълумот олиш мумкин.

Китоб муроаласи заллари мұхайё. Араб, форс тиллари-ни мұкаммал згаллаган зукко илмий ҳодимларимиз ўрганилмаган асарлар устида тадқиқот олиб бормоқда.

2000 йилдан кутубхона "Ўзбек ҳалқи қўлёзма мероси миллий марказининг Самарқанд бўлими" деб юритилади.

Кутубхона хазинаси ҳалқнинг қўлидаги қадимий қўлёзма, тошбосма китобларни сотиб олиш ҳисобига бойитиб борилляпти.

Келажакда Имом ал-Бухорий ҳазратларининг ҳам ўрганилмаган китобларини топиб, ўрганиш, нашрга тайёрлаш, шунингдек, Самарқанд алломаларидан Доримий, Абу Лайс-Самарқандий, Имом ал-Мотуридий асарлари устида ҳам тадқиқот олиб борамиз.

Кутубхонанинг пайдо бўлиши тарихи қандай? 1970 йилдан Имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1974 йилда бўлиб ўтадиган 1200 йиллик тўйларига тайёргарлик кўрила бошланган. Бу тадбирга Ўрта Осиё ва Қозоғистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Зиёвуддин қори бошчилик қилганлар. Ҳазрат бу ерга тез-тез келиб турар ва бўлаётган ишларни назорат қилиб турар эдилар. У даврда динга эркинлик йўқ, ҳар қадам назорат остида бўларди. Шунга қарамасдан, бир маҳаллар хор бўлган қўлёзма ва тошбосма китобларни теварак-атрофда яшайдиган кишилардан масжидга топширишларини илтимос қилдилар. Буни эшитган ҳалқ кўз қорачиғидек асраб келган китобларни ўз ихтиёри билан масжидга топшира бошлади. Шу боис кутубхона ташкил этилди. Муфтий Зиёвуддин қори ҳазратлари ҳам кутубхонага диний идора томонидан кўплаб китобларни ҳадя қилдилар.

Имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1200 йиллик тўйларига 28 давлатдан 180 нафар хорижлик меҳмонлар иштирок этди. Меҳмонлар Имом ал-Бухорий равзаларини зиёрат қилиш билан бирга, кутубхонага қўйилган китоблар билан ҳам танишишди. Кейинчалик кўпчилик меҳмонлар кутубхонани янада бойитиш учун ўз юртларидан турли хил китобларни совға қилиб юборишли.

Имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йиллик юбилейлари муносабати билан бу жода барпо қилинган мажмуудан кутубхона ҳам ўрин олди. У 30 минг китобга мўлжалланган бўлиб, замон талабларига жавоб беради.

## МАҚБАРА

Имом ал-Бухорий ҳазратларининг мақбараси мараббаъ шаклида қурилган, ўлчами 9,0 x 9,0 метр, баландлиги 17 метрдир.

Ташқи қисми Эрондан олиб келинган онисқ тоши билан безатилган, Самарқандда пишитилган безак кошинлари ва ояту ҳадислар ёзилган кошинлар бир-бири билан уйғунлашиб кетган.

Ички қисми нақш услубида турли миллий безаклар билан безатилган, оят-ҳадислардан бу ерда кенг фойдаланилган.

Мақбара ташқи томонининг энг юқори қисмiga "Мулк" сураси ёзиб қўйилган.

Мазкур сурга Маккада нозил этилган бўлиб, 30 оятдан иборатdir. Сурга барча оламлар Мулки-Подшоҳлиги Ўз қўлида бўлган Аллоҳ таборака ва таоло беҳад буюк баракотли зот эканини таъкидлаш билан бошланади. Шу боисдан ҳам у "Мулк" сураси деб номлангандир. Айrim манбаларда уни "Таборак" сураси деб ҳам атайдилар.

Бу сурада Аллоҳ таоло ўлим ва ҳаёт неъматларини нима учун яратгани ҳамда У зот етти қават осмон ва ундаги бор мавжудотни қандай дақиқ, ҳикмат-интизом билан яратгани баён қилинган. Оятлар қаторида охират ҳақида ва у кунда кофирлар дучор бўладиган азоб ҳамда улар чекадиган бефойда афсус-надоматлар тўғрисида хабар берадиган оятлар ҳам мавжуддир.

Сўнгра еру осмондаги Тангри таолонинг қудратига далолат қилиб турган турли-туман оят-аломатлар тасвирланади. Ҳамда кофир ва мўмин ҳақида ибратли мисоллар келтирилиб, барча инсонларни Аллоҳ таоло рози бўладиган тўғрийўлни тутишга даъват этилади.

Суранинг фазилатлари баёнида кўплаб ҳадислар мавжуд. Улардан бири Имом ат-Термизий ривоят қилган мана бу ҳадисдир: "Пайғамбар (с.а.в.) айтадилар: "Дарҳақиқат, Аллоҳнинг китобида ўзи фақат ўттиз оятдан иборат бўлган бир сурा ҳам борки, у (ўша сурани ўқиб амал қилиб юрган) кишини шафоат қилур ва ҳатто қиёмат кунида уни дўзахдан чиқариб, жаннатга киритур. У Таборак сурасидир".

Мана, шу суранинг тафсири:

"Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман):

1. (Барча оламлар) подшоҳлиги Ўз қўлида бўлган зот – Аллоҳ баракотли - буюқдир. У барча нарсага қодирдир. 2. (Эй инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ - яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У қудратли ва мағфиратлидир."

Изоҳ: Демак, Аллоҳ таоло ҳар бир инсонни мана шу ҳаёти дунёда қилиб ўтадиган амаллари билан синааб, охиратда ўша амалга яраша мукофот-жазо бериш учун ўлим ва ҳаётни яратган экан. Ушбу ояти каримада ўлим сўзининг муқаддам келтирилиши сабаби, ўлим калимасининг мазмуни ҳаёт калимасининг маъносидан теранроқ, қамровлироқ эканлигидир. Чунки ҳаёт сўзи мана шу ўткинчи дунёда яшашнинг бошланишини билдирса, ўлим сўзи охират диёридаги мангу ҳаётнинг бошланишини англатади. Демак, ўлим юзаки қараганд ҳаётнинг интиҳоси бўлиб кўринса-да, аслида у мана шу мангу ҳаётнинг ибтидосидир. Бу хусусда пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар: "Жоним қўлида бўлган зотга, Аллоҳга қасамки, сизлар менинг сўзларимни улардан (ўликлардан) яхшироқ англагувчи эмассизлар. Фақат улар жавоб қила олмайдилар холос".

"3. (У) етти осмонни устма-уст қилиб яратган зотдирки, сиз У Раҳмоннинг (Меҳрибон зотнинг) яратишида бирон тафовут-нуқсонни кўрмассиз. Энди кўзингизни яна (самога) қайтарингчи, (унда) бирон футур-ёрикни кўрармикансиз? 4. Сўнгра кўзингизни қайта-қайта (самога) қайтаринг, кўзингиз сизга чарчаб, ҳолдан тойган ҳолда қайтур (аммо Аллоҳ таоло яратган осмонлардан бирон айб-нуқсон топа олмас). 5. Дарҳақиқат, Биз, энг яқин осмонни чироқлар (юлдузлар) билан безадик ва уларни шайтонларга отиладигач тошлар қилиб қўйдик. Биз улар (шайтонлар) учун (охиратдаги) оловдўзах азобини ҳам тайёрлаб қўйгандирмиз. 6. Парвардигорларига коғир бўлган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир. Нақадар ёмон оғир оқибат бу! 7. Қачон улар (жаҳаннамга) ташланганларида қайнаб турган (жаҳаннамнинг худди эшак ҳанграшидек) бир ўкирик-фарёдини эшитурлар. 8. У ғазабдан бўлинниб-парчаланиб кетгудек бўлур. Ҳар қачон

унга бир тұда (коғиғ) ташланғаныда унинг құриқчилари улардан (коғиғлардан): "Сизларға (ҳәёти-дүнёда) бирор огохлантиргувчи-пайғамбар келғанми?" деб сұраганида. 9. Улар дерлар: "Ҳа, дарҳақиқат бизларға огохлантиргувчи келған зди, (лекин бизлар уни) ёлғончи қилғанмиз ва: "Аллоҳ (ҳеч кимга ҳеч нарса нозил қилған эмас, сизлар фақат катта заполат- гұмоҳликдадирсизлар", деганмиз". 10. Улар (коғиғлар) яна: "Агар бизлар (огохлантиргувчи пайғамбарнинг сўзларини) тинглаб, яна ақп юргизувчи бўлганимизда, дўзах эгалари қаторида бўлмас здик", дерлар. 11. Мана улар ўз гуноҳларини зътироф этдилар! Энди у дўзах эгаларига ҳало-кат бўлгай! 12. Албатта, ғайбдаги (кўзга кўринмайдиган) Парвардигорларидан қўрқадиган зотлар учун мағфират ва катта ажр-мукофот бордир. 13. (Эй инсонлар), сизлар сўзла-рингизни яширинглар ёки ошкора қилинглар ( ҳар ҳолда Аллоҳ билиб турур). Албатта У диллардаги сирларни бил-гувчидир. 14. (Ахир) Яратған зот (Ўзи йўқдан бор қилған нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва ( ҳар нарсадан) хабардор зотдир. 15. У (Аллоҳ) сизлар учун ерни хокисор-бўйсунгувчи қилиб қўйған зотдир. Бас, у (ер)нинг ҳар томо-нида (сайр-саёҳат қилиб, ё тижорат билан, ёки деҳқончи-ликни касб қилиб) юраверинглар ва (Аллоҳнинг берган) ризқ-рўзидан енглар. Ёлғиз Унинг ҳузурида тирилиб, чиқиш-қай-тиш бордир. 16. (Эй Макка коғиғлари), ё сизлар (коғиғли-гингизда оёқ тираб тураверсангизлар) осмондаги зот сиз-ларни ер юттириб юборишидан, бас, баногоҳ (ер) титроққа тушиб, сизларни босиб қолишидан хотиржаммисизлар (қўрқмайсизларми)?! 17. Ёки сизлар осмондаги зот устин-гизга тош ёғдиришидан хотиржаммисизлар?! Ҳали (азобга гирифтор қилингандарингизда Менинг огохлантиришим қан-дай эканлигини билиб олажаксизлар! 18. Дарвоқе улардан аввалги кимсалар ҳам (ўз пайғамбарларини) ёлғончи қил-ғандилар. Бас, Менинг инкорим-азобим қандоқ бўлди?! 19. Улар устларida (қанотларини) ёйгувчи бўлған ва йиқкан ҳолда (учиб юрган) қушларни кўрмадиларми?! У (Қуш)ларни ёлғиз Раҳмонгина (самода) ушлаб турар! Албатта У бар-ча нарсани кўриб тургувчидир. 20. (Эй мушриклар), Раҳмон-дан ўзга сизларга ёрдам берадиган, сизлар учун қўшин-

ёрдамчи бўлган ўша зот ким ўзи?! (Аллоҳдан ўзга бирон маддакор йўқдир.) Кофирлар эса фақат ғурур-алданишдадирлар. (Шунинг учун, улар ўзлари сиғинаётган бут-санамларга уларни Аллоҳнинг азобидан қутқара олади, деб ҳисоблайдилар.) 21. Агар (Раҳмон) Ўз ризқини ушлаб-тўхтатиб қўйса, сизларга ризқ-рўз берадиган ўша зот ким ўзи?! (Аллоҳдан ўзга бирон ризқ-рўз бергувчи йўқдир.) Йўқ, улар (кофирлар) катта кетишда ва (Ҳақдан) йироқлашишда давом этдилар. 22. Ахир юз тубан (яъни оёғининг остидан ўзга ёқа қарамасдан юрадиган) кимса, ҳақ йўлни топгувчироқми ёки қадди рост ҳолида тўғри йўлда юрадиган кишими?!"

Изоҳ. Ушбу ояти карима кофир билан мўмин ҳақида келтирилган ибратли бир масаладир. Уни шундай тушунмоқ лозим. Динсиз-эътиқодсиз кимса бирон илоҳий қўлланмасиз, ўтган кунини ҳам келажагини ҳам унутиб, фақат бугунги кунини қандай ўтказиш ғамида, бугуннинг муаммоларини ҳал қилиш билан овора-ю сарсон бўлиб, яъни фақат оёғининг тагига қараб кун ўтказади. Демак, унинг эрта бир кун йўлидан чиқиб қолиши аниқ бўлган ҳар қандай тошга, тўсиққа қоқилиб, юзтубан қулаши ҳеч гап эмас. Аммо иймон-эътиқод згаси эса, Яратган юборган Илоҳий қўлланма кўрсатиб қўйган. Тўғри йўлда қаддини рост тутиб, қиладиган ҳар бир иши-амалида фақат ҳозирнинг ҳузурини кўзламасдан, балки Эрта, Қиёмат кунидаги ҳисоб-китоб, ажр-мукофотни ўйлаб боради. Бинобарин, бугуннинг, яъни ўткинчи дунёning арzon матолари уни ўзи танлаб олган Тўғри Йўлдан адаштира олмайди.

"23. (Эй Муҳаммад, у кофирларга) айтинг: "У (Аллоҳ) сизларни (йўқдан) пайдо қилган ва сизлар учун қулоқ-кўзлар ва дилларни (ато) қилган зотдир. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар". 24. Айтинг: "У сизларни ер юзида яратиб қўйган зотдир. Сизлар (Қиёмат кунида) ёлғиз Унга тўпланурсизлар". 25. Улар: ("Агар ростгўй бўлсангизлар (айтинглар-чи), ушбу ваъда (қилинган Қиёмат куни) қачон бўлади?" дерлар. 26. (Эй Муҳаммад уларга) айтинг: "(Қиёмат қачон қойим бўлиши ҳақидаги билим ёлғиз Аллоҳнинг ҳузурида-дир. Мен фақат бир огохлантиргувчиридирман, холос)". 27. Бас,

қачонки улар (Қиёмат кунида ваъда қилинган азобни ўзла-  
рига) яқин ҳолда кўришгач, у кофирларнинг юзлари қорай-  
иб кетур ва (уларга): "Мана шу сизлар истаган нарсадир",  
дейилур. 28. (Эй Мұхаммад, у кофирларга) айтинг: "Хабар  
берингиз-чи, агар Аллоҳ мени ва мен билан бирга бўлган  
кишиларни ҳалок қилса ёки (умримизни узун қилиш билан)  
бизларга раҳм-шафқат қилса Ўзининг изн-ихтиёридадир.  
Аммо энди кофирларни (яъни сизларни) ким аламли азоб-  
дан ҳимоя қилур"?!

Изоҳ: Макка коғирлари доим Мұхаммад (с.а.в.) ва у зоттинг саҳобаларига ўлим-ҳалокат тилар эдилар. Шунда Аллоҳ таоло томонидан пайғамбаримизга юқоридаги оят нозил қилиниб, у кишини коғирларга шундай жавоб қилишга амр этилди: “Биз мұмынлар икки гүзәл оқибатта күз тутиб яшайды. Улардан бири, сизлар орзу қилаёттаниздек дин йўлида ҳалок бўлиб, жаннатга етишиш бўлса, иккинчиси, омон қолиб, сизларнинг устингиздан ўзимиз умид қилган ғалабага эришишdir. Аммо сизлар коғир бўлган ҳолларингизда кимнинг ҳимоясини кутмоқдасизлар”?

"29. Айтинг: "У (Аллоҳ) Раҳмон – Мәхрибондир. Бизлар Үнга иймон келтирдик ва ёлғыз Үнинг Ўзига таваккул қилдик – сүяндик. Ҳали сизлар ким очиқ залопатда эканлигини биліп олажаксизлар!" 30. "Эй Мұхаммад, у (мушрикларга) айтинг: "Хабар берингиз-чи, агар (баногоҳ ичар) сувларингиз (ер тубига) сингиб кетар бўлса, у ҳолда ким сизларга оқар сув келтира олур?! (Жонсиз бутларингизми?! Бас, нега у бефойда-бежон бутларни Мәхрибон Аллоҳга шерик қилиб олдингизлар?!)"

Мақбаранинг жануб томонида Юсуф ва Ғофир сураларидан оятлар ёзилган.

Юсуф сұрасы 101-оят

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ رَبِّنَا مَنْ أتَنَا مِنَ الْمُلْكِ وَعَلِمْنَا مِنْ نَوْبِلِ  
الْأَحَادِيثِ فَاطِرِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ أَنْتَ وَلِيُّ الدِّينِ وَالْآخِرَةِ  
تُوفِّنِي مُسْلِمًا وَالْحَقْنِي بِالصَّالِحِينَ.

Мазмуни: "Парвардигорим, менга подшоҳликни ато этдинг, яна барча тушларнинг таъвил-таъбирларидан таълим бердинг. Эй, осмонлар ва ерни яратган зот, дунёю охиратда Ўзинг ҳожамдирсан. (Умрим битиб, сен белгилаб қўйган ажалим етганида) мусулмон ҳолимда жонимни олгин ва мени ҳам солиҳ бандаларинг қаторига қўшгин".

Гофир сураси, 57- 60 оятлар:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ لَخَلْقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ أَكْثَرُ مِنْ خَلْقِ النَّاسِ وَلَكُنْ  
أَكْثَرُ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ . وَمَا يَسْتَوِي الْأَغْمَى وَالْبَصِيرُ وَالَّذِينَ عَمِلُوا  
وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَلَا الْمُسَيءِ قَلِيلًا مَا تَذَكَّرُونَ . إِنَّ السَّاعَةَ لَآتِيَةٌ لَا  
رَبِّ فِيهَا وَلَكُنْ أَكْثَرُ النَّاسِ لَا يَوْمُنُونَ . وَقَالَ رَبُّكُمْ أَذْعُونَى أَسْتَجِبْ  
لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي سَيَدُّخْلُونَ جَهَنَّمَ دَاهِرِينَ

Мазмуни: "Мехрибон ва Раҳмдил Аллоҳ номи билан (бошлайман).

57. Шак-шубҳасиз осмонлар ва ерни яратиш инсонларни яратишдан каттароқ (иш)дир. Лекин кўп одамлар билмайдилар.

Изоҳ: Кофирларга осмонлар ва ерни ким яратган дейилса, Аллоҳ дейдилар-у, аммо, Аллоҳ таоло қиёмат кунида барча инсонларни қайта тирилтиради дейилса, ишонмайдилар. Мазкур оят ана ўшаларга берилган танбеҳдир.

"58. Кўр кимса билан кўргувчи зот, иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар билан ёмонлик қилгувчи кимса барабар бўлмас. Камдан-кам эслатма-ибрат олурсизлар. 59. Албатта (Қиёмат) соати келгувчидир. У ҳақда шак-шубҳа йўқдир. Лекин кўп одамлар (унинг келишига) иймон келтирмаслар". 60. Парвардигорингиз: "Менга дуо-илтижо қилинглар, Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман", деди. Албатта Менга ибодат қилишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини этган ҳолларида жаҳаннамга киуруллар".

Мақбаранинг ғарб томонига Бақара сурасининг охирги 285-286 оятлари ёзилган:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ أَمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْهِ وَالْمُؤْمِنُونَ  
 كُلُّهُمْ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرَسُولِهِ لَا فَرَقَ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْ رَسُولِهِ  
 وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطْعَنَا عَفْرَانِكَ رَبَّنَا وَالثَّكَ الْمَصِيرُ لَا يَكْلُفُ اللَّهُ نَفْسًا  
 إِلَّا وَسَعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا أَكَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُوَاهْدُنَا إِنْ  
 تَسْبِّنَا أَوْ أَخْطَلْنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا أَصْرَارًا كَمَا حَمَلْنَا عَلَى الدِّينِ  
 مِنْ فَلَنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَلَاقَةَ لَنَا بِهِ وَاغْفِرْنَا عَنَّا وَأَغْفِرْنَا وَارْحَمْنَا  
 إِنَّ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ.

Мазмуни: “Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилингган нарсага иймон келтирди ва мўминлар (ҳам имон келтирдилар). Алпоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди): “Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз”. Ва “Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайта-жакмиз”, дедилар. 286. Алпоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унугтган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағрифат қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!”

Равоқларга эса ҳадислар ёзилган:

قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ صَدَقَةٌ فَإِنْ لَمْ  
 تَجِدْ فَعَمَلَ بِيَدِهِ فَيَنْفَعُ نَفْسَهُ وَيَصْدِقُ فَالْمُؤْمِنُ فَإِنْ لَمْ يُسْتَطِعْ فَلْيَعْمَلْ ذَالِكَ  
 وَالْمَلْهُوفُ فَالْمُؤْمِنُ فَإِنْ لَمْ يَفْعَلْ فَالْمُؤْمِنُ بِالْخَيْرِ فَالْمُؤْمِنُ وَانْ لَمْ يَفْعَلْ فَالْمُؤْمِنُ  
 فِيمْسِكُ عَنِ الشَّرِّ فَإِنَّهُ صَدَقَةً.

Маъноси: “Ҳар бир муслимга садақа қилиш вожибдир”.  
Дедилар: “Агар топмаса қули билан иш қилсин ва ўзига фойдаси тегади ва садақа беради.” Дедилар: “Агар кучи етмаса-чи?”. Деди: “Ҳожатманд ва мазлум кишиларга ёрдам берсин.” Дедилар: “Агар уни ҳам қилмаса-чи?” Деди: “Яхшиликка буюрсин.” Дедилар: “Агар уни ҳам қилмаса-чи?” Деди: “Ёмонлиқдан тийилсинг – шунинг ўзи садақадир”.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: يا معاذ اتقى دعوة المظلوم قال لها ليس  
يئنها ولين الله حجاب وقال أصرّ أححال ضالما أو مظلوما قالوا يا رسول الله  
الانصر مظلوما فكيف يتصر ظالما قال يأخذ فوق يده.

Маъноси: “Эй, Муоз! Мазлумнинг дуосидан қўрқ, чунки унинг дуоси билан Аллоҳ ўртасида парда йўқ”. Деди: “Биродарингта ёрдам қип, агар у золим ёки мазлум бўлса ҳам”. Дедилар: “Эй, Расулуллоҳ, мазлумга ёрдам беришади, золимга ёрдам қандай бўлади” Деди: “Қўлидан ушлайсан”.

Мақбаранинг шимол томонига:

Ол-и-имрон сурасининг 1-2-3-4-5-6-7-оятлари ёзилган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ إِنَّ اللَّهَ إِلَّا هُوَ الْحَكِيمُ  
الْقَيْمُ نَزَّلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقاً لِمَا بَيْنَ يَدِيهِ  
وَأَنْزَلَتِ الْقُرْآنَ وَالْإِنْجِيلَ مِنْ قَبْلِ هَذِهِ لِلنَّاسِ وَأَنْزَلَ  
الْفُرْقَانَ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ اللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَاللَّهُ  
غَرِيبٌ ذُو اتِّقَامٍ إِنَّ اللَّهَ لَا يَخْفِي عَلَيْهِ شَيْءٌ فِي الْأَرْضِ وَلَا  
فِي السَّمَاوَاتِ هُوَ الَّذِي يَصُورُكُمْ فِي الْأَرْضِ كَيْفَ يَسْأَلُ لَا  
إِنَّهُ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ  
آيَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أَمُّ الْكِتَابِ وَآخِرُ مُشَاهِدَاتٍ فَمَا الَّذِينَ فِي  
فُلُوْبِهِمْ زَيْغُ فَتَغُونُ مَا سَابَهُمْ مِنْهُ ابْتِغَاءُ الْفَتْنَةِ وَابْتِغَاءُ تَارِيْلِهِ  
وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلُهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ عَامِنَا بِهِ  
كُلُّ مَنْ عَنْدَ رِبِّنَا وَمَا يَذَكُّرُ إِلَّا أَوْلُو الْأَلْبَابِ.

“Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман):

1. Алиф, Лом, Мим. 2. Аллоҳ (ягона), ҳеч бир тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бор. У тирик ва абадий тургувчиидир. 3-4. Сизга, (Эй Муҳаммад), Ўзидан олдин тушган китобларни тасдиқловчи бу китобни (Қуръонни) Ҳақ билан нозил қилди. Илгари одамларни Ҳақ йўлига ҳидоят қилиш учун Таврот ва Инжилни туширган эдик. (Энди эса) Ҳақ билан ноҳақни ажратгувчи (Қуръонни) нозил қилдик. Аллоҳнинг оятларини инкор қилгувчи кимсалар учун шубҳасиз қаттиқ азоб бордир. Аллоҳ қудрат эгаси ва интиқом соҳибидир. 5. Албатта, Аллоҳга на ердаги ва на кўқдаги ҳеч бир нарса маҳфий эмасдир. 6. У сизларга (оналарингизни) қоринларида бўлган пайтингизда ўзи хоҳлаган суратни берган зотдир. Ҳеч бир тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. У қудратли, ҳикматлидир. 7. У сизга китоб нозил қилган зотдирки, у (китобдан) шу китобнинг асли моҳияти бўлган аниқ-равshan оятлар ҳам бошқа (қиёмат, жаннат, дўзаҳ ва ҳоказолар ҳақидаги) муташобих – тушуниш қийин бўлган оятлар ҳам (ўрин олгандир). Энди дилларида Ҳақ йўлдан оғиш бўлган кимсалар одамларни алдаб фитнага солиш ва ўз ҳавоий-нафсларига мувофиқ таъвил – тафсир қилиш учун унинг муташобих оятларига эргашадилар. Холбуки, ундей оятларнинг таъвилини ёлғиз Аллоҳгина билур. Илмда собитқадам бўлган кишилар эса: “У китобга имон келтирганимиз. Ҳамма оятлари парвардиғоримиз ҳузуридандир”, дейдилар. Ва фақат аҳли донишларгина панд-насиҳат олурлар”.

Мақбаранинг шарқ томонига Ол-и-Имрон сурасининг 189-190-191-192-193-194-оятлари ёзилган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ وَلَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَآخْلَافِ الْئِلَيْلِ وَالنَّهَارِ لَا يَأْتِيَ لِأَوْنَىٰ إِلَيْبَعْضِ الْأَلْيَابِ الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيَاماً وَقَعْدَا وَعَلَىٰ جَنُوبِهِمْ وَيَنْفَكِرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا بِاطِلًا سَبَّحَكَ فَقَاتَ عَذَابَ النَّارِ رَبَّنَا إِلَكَ مَنْ تَدْعُلِ النَّارَ فَقَدْ أَخْزَيْتَهُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنصَارٍ رَبَّنَا

إِنَّا سَمِعْنَا مِنَّا دِيَنَّا لِلْإِعْلَانِ أَنَّ إِعْمَالَنَا بِرِبِّكُمْ فَأَمَّا رِبُّنَا فَاغْفِرْنَا ذُنُوبَنَا  
وَكَفَرْنَا عَنِّا سَيَّئَاتَنَا وَتَوَفَّنَا مَعَ الْأَبْرَارِ رِبُّنَا وَعَاهَنَا مَا وَعَدْنَا عَلَىٰ رُسُّلِكَ وَلَا  
نَخْزِنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّكَ لَا تَخْلُفُ الْمِعْادَ.

Мазмуни: “Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман):

189. Осмонлар ва ердаги бор мулк Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир. 190. Осмонлар ва ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиниб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб турувчи зот мавжуд эканлигига) оят–аломатлар борлиги шубҳасиздир. 191. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): “Парвардигоро, бу (борлик)ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) поксан! Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асррагил! 192. Парвардигоро, албатта Сен кимни жаҳаннамга киритсанг, муҳаққақ уни расво қилурсан. Ва бундай золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир. 193. Парвардигоро, албатта биз: “Парвардигорингизга иймон келтирингиз!” -деб иймонга чорлаган жарчи (Муҳаммад алайҳиссаломнинг нидоларини) эшитдигу иймон келтирдик. Парвардигоро, бизнинг гуноҳларимизни мағфират қил, қилган ёмонликларимизни (саҳифайи-аъмолимиздан) ўчиргил ва бизларни яхшилар билан бирга ўлдир! 194. Парвардигоро, бизларга пайғамбарларинг орқали ваъда қилган нарсаларингни (жаннат, мағфират, висолингдан баҳраманд этиш каби неъматларингни) ато қил ва бизларни қиёмат кунида расво қилмагил! Албатта, Сен ваъдангга хилоф қилмагайсан.”

Ҳадислар:

أَنَا وَكَافِلُ الْيَمِينِ فِي الْجَنَّةِ هَكَذَا وَقَالَ بِاصْبَعِيهِ السَّبَابَةِ الْوُسْطَىِ

“Мен ва етимни кафилликка олувчи жаннатда мана бундайдир, деди кўрсатгич ва ўрта бармоғини кўрсатиб”.

**الْإِيمَانُ بِطَعْنٍ وَسَبْعُونَ شَعْبَةً وَالْحَيَاءُ مِنَ الْإِيمَانِ**

“Иймон олтмиш неча бўлақдир, ҳаё иймоннинг бир бўлағидир.”

**وَقَالَ مَا زَالَى جِرْبِيلُ بُو صَبِّى بِالْجَهَارِ حَتَّى ظَفَّتْ أَلْهُ سَبُورَةُهُ**

“Жаброил менга доим қўшни ҳақида васият қиласар эди. Хатто мен яқинда қўшни меросхўр бўлади деб ўйлаб қолдим.”

**قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّكُمْ وَالظَّنَّ فَإِنَّ الظَّنَّ أَكْبَرُ  
الْحَدِيثِ وَلَا جَسْسُورًا وَلَا تَحَاسِدُوا وَلَا تَدَابِرُوا وَلَا تَبَاغِضُوا وَلَا كُوْنُوا عَبَادَ  
اللَّهِ إِخْوَانًا وَقَالَ أَنَّ أَبْعَصَ الرِّجَالَ إِلَى اللَّهِ إِلَّا لَدُّ الْخَصْمِ**

“Ўзларингизни гумондан сақлангизлар, албатта (гумон) гапнинг ёлғонидир. Бир-бирларингизга жосуслик қилмангизлар, бир-бирларингизга ҳасадгўйлик қилмангизлар, бир-бирларингиздан юз ўгирмангизлар, бир-бирларингизга ғазаб қилмангизлар, бир-бирларингиз билан биродар - Аллоҳнинг баандаларидан бўлингизлар. Одамларнинг Аллоҳга энг ёмона аччиқ хусуматлисицир”.

Мақбара ташқарисидаги ёзувлар шулардан иборат.

### Мақбаранинг ички қисмидаги ёзувлар

Мақбаранинг ички қисмидаги гумбаз атрофига “Оят ал-курси”, яъни Бақара сурасининг 255-ояти ёзилган.

**بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَقُّ الْقَوْمُ لَا تَأْخُذُهُ سَنَةٌ وَلَا  
نُوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ، مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عَنْهُ، إِلَّا يَأْذِنُهُ  
يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يَجْهَظُونَ بَشَّىءٌ مِنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ،  
وَسَعَ كُرْنِيَّةُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ، وَلَا يَنْوَذُهُ حَفْظُهُمَا، وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ**

Маъноси: "Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг Ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчиидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдир. Унинг ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оқпай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдилари-даги ва орқаларидағи бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг арши-курсиси осмонлар ва ердан кенгdir. Ва уни осмонлар ва ерни ҳифзу-ҳимоятда саклаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюқdir".

Шимол томондаги равоқдаги ҳадис:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: زَارَ رَجُلٌ خَالَةً فِي قَرْبَتِهِ فَأَرْصَدَ اللَّهُ لَهُ مَلَكًا عَلَى مَذْرِعَتِهِ فَقَالَ أَيْنَ تُرِيدُ أَنْ تَالِيَ فِي هَذِهِ الْقَرْبَةِ فَقَالَ هُلْ لَكَ عَلَيْهِ مِنْ نِعْمَةٍ تُرِبَّهَا قَالَ لَا إِلَّا أَكْثَرُهُ فِي اللَّهِ قَالَ أَتَى رَسُولُ اللَّهِ إِلَكَ أَنَّ اللَّهَ أَحَبُّكَ كَمَا أَحَبَّتْهُ (رواه البخاري)

*Расулуппоҳ (с.а.в.) айтдилар:* "Бир киши бир қишлоқдаги тоғасини зиёрат қилди, Аллоҳ унинг юрадиган йўлида бир фариштани ҳамроҳ қилиб қўйди. Фаришта деди: "Қаерга боряпсан?", у киши: "Бу қишлоқда менинг тоғам бор". Фаришта: "Унда бир неъмат бормики, сенундан фойдаланссанг". Киши деди: "Йўқ, лекин мен уни Аллоҳ йўлида яхши кўраман". Фаришта: "Мен, Аллоҳнинг сенга жўнатган элчисиман, Аллоҳ сени яхши кўради, худди сен уни яхши кўрганинг сингари". (Бухорий ривояти).

Шарқ томондаги ҳадиси шариф:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْكُلُّ وَالثُّلُثُ كَثِيرٌ إِلَكَ أَنْ تَذَرَ وَرَثْثَكَ أَغْنِيَاءَ خَيْرٌ مِّنْ أَنْ تَرَزَ عَالَةً يَتَكَفَّفُونَ النَّاسُ وَإِنَّكَ لَنْ تُنْفِقْ نَفْقَهَ تَبْغِي بِهَا وَجْهَ اللَّهِ إِلَّا أَجْرَتْ بِهَا حَتَّىٰ مَا تَجْعَلُ فِي إِمْرَاتِكَ (رواه البخاري)

*Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: "Учдан бири, учдан бири ҳам кўпdir меросхўрларингни бой қилиб қолдиришинг ва улар одамлардан тиланчилик қилишидан тийилиши яхшидир. Сен уларни камбағал қилиб қолдирганингдан сен Аллоҳ розилиги учун нафақа қилмайсан. Магар нафақа қилсанг шунга яраша ажр оласан, ҳатто хотинингни оғзига луқма солган бўлсанг ҳам" (Бухорий ривояти.)*

Жануб томондаги битиклар:

قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ أَحَدَ أَمْوَالَ النَّاسِ يُرِيدُ  
أَذَاهَا أَذَى اللَّهُ عَنْهُ وَمَنْ أَحَدَهَا يُرِيدُ إِلَّا لَهَا أَئْلَفُهُ اللَّهُ كَانَ رَجُلٌ  
يُدِينُ النَّاسَ فَكَانَ يَقُولُ لِفَتَاهَ إِذَا اتَّبَعْتَ مَغْسِرًا فَتَجَاوَزَ عَنْهُ لَعْلَ اللَّهُ  
يَتَجَاوَزُ عَنْهُ فَلَقَى وَانَّ اللَّهَ فَتَجَاوَزُ عَنْهُ

"Кимики кишилардан адо қилиш мақсадида мол олса, Аллоҳ олган нарсаларини адо қилдиради. Кимики кишиларга талофат етказиш мақсадида молини олса, Аллоҳ унинг ўзига талофат етказади. Бир киши доимо одамларга қарз берарди. Кейин ўғилларига дерди: "Агар камбағал киши келса қарзини кечиб юборинглар. Шояд Аллоҳ ҳам бизни кечиб юборса". Бас Аллоҳга йўлиқди, Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиб юборди" (Бухорий ривояти).

Ғарб томондаги ҳадис:

قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّمَا مُثِلُ الْجَلِيلِ الصَّالِحِ وَالْجَلِيلِ  
السُّوءِ كَحَامِلِ الْمُسْكِ وَنَافِعُ الْكَبِيرِ فَحَامِلِ الْمُسْكِ إِنَّمَا أَنْ يُخْذِلُكَ وَإِنَّمَا أَنْ  
تَنَاعِ مِنْهُ وَإِنَّمَا أَنْ تَجِدَ رِيحًا طَيِّبًا وَنَافِعُ الْكَبِيرِ إِنَّمَا تُخْرِقُ ثِيَابَكَ وَإِنَّمَا  
تَجِدُ رِيحًا خَيْثَةً

*Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: "Яхши суҳбатдош ва ёмон суҳбатдошни мисоли миск кўтариб юрувчи билан темирчи пуфлагичини пуфлайдиган кишига ўхшатиш мумкин. Миск олиб юрувчи сенга атир сепади, ёки сен уни атридан сотиб*

оласан, ёки хушбўй ҳидини ҳидлайсан. Пуфлагич ё сенинг кийимларингни куйдиради, ёки бадбўй ҳидини ҳидлатади".

Мақбара ички бурчакларига:

لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ يُحِبَّ لِأَخْيَهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ

"Барчангиз мўмин бўла олмайди, токи ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун ҳам яхши кўрмагунича."

إِذَا حَدَثَ كَذَبٌ وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ وَإِذَا اُتْمِنَ خَانَ

"Мунофиқнинг белгиси учта: гапирса ёлғон гапиради, ваъда берса ваъдаси устидан чиқмайди, омонат қўйилса хиёнат қилади."

أَكْبَارُ الْاِشْرَاكِ بِاللَّهِ وَغَفْوَقُ الْوَالِدَيْنِ وَقَتْلُ النَّفْسِ وَشَهَادَةُ الرُّورِ

Гуноҳи кабиралар: "Аллоҳга ширк келтириш, ота-онаага оқ бўлиш, одам ўлдириш, ёлғон гувоҳлик бериш."

مَنْ سَرَّهُ أَنْ يَسْطِطُ لَهُ رِزْقُهُ فَلَيَصْلُ رَحْمَةً

"Кимни ризқи кенг бўлмақлиги хурсанд қилса, қариндошлиари билан бирга силайи-раҳм қилсин."

Оқ мармарга ўйиб ёзилиб, равоқларга ёпиширилган ҳадислар:

فَالَّذِي أَعْمَلَ بِالنَّاسِ إِنَّمَا لِكُلِّ إِمْرَءٍ مَانُوا فَمِنْ كَاتَ  
هُجْرَةً إِلَى دُنْيَا يُصْنَعُهَا وَإِلَى إِمْرَأٍ يُتَكَبَّحُهَا فَهُجْرَتُهُ إِلَى مَا هَاجَرَ إِلَيْهِ  
قَالَ لَا حَدَّدَ إِلَّا فِي إِنْتِسِينَ رَجُلٌ أَتَاهُ اللَّهُ مَا لَا فَسِيلٌ عَلَى هَلْكَةٍ فِي  
الْحَقْنِ وَرَجُلٌ أَتَاهُ اللَّهُ حَكْمَةً فَلَفَضَ بِهَا وَتَعَلَّبَهَا وَقَالَ الْمُسْلِمُ أَخْرَى  
الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يُسْلِمُهُ وَمَنْ كَانَ فِي حَاجَةٍ أَعْهَى كَانَ اللَّهُ لَهُ  
حَاجَةٌ وَمَنْ قَرُوجَ عَنْ مُسْلِمٍ كَرْبَةٌ قَرُوجَ اللَّهُ عَنْهُ كَرْبَةٌ مَنْ كَرْبَبَ يَوْمَ  
الْقِيَامَةِ وَمَنْ سَرَّ مُسْلِمًا سَرَّهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ

"Албатта, одамлар ниятлари биландир. Албатта, ҳар бир киши нимани ният қилса, ўша бўлади. Кимки дунё учун ҳижрат қилса, унга етади, кимки хотин учун ҳижрат қилса, уни никоҳлаб олади. Бас, нимага ҳижрат қилган бўла шунга ҳижрат қилибди". Деди: "Ҳасад йўқ, магар икки ишда бор. Биринчиси: Бир кишига Аллоҳ мол берган бўлса, у молни Ҳақ йўлига ишлатса. Иккинчиси: Бир кишига Аллоҳ ҳикмат берса, у билан ҳукм қилиб, бошқаларга ҳам илмини ўргатсаз". Деди: "Муслим бошқа бир муслимнинг биродарицир. Унга зулм ҳам қилмайди ва уни (ёмонга) топшириб ҳам қўймайди. Ким бир биродарини ҳожатини битиришда ёрдам қилса, Аллоҳ ҳам унинг ҳожатини битиришда бўлади. Ким бир мусулмондан бирор қайғуни кеткизса, Аллоҳ унинг қиёмат кунидаги қайгуларидан бирини кеткизади. Ким бир мусулмонни (айбини) бекитса, Аллоҳ қиёмат куни унинг (айбини) бекитади)".

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا تَمْنَأُ لِقَاءَ الْعَدُوِّ وَسُلُّو اللَّهُ الْعَافِيَةَ  
وَقَالَ لَا يَحْلُّ لِمُسْلِمٍ أَنْ يَهْجُرَ أَخَاهُ فَوْقَ ثَلَاثٍ يَنْتَقِبَانِ فِي صَدَّهِ هَذَا وَبِصَدَّهِ  
هَذَا وَغَيْرُهُمَا الَّذِي يَدْأُبُّ إِلَى السَّلَامِ وَقَالَ الْمُؤْمِنُونَ لِلْمُؤْمِنِينَ كَاتِبَتَنَا يَسْدُدُ بَعْضَهُ  
بَعْضًا لَمْ يَكُنْ بَيْنَ أَصَابِعِهِ وَقَالَ مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَا يُودُ جَارَةً  
وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لَعْنَةً

*Расууллоҳ (с.а.в.) айтдиларки:* "Душманнита йўлиқишни орзу қилмангизлар, Аллоҳдан оғият сўрангизлар". Дедилар: "Мусулмонга ҳалол бўлмайди бошқа бир мусулмон билан уч кундан ортиқ ҳижрон қилмоқлик. Икковлари йўлиқадилар-да, бу ундан ва у бундан юз ўгирадилар. Икковларининг энг яхшилари саломни олдин берганидир". Дедилар: "Мўмин билан мўмин бир бинодек, баъзиси баъзисини ушлаб туради". Кейин *Расууллоҳ (с.а.в.)* бармоқларини чалкаштирди ва деди: "Ким Аллоҳ ва охират кунига имон келтирса, қўшнисига озор бермасин. Ким Аллоҳ ва охират кунига имон келтирса яхши гап гапирсан ёки жим турсин".

## Қабр тошидаги ёзувлар

Бош томонида: **كُلُّ نَفْسٍ ذَالِقَةُ الْمَوْتُ**

“Ҳар бир нафс ўлимни топгувчиидир”.

Оёқ томонида: **الْقَاءُ لِلَّهِ وَحْدَهُ**

“Боқийлик ёлғиз Аллоҳга хосдир”.

Чап қўл томонда:

فَالَّتِي عَلَيْهِ سَلَامُ: نَصَرَ اللَّهُ أَمْرًا سَمِعَ مِنْ شَيْئًا  
فَلَعْنَةُ كَمَا سَمِعَهُ فَرُبَّ مِلْءٍ أَوْ عَى مِنْ سَامِعٍ.

“Аллоҳ хурсанд қиласи бир кишини, у биздан бирон нарса эшигтан бўлса, шу ҳолатда етказган бўлса. Кўп етказилган кишилар, эшитилгандан кўра сақлагувчироқдир”.

Ўнг қўл томонига “Ҳашр” сурасининг 7 – ояти:

فَالَّهُ تَعَالَى: وَمَا ءاَتَكُمُ الرَّسُولُ فَخَذُوهُ وَمَا لَهَا كُمْ  
عَنْهُ فَاتَّهُوا وَأَنْفَوْا اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ

“Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар ва Аллоҳдан кўрқинглар! Албатта, Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир.”

Қабрга кириш эшигига:

**الْمَوْتُ يَأْتِي بَعْثَةً وَالْقَبْرُ صَنْدُوقُ الْعَمَلِ**

“Ўлим келар тўсатдан. Амаллар сандиги қабр”.

## ИЛОВАЛАР

1. Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи:

Анвар Ҳасанов - вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари, Илҳом Рашидов- вилоят ҳокими ўринбосари, Баҳриддин Ҳамроев – вилоят ҳокими ўринбосари, Азиз Носиров- Самарқанд шаҳар ҳокими, Душан Файзий - Имом ал-Бухорий халқаро ҳайрия жамғармаси ижрочи директори, Назар Аҳмедов- Оқдарё тумани ҳокими, Муҳаммад Аҳмедов – Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти проректори, Фирдавс Абдухолиқов – Самарқанд СТВ ижодий бирлашмаси раҳбари, Ботирхон Валихўжаев – Самарқанд Давлат университети проректори, ЎзФА академиги, Мусо Ғуломов- вилоят архитектура ва шаҳарсозлик Бош бошқармаси бошлиғи, Аҳмад Козимов – вилоят Автомобил йўллари ҳиссадорлик бирлашмаси раиси, Мустафоқул Меликов - Хўжа Зудмурод масжиди имом-хатиби, Абдуҳалим Мадиев - вилоят телекўрсатув ва радиоэзшиттириш қўмитаси раиси, Рафиқ Маърупов -Самарқанд хусусий илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, Холмуҳаммад Нуриллаев – “Зарафшон” рўзномаси муҳаррири, Раим Насимов – вилоят жамоа қурилиш хўжаликлараро трести бошлиғи, Усмонхон Алимов - Имом ал-Бухорий масжиди имом-хатиби, Норкул Остонакулов - “Овози Самарқанд” рўзномаси муҳаррири, Валерий Пустовалов - “Самарқандский вестник” рўзномаси муҳаррири, Фармон Розиков - вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи, Убайдулло Уватов - ЎзФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими, Баҳодир Худойбердиев - “ЎзГазқурилиш” 1-сон трестининг бошлиғи, Худойқул Усмонов - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг вилоятдаги вакили, Тошпўлат Ширинқулов - ЎзФА Самарқанд бўлими раиси, академик, Шуҳрат Шакаров - Челак тумани ҳокими, Маҳмуд Эралиев - вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи.

2. Мажмуани бунёд этишда фаол иштирок этган туманлар, вилоят ташкилотлари:

Челак тумани (ҳоким Ш. Шакаров, ҳокимнинг 1-ўринбосари С. Жўраев);

Оқдарё тумани (Н. Аҳмедов);

Ургут тумани (Н. Маҳматмуродов);

Сиёб тумани (С. Рафиқов);

Вилоят ҳокимлиги архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармаси (М. Ғуломов);

"Самарқандкимёқурилиш" ҳ.ж (А. Раҳимов);

"Бунёдкор" жамоа корхонаси (Б. Худойбердиев);

Вилоят жамоа хўжаликларо қурилиш трести (Р. Насимов);

Вилоят "Ирригация-қурилиш" трести (И. Бобобеков);

"Ўзмаҳсуссувдренаж" механизациялашган колоннаси (Р. Бобобеков);

Вилоят автомобиль йўларидан фойдаланиш акционерлик бирлашмаси (А. Шукуров);

"Самарқанд йўл лойиҳалаш" жамоа корхонаси (С. Зокиров);

Кўприк қурилиш бошқармаси (Ф. Темирбоев);

"Меъмор-96" таъмиrlаш бирлашмаси (Р. Маъруфов);

"Ўзтаъмиrlашунослик" институти (Э. Нуриллаев);

Вилоят архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси (Т. Жалилов);

12-сон дирекцияси корхонаси (Б. Остонов);

Вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси (Н. Арапов);

Вилоят электр тармоқлари корхонаси (М. Қодиров);

Имом ал-Бухорий масжиди (У. Алимов);

Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти (проектор М. Аҳмедов);

"Оби ҳаёт" фирмаси (Э. Сафаров);

"Қишлоқ электрқурилиш" очиқ турдаги акционерлик жамияти (Ш. Туробов);

Вилоят кооператив ва якка тартибдаги уй-жойлари қурилишини мувофиқлаштириш бошқармаси (Р. Сатторов);

"Самарқанд-Мармар" ишлаб-чиқариш бирлашмаси (Б. Бобоқулов);

"Имом ал-Бухорий" ҳалқаро ҳайрия жамғармаси (Д. Файзиев);

Самарқанд сув тизимлари қурилиш корхонаси (Н. Аюпов);

"Самарқандгаз" ишлаб чиқариш бирлашмаси (М. Молут);

"Сантехгаз" монтаж бошқармаси (И. Мелников);

"Пўлатмонтаж" бошқармаси (А. Турсунов);

"Ўзсаноатвентиляция" бошқармаси (К. Егизарян);

"Ўзэлектромонтаж" бошқармаси (.В. Орешников);

"Саноатэнергомонтаж" (Б. Ёқубжонов);

112-сон механизациялашган кўчма колоннаси (Г. Мназаканов);

"Лойиҳа" кичик корхонаси (М. Рашидов);

Вилоят молия бошқармаси (Э. Умматов);

Вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси (К. Нуриддинов);

Вилоят электро-алоқа корхонаси бошлиғи (Х. Ҳакимов);

Жума қум каръери (А. Шагай);

Самарқанд қурилиш материаллари ҳиссадорлик жамияти (Л. Мұхаммадиев);

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ВА АҲМАД АЛ-ФАРҒОНӢИ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИ ТҮПЛАШ ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ ХИЗМАТ САФАРИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Экспедиция йўналиши: Тошкент – Туркия – Сурғиа – Иордания – Миср – Тошкент.

Вақти: 1998 йил февраль – 1998 йил 17 март.

Экспедиция аъзолари: А.А.Аҳмедов, У.У.Уватов, А.Исмоилов.

### ТУРКИЯ

Бизнинг сафаримиз Истанбул шаҳридаги ислом тарихи, санъат ва маданияти тадқиқотлари марказининг Боз директори, ислом дунёсининг ва манбалари бўйича йирик олим Акмалиддин Эҳсон ўғли билан учрашувдан бошланди.

Истанбул шаҳридаги Сулаймония кутубхонасининг мудири Навзатбей Қоя мазкур кутубхонанинг Аё София ва Жорулла бўлимларида сақланаётган нашр каталогларида кўрсатилмаган Фарғонийнинг иккита қўлёзмасини кўрсатди. Бу асарлар микрофильм қилиб олинди.

Истанбул муфтийси Салоҳиддин Қоя билан учрашув бўлиб ўтди. У киши Имом ал-Бухорий фаолиятидан хабардор бўлиб, ҳазратнинг бўлажак юбилейига таклифимизни миннатдорлик билан қабул қилди.

## СУРИЯ

Биз Сурия ёзувчилар уюшмасининг раиси Али Уқайил Арсан, исломшунос олим, профессор Нуриддин Атири, Бухорийшунос олим Маҳмуд Арнауд ва Ислом тадқиқотлари институтининг раҳбари Ҳисомуддин Фарвур билан учрашдик. Бухорий тўғрисидаги компььютер маълумотлари билан танишдик.

Мазкур институтда Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Бурхониддин Ахсикатий, Муҳаммад Насафий ва мовароуннаҳрлик бошқа олимларнинг асарлари бўйича маърузалар ўқилар экан. Бу эса ўз навбатида ўтмиш аждодларимизнинг ёзма асарлари ислом дунёсида, жумладан, араб давлатларининг кундалик ҳаётида, илм-фани ва маданиятида алоҳида ўрин тутишидан далолат беради.

Дамашқ шаҳри яқинидаги Қасиён тоғида Аҳмад ал-Фарғоний бошчилигида Дайр Муронн расадхонаси қурилган жойни зиёрат қилдик. Афсуски, у ер ҳозирда аҳоли яшайдиган даҳа бўлиб, ўтмишдаги расадхонанинг изи қолмаган экан.

## ИОРДАНИЯ

Иорданияда бўлган чоғимизда Ислом цивилизациясини тадқиқ қилиш Қирол академиясининг президенти Носируддин Асад ва Ол ал-Байт университетининг ректори Аднон Бахит билан суҳбатда бўлдик. Аммондаги Ол ал-Байт университетининг факултетлари ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-

Хоразмий ва ан-Насафий, Абу Али Ибн Сино, аз-Замахшарий номлари билан аталиб, уларнинг иссломлари факультет-ларнинг деворларига катта харфлар билан ёзиб қўйилган.

Иордания Радио марказида бўлиб, Марказий Осиёлик ислом олимларининг ижоди ҳақида фикр алмашилди. Сафар давомида ватандошимиз Муҳаммад Камол Бухорий бизга катта ёрдам қилди ва Ўзбекистоннинг Иордания билан бўлажак алоқаларини мустаҳкамлашда қўлидан келгунча ёрдам қиласагини билдириди.

### МИСР

Қоҳирадаги "Дор ал-кутуб" (Китоблар уйи)ни зиёрат қилиб, ал-Фарғонийнинг "Усул илм ал-Ҳайза" асарининг қўллөзмаси ва Берунийнинг "Тафҳим" асарининг қимматбаҳо қўллөзмаси нусхаси ва микрофильми олинди.

Нил дарёсини зиёрат қилиб, ярим соатлик фильм олинди. Биз Миқёс (Ниломер)ни асосидан тепасигача ўлчаб, чизмасини олдик. Миқёс 10 метр узунлиқдаги 8 бурчак тош призмадан иборат қурилма. Миқёс атрофидаги цилиндрик девор уч ярусли тош терилган девор бўлиб, ҳар бир ярусда учта аркасимон туннелчалар ўрнатилган. Сув Миқёс асосида ана шу туннеллар орқали ўтган.

Биз билан учрашган ватандошларимиз: "Президентингизни қадрланг, уни бошингизга қўйиб юринг, чунки у сизларга тинчлик ва осойишталикни таъминлаб беряпти. Очликдан ва йўқлиқдан қутулса бўлади, буларнинг давоси бор. Лекин нотинчлик, уруш-жанжаллардан кўп бало ва фалокатлар келиб чиқадики, уларнинг ҳеч қандай давоси йўқ. Аллоҳ таолога беадад шукр қилингки, у сизга раҳбар қилиб ҳар қандай бало-қазони даф қилувчи шундай оқил инсонни муносиб кўрибди", - дедилар.

Ундан ташқари арабларнинг деярли барчаси биздаги ислом ҳақида-“Бу ҳанафий исломдир. Сиздан хар доим бизга илм ва маърифат келган. Ал-Хоразмий, ал-Бухорий, ал-Фарғоний, ат-Термизий каби буюк алломалар сизнинг заминингизда таваллуд топганлар. Бу билан фахрланинг”, -дедилар.

Экспедиция мобайнида 100 дан ортиқ қимматбаҳо китоблар сотиб олиниб, ноёб асарлардан нусха олинди ва микрофильм қилинди. 6 та профессионал кассета фильм, Имом ал-Бухорийга алоқадор 5 мавзуга бағишиланган 33 та компакт дисклар олинди. Ашёлар рўйхати илова қилинмоқда.

ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯНИНГ ХИЗМАТ САФАРИДАН  
ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ВА АҲМАД АЛ-ФАРҒОНӢЙ ҲАЁТИ  
ВА ФАОЛИЯТИГА ДОИР ОЛИБ КЕЛГАН МАЪЛУМОТЛАР,  
КИТОБЛАР ВА АШЁЛАР

(Туркия-Сурия-Иордания-Миср: 23.02.98-17.03.98)

СУРИЯ

1. Латаиф ал-минан (Нодир латифалар), 1 томлик.
2. Навадир ал-усул (Ноёб усуллар), 1 томлик.
3. Ал-адаб ал-муфрид (Одоб дурдоналари), 1 томлик.
4. Тарих ал-Хулафа (Халифалар тарихи) 1 томлик.
5. Ал- футиҳат ал-исламия (Ислом дини тарихи), 2 томлик.
6. Ал-баян ват-таъриф (Ҳадислар баёни ва тарифи), 3 томлик.
7. Мухтасар ал-Бухари (Танланган асарлар), 1 томлик.
8. Самар ал-кулуб (Қалблар меваси), 2 томлик.
9. Ал-минах ар-раҳманийа (Илоҳий инъомлар), 1 томлик.
10. Тарихи дини (Дин тарихи), 1 томлик.
11. Тафсир ал –башар (Тафсирлар), 3 томлик.
12. Ар-равз ал-фаиқ (Танланган ҳадислар), 1 томлик.
13. Фазайл ал-аъмал (Фазилатли ишлар), 1 томлик.
14. Изах мухтасар ас-саҳиҳ (Ал-Бухорий ҳадисларининг қисқача изоҳи), 1 томлик.
15. Қутуф дания (Ҳадис тарихидан), 1 томлик.
16. Мұсхаф ар-рубъ ( Қуръон), 2 дона.
17. Миқанд ал-арбаъийн (қирқ ҳадис ҳақида), 25 дона.
18. Ҳаят ал-Бухари (Ал-Бухорий ҳаёти), 1 томлик.
19. Кайфа таҳажжа ва таъмамар (Ҳаж ва умра ҳақида), 5 дона.

20. Шарх ан-нахийа (Грамматик шарх), 4 дона.
21. Иршад туллаб (Талабаларга йўриқлар), 3 дона.
22. Манхаж ан-нақд фи улум ал-Ҳадис (Ҳадис илмини ўрганиш ҳақида), 3 дона.
23. Ал-Ҳажок вал умра (Ҳаж ва Умра ҳақида), 1 дона.
24. Улум Қуръон ал-Карим (Қуръони карим илмлари), 5 дона.

Кўлёзмалар ва китоблар ёзилган компакт СД дисклар

25. Ал-ҳадис аш- шариф (Ҳадиси шарифлар), 10 дона.
26. Ал-Қуръон ал-карим (Қуръони карим), 5 дона.
27. Ал-луғал арабий (Араб тили), 5 дона.
28. Табдил ал-ҳуруф (Ҳарфларнинг ёзилиш усуллари), 5 дона.
29. Сира набавия (Пайғамбар ҳаёти), 5 дона.
30. Ан–Насафи. Баҳр ал-Қалом, Дамашқ, 1997, (Сўзлар денгизи).
31. Ал- Табадул ас-сақафи байна билад аш-Шам ва билад фарс, Дамашқ, 1979 (Маданий алоқалар тарихидан).
32. Ал-адаб ал-ажнабий, ж.№93, 1997, Дамашқ (Хорижий адабиёт).
33. Ал-мавқиф ал-адабий, ж.№ 322, феврал 1998. Дамашқ. (Адабиёт журнали).
34. Ал-фикр ал-сийаси, Дамашқ, 1997. ("Сиёсий фикр" журнали).

## ИОРДАНИЯ

1. Ат-тарих, ал-арабий (Араб тарихи).
2. Мухтасар саҳиҳ Бухари (Саҳиҳ Бухорий).
3. Ал-Жамич фи фиқҳ ан- набл (Фиқҳ илми ҳақида)
4. Имам-ал Бухари мұҳаддисан ва фақиҳан (Имом ал-Бухорий мұҳаддис ва фақиҳ).
5. Машахир улама амсар (Машҳур уламолар).
6. Ал-жамъ байна саҳиҳийа (Икки саҳиҳ ҳақида).

7. Ат-таъриф би шўнух (Имом ал-Бухорий устозлари таърифи).
8. Ал-Ҳадис вал мухаддшивия (Ҳадис ва муқаддима).
9. Фикҳ Имам ал Бухари (Имом ал-Бухорий фикҳ илми ҳақида).
10. Ал-хатта фи зикр ас-саҳиҳ. (Саҳиҳни ўрганишга доир қўлланма).
11. "Саҳиҳ имам-Бухари" микрофильми.
12. "Имам ал-Бухари". "Ал-Ҳамаданий" фотонусхаси.

#### МИСР

1. Фатҳ ал-бари (Шарҳлар), 1 дона.
2. Ал-Ансаб (Насаблар), 5 дона.
3. Имом Бухари (Танланган асарлар), 10 дона.
4. Ал-кавалик ад-дараайя (Ҳадислар ҳақида), 2 томлик.
5. Табақат ас-суфийа (Сўфийлар табақалари), 1 томлик.
6. Авн ал-Барий (Шарҳлар), 5 томлик.
7. "Ал-Фарғани. Усул илм-ал-Ҳайъат" фотонусхаси, (Фалакиёт илми ҳақида).
8. "Ал-Беруни. Китоб ат-тафхим" фотонусхаси, (Тушунтириш китоби).
9. "Ал-Фарғани. Саласуна фасл фил-хайа" (Фалакиёт илми ҳақида ўттиз фасл).
10. Асар ал-Фикр ал-истишрақл фи-л-мужтаъмиъат ал-исломия, Қоҳира университети, 1997. (Исломий жамиятда фикр алмашувнинг роли).
11. Рисала ал-Машриқ, ж. №94, 1995. Қоҳира университети. ("Машриқ" журнали).
12. Тарих ал-адъян, Қоҳира университети, 1996. (Фикрлар тарихи).

#### ТУРКИЯ

1. Османлў астрономии литературу тарихи. Истанбул, 1997. 2 томлик.

- 
2. Мухтарат мин ал-махторат ал-надира фи мактабат Туркия. Истанбул, 1997, Туркия кутубхоналаридаги нодир қўллёзмалар каталоги.
  3. Фуат Сезин. Бухари қайноқлари ҳақинда араштирмалар. – Фотонусха, тадқиқотлар.
  4. Микрофильм РКП 2843/2, Аё София, ал-Фарғоний, Астрономия.
  5. Микрофильм РКП 39, Аё София, Ал-Фарғоний. Астрономия.
  6. Микрофильм РКП 1279/5, Аё София, Ал-Фарғоний. Астрономия.
  7. Микрофильм РКП 1162, Сулаймония, Ал-Бухорий, Ҳадис.
  8. Микрофильм РКП 1129, Сулаймония, Ал-Бакр аш-Шаши. Ал-Улама фи ихтилаф ал-мазахиб. (Мазҳаблар, уламолар ўртасидаги ихтилофлар ҳақида).
  9. "Сокровения ал-Бухари" нодир нусхаси (Танланган асарлар).

---

## ИЗОХЛАР

- <sup>1</sup> Каримов И. А. "Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз", 7 жилд, 183-бет.
- <sup>2</sup> Ушбу бўлим муаллифнинг Бахтиёр Набиҳон ўғли билан ҳамкорликда ёзилган "Имом ал-Бухорий – муҳаддислар султони" ("Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, Т. 2004.) рисоласи асосида тайёрланган.
- <sup>3</sup> С. Абдуллаев. Ислом манбаларида эътиқод эрки масаласи. Илмий-таҳлилий ахборот. 2002 йил 1-сон. 7-бет.
- <sup>4</sup> Ўзбекистон ССР тарихи, 1-жилд, "Фан", 1970, 308-бет.
- <sup>5</sup> Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. "Ўзбекистон". Тошкент, 1999, 52-бет.)
- <sup>6</sup> Самарқанд тарихи, "Фан", Тошкент, 1971, 150-бет.
- <sup>7</sup> А. Кюгельген, А. Мўминов, "Ҳаср Самарқанд илоҳиётчилари. Имом ал-Бухорий сабоқлари", 2003 йил, 1-сон, 15-бет.
- <sup>8</sup> Абдулҳай Лакнавий, "Ал-Фавоид", 231-бет.
- <sup>9</sup> Абдулҳаким Шаръий Жўэжоний, Ислом ҳуқуқшунослиги. Тошкент ислом университети нашриёти, 2002 йил, 221-бет.
- <sup>10</sup> А. Мўминов. Мовароуннаҳр мусулмонлари: Ҳанафийлар "Шарқшунослик", 1999 йил, 9-сон
- <sup>11</sup> Н. Комилов. Ҳикмат ва ибрат достони. "Тафаккур", 2003 йил, 4-сон, 54-бет.
- <sup>12</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук. Тошкент. Адодлат, 1997 йил, 11-бет.
- <sup>13</sup> Juynboll G.H.A. Muslim tradition: Studies in chronology, provenance and authorship of early hadith.-Cambridge, London, New York, New Rochelle, Melbourne, Sydney: Cambridge university Press, 1983.- Б. 6.
- <sup>14</sup> Қанд. 1991. – Б. 50.
- <sup>15</sup> Нажмуддин ан-Насафий. "Ал-қанд фий зикри уламои Самарқанд", (Арабчадан Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набиҳон ўғли таржимаси), "Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2001 йил, 225-бет.
- <sup>16</sup> Қанд. 1991. – Б. 528.
- <sup>17</sup> Абул Ҳаким Самарқандий. Қандия . Сўзбоши, изоҳ ҳамда форс-тожик типидан таржима муаллифи Комилхон Каттаев. – Самарқанд: Сўғдиён, 1994. – Б. 25-35

<sup>18</sup> Бартольд. – Т. I – Б.142-143

<sup>19</sup> Қанд. 1991. – Б. 528-532

<sup>20</sup> Халифа Алининг ўғли. Муҳаммад пайғамбарнинг набираси.

<sup>21</sup> Нажмуддин ан-Насафий. "Ал-қанд фий зикри уламои Самарқанд", (Арабчадан Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набиҳон ўғли таржимаси), "Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2001 йил, 226-бет.

<sup>22</sup> "Қомус ул-аълом", IV -жилд, 3177-саҳифа

<sup>23</sup> "Қомус ул-аълом", VI -жилд, 4319-саҳифа

<sup>24</sup> "Самария", 234-саҳифа

<sup>25</sup> "Самария"нинг бошқа қўлёзмаларида (ЎзФАШИ қўлёзмаси, инв. 412 ва 1156 (Фозийлар ёнида)

<sup>26</sup> "Кашф уз-зунун", 234-саҳифа

<sup>27</sup> В.Л.Вяткин, "Самария". 247-саҳифа

<sup>28</sup> Абу Тоҳирхожа. "Самария". Тошкент, "Камалак", 1991й, 29-бет

<sup>29</sup> Ўша асар. – Б. 165.

<sup>30</sup> Ўша асар. – Б. 242-243.

<sup>31</sup> Қанд. 1991. – Б. 353-354

<sup>32</sup> Ансоб. – Т. V . – Б. 50-51

<sup>33</sup> Қанд. 1991. – Б. 50-51

<sup>34</sup> Ўша асар. – Б. 50.

<sup>35</sup> "Самарқандия", 229-бет.

<sup>36</sup> Маҳмуд ат-Таҳрон. Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис. – Ар-Риёд: Мактабат ал-маориф, 1987. – Б. 128-129

<sup>37</sup> Рудольф У.Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 43-55.

<sup>38</sup> "Ал Қанд", 37-бет

<sup>39</sup> "Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи". Ислом Каримовнинг "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси, "Халқ сўзи", 2007, 24 феврал.

<sup>40</sup> Ўша интервью.

---

## МУНДАРИЖА ТАРИХНИНГ ОЛТИН ЗАРВАРАГИ

Буюк алломага юксак эҳтиром .....	3
Вазирлар Маҳкамасининг қарори .....	8
 ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ МАҲНАВИЙ ҲАЗИНАСИ	
Имом ал-Бухорий яшаган давр .....	11
Имом ал-Бухорийнинг насаблари .....	13
Имом ал-Бухорийнинг таваллудлари ва улғайишлари .....	13
Беназир қобилияят соҳиби .....	14
Илм талабида риҳлат (сафар) қилганлари .....	15
Икки ҳарам – Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварага йўл олганлари .....	20
Юртма-юрт кезгандлари .....	21
Имом Аҳмад билан учрашиб ҳамсұхбат бўлганлари .....	22
Устозлари .....	23
Кувваи ҳофизалари .....	24
Самарқандда имтиҳон қилинганлари .....	26
Бағдодда имтиҳон қилинганлари .....	27
Басрадаги дарслари .....	29
Имом ал-Бухорийнинг ўз юртларига қайтишлари .....	29
Имом ал-Бухорийнинг вафотлари .....	31
Шеърлари .....	32
Мусулмонларнинг Имом ал-Бухорийга бўлган муҳаббатлари .....	33
Асрлари .....	33
"Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" .....	34
"Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"нинг ёзилишига турткি бўлган симиллар .....	36
Имом ал-Бухорий "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"ни қандай ёздилар? ..	37
"Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"нинг ёзилиш муддати .....	38
"Саҳиҳ"нинг афзалликлари ва одамларнинг унга нисбатан айтган олиши мадҳлари .....	39
"Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ"нинг олтида "саҳиҳ" китоби орасида тутган ўрни .....	40
Бухородаги буюк устозлари .....	41
Уламолар Имом ал-Бухорий хусусларида .....	47
 МУСТАБИД ЗАМОН ИСКАНЖАСИДА	
Давр зулми оғатлари .....	64
"Шундай кунлар албатта келади" .....	75

---

## САМАРҚАНДНИНГ ИСЛОМ ОЛАМИДАГИ ШУҲРАТИ

Дунё уламолари эътирофи .....	80
Самарқанд – дунё тамаддуни бешикларидан бири .....	82
Самарқандга ҳадис илмининг кириб келиши .....	91
Ислом оламида илоҳиёт ва унинг Самарқандда ривожланиши хусусиятлари .....	98

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

Орзулар рўёби .....	118
Хатми Куръон куни .....	118
Муборак сафар .....	122
Ўзбекистон – даҳолар юрти .....	124
Армонлар ушалган кунлар .....	128
Бу йўлдан Имом ал-Бухорий ўтганмилар? .....	128
Тувал бобо хизмати .....	133
Ҳамманинг тилида Ҳазратнинг номи .....	135
Инсоннинг қўли гул .....	137
Тўқсон ёшли ота армони .....	139
Бутун Ўзбекистон ҳашарга келди .....	142
Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин .....	150

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ МАДРАСАСИ – ҲАДИС ИЛМИ МАРКАЗИ

Зиёрат тартиби ва одоби .....	156
Имом ал-Бухорий мажмуасидаги битиклар .....	159
Мажлислар хонаси .....	162
Ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик .....	164
Музей .....	165
Масжид .....	167
Кутубхона .....	169
Мақбаранинг ички қисмидаги ёзувлар .....	181
Иловалар .....	187
Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларни тўплаш илмий экспедициясининг хизмат сафари ҳақида қисқача маълумот .....	189
Илмий экспедициянинг Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва фаолиятига доир олиб келган китоблар ва ашёлар .....	192

Усмонхон Алимов

## Имом ал-Бухорий баракоти

Имом ал-Бухорий ҳаёти ва ижоди, буюк муҳаддис  
ёдгорлик мажмуи қурилиши тарихи ҳамда Ўзбекистонда  
исломий қадриятларнинг тикланиши ҳақида

Муҳаррир

А. Ниёзов

Мусаҳҳих

М. Садиров

Рассом

А. Бурхонов

Техник муҳаррир

М. Алимов

Саҳифаловчи

А. Жуманиёзов

Босишга 18.04.2007 й. рухсат этилди. Бичими  $84 \times 108 \frac{1}{32}$   
10,5 шартли босма табоқ. 1,0 рангли вклейка. 9,45 нашр табоғи.  
Адади 3000 нусха. Буюртма № 51.

«Мовароуннаҳр» нашриёти  
100069, Тошкент ш., Зарқайнар кўчаси, 47<sup>а</sup> уй.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.  
100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ўқитувчи» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
100194, Тошкент ш., Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1 уй.